3. *Глобал трансмиллий банклар* бутун Жаҳон бўйлаб кенг тарқалган филиаллари ва "шўъба" банклари мавжуд. Улардан ҳар бири Жаҳонни барча молиявий марказларида амал қилади ва глобал миқёсда ўз миџозларига комплекс молиявий хизматнинг барча турларини кўрсатишади. Одатда, уларнинг миџози турли давлатларнинг ҳукуматлари ва йирик трансмиллий компаниялар (ТМК) ҳисобланади. Бу гуруҳга, одатда, ўрта ҳисобда 100 банк қиради. Уларнинг биринчи ўнтаси,

миллиардлаб шаксий капиталига эга ва уларни таркиби қуйидаги жадвалда кўрсатилади:



1-расм. Жаҳонда ўта йирик активга эга бўлган трансмилий банклар (ТМБ) (млрд. долларда)²

Жаҳонда активнинг миқдори жиҳатидан ўта йирик бўлган рўйхатдаги 100 та глобал банк ва молиявий компанияларнинг ўккита биринчи ўринни Япония компанияси эгаллайди, улар қўшилиш натижасида ташкил толган: Mizuho Holdings ва Sumitomo Mitsui Banking. Бу рўйхатда жами бўлиб 11 ўринни япон компаниялари эгаллаган.

Шунингдек бу рўйхатда Европа молиявий компанияларининг ўрни 53 тага етди. Шундан 11 таси – Буюк Британияда, 9 таси – Германияда ва 8 таси – Францияда жойлашган.

Европанинг энг йирик молиявий компаниясини немисларни Deutsche Bank ва Allianz компаниялари ташкил этади.

Америка молня компаниялари ушбу рўйхатдан 26 та ўринни эгаллаган. АҚШнинг энг йирик компанияси Citygroup ҳисобланади ва рўйхатда учинчи ўринни эгаллаган. Саккизинчи ўринни J.P. Morgan Chase эгаллаган, у J.P. Morgan Chase ва Chase Manhattan компанияларининг қўшилиши натижасида пайдо бўлган. Бу глобал банкларни улушига банк активларини ярмига яқини тўғри келади.

4. **Йирик трансмилий банклар** моливий марказларда ва Офшор зоналарда ўзининг ваколатхоналари, филиаллари ёки “шўъба” банкларини очиган. Йирик трансмилий ва глобал банклар ёки умуман турли хил гуруҳдаги тижорат банклари ўртасидаги чегара ёки тафовут жуда кўп ва улар анча чалқаш ҳамдир. Глобал ва трансмилий банклар қаторига 500 тага яқин банкларни қўшиш мумкин, улар барча банк активларининг 85 %ини назорат қилишади. 13 та йирик молиявий марказларда ҳозир 1000 тага яқин глобал ва трансмилий банкларнинг филиаллари ва ваколатхоналари ишлаб турибди, уларнинг кўпчилиги ривожланган давлатларда жойлашган.

² Интернет сайтлари оркали муаллиф ишланмаси.

5. **Миллий банклар** асосан ўз давлатларининг территорияларида амал қилади. Гоҳида улар хорижий давлатларда ваколатхоналари ва филиалларини очишади, бир сўз билан айтганда, булар ҳам нисбатан унча катта бўлмаган трансмилий банклар ҳисобланади. Хорижий давлатларда бир-икки ваколатхонаси ёки филиали бўлган банклар миллий банклар гуруҳига қиради. Трансмилий банклар сони унчалик катта эмас. Мисол учун, Америкадаги 15 минг банклар ичида 150 таси (ёки жами банкларни 1%) трансмилий ҳисобланади. Миллий банклар, белгиланган тартибга асосан хорижий банклар билан кенг корреспондентлик тармоғига эга бўлишади.

6. **Ўрта ва кичик регионал, тармоқ ва ихтисослашган банклар**, одатда, ўзининг региони ёки тармоғи доирасида амал қиладилар. Кўп ҳолларда бу банклар халқаро валюта бозорларига ва Евробозорга мустақил равишда чиқишмайди. Бу гуруҳдаги банклар барча миллий банклар билан ва кўргазма учун хорижий банклар билан корреспондентлик муносабатларини ўрнатган бўлишади. Жами бўлиб ривожланган давлатларда 28 мингтага яқин банклар бўлса, шундан катта қисми шу гуруҳдаги банклар қаторига қиради.

7. **Офшор банклар** дунё банк тизимида яна бир муҳим гуруҳни ташкил этади. Ҳозирги вақтда улар жуда кенг тарқалган. Уларсиз трансмилий банкларнинг операцияларининг биронтаси ҳам амалга оширилмайди. Офшор банклар, офшор компаниялари сингари ўз олдидларига мақсад қўйиб тузилади. Улардан энг асосийси – солиқ тўланишини минималлаштириш.

Офшор банклар қуйидаги ўзига хос томонларга эга:

- банкни рўйхатдан ўтказган давлатларни резидентлари билан ишлаш ҳуқуқига эга эмаслик;
- рўйхатдан ўтиш учун тўланадиган устав капитали миқдори, бошқа давлатларга нисбатан анча паст бўлади;
- банк солиқ тўловларидан тўлиқ озод этилган бўлади;
- офшорда резерв сақлаш ва бошқа банк нормалари бўйича талаблар, бошқа давлатларга нисбатан жуда ҳам кам талаб этилади, давлатдан ташқари операциялар бўйича валюта назорати бутунлай мавжуд эмас.

Қуйидаги офшор банклар Жаҳон иктисодиётида катта аҳамиятга эга: Мэн, Гернси ва Джерси ороллари, Багам ороллари, Сент-Кристофер ва Невис Федерацияси, Нидерландиянинг Антил ороллари, Аруби (Италия мафиясининг анъанавий макони), Кайман ороллари, Қариб давлатларига тегишли Теркса ва Кайкоса ороллари, Британиянинг Виргин ороллари, офшор бизнесининг бешинги ҳисобланган Панама ва ниҳоят бизга яқин бўлган Кипр давлати. Кейинги вақтда офшор бизнеси донги чиққан Швейцариянинг хусусий банклари орқали кенг ривожланмоқда.

Кайман оролларида 500 дан ошқ офшор банклар ва 1300 та суғурта компанияси, Жаҳоннинг 50 та йирик банкларини 43 та филиал ва “шўъба” банклари рўйхатдан ўтказилган. Кайман оролларидаги банк филиалларида тўпланган депозит омонатининг жами миқдори астрономик суммага етиб, 150 млрд. долларни ташкил этмоқда. Гонконгда хорижий банкларнинг 1,5 мингдан ошқ филиаллари амал қилмоқда.

Ҳозирги шароитда Жаҳон трасмилий капиталининг биронта ҳам молиявий чизмаси офшор банкларини иштироксиз, умуман амалга оширилмайди.

Жаҳон банк тизими ўзида бутун планета тармоғини мужассам акс эттиради. қайсики унинг бўғунларида – халқаро молиявий марказлар – йирик ТМБ ва унинг филиаллари тўпланган (ёки йиғилган). Ҳар бир глобал ва йирик ТМБ ўзининг филиал тармоқлари ва шўъба банкларига эга ҳамда улар Жаҳон давлатларининг катта қисми

да фаолият кўрсатмоқда. Бу тармоқлар тизимдаги молиявий оқим учун магистрал қувур хизматини ўтайди. Трансмиллий ва энг аввало, миллий банкларга ҳудудий ва тармоқ банклари корреспондентлик муносабатлари тизими орқали уланган, уларни сони жуда ҳам кўп.

Халқаро фаолият маълум бир ташкилий ишларни талаб этади. Одатда, банкнинг бош офисида ихтисослашган *халқаро департамент* амал қилади. Унчалик катта бўлмаган банкларда бўлим ёки гуруҳ бўлиши мумкин.

Энди банкларни хорижий ваколатхоналари, филиаллари ва “шўъба” банклари фаолиятини таҳлил қилишга ўтамиз.

1. *Хорижий ваколатхонада*, одатда, штатлар унча катта бўлмайди, битта тажрибали мутахассис ва котибдан иборат бўлади. Улар маҳаллий банклар билан корреспондентлик муносабатлари тўғрисида келишилади, маҳаллий молия бозори тўғрисида маълумот йиғишади. Баъзи бир давлатларда хорижий банкларни филиаллари ва ваколатхоналари очилиши тақиқланган. Кўпинча ваколатхоналар иши филиал очилиши билан давом этади.

2. *Хорижий банк филиаллари* ўзининг операциялари бўйича мустақил банкларга ўхшаб кетади. Улар мустақил равишда ходимларни жалб қилади, депозит ва омонатлар қабул қилади, кредитлар беради ва маҳаллий молия бозорида иш юритади. Филиаллар ота банк (бош банк) топшириғи бўйича халқаро операцияларни амалга оширади. Бирор бир давлатда филиал очиш учун қабул қилаётган давлатни ҳукумати ва марказий банки рухсатномаси бўлиши зарур.

Баъзи бир давлатларда хорижий банкларнинг филиалларига маълум бир операциялар тақиқланган. Мисол учун, АҚШ хорижий банкларининг филиаллари учун, Федерал Резерв Тизимининг (ФЗТ) мажбурий захира талаби, филиалдаги жалб этилган депозитлар учун суғурта бўйича Федерал корпорациянинг мажбурий суғурта тартиби қўлланилмайди ва улар бўйича суғурта мукофоти тўлашнинг кераги йўқ.


АҚШда 1981 йилдан бошлаб, бош офисда АҚШ ҳудудисда жойлашган, хорижий банкларнинг филиаллари *халқаро банк бирлиги* (ХББ) деб номланадиган, махсус ҳисоб очиш ҳуқуқига эга. Бу ХББ ҳисобида евродоллар депозитларини қабул қилиш ва евродоллар кредитларини бериш мумкин. бунда ФЗТ захираси талаб этилмайди ва ФК суғурта депозити талаби бўйича суғурта қилинмасдан амалга ошириш мумкин. ХББ операциялари фақат хорижий резедантлар билан амалга оширади ва кредитлар фақат АҚШ территориясидан ташқарида ишлатилиши мумкин. Депозитларни минимал миқдори ХББ учун 100 минг доллар даражада белгиланган.

Офшор зонасида гоҳида шелл-филиал (shell branch) деб аталувчи филиал тузилади, у мустақил амал қилади, бош офисда амалга ошириляётган операциялар учун, юридик ниқоқ бўлиб хизмат қилади қолос. Улар ваколатли маҳаллий банкирлар томонидан номинал бошқарилади, чунки улар бош офис орқали реал расмийлаштирилади ҳамда евродепозит қабул қилиш ва еврокредит бериш бўйича “почта қутиси” сифатида ишлатилади. АҚШ трансмиллий банкларининг 70 фоизида ўзларининг шелл-филиаллари мавжуд.

Халқаро “шўъба” банклари юридик жиҳатдан мустақил банклар ҳисобланади, уларни назорат пакети “ота” банк амал қилаётган давлатга қарашли бўлади. Булардан фарқи шундаки қўшма банкда “ота” банк назорат пакетига эга бўлмайди ва назоратни бошқа банклар ва компаниялар билан бўлишади. Кўпчилик йирик трансмиллий банклар, қасрда хорижий филиаллар очилиши тақиқланган давлатлар бўлса, филиаллари ва “шўъба” банкларини тузиш орқали ҳаракат қиладилар. Аммо кейинги йилларда трансмиллий банклар тизимида “шўъба” ва қўшма банкларни улушнинг

қўпайиши тенденцияси юзага келмоқда. “Шўъба” банклар “ота” банкдан умумий директивалар, нормативлар ва лимитлар олишади ҳолос.

Халқаро банк операцияларини тўртда катта гуруҳларга бўлиш мумкин:



1-расм³. Халқаро банк операциялари ва хизматлари

Тўртинчи гуруҳ турли туман банк хизматларини ташкил қилади ва улар халқаро нокредит операциялари деб аталади. Ҳозирги пайтда бу замонавий банкларга бу хизматлар сезиларли даражада даромад келтиради. Бунинг таркибига валюта, фонд ва дериватив бозорлардаги ишлар ҳамда андеррайтинг, молиявий консалтинг, молиявий бозор маркетинги ва бошқалар кирди.

³ Хорижий мамлакатларда банк иши. Э.Т. Қодиров., Ж.К. Маждов. Ўқув қўлланма/ Т. 2016. 184 бет.

1.3. Банкларнинг корреспондентлик муносабатлари ва банк ҳисоб-китоблари технологияси

Корреспондентлик муносабатлари деганда банкларнинг маълум режимда информацияларни алмашиши, ҳисоб-китоб рақамларини очтиш ва молиявий операцияларни амалга оширишга келишиб олишлар тушунилади. Корреспондентлик келишуви икки томонлама шартнома шаклида ёки ҳатларни алмашиш йўли билан тузилади. Корреспондентлик муносабатлари ҳисоб-китоб рақами очмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин, унда ишлар информация алмашиш билан чегараланади холос. Банкларнинг корреспондентлик ҳисоб рақами режими корхоналарни ҳисоб-китоб рақами режими сингари жорий ҳисоб рақами ҳисобланади.

Корреспондентлик муносабати ўрнатилганда, банклар банк номидан ҳужжатларни имзолаш ваколатига эга бўлган шахснинг имзо нусхалари ҳамда электрон имзо ва электрон усулда ҳужжатларни етказишда имзо ўрнига ишлатилувчи пул ўтказиш (телекс) калити билан алмашадилар. Корреспондентлик муносабати ўрнатилган ҳар бир банк учун, одатда, махсус досье очилади ҳамда унда барча зарур ҳужжатлар сақлаб борилади.

Банклар хорижий корреспондентлик банкларини танлашда унга ўта астойдил ёндашилади. Ҳаммадан аввал ушбу давлатда банк томонидан корреспондентга бўлган эҳтиёж инobatга олинади. У, одатда, бу давлатга банк мижозларининг қизиқиши билан асосланади. Танланадиган номзод банкнинг бугунги кундаги фаолияти ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамлиги ҳамда ўта барқарорлиги астойдил ўрганилади. Одатда, корреспондент сифатида таниқли ва етарли равишда йирик банк танланади, унинг ишончлилиги ва хорижда зарур банк хизматларини операцияон қўллаб-қувватлаш борасидаги таъминлаш имкониятларинга эътибор қаратилади.

Агар миллий даражада тўловлар марказий банк орқали амалга оширилса, халқаро ҳисоб-китоблар учун асосан банклараро корреспондентлик муносабатлари ишлатилади. Банклар бошқа давлатдаги банк-корреспондентларда *жорий операция ҳисоб (талаб қилиб олингунча депозитлар)* рақамини очадилар. Бу ҳисоб рақамини очган банк, аввало, ўзини ва сўнгра мижозларининг эҳтиёжига хизмат кўрсатиш учун ундан фойдаланади.

Хорижий банклар томонидан маҳаллий банкларда талаб қилиб олингунча депозитлар ҳисоби, лоро ҳисоби (итальянчадан "loro" – улар) деб аталиш қабул қилинган. Баъзи бир давлатларда бу ҳисоблар *востро ҳисоби* (итальянчадан "vostro" – сизнинг) ҳисобингиз деб аталади. Ривожланган давлатларнинг йирик банклари бошқа давлатларни банкларига тегишли бир қанча лоро ҳисобларини очиб унга хизмат кўрсатадилар. Йирик банклар учун, лоро ҳисобини ушлаб туриш, яъни бу депозит ҳисобларда бошқа банклар пулини ушлаб туриш улар учун бу қўшимча молиявий ресурс ҳисобланади. Одатда, уни ишлатишдан олинадиган даромад ҳисобни ушлашга кетадиган ҳаражатдан анча кўп бўлади. Бу ерда миллий валютада банкдаги корпоратив мижозларнинг ҳисоб рақами сингаридир, чунки банклар уларга жойлаштирилган маблағларни ҳам худди қўшимча молиявий ресурс сифатида ишлатадилар. *Лоро ҳисоби* ҳисобни ушлаб турган банк учун *мажбурият* ҳисобланиб, ҳисоботда *пассив* ҳисоблар қаторига қўшилади. Худди бошқа депозит ҳисоблар сингари кўпгина давлатларда марказий банк томонидан лоро ҳисобидаги маблағ учун мажбурий резерв ажратмаси аниқланади.

Маҳаллий банклар томонидан хорижий банкларда очилган ҳисобни *ностро* ҳисоби (итальянча "nostro" – бизнинг) деб аталади. Ҳисобларни мақсадни ҳаммадан аввал қулай қилиб биринчи ҳарфдан эслаб қолиш мумкин, яъни *ностро* – улардаги

бизнинг ҳисоб, лоро — уларнинг биздаги ҳисоби. Шунда битта банкнинг лоро ҳисоби унинг корреспонденти учун ностро ҳисоби ҳисобланади. Ностро ҳисоби баланснинг актив қисмида *талаблар* сифатида ҳисобга олинади. Ривожланган давлатларнинг банклари ҳар бир лоро ҳисобига нисбатан хорижий валюталада ностро ҳисоби очиниша ҳаракат қилишмайди. Агар лоро ҳисоби қўшимча даромад олиб келса, ностро ҳисоби уни ушлаб туриш учун на фақат ҳаражат, балки ресурсларни ҳам чалғитади. Мисол учун, Америка банклари хорижий банкларда бошқа валютадаги ностро ҳисобини ушлаганга нисбатан доллардаги лоро ҳисобини нисбатан кўпроқ ушлайди. Халқаро банк ўзини ностро ҳисобини халқаро саноат корпорацияси менежментига хос тамойиллар асосида бошқаради. Яъни, улар ностро ҳисобида ишламайдиган активларни жойлаштиришни минималлаштирадилар, вақтинчалик бўш маблағларини максимал самарали жойлаштиришга ҳаракат қиладилар ва ҳақозо. Бир вақтнинг ўзида, ўзининг миқозларини валютага бўлган эҳтимолини қондириш учун, қаерда ностро-ҳисоби очилган бўлса, ўша давлатдаги ностро-ҳисобида маълум миқдордаги ликвидли қолдиқни ушлаб туриш керак. Ностро ҳисобида хорижий валютани ушлаб туришда маълум валюта рисқи юзага келади, уни баҳолаш ва зарур бўлса хеджирлаш керак.

Лоро ва ностро ҳисоблари хорижий давлатнинг валюталарида очилиши мумкин, бу рақам очилган банкда шу давлатни валютасида ёки учинчи давлатни валютасида ҳам ҳисоб очилиши мумкин.

Ҳар бир банк ўзининг лоро ва ностро ҳисоби бўйича бухгалтериясини, яъни учетини юритади. Банклар вақти-вақти билан ўзларининг ёзувларини солиштириб туради, агар хатоликлар ва номувофиқлар юзага келган бўлса, уни тўғрилайдилар.

Барча зарур валюта операцияларини амалга ошириш учун битта ҳисобнинг ўзи ҳам етарли бўлади. Одатда, бунақанги ҳисобга ривожланаётган давлатларни банклари учун ривожланган давлатнинг банкида очилган лоро ҳисоби хизмат қилади. Бу ҳисоб ишлатилиш пайтида ҳисобни эгаси ривожланаётган давлатни банки топшириқномаси бўйича маблағ ҳисобга туширилади (ҳисоб кредитланади) ва ундан маълум сумма чиқарилади (дебетланади). Мисол учун, Ўзбекистон банки Германиядаги корреспондент банкдаги ўзининг ҳисобидан маълум суммадаги еврони Ўзбекистонга товар импорт қиладиган миқозга тўлаб беришига топшириқ бериши мумкин. Бунда Ўзбекистон банкидаги импортёрнинг валюта ёки сумдаги ҳисобидан тегишли сумма ундириб олинади. Шундай қилиб валюта фондиди ҳаракати амалга ошади, яъни у Ўзбекистондаги банкни ва невис корреспондент — банкнинг бухгалтерия китобида маълум ёзувларни амалга ошириш билан тугалланади. Ўзбекистон банки Америкадаги корреспондент банкига ўзи учун Америка компаниясининг акциясини сотиб олиш учун, унга тегишли корреспондентлик топшириқномасини бериши мумкин. Унда Америка банки бу банкни лоро ҳисобидан тегишли суммани ҳегириб олади (ҳисобни дебетлайди) ва сотиб олинган акцияни Ўзбекистон банкига жўнатади ёки Америкада ўзини манфаати учун уни ишлатади.

Халқаро кредит олиш учун ҳам ривожланаётган давлатларнинг банклари учун корреспондентлик муносабатлари шакллантирилади. Бундан ташқари, ривожланаётган давлатларнинг банклари ўзининг халқаро репутациясини ошириш учун таниқди ва таъсири катта бўлган банклар билан корреспондентлик муносабатларини ўрнатяшади. Банк корреспондентлар кўпинча ҳамроҳ банкларни синдикатлашган кредитлар учун иштирок этишга таклиф қилиб туришади.

Банк тўловлари технологияси икхита операциядан иборатдир:

1) Банк-корреспондентга хабар (авизо) жўнатиб, маълум юридик ва жисмоний шахсга маълум суммани ўтказиш бўйича топшириқнома бериш орқали;

2) тўлиқ ҳисоб-китоб, яъни пулни (трансферни) амалда ўтказиб беришдан иборатдир.

Узил-кесил ҳисоб деганда – тўловчи (мисол учун, импортёр фирманинг) ҳисобидан корреспондент банкнинг ҳисоби орқали олувчи (мисол учун, экспортёр фирмани) ҳисобига пул маблағини ҳаракати ёки келиб тушишига айтилади. Пул маблағларини ўтказиб бериш жуда ҳам камдан-кам ҳолатларда нақд валютани ҳаракати билан амалга оширилади. Ҳамма вақт ҳам пул ўтказиб беришлар оддий бухгалтерия ёзувлари шаклида ўз тимсолини топади. Сотиб олувчи, яъни тўловчи ҳисобидан пул чиқарилади (уни ҳисоби дебетланади), сотувчи, яъни пул олувчининг ҳисоби (кредитланади), яъни пул унга ёзилади.

Ҳисоб-китобларни шккита базаси (асоси) мавжуд.

1. **Рамбурсированиа (қоплаб бериш).** Хорижий банк мижоз-фирманинг (импортёрнинг) талаби бўйича унинг ҳисобидан зурур суммани, экспортёр товар ҳаққини тўлаб бериш учун, ушбу банкнинг мижози ҳисобланган (Ўзбекистонлик экспортёр учун) Ўзбекистон банкнинг лоро ҳисобига пул ўтказиб беради, яъни пул туширилади. Шундан кейин у банк Ўзбекистондаги корреспондент-банкга, унга зарур суммани (рамбурсировал) қоплабергани тўғрисида хабар (авизо) жўнатади. Бу хабарни олиб, Ўзбекистондаги банк, хорижий валютадаги тегишли суммани экспортёрни дастлаб транзит, сўнгра валюта ҳисоб рақамига ёки унинг хоҳишига ва топшириқномасига кўра, долларни ўзбек сўмига конвертация қилиб уни экспортёрнинг ҳисоб рақамига тушириб беради.

2. **Дебетлаш.** Рамбурсирлашга нибатан дебетлаш тескари тартибда амалга ошади. Мисол учун, АҚШдан товарлар импорт қилинаётганда Ўзбекистондаги импортёрни банки, экспортёрни Америкадаги банкига унинг лоро ҳисобидан товар сотиб олиш учун зарур суммани кўчиршига (дебетлашга) кўрсатма беради. Олдиндан у Ўзбекистондаги импортёр фирмани валюта ёки ҳисоб рақамидан тегишли суммани кўчиради. Бу хабарни олиб Америка банки олинган суммани ўзининг мижози бўлган экспортёрнинг ҳисоб рақамига туширади (кредитлайди).

Халқаро валюта ўтказишлари қуйндаги воситалар билан амалга оширилиши мумкин:

- авиапочталар;
- электрон тармоқ орқали;
- хорижий банк чеклари;
- пластик карточкалар ёрдамида

Тижорат банки *авиапочта* ёрдамида валюта ўтказиш шаклини ишлатганда корреспондент банкка пул ўтказиш ҳати (авизовка)ни жўнатади, қайсики уни барча банклар тўлов йўриқномаси ёки кўрсатмаси сингари қабул қилишади. Унда, қанча пул, қайси валютада, қимдан ва қимга ўтказилиши кераклиги кўрсатилган бўлади. Ҳатда узил-кесил ҳисоб-китоб қандай амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган бўлади. Авизода зарур имзолар сони тўлиқ бўлиши ва корреспондент банк ўзида мавжуд бўлган нусха билан ягона эканлигини текширади. Жаҳон амалиётида авизони қалбакилаштириш ҳолатлари ҳам гоҳида учраб туради. Мисол учун, Россияда ХХ асрнинг 90-йилларида кенг масштабда қалбаки авизовкани ишлатиш йўли билан ўғирликлар содир бўлган.

Электрон тармоқ орқали валюта ўтказиш худди авиапочта шаклига ўхшаб кетади. Уни, эскичасига қилиб айтганда, телеграф пул ўтказиши деб ҳам аташади,

чунки XIX асрнинг 60-йилларигача, яъни компьютер тармоқлари юзага келгунча, бунақанги тўловлар телеграф ишлатилиши орқали амалга оширилган. Электрон пул ўтказиш (трансфер) электрон имзолар билан ёки махсус тест калити билан идентификация қилинади.

Банк чеки ишлатилиш билан валюта ўтказиш авиачочта ёрдамида валюта ўтказишга нисбатан анчагина ишончли ҳисобланади, чунки бу ҳолатда банк топшириқномаси тўловчи банкка бевосита келиб тушади. Мисол учун, Ўзбекистон банки АҚШ даги корреспондент банкка жисмоний шахсга маълум суммани бериш тўғрисида топшириқнома билан чек ёзиб беради. У АҚШга келиб, кўрсатилган банкка чекни тақдим этиб ва уни ҳақиқийлиги текширилгандан кейин пулни олади. Гоҳида чекни тақдим қилишда, Ўзбекистондаги банкдан қўшимча тасдиқловчи хабар (авизо) талаб қилинади.

Кейинги вақтда яна ҳам кенг тарқалиб бораётган халқаро ҳисоб-китоблардан бири пластик карточкалар ёрдамидаги валюта ўтказилиш шакли ҳисобланади.

Кейинги 10 йилликда эса хабарларни етказиш ва узил-кесил ҳисоб-китобларни ўтказиш компьютер тармоғини ишлатиш билан амалга ошириш фаол ривожланмоқда.

Халқаро банклараро молиявий телекоммуникация жамияти тизими (Society for World-Wide Interbank Financial Telecommunications – SWIFT) 1973 йилдан бошлаб амал қила бошлади, уни базасида аслида “НАТО” телекоммуникацион каналларининг банк хабарларини етказиш учун ишлатилатадиган тизимга асосланади. У фақат хабарларни етказиш учун ишлатилади, лекин ўзил-кесил ҳисоб-китобларни амалга оширишга мўлжалланмаган.

SWIFT Брюсселдаги штаб-квартираси билан ноτιжорат ҳамкорликда ҳисобланади. Унинг асосида информацияларни қайта ишлаш худудийал марказлари (процессинг марказлари) ташкил этилган (Европа учун) Нидерландияда, (Осиё учун) Токиода, (Шимолий Америка учун) Вашингтонда ва (Ўтин Америкаси учун) Бразилияда. Худудийал процессинг марказлари давлатлар билан боғланган, мисол учун, Москвада (Россия учун), ўз навбатида улар бу тизимнинг аъзолари бўлган банклар билан боғланган. SWIFT 130 та хабарлар стандартларига асосланади, қайсики унда барча банк операцияларини кодлаштирилган, яъни кредитлар, валюта алмашинувлари, аккредитивлар ва бошқалар. SWIFT стандартлари кўпчилик давлатларда информацияни етказиш ва қайта ишлаш учун умумқабул қилинган тартиб ҳисобланади. Улар тўлиқ ҳолда миллий тизимнинг узил-кесил ҳисоб-китобига мос тушади.

Кўпчилик ривожланган мамлакатларда узил-кесил ҳисоб-китоб учун миллий компьютер тизими ишлатилади. Мисол учун, АҚШ Федерал резерв тизими (ФЭТ) ўзининг “FedWire” деб номланган ҳисоб-китоб тармоғига эга. Россиядан ва Ўзбекистондан фарқи шундаки, АҚШда тижорат банкларининг резерв ҳисоби (федерал фондлари) ФЭТда музлатилмаган, улар операция ҳисобланади, яъни улар ҳисоб орқали тўловларни амалга оширса бўлади. Резерв ҳисобидаги ошиқча маблағларни (федерал фондларни), аynи шу дақиқада федерал фондлар учун белгиланган нормативларга етмай турган банкларга сотиш мумкин. Федерал фондларнинг бозори жами пул бозорини амал қилишига асос ҳисобланади. Шу асосда “FedWire” тармоғи амал қилади. Банклараро операциялар амалга оширилишида “FedWire” бир зумда тўловчи ҳисобидан пулни чиқаради (уни ҳисобини дебетлайди) ва уларни пул олувчи ҳисобига ўтказиши (яъни, унинг ҳисобини кредитлайди). Ҳар

бир операция ҳеч бир нарсага боғлиқ бўлмай ва узил-кесил амалга оширилади. шунинг учун ҳам неттинг, яъни умумий ҳисоб талаб қилинмайди.

"FedWire"га альтернатива, яъни талабгор сифатида *Клиринг палатасининг* банклараро тўлов тизими (Clearing House Interbank Payments System – CHIPS) ҳисобланади. "FedWire"дан унинг фарқи-бу хусусий фирмадир. У "on line" режимида ишлайди, яъни тўловлар банкларнинг ҳисоб-китоби 20 компьютер базасидан сўнг – реал вақтда амалга ошади. Бу тизимнинг барча иштирокчилари Нью-Йорк шаҳрида жойлашган. Бир кунлик оборот 1 трлн. доллардан ошади. CHIPS клиринг тизими ҳисобланади, яъни узил-кесил ҳисоб-китоби иш куни охирида амалга оширилади.

Бошқа банклар билан ўзаро боғлиқликни таъминлаш учун CHIPS давлат тармоғи ҳисобланган "FedWire"да ўзининг ҳисоб рақамига эга. Марказий CHIPS компютери иш куни якунида иштирокчилар операцияларининг якуини чиқаради ва унга мувофиқ ҳар бир иштирокчи тизимга канча пул кўшиш керак ёки ундан олиш кераклиги белгиланади. Бундан ташқари, CHIPS тизимдан ташқари банклардан канча пул олиш ва чиқариш кераклиги ҳам аниқлайди. "FedWire" ва CHIPS тармоғи орқали талаб қилинадиган суммалар алмашгандан сўнг, компютернинг ўзи банкларнинг ҳисоб-китоби бўйича нетто-суммаларни тақсимлайди, улар эса ўз навбатида, барча тизим иштирокчилари бўйича тақсимлайди.

1.4. Янги банк хизматларининг пайдо бўлиши, турлари ва уларни жорий қилиш йўллари.

Депозитлар йирик халқаро банклар пасивларини катта қисмини ташкил этади. Мисол учун, 2017 йилнинг бошларида олти йирик Япония банкларининг депозитлари жами пасивлар суммасининг 84,7 фоизига етган. АҚШнинг йирик трансмиллийбанки ҳисобланган Citicorp депозитлари -76,5%, Англиянинг Barclays Bankда- 80,7 %, Франциянинг Banque Nationale de Paris – 78,1 % ва немисларнинг Deutsche Bankда- 62,6 % га эади.

Халқаро ва трансмиллий банкларнинг депозит сиёсати қатор ўзига хос томонларга эга. Уларнинг пасивлари шаклланишида манбаларни кенгайтириш ҳисобига депозитларни жалб қилишда улгуржи деб аталувчи ёндашиш етакчилик қилмоқда, буни таркибида корхоналар, ҳукуматлар, индивидуаль омонатчилар, турли фондларнинг маблағлари ва хайрия жамиятларининг ҳам бўш маблағлари мавжуд.

ТМБларнинг фаолиятининг халқаро миқёсда кенгайиши депозит базаларини диверсификация қилишга олиб келади, чунки омонатчиларнинг доираси кенгаймоқда ва ссуда капитални йиғилиш миқдори ошмоқда.

Иқтисодиётни халқаро милдйлашуви шароитида ТМБ депозит базасини шаклланишида ўзига хослик, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиниши билан ва депозитларни "кўп валютали" аспектда бошқариш билан боғлиқдир. Бу шунда ўз аксини топмоқдаки, ТМБ валюта операцияларини аниқ йўлга қўйилган тизимда бошқаришни шакллантиради, шу жумладан, валюта базалари ўртасидаги мувофиқликни таъминлайди. Халқаро бозорда содир бўлаётган ҳодисаларга қараб, ТМБлар ўзининг депозитлари миқдорини ва ҳамда уларни валюта таркибини ўзгартирмоқдалар. Бу нафақат хорижий операцияларнинг валюта рискинни камайтириш имкониятинияратибгина қолмай, балки ундан каттагина фойда олиш имкониятини ҳам бермоқда.

ТМБнинг кредит операциялари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

Албатта, тушунарли, ҳаракат бир неча бор бошқача тартибда амалга оширилади. Аввало, айтилик ривожланаётган давлатда жойлашган баъзи бир

компаниялар ТМБ маҳаллий бўлимларига мурожаат қилиб кредит сўрайдилар. Ундан кейин юқорида ёзилган барча механизм ишга тушиши учун ҳаракатга солинади. Натижада компания унга маҳаллий банклар кредит бериши мумкин бўлган фойзага нисбатан, анча паст фойзада кредит олади, чунки маҳаллий банклар ушбу давлатни барча солиқларини тўлашади ва ундан ташқари улар капитал бозорига тўғридан тўғри чиқиб арзон ресурсга эга бўла олмайдилар. Шундай қилиб, ўзининг бўлимларини рационал жойлаштирганлигидан олган афзаллигини ҳаётга татбиқ этиб ТМБлар рақобат жангида ютиб чиқадилар.

Кейинги вақтларда халқаро банк хизматларининг мураккаблашиш тенденцияси юзага келмоқда. Шундай мураккаб хизматлардан халқаро молиявий лизинг, факторинг ва форфейтинглар улуши айниқса кўпайиб бормоқда.

Лизинг (инглизчада "lease" – "ижарага олмоқ"), яъни лизинг олувчи буюртмаси бўйича сотиб олинган ёки ўзида мавжуд бўлган мол-мулкни лизинг берувчи томонидан лизинг олувчига фойдаланиш учун берилишини ўзида мужассамлаштиради. Бунда лизинг олувчи шартнома бўйича мана шу олинadиган мол-мулкни аниқ келишилган маълум тўлов билан шартли муддатга ишлатиш ҳуқуқига эга бўлади. Биринчи бўлиб лизинг Американинг "Белл" номли телефон компанияси томонидан қўлланилган, яъни улар телефон аппаратларини сотишмаган, балки фойдаланиш учун ижарага беришган.

Ҳозирги вақтда лизинг берувчи сифатида таркибида лизинг бўлими ёки лизинг компаниялари билан банклар қатнашмоқда. Лизинг компаниялари одатда банклар билан жуда чамбарчас боғланган ёки уларнинг "шўъба" корхоналари ҳисобланади.

Молиявий лизинг дейилганда қуйидаги ҳолат назарда тутади, яъни лизинг олувчи лизинг даврида тўлайдиган тўлови билан ижарага олган мол-мулкнинг қийматини тўлиқ қоплай олиши тушунилади. Операцион лизинг бундан фарқланади, яъни бунда мол-мулкнинг хизмат муддати кўп марта қисқа бўлишига қарамай, унинг кўп марта ишлатишига берилиши назарда тутилади. Гоҳида қайтариладиган лизинг ҳам учраб туради, бунда асосий воситани эгаси лизинг берувчига сотади, кейин уни ижарага олади. Бу гоҳида солиқ тўланиш нуқтаи назаридан манфаатли ҳисобланади. Халқаро лизингнинг турли туманлиги "дабл дин" келишувлари ҳисобланади. Буюк Британия лизинг компанияси шунангки келишув доирасида самолётларни сотиб олиб, сўнгра уларни Американинг лизинг компанияларига берган, улар ўз навбатида бу самолётларни маҳаллий авиакомпанияларига лизингга берган. Манфаат шундан иборатки АҚШга нисбатан Буюк Британия мулкдор сифатида кам солиқ тўлайди. Шу вақтда АҚШнинг лизинг компаниялари эгаллик ҳуқуқи учун солиқ тўламайди.

Одатдаги кредитдан лизингнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

1. Лизинг аванс тўловини назарда тутмайди ва бирданига тўловни бошланишини ҳам талаб қилмайди. Мол-мулкнинг 100 % қиймати лизингга ҳақиқатда кредитланади.

2. Лизинг шартномаси кредитга нисбатан енгил тузилади, чунки лизингга олинadиган мол-мулкнинг ўзи унинг таъминоти ҳисобланади. Шартномани бажармаганда, лизинг берувчи мол-мулкни қайтариб олиб қўйиши мумкин.

Халқаро лизинг шартномаси тузилишида валюта рискни, божхона режимини ўзига хослигини, лизинг берувчи ва олувчи давлатларда солиққа тортилиш хусусиятини ва бу давлатлар ўртасида икки томонлама солиққа тортилмаслик келишувининг мавжудлиги каби ҳолатларни инобатга олиш зарур.

Факторинг – бу экспортнинг молиялаштириш операцияси ҳисобланади, бунда банк экспорт товари ортиб жўнатилгандан кейин, экспорт қилинган товар суммасини

экспортёрга қайтаради ва ундан кейин импортёрдан банк қарз олади. Ҳозир халқаро факторинг йирик экспортёрларнинг барча экспорт операцияларида 15 % ларга тўғри келади. Асосан у АҚШ, Буюк Британияда ва Японияда кенг тарқалган.

Факторинг келишувида одатда тўртта томон иштирок этади, булар экспортёр, экспортёр давлатдаги фактор компанияси (фактор-экспорт), импортёр ва импортёр давлатдаги фактор компанияси (фактор-импорт). Фактор компаниялари ёки фактор-компаниялари банк билан жуда яқин боғланган ёки уларнинг шўъба корхоналари ҳисобланади. Гоҳида банклар ихтисослашган фактор бўлимларини ташкил қиладилар.

Факторинг операциясининг технологияси қўйидагича бўлади. Экспортёр импортёрга товар кредитга тақдим этгани сингари, вексель мажбурияти билан товарни расмийлаштириб шартнома бўйича хорижга махсуслотни ортиб жўнатади. Экспортёр давлатдаги фактор компанияси, импортёр давлатдаги фактор компаниясидан олинган информацияга асосан, экспортёр билан шартнома тузишдаи ва шартномада кўзда тутилган вексель мажбуриятидаги суммани валютада экспортёрга бирданига тўлаб беради. Импортёр давлатидаги фактор компания, шартномада кўзда тутилган муддатда тўловни харидорга тўлаб беради.

Факторингнинг ривожланиши турли давлатларнинг фактор компаниялари ўртасида корреспондентлик муносабатлар тармоғи мавжудлигига боғлиқ эмас. Экспорт факторинги одатда, миқдор билан жуда яқиндан ишлаган ҳолатларда берилади, холос. Факторинг тўлови икки қисмдан иборат: биринчиси, хизмат тўлови, у 0,2 дан 3,5 %гача тебраниб туради; иккинчиси берилган кредит учун фоиз тўловидир.

Факторинг барча иштирокчилар учун манфаатлидир. Банклар ўзининг хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиради ва берган кредити бўйича қўшимча даромад оладилар. Экспортёрлар сотишдаги тўлов кечикишини бир зумда сотишга айлантириб, ўз маблағлари оборотини тезлаштирадилар. Импортёрлар экспортёрга аванс суммасини ўтказмаса ҳам бўлаверади, товарни сотишдан тушадиган маблағга қараб тўлаб боради.

Форфейтинг факторинг операциясини давоми ва кенгайтириш ҳисобланади. У экспортни молиялаштиришда импортёр векселни регресс ҳуқуқисиз ҳисобга олиш йўли билан молиялаштиришдан иборат. Банк (форфейтер) экспортёрдан чигирма билан векселни сотиб олади, шу билан у тўловни тўланмаслик билан боғлиқ бўлган ёки импортёр томонидан тўловнинг кечиктирилиши каби барча рискларни ўз зиммасига олади, бундан ташқари, у экспортёрга эътироз билан муурожаат қилиш ваколатидан ҳам айрилган бўлади. Форфейтер ўзига ҳаттоки импортёрнинг банкрот бўлиши ва кафиллик рискини ҳам ўз зиммасига олади. Чегирма миқдор (дисконт)ни импортёрнинг рейтингига, давлат ва валюта рискига қараб белгиланади.

Форфейтинг ўзида экспортни молиялаштириш ва рискни суғурталаш механизмининг мужассам этади. У давлат томонидан экспортни кредитлаш ва суғурталаш механизмининг кенгайтиради. Кўпчилик экспортёрлар форфейтингни орзу қилишадилар, чунки у экспортнинг давлат томонидан суғурта қилинмайдиган кўп рискларни суғурта қилади. Форфейтинг хизматларини ҳозирда жуда кўпчилик йирик банклар ўз зиммаларига олган. Фақат Лондон шаҳрининг ўзида уларни сонини 100 дан ошқидир.

Ҳозирги босқичда банк хизматлари спектрининг кенгайтириши ва банк даромадларида ноқредит хизматлар улшининг қўпайиши Жаҳон миқёсида банк иши ривожланишида муҳим тамойиллар сифатида намоён бўлмоқда. Йирик банклар ўз миқозларининг барча молиявий хизматларга бўлган талабини қондира бориб,

молиявий супермаркетларга айланмоқда. Банклар мижозлар келишувларини суғурта қиладилар, информацион ва консалтинг хизматларини кўрсатадилар, уларнинг евробозорга, хорижий фонд ва дериватив бозорларга чиқишларини таъминлайдилар, бу бозорларда ишлашда воситачилик ва брокерлик хизматларини кўрсатади, андеррайтинг билан шугулланади, яъни ўз корпоратив мижозлари акцияларини жойлаштириш бўйича дағлабқа ишларни амалга оширади, мижозларнинг мол-мулкларини ишончли (траст йўли билан) бошқаришни ҳам ўз зиммасига оладилар.

Молиявий комплекслар доирасида банклар, инвестиция, суғурта ва молия компаниялари, нафақа ва ўзаро фондлар ўртасида тафовутлар борган сари йўқолиб бормоқда. Банкларнинг суғурта компаниялари билан интеграллашуви ва бирлашуви тенденцияси тез-тез содир бўлмоқда. Бунга сабаб банк ва суғурта фаолияти ўртасида ўзаро яқинлашиш жараёнидир. Банклар жуда ҳам фаол даражада суғурта хизматлари соҳасига кириб бормоқда. Европада ҳозирги вақтда ҳаёти суғурталашни 19 % банклар ҳисобига тўғри келади, Францияда банкларни улуши бу соҳада ўта баланд бўлиб, умуман банклар амалда ўз зиммасига суғурта компаниялари функцияларини ҳам олганлар.

Кейинги йилларда йирик банклар фаолиятида оғирлик маркази аста-секин эмиссия-воситачилик хизматига ўтиб кетмоқда. Халқаро банклар қимматли қоғозларни сотишдан олинadиган комиссия мукофот ҳисобидан фойдани, улар билан иккламчи бозорда савдодан тушадиган даромадни кўпайтириб, консультация ва илмий-аналитик ишлар учун гонорарларни (қалам ҳақи), мол-мулкни сақлаш ва бошқаришдан мукофот суммаларини кўпайтириб бориб ўз даромад манбаларини диверсификация қилишга эришмоқдалар. Экспертларнинг баҳолашига қараганда, йирик банкларнинг оладиган фойдасини ярмидан кўпи воситачиликдан тушадиган даромадларга тўғри келмоқда. Воситачилик операциялари банклар билан номолиявий корпорациялар ўртасида пайдо бўлаётган узоқ муддатли алоқалар асоси ҳисобланади. Бу алоқалар корпорацияларнинг назорат пакет акцияларни сотиб олиб қўйиш, корпорацияларни халқаро даражада қўшилиши ва бирлашиши жараёнига банкларни иштирок этиши йўли билан содир бўлмоқда.

Воситачиликнинг тўғридан-тўғри кредитлашга нисбатан афзаллиги шундан иборатки, бунда банклар молиявий рискларни, шунингдек, ҳаттоки қарздордан ссуданинг қайтмаслик рискинни ҳам қўшган ҳолда, қимматли қоғоз эгасининг зиммасига қўймоқда. Буларнинг натижасида капитал бозорининг таркиби жуда сезиларли даражада ўзгариб кетди. Агар ўтган асрнинг 70-йилларида халқаро капитал бозорининг 80 %ини банк кредитлари ташкил этган бўлса, 90-йилларга келиб капитал бозорига асосий ўринни эса худди шу миқдор улушида турли қимматли қоғозлар эмиссияси асосида берилган халқаро заёмлар эгаллади.

Қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган воситачилик операцияларини банклар одатда чайқовчилик келишувлари билан уйғунлаштириб олиб борадилар. Бунда халқаро банклар шундай хизматлар кўрсатади, яъни, инвесторларга «тоювчан» фойзалар билан облигацияларни сотиш, эмитентнинг облигация бўйича даромадини ўзи чиқарган икки валютали заём деб аталувчи бошқа қимматли қоғозларга қайта инвестиция қилиш имкониятини бериш ва ҳақазо Кейинги ҳолатда инвестор валюталар курсидаги тафовутдан қўшимча фойда олиши мумкин, чунки унга ёзилаётганда, яъни уни сотиб олинаётганда қимматли қоғознинг курси битта валюта курсида акс этсада, у ҳам қопланади ёки тўлаб берилади.

Нафақа фонди ва бошқа институционал инвесторлар билан банкларни ишончли операциялари ошиб бориётганлиги узоқ муддатли капитал қўйилиши учун

банкларга йирик манба бўлиб хизмат қилмоқда. Халқаро банклар уларга ишончли бошқаришга берилган фонд маблағларининг қимматли қоғозлар курсидаги тафовутдан фойда олиш мақсадида хорижга сармояни жойлаштиришда воситачилик қилишадилар.

Банклар саноат корхоналарини ташкил топишида фаол рол ўйнамоқдалар. Кейинги пайтларда қатор кредитлайдиган корпорацияларни трансмилий монополистик иттифокларга бирлашиши банклар томонидан қўллаб қувватланмоқда, чунки бунда қарз олувчи корхоналарни банкротлик риски камаяди ва шунинг билан бир қаторда уларни молиявий операциялари миқдори ошади, уларни юритиб банклар ахшигина фойда олади.

Банк капиталининг тўғридан-тўғри саноатга кириб бориши саноат компаниялари акцияларининг банклар томонидан сотиб олиниши, чиқарилиши ва жойлаштирилиши йўли билан содир бўлмоқда, янги корхоналарни таъсис этилишида банклар фаол иштирок этишмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида ТМК бош ҳўжалик субъектига айланган шароитда, уларнинг ҳисоб-китоб операциялари жуда ҳам ўзгариб кетди, халқаро ва трансмилий банклар уларни ич-ичига кириб кетиб хизмат кўрсатмоқда. Агар аввал ҳисоб-китоб операциялари миқознинг топшириқномаси бўйича хорижий валютанинг олди-сотдиси билан ташки савдо операциясига нисбатан хизмат кўрсатилган бўлса, эндиликда банклар ТМКнинг нафақат ички молиявий ҳисоб-китобларини ва халқаро ҳисоб-китобларини, ташки Жаҳон билан бўладиган барча молиявий муносабатларини энди банклар бошқармоқдалар. Банклар интеграллашган компьютер маркази базасида ТМКларнинг бутун мақд маблағларини бошқариш тизимини яратишди, уларнинг таркибига кирувчи ҳамма ишлаб чиқариш бўлимларини барча банк ҳисоб рақамлари ахволи тўғрисида уларни ихтиёрига аниқ информацияни йиғиш, умумлаштириш ва тақдим этиш имкониятини бермоқда. Бунинг натижасида банк ҳисоби бўйича пул маблағининг ҳақиқий ҳаракати билан ТМК бухгалтерия китоби ҳаракати ўртасидаги вақт тафовути жуда сезиларли даражада қисқармоқда.

Кейинги вақтда кўпгина банклар халқаро молия бозорини фаолият юритишга ихтисослашган консалтинг компанияларини сиқиб чиқаришга ҳаракат қилиб, консалтинг бизнесига ҳам фаол даражада киришиб кетмоқдалар. Ҳозирги пайтда консалтинг хизмати йирик халқаро банкларга 25 % даромад келтирмоқда.

Мана анча вақтдан бери банклар лойиҳаларни молиялаштиришда ҳам иштирок этмоқдалар: лойиҳани амалга ошириш бўйича барча смета ҳаражатларини тўламоқда. Ўзининг мутахассислари кучи билан лойиҳалаштиришда ҳам бевосита иштирок этмоқдалар ёки буюртмачини малакали консалтация билан таъминламоқда. Банк билан ҳисоб-китоб буюртмачининг ҳеч қандай бошқа маблағлари жалб этилмасдан, янги куриладиган корхона фойдасидан амалга оширилмоқда. Бутунлай олганда қатор ҳолатлар борки, бунда банклар ушбу объектлар акцияларининг шириклик эгасига айланмоқдалар.

Замонавий банк эндиликда тобора информация-аналитик марказга айланиб бормоқда, ўз миқозларини молия, инвестиция ва товар бозори билан узвий ва мунтазам боғламоқда. Йирик банклар жуда кучли информация марказини тузмоқдалар. Банк ташкилотлари кенг масштабда информация хизмат турларини кўрсатиб норасмий ҳолатда миқозларни ўзига "боғлаб" олмақдалар. Банк консалтинги маълумот олиш учун ҳамма мумкин бўлган каналларни ишлатмоқдалар, мисол учун, кредит беришда улар миқозлардан информация тақдим қилишни доимо талаб қиладилар. Информация олишнинг муҳим каналларидан бири у ёки бу

лойиҳани амалга оширишда корпорациянинг бошқаришга иштираётган этиш ҳисобланади. Банклар корхоналар ишлайдиган бозор аҳволи тўғрисида кенг информацияга эгадирлар ва уларни мижозларга беришлари мумкин. Бундан ташқари банклар ички ва ташқи менежмент саволлари бўйича ўзининг мижозларини фаол равишда консултация беришга ўтмоқдалар, уларнинг иқтисодий сиёсатини ва ички тузилишини қайта кўриб чиқишни аниқлаган ҳамда тавсия этган ҳолда.

Кейинги йилларда янги банк технологияси бўйича молиявий-информация тарқатилиши яна ҳам кенг авж олмакда. Бўлимлари бўлмаган телефон банклар ривожланмоқда (мисол учун, Буюк Британиядаги First Direct банки), бунда мижоз банк ходими билан шахсан кўришмасдан ҳисоб очиши ва операцияларни амалга ошириши мумкин. Бу ҳолатда мижоз банкни қайда жойлашганлиги, банкирнинг ёки мижозларнинг қимлигига қаралмайди.

Интернет- банк фаолиятида истиқболли турларидан бирига айланиб бормоқда. Унинг асосий афзаллиги тезлик ва арзон хизмат кўрсатишдан иборатдир. Интернет орқали банк хизматини кўрсатиш таннархи, аънавий хизмат кўрсатиш таннархи билан солиштирганда 8-10 баробар камайд. Бу кўпгина банкларни ана шу сетга киришга ундамоқда, улардан баъзи бирлари мижозларга сет орқали хизмат кўрсатишни бошлаб юборишди. Мисол учун, энг йирик ва консерватив банклардан бири ҳисобланган Германиянинг Deutsche Bank аънавий банк бизнесидан воз кечиб, Интернет-банк ривожланишига асосий эътиборни қаратмоқда. У филиалларнинг катта қисмидан холос бўлиб, асосий операциялар сонини Интернет тармоғига ўтказмоқда. Банкни сетдаги инвестицион режаси йилига 1 млрд еврога баҳоламоқда. Deutsche Bank ҳақиқатда ўзининг реал филиалларини виртуал тизимга алмаштирмоқда.

Тармоқ орқали банк хизматлари ва ҳисоб-китобларининг кенг тарқалишига иккита асосий гуруҳдаги рисклар тўқсунлик қилмоқда. Биринчиси, тармоқда операциянинг махфийлигини ва хавфсизлигини таъминлаш масаласи. Тармоқда электрон хавфсизлик ҳозирча унчалик даражада ишончли эмас ва хакерлар вақти-вақти билан уларни бузиб, ўзларига анча-мунча манфаат чиқариб олишмоқда. Иккинчидан, тармоқда информациянинг очиқлиги ўсиб бормоқда ва ноқонуний олинган даромад ҳам очиқ-ойдин намоён бўлмоқда.

Бу рискларни камайтириш устида ўндан ошиқ давлатларнинг юз минглаб дастурчилари тинимсиз изланишмоқда. Информациянинг хавфсизлигини таъминлаш жуда катта ҳаракат ва молиявий маблағлар сарфланмоқда. Лекин бу йўналиш бўйичалар жуда кам реклама қилинмоқда.

Бу борада ҳисоб-китобларни сир сақлашнинг иложи йўқлиги кўпчилиكنинг эътирозига сабабчи бўлмоқда, умуман бу ҳолат собиқ Совет Иттифоқи давридан аҳолини ўрганиб қолган одади, яъни ҳамма нарсани нақд асал деб кўникишидан келиб чиқади. Худди шундай талаб таклифни туғилишига сабаб бўлади. Яқинда Россия давлатида электрон "нақд пул" тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Бу тизимда фойдаланувчи ўзининг компьютерига банкдаги ўз ҳисобидан пулни бир қисмини "ўтказиб" олади, у шу вақтдан бошлаб барча нақд пулнинг хусусиятини ўзида мужассамлаштиради. Улар мутлоқ махфий бўлиб, у компьютерингизда худди чўнтакдаги нақд пул сингари туради. Агар компьютер бузилиб қолса, пулингиз тешиқ чўнтакдаги пул тушиб қолгани сингари йўқолади. Лекин қайси рақамдан пул келиб тушганлигини кўрсатмаган ҳолда, у билан тўловни амалга оширса бўлади. Бу пуллар худди банк томонидан атайлаб "белгилаб" қўйилгандек электрон "нақд пул" эмитенти ҳисобланган барча мижозлар томонидан

қабул қилинади. Бунда магазинга ёки бирон бир тижорат ташкилотига пулнинг қаердан келиб тушганлигини умуман фарқи йўқ. У келишувларни амалга оширади ва бу “белгилаб” қўйилган пулларни махсус ҳисобда қолдиради, худди реал нақд пулли кассада сақлаган сингари. Электрон кассада пуллар тўплангандан кейин у электрон инкассацияни амалга оширади, яъни “электрон нақд пулли” тармоқ орқали ўз банкига топширади ва шу вақтнинг ўзидаёқ ўзининг ҳисоб рақамига олдий “белги қўйилмаган” пулли олади. Балким ушбу ҳисоб-китоб усулини бизнинг давлатимизда ҳам эксперимент тарикасида қўлласса бўлади. Лекин бу усулни дунё иктисодида қўллашнинг, албатта, келажаги гумон остида.

Европа Марказий Банкнинг (ЕМБ) Евроминтакадаги оқилона монетар сиёсатни ташкил қилиши ва ўтказиши борасидаги тажрибаси жаҳон банк амалиёти учун катта қизиқиш уйғотади ва Евротизимга аъзо бўлган мамлакатларнинг минтакавий ва миллий микёсларда молия-кредит сектори фаолиятини ташкил этиши учун сифатли асос ҳисобланади. Давлатлар Марказий банклари Евротизим максадларини қувватлаб, миллий иктисодий тизимлар доирасидаги молия-кредит институтлари фаолиятини ташкил этиш юзасидан барқарор ва инфляциясиз усиш, иктисодий фаолиятнинг юксак даражада рақобатга қобилиятли бўлишида барча чоратadbирларни ишга солишмоқда.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг миллий Марказий банки миллий даражадаги монетар сиёсатни белгилаш ва амалга ошириш функциясини бажаради, у маҳаллий молия-кредит институтларига лицензиялар беради, улар фаолиятини тартибга солади ва ёрдам курсатади, хорижий валютадаги операцияларни кузатиб боради, миллий захираларга эгаллик қилади ва бошқаради, миллий тўлов тизимларининг узлуксиз фаолият курсатишини қўллаб-қувватлайди, ЕМБ бошқарадиган ЕИ расмий валюта захираларини шакллантиришда қатнашади. Маҳаллий Марказий банклар ЕИнинг умумий назоратли стандартларига бўйсунадиган кредит-молия воситачилари — банклар фаолиятининг ташкил этилиши ва улар устидан самарали назорат юритилишининг ташкил қилиниши учун жавоб беришади. ЕИ банклари ягона пул-кредит сиёсатининг амалга оширилишидаги муҳим иштирокчилардир: улар маҳаллий Марказий банкларни молиялаштириш асосида кредитларни беришади.

Назорат саволлари:

1. Халқаро банкларнинг ташкилий структурасини айтинг.
3. Халқаро банкларнинг ривожланишида рақобатнинг ўрни қандай?
4. Халқаро банклар ўз маблағларини қўпайтиришда қайси омилларга қўпроқ аҳамият беради?
5. Маҳаллий банкларни ривожлантиришда халқаро банкларнинг қайси жиҳатларини ўрнак сифатида амалдeтда қўллаш мумкин?
6. Халқаро банкларнинг жаҳон молия бозоридagi ўрнини тушунтиринг.

Тест саволлари:

1. Халқаро кредит тизимини ташкил этувчи субъектларни кўрсатинг:
 - a) ишлаб чиқарувчи корхона;
 - b) товар биржаси;
 - c) махсус кредит институтлар;
 - d) тўғри жавоб йўқ.
2. Бозор иктисодиёти ривожланган давлатларда банк тизими қандай кўринишда бошқарилади?

- a) икки поғонали асосда;
- b) монополаштириш асосида;
- c) давлат бошқаруви асосида;
- d) эркин демократик кўринишда.

3. Банк тизимига асосланган тамойилни кўрсатинг:

a) босқичма-босқич ривожланиш асосида банк тизимини жаҳон банк тизимига яқинлаштириш;

- b) банклар фаолиятида мижозлар манфаатини устун қўйиш;
- c) банк тизимидаги ислохотлар мамлакат умумиқтисодий ислохотларига келиши;

d) юқоридаги барча жавоблар тўғри.

4. Банклар махсус корхона сифатида қандай маҳсулотлар ишлаб чиқаради?

- a) товар кўринишидаги маҳсулотлар;
- b) молиявий кўринишдаги маҳсулотлар;
- c) қарорлар қабул қилиш;
- d) в) ва д) жавоблари тўғри.

5. Халқаро банклар қандай функцияни бажаради?

- a) хом-ашёни етказиб беради;
- b) умумиқтисодий дастурлар ишлаб чиқади;
- c) бўш пул маблағларини йиғади;
- d) ташкилий ишларни амалга оширади.

6. Банклараро кредит бозорининг бажарадиган функциясини кўрсатинг:

- a) банкларни назорат этиш;
- b) чайқовчилик асосда қўшимча даромад олиш;
- c) банк ликвидлигини мустаҳкамлаш;
- d) тўғри жавоб йўқ.

7. Халқаро банклар кредитни тақдим этишида қайси элементни муқим хисоблайди?

- a) хизматлар доираси ва маълумотларни текшириш;
- b) қарздорнинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш;
- c) гаровни баҳолаш;
- d) кредит тарихини ўрганиш.

8. Халқаро банклар қандай вужудга келган?

- a) акциядорлик жамиятига ўтиш;
- b) пайчилик асосда;
- c) хусусий тартибда;
- d) юқоридаги барча жавоблар тўғри.

9. Халқаро банкларнинг пасив операциясига таалуқли операцияни кўрсатинг:

- a) фонд биржасида қатнашиши;
- b) аукционларда иштирок этиши;
- c) муомалага кредит маблағларини чиқариши;
- d) аҳолидан маблағларни жалб этиши.

10. Молия-кредит турига кирувчи муассасаларни кўрсатинг:

- a) тижорат банклари, суғурта компаниялари, инвестицион фондлар;
- b) биржа, аукцион, савдо уйлари;
- c) консалтинг ва аудиторлик фирмалари;
- d) омбор хўжалиги, транспорт ва алоқа.

Тема: II Боб. БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ БАЙНАЛМИНАЛЛАШУВИ ВА ТРАНСМИЛЛИЙ БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Режа:

- 2.1 Банк фаолиятининг байналминаллашуви шарт-шароитлари ва омиллари. Трансмиллий банкларнинг (ТМБ) ташкилий тузилиши.
- 2.2 ТМБлар фаолиятининг асосий турлари.
- 2.3 ТМБ фаолиятида рискларни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари. Оффшор банк фаолиятининг пайдо бўлиши.
- 2.4 Молиявий конгломератлар ва банк холдинглари ривожланишининг замонавий тенденциялари.

Ташқи виборалар

Трансмиллий банк, конгломерант, оффшор банк, операция, рис, назорат, мублагларни бошқариш, диверсификация, фоиз ставкаси, ташкилий тузулиш.

2.1. Банк фаолиятининг байналминаллашуви шарт-шароитлари ва омиллари. Трансмиллий банкларнинг (ТМБ) ташкилий тузилиши.

Республикамизнинг жаҳон иқтисодийётига интеграциялашувининг чуқурлашиши трансмиллий банкларнинг молиявий хизматларидан фойдаланишни объектлар заруриятга айлантиради.

Ҳозирги замон жаҳон ҳўжалигининг банк тизими бир неча даражани ўз ичига олади. Биринчи даража трансмиллий банклар ва халқаро тижорат банкларидан иборатдир. Иккинчи даража халқаро молия ташкилотларини ўз ичига олади. Бундай халқаро ташкилотларга Жаҳон банки гуруҳи, Халқаро валюта фонди, Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Европа тиклаш ва тараққиёт банки, Осие тараққиёт банки, Ислом ривожланиш банки ва бошқалар кирди. Учинчи босқичга ҳар бир мамлакатнинг Марказий банки кирди. Тўртинчи босқич эса, ҳар бир мамлакатдаги тижорат банкларидан иборатдир. Масалан, Ўзбекистон Республикасида 2019 йилнинг 1 январ ҳолига, 29 та тижорат банки ва битта Марказий банк мавжуд⁴.

Мисол учун, 1996-1999 йилларда Голландиянинг АБН АМРО банки қатор йирик хорижий сармояларни киритди: - АҚШ Commercials Bank Illinois и Columbia National Bank (1996 йил) корпоратив ва хусусий мижозларга хизмат кўрсатадиган - Lloyds Bank NZA (1996) ва Barclays BZW (1997), инвестицион банк хизматларини тақдим этувчи - катта венгер банки Magyar Hitel Bank (1996); - америкалик йирик жамғарма банки Standard Federal Bancorp (1997); - Американинг йирик корпорацияларига хизмат кўрсатадиган The Chicago Corporation (1997); - Тайланднинг энг катта универсал банки бўлган Bank of Asia (1998); [52]; 1373 филиаллар филиаллари тармоғи (1998 йил) билан Бразилиянинг "Banco Real" йирик банки ва бошқалар.

Назорат саволлари:

1. Трансмиллий банклар тушунчасига таъриф бериңг.
2. Трансмиллий банклар кредитлаш операциялари нима?
3. Қандай банклар ваколатли банклар дейилади?
4. Трансмиллий банкларни ривожланиш омиллари нима?
5. Трансмиллий банклар тажрибаларини ўрганиш деганда нимани тушунасиз?
6. Трансмиллий банклар томонидан бериладиган кафиллик қандай аҳамият касб этади?

Тест саволлари:

1. Халқаро банклар нақд пуллари қайси йўналишларга беради?
 - a) *нафақа, стипендия, иш ҳақилар учун
 - b) нақдсиз кўринишга ўтадиган соғалар учун
 - c) воситачилик операциялари олиб бориладиган тармоқларга
 - d) тижорат йўналишлари учун
2. Дастлабки Марказий банк қаерда ва қачон ташкил топган?
 - a) *Стокгольмда, 1650 йилда
 - b) Англияда, 1621 йилда
 - c) АҚШ да, 1913 йилда
 - d) Римда, 1652 йилда
3. Европа Иттифоқига кирувчи давлатларнинг бюджет дефетцитига қандай талаб қўйилади?
 - a) *Бюджет дефетцити ЯИМ нинг 3%дан ошмиқ бўлмаслиги керак
 - b) Бюджет дефетцити ЯИМ нинг 1.5%дан ошмиқ бўлмаслиги керак
 - c) Бюджет дефетцити ЯИМ нинг 6%дан ошмиқ бўлмаслиги керак
 - d) Бюджет дефетцити 3 йил давомида пасайиши керак
4. Халқаро молия институтлари маблагларининг манбаси нималардан иборат?
 - a) *халқаро ишпирокчи давлатларнинг тўлайдиган бадаллари
 - b) халқаро банклар ва фондларнинг низом капитали ҳисобидан
 - c) ривожланган давлатлар ва банкларнинг ажратган кредитлари ҳисобидан
 - d) юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия маблаглари. даврий-илмий нацрларнинг даромадлари ҳисобидан
5. Халқаро банкларнинг валюта интервенциясининг мазмунини кўрсатиңг
 - a) *курсга таъсир қилиш мақсадида чет ел валютасини сотиш ва сотиб олиш бўйича валюта бозори фаолиятига аралашуви
 - b) курсга таъсир қилиш мақсадида чет ел валютасини сотиш ва сотиб олиш бўйича гаровли молиявий воситаларни қўллаш

- c) курсга таъсир қилиш мақсадида чет ел валютасини сотиш ва сотиб олиш қону асосидаги чекловлар
- d) СВОП операцияларини амалга ошириш.
6. Халқаро банкларнинг инвестицияли инструментлари нима?
- a) *турли муддатли қарз мажбуриятлари
- b) турли кўринишдаги шартномалар
- c) кафиллик ва кафолат хатлари
- d) гаров объектлари
7. Халқаро банкларнинг тижорий вазифалари – улар
- a) *барча жавоблар тўғри
- b) актив операциялар
- c) пасив операциялар
- d) воситачилик операциялари
8. Халқаро банклар кредитни тақдим этишида қайси элементни муҳим ҳисоблайди?
- a) *барча жавоб тўғри
- b) қарздорнинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш
- c) гаровни баҳолаш
- d) хизматлар доираси ва маълумотларни текшириш
9. Халқаро банкларнинг пасив операциясига тааллуқли операцияни кўрсатинг
- a) *аҳолидан маблағларни жалб этиши
- b) аукционларда иштирок этиши
- c) муомалага кредит маблағларини чиқариши
- d) фонд биржасида қатнашиши
10. Трансмиллий банклар бу ...
- a) *йирик молиявий универсал банк бўлиб, халқаро ссуда капитали ҳаракатини юзага келтирувчи асосий молиявий ташкилот
- b) давлатлар аъзолигида тўзилган халқаро молиявий институт
- c) давлат ташкилоти
- d) маблағлар йиғувчи, сақлаб берувчи, кредит-ҳисоб ва бошқа воситачилик операцияларини бажарувчи муассасалардир.
11. Энг юқори банк назоратига эга оффшор банк маркази қайси давлат ҳисобланади
- a) *Швейцария
- b) Панама
- c) Англия
- d) Кипр
12. Банк холдингларининг депозит базаси қайси омиллар ҳисобига шаклланади
- a) *барча жавоб тўғри
- b) ташқи ресурсларни жалб қилиш
- c) ички назоратнинг кучайиши
- d) капиталларнинг ички банк ҳаракати
13. ТМБларнинг рақобат стратегияларини кўрсатинг?
- a) *Барча жавоб тўғри
- b) Нодир металллар билан операцияларни амалга ошириш
- c) Халқаро савдони молиялаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш
- d) Бошқа банкларга кредитлар бериш
14. Молиявий конгломератлар томонидан депозитлар ва кредитларнинг ставкалари қайси халқаро бозорда аниқланади?
- a) *ссуда капиталлари бозорида
- b) пул бозорида
- c) капиталлар бозорида
- d) фонд бозорида.

III боб. РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Режа:

3.1 АҚШ банк тизимининг ривожланиш босқичлари. АҚШда банк фаолиятини тартибга солиш тизими.

3.2 Европа Марказий банки ва Европа марказий банклари тизимининг ўзига хос жиҳатлари.

3.3 Буюк Британия банк тизимининг ривожланиш босқичлари.

3.4 Япония банк тизимининг шаклланиши ва таркибий тузилиши. Япония банки пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари.

Таянч иборалар

Банк, операция, фаолият, қонун, ёндошув, рағбатлантириш, кредит, инвестиция, банк кредит портфели, операциялари, банк воситачилик операциялари, банк тизими, банк хизматлари, банкларни бошқариш.

3.1 АҚШ банк тизимининг ривожланиш босқичлари. АҚШда банк фаолиятини тартибга солиш тизими.

АҚШда ҳам. марказий банкнинг роли ўз давлатининг ички пул сиёсатини шакллантиришдан иборат. Пул сиёсатига мувофиқ марказий банклар иқтисодиётга зарур бўлган пул ва кредит оқимини бошқарадилар. Шунинг учун, марказий банкларнинг роли мамлакат иқтисодиёти учун жуда муҳимдир.

Форекс бозори тўғрисидаги умумий фикрни муҳокама қилганда марказий банкларнинг аҳамияти одатда бозорда интервенция ўтказиш масаласига асосий эътиборни қаратади.

Америка қўшма штатларида Федерал резерв тизими. Федерал резерв тизими (ФЭТ – Federal Reserve System (Fed)) 1913 йилда ташкил топган. Ҳаш йили конгресс Федерал резерв тизими тўғрисида Қонун қабул қилган. Қонунда Федерал резерв тизимининг вазифаси тўғрисида шундай дейилади: “валютанинг эластиклигини таъминлаш, тижорат қозғаларини қайта ҳисоби учун маблағ яратиш, Қўшма Штатларнинг банк тизими ва бошқа мақсадларга эришиш устидан самарали назорат ўрнатишдир”.

Қонун қўйидаги марказлашмаган тизимни-яъни Федерал Резерв Тизимини Вашингтондаги Кенгабини (Federal Reserve Board) ва бутун давлат бўйича 12 ҳудудий федерал резерв банкларни таъсис этди. Бу банклар ўз мустақиллигига округларда молиявий шарт-шароитларни ташкил қилишда старли даражада эгадирлар.

Федерал резерв тизими операцияларини мувофиқлаштириш учун 1923 йилда Очiq Бозор Инвестиция Қўмитаси (Open Market Investment Committee (OMIC)) ташкил этилган. У Нью-Йорк, Бостон, Филадельфия, Чикаго ва Кливленда федерал резерв банклар бошқарувчиларидан ташкил топган эди. 1930 йилда ОМlС Очiq Бозор Сиёсати Бирлашмасига (Open Market Policy Conference (OMPC)) айлантирилди. У 12 та федерал резерв банкларни бошқарувчилари ва Кенгаш аъзоларидан ташкил топди.

1933 йилда Рузвельт маъмурияти пул инструментлари моҳиятини яхши тушуниб амалга оширган ўзгаришлари асосий ва катта ролини ўйнади. Шулардан бири – Депозитларни Суғурталаш Федерал Корпорацияси (Federal Deposit Insurance Corporation (FDIC)). Очiq Бозор Сиёсати Бирлашмаси бўлиб, унинг бу борадаги

мақоми расмий жиҳатдан 1930 йилда тасдиқланган. Унинг Кенгашига аъзо банкларга резерв талабларини ўзгартириш ваколати берилган.

1935 йилда қабул қилинган Банк Қонуни (Banking Act) Федерал резерв тизимининг бугунги кундаги кўриниш таркибини пайдо қилган. Ҳозирги кунда Бошқарувчилар Кенгаши 7 та бошқарувчидан ташкил топиб, улардан бири Кенгаш раиси ҳисобланади. Молия вазирини (Treasury Secretary) ва Пул муомаласи назорати назоратчиси (Comptroller of the Currency) Кенгаш таркибидан чиқарилган эди. ОМРС бугунги кундаги Очик Бозор Федерал Кўмитаси (Federal Open Market Committee (FOMC)) номини олди.

Ҳудудий резерв банкларнинг автономлиги, FOMC нинг рухсатсиз ҳукумат қарз операцияларини ўтказиш ваколати берилиши билан ажратиб қўйилган. Федерал резерв банк конгрессдан ҳам, президентдан ҳам эркиндир, уларга бўй сунмайди. Аммо барча федерал резерв бошқарувчилари президент томонидан танлаб олинади ва конгресс томонидан тасдиқланади.

Ўз вақтида ФЭТ Раиси бўлиб 1979 йилларда ишлаган Пол Волкер (Paul Volcker), иқтисодий кўрсаткичларнинг пул массасининг ўсиш суръатини (money supply) - M1 агрегати) билан боғлаган эди. M1га муомалададаги пул (кассадан ташқари, ФЭТ ва депозит муассасалар), туристик чеклар, талаб қилинганча бўлган депозитлар ва бошқа чек ҳисоблари, АТS ҳисоблари (Маблағларни автоматик ўтказиш) ва ҳаказо киради.

1980 йилда депозит ва пул-кредит назорати муассасаларини назорат қилиш тўғрисидаги Қонун (Depository Institutions Deregulation and Money Control Act (MCA) резерв талаблар таркибини соддалаштирди ва кўпчилик (талаб қилиб олинмаган депозитлардан ташқари) депозитлар учун фоиз ставкасини юқоридан чегаралашни олиб ташлаш имконини берди. Аммо 1982 йилда M1 иқтисодий индикатор сифатида M2 агрегатига биринчилиكنи бўшатиб берди. M2 агрегати асосини M1 агрегати ташқил этади ва уни сотиш учун сотиб олинган келишувлар, тунги евродолларлар, пул бозорининг депозит ҳисоблари, йиғилиб борадиган ва муддатли депозитлар (100 000 доллардан ошмайдиган суммадагиси) ва умумий молиявий ҳисоблар бўйича қолдиқлар қўшимча равишда қўшилади. Ўша вақтдан бошлаб M2 агрегати қобилияти FOMCнинг ўта ишончли иқтисодий индикатори бўлиб қолмоқда, ўзининг афзаллигини кўрсатмоқда.

M3 M2 дан ташқил топади унга 100000 доллардан юқори бўлган муддатли депозитлар, муддатли евродоллар депозитлари ва пул бозорининг ўзаро институционал фондларининг барча ҳисоблари ҳам қўшилади.

Ўзга марказий банклар сингари, Федерал резерв тизими валюта бозорига уч хил дастак билан таъсир қилиши мумкин:

1. ҳисоб ставкаси;
2. пул бозори инструментлари;
3. валюта операциялари.

Ҳисоб ставкаси (discount rate)-фоиз ставкаси бўлиб, махсус ажратилган депозит муассасаси бевосита федерал резерв банкидан маблағни жалб этиш ҳуқуқига тушунилади. Бу ставка ФЭТ томонидан назорат қилинади, лекин у бозор кучлари таъсири билан аниқланмайди. У бошқа фоиз ставкалари учун мўлжал бўлиб хизмат қилади.

Пул бозорининг инструментлари (money market instruments) форекс бозорига одатда билинар-билинимас даражада таъсир қилади. Ушбу инструментлар ничида

федерал фондлар кўпроқ аҳамиятга эгадир(қайта сотиш учун сотиб оладиган келишувлар ва евродоллар шулар жумласидандир).

Федерал фондлар (federal funds, ёки Fed funds)- доимо федерал резерв банкларда уларни мунтазам резерв қолдиги мавжуд бўлади. Федерал фондларнинг қолдик ресурслари тижорат банклари ва йирик корпорациялар томонидан одатда тунги вақтда бир бирларига кредит бериш учун кенг ишлатилади. ФЗТ уларнинг даражасини белгиласанда, баҳолар ўзгариб туради, чунки улар бозорда белгиланади.

Қайта сотиш учун сотиб олиш келишуви (repo – repurchase agreements (repos)) – ФЗТ томонидан ҳар кун и амалга ошириладиган келишувлардир. Қайта сотиш учун сотиб олиш келишувлари ФЗТ ва ҳукумат дилери ўртасида қимматли қоғоз билан амалга оширилади, бунда ФЗТ қимматли қоғозни сотиб олади, (зудлик билан етказиб бериш шarti билан) ва шу қимматли қоғозни, шу суммага келишилган баҳода ва муддатда (одатда 15 кундан кеч қолмай ҳамда маълум фоиз ставкаси остида қайта сотиш шarti билан). Бу келишув банк тизими резервини вақтинчалик кўпайтиришга олиб келади.

Қайта сотиб олиш учун сотиш келишуви (teskari repo – marched sale-purchase agreements) – қайта сотиш учун сотиб олишга тўғридан-тўғри тескари келадиган келишув ҳисобланади. ФЗТ келишувни бажараётганда, у қимматли қоғозни дилерга ёки хорижий марказий банкка зудлик билан етказиб бериш, шунда мана шу қимматли қоғозни келишилган баҳо бўйича, келгусида белгиланган кунда (7 кундан кеч қолмай) сотиб олиш шarti билан келишувни амалга оширади. Бу шартнома вақтинчалик резервнинг бўшаб қолишига олиб келади. Валюта бозорига таъсири ҳаммадан аввал долларни кучли бўлишида акс этади, яъни доллар қимматлашади. Бу турдаги операциялар одатда савдо кун и бошланишида содир бўлади.

Евродолларлар Қўшма Штатлардан ташқарида жойлашган тижорат банкларида номерланган долларлар билан депозитлар ўтказиш ҳисобланади. Давлатдан ташқаридаги барча валютадаги депозитлари келиб чиқиши билан евровалюталар деб аталади. Бу депозитларни ҳаммаси Европага жойлаштирилиши мумкин эмас. Шунинг учун, Япониядан ташқаридаги иенадаги депозитлар евроеналар деб ҳисобланади, Англиядан ташқаридаги Британия фунти – евростерлинглар деб ҳисобланади ва ҳаказо Евродолларлар евровалюта бозориди энг кўп улushi ташкил этади.

“Евродолларни” деган атама, тасодифан муомалага киритилган, шимолий Еропадаги совет тижорат банкларининг француз бўлими “Евробанк” телеграф кодига эга бўлган. Қандайдир бир ҳодиса билан трейдерлар ўртасида ўша даврдан бошлаб бу атама ишлатилиб келмоқда.

АҚШ ФЗТда шундай тартиб қабул қилиндики, эндиликда муддатли депозитлар бўйича банклар максимал фоиз белгилаши мумкин, лекин талаб қилиб олинмаган депозитларга фоиз тўлаш тақиқланарди. Бу чегараланишлар Қўшма Штатлар ҳукумати томонидан 1933 йилдан бошлаб киритилган эди. Ушбу тартиб жуда кўп йиллар давомида амал қилиб, кейинчалик у бекор қилинган.

Хоҳлаган омонатчи АҚШ доллариди, Қўшма Штатлардан ташқарида (у Америка фукаросини ёки йўқми бундан қатъий назар) Евродоллар депозитларини яратиши мумкин. Мисол учун, Америка банкларида АҚШ доллари депозитини ушлаб турган хорижий фукаро бемалол ушбу депозитни хорижий банкларга ўтказиши ёки АҚШ банкидаги ҳисоби бўйича ёзилган чекни хорижий банкларга қўйиши мумкин.

Кунлар сони

Форвард спрэди = $\left[\text{spot} \times (\text{евровалюта} - \text{евродоллар}) \right] \times \frac{\text{ставкаси}}{360}$

Агар олинган натижа ижобий бўлса, форвард спрэди мукофотни билдиради ва у спот ставкасига қўшилади. Агар тескариси бўлса, олинган натижа салбий чиқса, унда форвард спрэди дисконтни англатади ва спот ставкасидан айриб ташланади.

Валюта операциялари. Асосий марказий банклар кўп жиҳатдан валюта бозорларида ўтказиладиган операцияларига бсвосита аралашиб қолган, бу ҳолатни очик бозорда интервенция (ўзравонлик билан аралаштиш) ўтказиш мисолида кузатиш мумкин.

Валюта курсларининг сезиларли даражада тебранишларини инобатга олсак, бу ҳолатларда марказий банклар билан бахшлашишга тўғри келади ва беихтиёр қуйидаги саволларни бериш мумкин, яъни бу банклар фойда олиш фикри билан ҳаракат қилмаётибдими? *Асосий марказий банклар чайқовчилик савдосига ҳеч қанақа алоқаси йўқ.* Қўшма Штатлар валюта бозорида интервенцияни АҚШ Ғазначилиги ФЭТ амалга оширади, у бозорда барқарор шароитни яратишга ва фоиз ставкасини тартибга солишга қаратилган. Улар резервларни ўзгартириш мақсадига эга эмас.

Агар ФЭТ интервенция ўтказишда долларни сотиб олса, унда у резервни камайтиради. Агар у долларни сотадиган бўлса, унда резервни кўпайтиради. Нью-Йорк федерал резерв банкнинг валюта бўлими ҳақиқий интервенцияни амалга оширади. Валюта интервенциясини икки тури мавжуддир: яланғоч интервенция ва стерилланган инвестиция.

Яланғоч (naked), ёки стерилланмаган (unsterilized) интервенция мутлақо валюта операциялари билан боғланган. Барча валюта бозорида содир бўлаётган хатти-ҳаракатлар, ўз-ўзича интервенция ҳисобланади. Чунки бунда ФЭТ долларни хорижий банкларга нисбатан сотади ёки сотиб олади. Бу операциялар валюта бозорига таъсирдан ташқари ва ўз навбатида пул массасига ҳам таъсир қилаолади. Агар пул массасига таъсир қилса, кейинги навбатда фоиз ставкаси ва баҳолар иқтисодиётни барча соҳаларида автоматик равишда тузатилиши керак. Шунинг учун яланғоч валюта интервенцияси иқтисодиётга узоқ муддатли таъсир ўтказиб туради.

Стерилланган (sterilized) интервенция – бу шундай интервенцияки унда пул массасига таъсир ўтмай туриб, давом этади. Баъзи марказий банклар стерилланган интервенцияни афзал кўришади, чунки иқтисодиётнинг барча соҳасига таъсир қилмай фақат валюта бозорига таъсир қилиши ФЭТ учун ҳам адолатлидир.

Стерилланган интервенция бошланғич валюта операцияларига нисбатан қўшимча чоралар қўлланилишини назарда тутати. Бу чоралар интервенция ўтказилиши билан юзага келган резервларнинг кўпайишини тенглаштириш учун, ҳукумат қимматли қоғозларини сотишдан иборат бўлади.

Марказий банк резервларнинг барқарорлигини таъминлаш учун яна иккита усулни ишлатиш мумкин: пул чоп (зарб) қилиш мумкин ва ўз-ўзига чек ёзиб бериш мумкин. Марказий банклар худди шу усулларни қўллаганда, оғир инфляцияно окябатлари келиб чиқмаслиги лозим.

Валюта интервенциясининг сабаблари. Амалиётда трейдерлар жуда хушёр ва кузатувчан бўлишлари лозим, чунки улар марказий банклар ўтказаетган интервенция сабабларини доимо ҳам тушуниб, ўзи учун хавфсизлик яратиши ва мунтазам фойда олишга эришиши лозим. Марказий банклар интервенцияни қуйидаги сабабларга кўра ўтказитишади:

- бозор ликвидлигини таъминлаш учун,
- баъзи бир курс даражасини химоя қилиш учун,
- курснинг пастга тушишини секинлаштириш учун,
- трендни ўзгартириш учун.

Кенгаш бошқарувчилари таркиби - 7 кишидан иборат

Уларни ҳар бири АҚШ Президенти томонидан ваколатини чўзиш ҳуқуқи билан 14 йилга тайинланади, АҚШ сенат Конгресси томонидан маъқулланиб.

ФЗТ Федерал резерв тўтрисидаги қонунга асосан ҳар йили АҚШ Конгресс Палатаси Вакиллари олдида йилга бир марта ва АҚШ Конгрессининг Банк Қўмитаси олдида эса йилга икки марта ҳисобот беради.

ФЗТ банклари фаолияти йилига бир марта АҚШ Ҳисоб Палатаси ёки миллий даражадаги йирик ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган аудиторлик фирмасидан аудитдан ўтади.

3.2. Европа Марказий банки ва Европа марказий банклари тизимининг ўзига хос жиҳатлари.

Европа марказий банки 1998 йилни 1 июнида ташкил топган. 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб ягона валюта “евро” муомалага киритилиши билан ЕМБ Европа ҳамжамиятида валюта сиёсатини юритишга масъулдир. ЕМБнинг ижро органи амалда икки қисмдан (Ҳукумат кенгаши ва Ижро кенгашидан) иборат бўлиб Европа марказий банклар тизими (ЕМБТ) ишини бошқариш билан шуғулланиши керак.

ЕМБ асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Пул муомаласини тартибга солиш;
- Валюта операцияларини ўтказиш;
- Аъзо давлатларнинг расмий валюта резервини сақлаш ва бошқариш;
- Тўлов тизими ишининг узлуксизлигини таъминлаш.

ЕМБ Европа валюта институти (European Monetary Institute (EMI)нинг меросхўри ҳисобланади.

ЕМБТ нинг мақсад ва вазифалари. Европа марказий банклар тизимининг асосий мақсади-Европа марказий банклар тизими ва Европа марказий банки Уставининг 2 моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, у баҳоларнинг барқарорлигини ушлаб туришга хизмат қилади. ЕМБТ ушбу асосий мақсадга эриш қилмасдан Ҳамдўстликнинг умумий иқтисодий сиёсатини қўллаб-қувватлаб туриши зарур. Мана шу олий мақсадларни ўз олдига қўйиб, ЕМБТ очиқ бозор иқтисодиёти тамойили, яъни эркин рақобат талабларига мос ҳолатда, ресурсларни самарали тақсимланишига кўмаклашиши зарур.

ЕМБТ нинг олдида турган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- Ҳамдўстликнинг валюта сиёсатини аниқлаш ва амалга ошириш;
- Валюта операцияларини амалга ошириш;
- Аъзо давлатларнинг расмий валюта резервини сақлаш ва бошқариш;
- Тўлов тизими ишин узлуксизлигини таъминлаш;
- Кредит институтлари ва молия тизими барқарорлиги устидан назорат масалаларида маъсул органлар амалга оширадиган сиёсатга ёрдам бериш.

Бундан ташқари, ЕМБТ Ҳамдўстлик ва миллий ҳокимият органларига унинг ваколатига кирадиган саволлар бўйича, айниқса Ҳамдўстлик ва аъзо давлатларнинг қонунчилиги масалаларида консултация бериш вазифасини ҳам ўтайди.

ЕМБТ валюта функциялари ва операциялари. ЕМБТ Уставида ЕМБТнинг валюта функциялари ва операциялари белгилаб қўйилган. Шу шарт-шароитга мос равишда Европа валюта институтлари ЕМБТнинг валюта сиёсатини олиб бориш тамойилларини тайёрлаган ва ишлаб чиққан. ЕМБнинг Бошқарув кенгаши бу тамойиллар бўйича охириги қарорлар қабул қилади.

Валюта сисъатининг инструментлари. Валюта сисъатининг методологик асоси бир қанча инструментлардан ташкил топади. ЕМБТ очик бозорларида операцияларни амалга ошириб боради ва доимий амал қиладиган тизим ижросини таъминлайди. ЕМБТ худди шундай кредит институтлари ҳисобида ҳам минимал резервлар сақлашни талаб этиши мумкин.

Очиқ бозордаги операциялар (open market operations) фоиғ даражасини тартибга солишда ва бозорда ликвидлик вазиятини бошқаришда муҳим рол ўйнайди. ЕМБТ очик бозорда операциялар ўтказиш учун беш типдаги инструментлардан фойдаланади. Анча муҳим инструментлардан бири тесқари келишув ҳисобланади, бу келишув шаклида қўлланиб, таъминланган ссудани қайтиб сотиб олиш шарти билан сотиш амалга оширилади.

ЕМБ очик бозордаги операцияларининг инициатори ҳисобланади, бундай операцияларни ўтказиш шартлари ва ишлатиладиган инструментлар бўйича қарорлар қабул қилади. ЕМБТ ўтказадиган операцияларни мақсади, доимийлиги ва процедураси бўйича 4 та категорияга бўлиш мумкин:

- *асосий қайта молиялаштириш операцияси;*
- *узоқ муддатли қайта молиялаштириш операцияси;*
- *нозик мослашув операцияси;*
- *туғилмавий операциялар.*

Асосий қайта молиялаштириш операцияси тесқари келишув билан мунтазам ликвидликни таъминловчи восита ҳисобланади, бунда ҳафталик вақти билан такрорланиб туради, унинг амал қилиш муддати икки ҳафтага тенгдир. Булар миллий марказий банклар томонидан стандарт тендер асосида ва олдиндан белгиланган графикка мос равишда ўтказилади.

Узоқ муддатли қайта молиялаштириш операциялари тесқари келишув билан ликвидликни таъминлайди. бунда бир ойлик муддат билан такрорланиб туриб, амал қилиш муддати уч ойга тенг бўлади. Булар миллий марказий банклар томонидан стандарт тендерлар асосида ва олдиндан аниқланган графикка мос равишда ўтказилади.

Нозик мослашув (созлиш) операцияси хусусан кўзда тутилмаган ҳолатларда ликвидликни ўзгартиришни юмшатиш учун, бозорда ликвидлик вазиятини ва фоиғ ставкаси даражасини бошқариш учун махсус асосда ишлатилиши мумкин. Нозик мослашув операцияси энг аввало тесқари операция кўринишида амалга оширилади, яна аутрайт келишуви, валюта свопи ва депозитларни шартлар билан инкассация қилиш шаклларида ҳам бўлиши мумкин.

ЕМБТ қарз сертификатларини эмиссия қилиш, тесқари келишувлар ва аутрайт операциялар йўли билан *структуравий операцияларни* ҳам ўтказиши мумкин. Бу операциялар шу жумладан агар ЕМБ ЕМБТни структуравий позициясини молиявий секторга нисбатан йўналтиришни хоҳласа (мунтазам ёки гоҳида) амалга ошириши мумкин. Структуравий операциялар тесқари келишув ва қарз инструментларини эмиссия қилиш кўринишида миллий марказий банклар стандарт тендер йўли билан амалга оширадilar. Структуравий операциялар аутрайт операцияси кўринишида иккитарафлама келишув асосида амалга оширилади.

Доимий амал қилувчи чизмалар “туғи” ликвидликни таъминлайди ва ошқича ликвидликни камайтиради. бозорга валюта сисъатининг умумий тамойиллари тўғрисида сигнал беради ва аурнайт бозор фоиғ ставкасини тартибга солади. Доимий амал қилувчи чизмада қарама-қарши томон ихтиёрида икки типдаги чизма мавжуд

бўлади ва улар миллий марказий банклар томонидан марказлашмаган ҳолатда бошқарилади:

- Қарама-қарши томонлар кредитлашни маржа чизмаси ёрдамида миллий марказий банклар ўзлари танлаган активларга нисбатан "тунги" ликвидликни таъминлайди. Кредитлашни маржа чизмаси бўйича фоиз ставкаси овернайт бозор фоиз ставкаси учун юқори чегара нуқтасини таъминлаши керак бўлади.

- Қарама-қарши томонлар миллий марказий банкларда "тунги" депозитни ташкил қилиш учун депозит чизмасини ишлатиш имкониятига эга бўладилар. Депозит чизмаси бўйича фоиз ставкаси, ҳаммадан аввал овернайт бозор фоиз ставкаси учун пастки чегара нуқтасини белгилаши керак.

Минимал резервлар. ЕМБТ минимал резервларни учинчи этапдан бошлаб қабул қилиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилган эди. ЕМБ Бошқарув кенгаши ихтиёрида минимал резервларни талаб қилишни қўллаш зарурияти мавжуд. Барча минимал резерв тизими, пул бозорига фоиз ставкасини барқарорлаштириш учун, таркибий ликвидлик дефицитини (ёки кўпайишини) пул экспанцияси билан бошқариш имкониятини яратади. Резерв талаби ҳар бир муассаса учун унинг баланс элементига боғлиқ ҳолда аниқланади. Фоиз ставкаси барқарорлиги сиёсатини амалга ошириш учун минимал резервлар тизими муассасалар учун ўртача шартлардан фойдаланиш имкониятини яратиши керак. Бу шунинг аниқланиши, резерв талабларини қўлланиши ўртача ойлик учун муассасани ҳар кунлик резерв кўрсаткичидан келиб чиқиб ҳисобланган кўрсаткичга асосланиши керак.

Базовий (таянч пунктларга оид) активлар. ЕМБТ Уставининг 18.1 моддасига мувофиқ, барча кредит операциялари айнан бир хиллик таъминотига эга бўлиши зарур. ЕМБТ кенг активлар доирасини базавий сифатида ишлатилишига йўл очади. ЕМБТ ўзининг ички мақсади хусусияти учун, яроқли иккита активлар синфига, яъни биринчи ва иккинчи тартибга бўлишади. Биринчи тартиб активлар синфига, ЕМБ томонидан белгиланган, Валюта иттифоқи критерияларига жавоб бериши учун ягона қониктирувчи юқори ликвидли қарзга оид инструментлар қиради.

Иккинчи синф активлар таркиби ЕМБ томонидан маъқулланган, миллий марказий банклар томонидан белгиланган критерияларга тўғри келишлиги аниқланган, миллий молия бозорлари ва банк тизими учун катта аҳамият касб этадиган (нафақат юқори ликвидли) қўшимча активлардан иборат бўлади. Бу икки синф ўртасида ЕМБТ валюта операциялари учун уни сифати ва яроқлилиги нуқтан назаридан умуман тафовут йўқ, фақат иккинчи тартибдаги активлар одатда аутрайд келишувларида ишлатилмайди.

Европа марказий банклар тизимининг тузилиши. ЕМБТ Европа иттифоқининг Европа марказий банки ва миллий марказий банклардан (ММБ) ташкил топган. Аммо аъзо давлатларнинг ММБ евро зонасига қармайди ва ЕМБТ нинг махсус статусига эга бўлган аъзолари ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирига ўзининг шахсий миллий валюта сиёсатини юритишга руҳсат этилган, улар еврозона учун ягона валюта сиёсатига тааллуқли бўлган қарорларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишга иштирок этмайди.

ЕМБТ ЕМБ бошқарув органлари қабул қилган қарорлари билан бошқарилади, улар қуйидагилардан иборат:

- Бошқарув кенгаши;
- Ижро кенгаши;
- Бош кенгаш.

Бошқарув кенгаши барча аъзоларнинг Ижро кенгаши ва аъзо давлатларнинг ММБ бошқарувчиларидан ташкил топиб, Валюта иттифоқининг тўлиқ иштирок этувчи ММБлари тенг ҳуқуқга эга ҳисобланади. Кенгаш Бошқарувчиларининг асосий вазифасига қуйидагилар қиради:

- ЕМБТга юклатилган функцияларни бажариш учун зарур бўлган директиваларни ишлаб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш;

- Ҳамдўстлик валюта сиёсатини шакллантиради, фоиз ставкаси ва ЕМБТнинг резервини ташкил топиши ҳамда уларни амалга ошириш борасида директивалар ишлаб чиқади.

Ижро кенгаши президентдан, вице-президентдан ва 4 та бошқа аъзолардан ташкил топади. Буларни барчаси валюта ва банк фаолияти соҳасида профессионал тажрибага эга бўлган одамлар ичидан танлаб олинади. Улар Европа муҳокамасидан ўтиб, Европарламент ва ЕМБ Бошқарув кенгаши (агар у биринчи марта тасдиқланаётган бўлса Европа валюта институти Кенгаши) билан маслаҳатлашилгандан кейин, аъзо давлатлар ҳукуматининг давлат бошлиғи ёки ҳукумати тавсияси бўйича, яъни умумий розиликлардан кейин тайинланади. Ижро кенгашининг асосий вазифаларига қуйидагилар қиради:

- ЕМБ Бошқарув кенгаши тақлиф этаётган директива ва қарорларга мос валюта сиёсатини амалга ошириш борасидаги кўрсатма ва йўриқномаларни ММБга етказиш вазифасини бажаради;

- ЕМБ Бошқарув кенгаши уларга нимани буюрса шу вазифаларни бажаради.

Бош кенгаш президент, вице-президент ва аъзо давлатларнинг ММБ лари барча бошқарувчиларини ҳамда ҳуқуқлари чекланган давлатларнинг ММБ бошқарувчиларидан ташкил топади. Бош кенгаш Европа валюта институтидан мерос бўйича ЕМБ қолган, яъни битта ёки ундан кўпроқ аъзо давлатларга қўйилган чегараланишларни учинчи босқичда ечиши керак бўлган вазифаларнинг натижаларини назорат қилади. Бош кенгаш яна қуйидаги вазифаларни ечишга ёрдам кўрсатади:

- ЕМБТ га консултатив ёрдам бериш вазифасини бажаради;

- Статистик маълумотларни йиғади;

- ЕМБ бўйича йиллик ва чораклик ҳамда ҳафталик йиғиладиган молиявий ҳисоботларни тайёрлайди;

- Барча ММБ банкларда ўтказётган операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини ягона стандартлаш тартибида юритади;

- ЕМБ аъзолик пул бадалини аниқлаш тартибини ишлаб чиқади, имзоланган шартномалар бўйича тадбирлар қабул қилади;

- ЕМБ хизматчиларини ишга қабул қилиш тартибини белгилайди;

- Ҳуқуқи чегараланган аъзо давлатларни миллий валюталари учун еврога нисбатан валюта курси фиксинининг зарурий охириги кўрсаткичларни тайёрлайди.

ЕМБТ – эркин тизим сифатида. ЕМБТ, ЕМБ, ММБ ваколатига кирувчи вазифаларни бажаришда, уларни бирон бир органига кирувчи ходимлар қарор қабул қилишда ташқи органи бирон бир йўриқномасига мурожаат қилиши мумкин эмас. ЕМБТ Низоми ММБ бошқарувчилари ва Ижро кенгаши аъзолари учун лавозимда бўлган даврида эркин фаолият юритиш кафолатини таъминлаш борасида баъзи бир тадбирлар кўзда тутилган. Низомда шундай белгиланган:

- Бошқарувчилар учун хизматнинг минимал муддати 5 йил;

- Ижро кенгаши аъзолари учун хизматнинг минимал муддати 8 йил (шунини инобатга олиш зарурки, Президентдан ташқари, биринчи Ижро кенгаши аъзоларининг иш юритишларида узлуксизликни таъминлаш учун барчаси босқичма-босқич навбат билан тасдиқланиш тизими кўзда тутилган);

- Лавозимдан олиш жазоси фақатгина ўз профессионал касбини бажаришга нолийк бўлиб қолган ёки хизмат вазифасида ўта сезиларли хатога йўл қўйганда мумкин бўлиши мумкин;

- Европа суди барча келишилмовчиликларни ечишга ваколатлидир.

3.3. Буюк Британия банк тизимининг ривожланиш босқичлари.

Лондон – Нью-Йоркдан кейин, иккинчи ўринда турадиган энг йирик халқаро молия марказидир. Унинг ўрни евровалюта ва еврооблигация бозорида операцияларнинг миқёси кенгайган сайин мунтазам равишда кучайиб бормоқда.

Англия Банки кредит-банк муассасалари пирамидасининг энг чуққисиди туради. У 1694 йили акционерлик жамияти сифатида, Франция билан урушни молиялаштириш учун ташкил этилган. 1844 йилдаги АКТга мувофиқ, унга Англия ва Уэльс ҳудудида банкноталар чиқаришнинг якшаҳокимлик ҳуқуқи берилган. 1946 йили Англия Банки миллийлаштирилган.

Англия Банки мамлакатнинг марказий банки сифатида пул-кредит тизимининг амал қилиш бўйича умумий шарт-шароитларни таъминлаш ва давлатнинг молиялаштириш функцияларини бажаради. У кредит-банк институтлари устидан назоратни амалга оширади, иқтисодий муҳитга қараб пул ва валюта ҳамда капитал бозорларида тегишли акциялар ўтказилади. Банк ҳукумат органлари ҳисобини юритади, газначилик векселларини сотиш йўли билан қисқа муддатли ресурсларни жалб этади, давлат қарзини молиялаштириш ва уни бошқариш билан шуғулланади.

Англия Банки билан ва кредит-банк муассасалари ўртасида боғловчи бўғун сифатида дисконт (ҳисоб) уйлари дидир. Улар бошқа банкларга маблағларни шундай шаклда сармоя сифатида киритиш имкониятини беради ва иштирокчига ликвидлик ва маълум даражада даромад олишни кафолатлайди. Улар ҳукуматнинг қимматли қоғозлари билан ўтказиладиган операцияларнинг асосий улушига хизмат кўрсатади.

Англияда кредит тизимининг илгор бўғини тижорат банкларидир. Улар қуйидагиларга бўлинади:

- 1) депозит банклари;
- 2) савдо банклари;
- 3) “заморск” банклари;
- 4) хорижий банклар.

Депозит банклари ҳаммадан аввал Лондон банкларининг ичида «катта тўртлик» гуруҳи сифатида ажралиб туради. Булар Буюк Британиянинг молиявий капиталини кўз-кўз қилувчи ва мамлакатнинг молиявий қувватини намоён қилувчи муассасалардир. Буларга энг йирик банк монополиялари ҳисобланган: “Барклейс ПЛК”, “Нэшл вестминстер бэнк ПЛК”, “Мидленд бэнк ПЛК” ва “Ллойдс бэнк ПЛК”.

Мамлакатнинг барча ҳудудларида 13 мингдан ошқ бўлимларга эга бўлган Клиринг банклари жойлашган. Улар мамлакатда депозит-ссуда операцияларининг жуда катта қисмини назорат қилади. Клиринг банклари жаҳон миқёсда Буюк Британиянинг мустаҳкам лидерлигини ушлаб турибди. Клиринг банклари кенг автобанк (автоматик касса аппаратлари) тармоғига эгалик қилади, улар мижозларга Буюк Британиянинг хоҳлаган жойида қатор операцияларни суткани хоҳлаган вақтида

бажариш имкониятини беради (нақд пул олиш, ҳисоб рақамини қолдиғини билиш, чек китобчасига буюртма бериш, ҳисобдан кўчирма олиш).

Савдо банклари – ўта обрўйли молиявий муассасалардир. Уларни обрўйи ва кучи нафақат уларни капитали микдорига ёки депозит-ссуда операциялари микдорига, балки бозордаги вазиятни аниқ кўра билишида ҳамда хатосиз равишда ўз фаолиятининг манфаатли йўналишини топа билишидадир. Аънаёна асосан савдо банклари Лондон шаҳрида жамланган. Улар шунингдек шунга ўхшаш йирик шаҳарларда ҳам ўз бўлимларига эга. Савдо банклари ташқи савдонини молиялаштириш, акцепт бизнеси билан, корпоратив омонатчиларни фаол кредитлайди, инвестицияни бошқаради, инвестиция саволлари бўйича консултациялар беради, молиявий консорциумлар ташкил қилади, таъсисчилик фаолиятига воситачилик қилади, компанияларнинг бирлашиши ва қўшилиши бўйича операцияларда иштирок этади, валюта бозорига ва қимматбаҳо металл бозорига операцияларни амалга оширади, молиявий операцияларни ўтказиш бўйича консултациялар беради. Бундан ташқари, улар асбоб-анжомларни лизингга бериш операцияларини фаол кенгайтирадилар, суғурта соҳасига ҳам кириб борадилар, муддати узайтирилган сотувларни кредитлаш, кемалар ва самолётларни фрахт операциялари борасида воситачилик фаолиятини олиб борадилар ҳамда мол-мулкни бошқариш билан ҳам шуғулланишадилар. Савдо банклари ўрта муддатли кредитлар бозорининг анча-мунча қисмини назорат қиладилар. Уларни роли эмиссион уйлар сифатида янада сезиларлидир, қимматли қоғозларни жойлаштиришда ва иккиламчи бозордаги операцияларда воситачи бўлиб хизмат кўрсатадилар. Улар еврооблигация бозорига операцияларда ва синдикатланган консорциумларда иштирокчи бўлиб хизмат кўрсатади.

“Заморск” банклари ёки Ҳамдўстлик банклари Британия заморск банклари уюшмасида аъзо ҳисобланади. Улар 12 та банкни ўз таркибига олган, бош қонтораси Лондонда жойлашган. Яна 10 та банк Лондон Ситида ўзларининг ваколатхоналарига эга. Бу банкларнинг кўпчилигини капитали Британия молия аристократиясининг қўлида. Улардан энг йириги – “Стандард чартед бэнк” бўлиб, унинг 1360 та бўлими мавжуд, қолганларини барчаси – 3500 та бўлимларга эга. Ҳамдўстлик банклари нисбатан “чакана” депозит-ссуда операциялари билан шуғулланади, улар маълум ҳудудийларда ва Британия империясининг собиқ давлатларида қайсидир операцияларга “ихтисослашган”. “Барклейс бэнк интернэшнл” асосан Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) ва Қариб хавзаси давлатларида кўпчилигини ташкил этади, “Ллойдс энд Болса интернэшнл” Европа ва Жанубий Америка континентига, “Нэшнл энд гриндлейс бэнк” Жанубий Осиё, Шарқий ва Марказий Африка давлатларида жойлашган.

Жаҳоннинг молиявий марказларининг биронтасида ҳам хорижий банклар Лондон Ситидагидай кўп эмас (уларнинг сони 400дан ошди). Уларда 50 мингга яқин одам фаолият юритади, уларнинг яқин активлари Бирлашган Қиролликнинг бутун банкларининг активларини 60 фоизидан ошади. Хорижий банклар улushiга хорижий валютадаги яқин депозитларнинг 80 фоизига тўғри келади. Депозит банклар тизимига жамғарма институтлари бирлашиб кетган, уларни қаторига “Нэшнл сейвинг бэнк”, “Нэшнл жиробанк” ва бошқа жамғарма ишончли банклар қиради. Уларнинг асосий функциялари майда ва ўрта омонатчилардан омонатларни қабул қилиш ва узок муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари бўйича ҳисоб-китобни амалга ошириш, ижарага олиш, кейин тўлаш шарти билан товарларни сотиб олиш, почта орқали етказиш билан товарларга буюртма бериш, коммунал хизматлар учун пул

тўловини ўтказиш, ипотека бўйича мунтазам тўловларни бажариш, суғурта бадалликлари ва фонсларни тўлаш ва ҳаказо

Депозит-ссуда операциялари соҳасида тамойилал жиҳатдан янги бўлиб, қурилиш жамиятлари активларини ривожланиши ва усини ҳисобланади. Улар ширкатлар сифатида ўзларини намоён қилиб, аҳолидан омонатларни қабул қилади ва қурилишга ёки яшаш уйларини сотиб олишга узоқ муддатли индивидуал ссудалар беради. Буюк Британиянинг кредит-банк тизими таркибида инвестицион институтлар: суғурта компаниялари, пенсия фондлари, инвестицион трестлар, ишончли пай фондлари муҳим рол ўйнайди.

Англия Банки ҳозирги босқичда. Англия банки. бошқа давлатларнинг марказий банклари сингари, бугунги кунда ўзгараётган шароитларга мослашиш борасида, ундан янги ҳаракатлар талаб қилинаётган бир пайтда молиявий ва иқтисодий ўзгаришлар марказида бўлиб қолмоқда. Булар уларнинг функциясида, фаолиятни ташкил қилишда ва технологияда ҳамда банклараро кооперацияда ва халқаро ҳамкорликда радикал янги ёндашиш билан, тамойиллар ўзгаришлар киритилишини талаб қилмоқда.

Англия Банки бажарадиган кўпсонли функцияларни иккита гуруҳга бўлиш мумкин:

1-гуруҳ. Банк мақомидан келиб чиқадиган, тўғридан-тўғри профессионал (депозитлар-ссудалар, ҳисоб-китоблар ва эмиссия операциялари бўйича) мажбуриятлар;

2-гуруҳ. Назорат функциялари. яъни давлат унинг ёрдамида пул-кредит тизимига аралашади ҳамда иқтисодий жараёнларни кечилишига таъсир қилишга ҳаракат қилиб кўради.

Англия Банкининг кўп сонли функциялари мавжуд, уларни барчаси учта бош мақсадга эришишга қаратилган. Улар:

1. Хукумат билан келишган ҳолда энг аввало бозордаги операциялар ёрдамида миллий валюта қийматини ушлаб туриш, бошқача сўз билан айтганда пул сисъатини амалга ошириш;

2. Банклар, Ситидаги молиявий бозор иштирокчилари устидан тўғридан-тўғри назорат олиб бориб, молиявий тизим барқарорлигини ҳамда мустаҳкам ва самарали тўлов тизимини таъминлаш;

3. Мамлакат ичкарасида молия тизимини рақобатбардошлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш ҳамда Лондон Ситининг йирик халқаро молиявий марказ сифатида позициясини мустаҳкамлаш.

Англия Банки хоҳлаган бошқа бир банк сингари ўзининг миқозларига қатор хизмат турларини кўрсатади. Миқозлар гуруҳини, нисбатан учта муҳим гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Тижорат банклари. Барча клиринг банклари Англия Банкида ўзларининг ҳисоб рақамларини очадилар. Клиринг операцияларида Англия Банкида очилган клиринг ҳисоб рақамлари ишлатилади. Банклар ҳисоб рақамида маълум суммани сақлашлари керак ва уни кўпайтириб юбориш ваколатига ҳам эга эмас. (Буюк Британияда фаолият юритаётган барча банклар Англия Банкидаги (депозит) ҳисобида жами жалб қилган депозит суммасининг 0,35 фоизини сақлаши зарур). Бу ўрнатилган резерв нормаси бўлиб, Англия банкининг бош даромад манбаи ҳисобланади.

2. Бошқа мамлакатларнинг марказий банклари Англия Банкида ҳисоб рақамларига эга ва олтинини сақлашади ҳамда Лондонда ўз ишларини Англия Банки орқали юритишлари мумкин.

3. Ҳукумат ҳисобини Англия Банкида сақлашади, шундай қилиб тўловлар, бюджетга солиқлар ва бюджетдан ижтимоий ихтиёжларга тўловлар Англия банкидаги ҳисоб рақамидан амалга оширилади.

Юқорида қайд этилганларга мувофиқ Англия Банкининг учта бириччи функциясини кўрсатиш мумкин:

1. Англия Банки тижорат банклари учун хизмат қилади;
2. Англия Банки бошқа марказий банклар учун ҳам хизмат қилади;
3. Англия Банки ҳукумат учун ҳам хизмат қилади.

Англия Банкининг бошқа функциялари:

1. Монитар сиёсатни амалга оширади. Англия банки сиёсат усуллари бўйича маслаҳат беради ва унинг бажарилишига масъулдир, яъни жавобгардир.

2. Банкноталар эмиссиясини амалга оширади.

3. Валюта операциялари ва назоратни амалга оширади, Ғазначилик номидан мамлакатнинг олтин валюта резервини бошқаради.

4. Кредит муассасалари, валюта ва кредит бозорлари – бутунлай банк тизими устидан назоратни амалга оширади.

5. Англия Банки – Европа Валюта Институти (ЕМІ – European Monetary Institute), яъни 1998 йилда ташкил этилган Европа марказий банкининг аъзосидир.

Англия Банки формал жиҳатдан ҳукуматга бўйсунмайди, лекин Молия вазирлиги раҳбарлигида ишлайди. Англия Банки Бошқарувчисининг ваколати муддати ҳукуматнинг сайланиш муддатига боғлиқ эмас.

Ҳозирги пайтда Англияда баҳо барқарорлигига эришишни иккита йўналиши мавжуд:

1. ўртача инфляция даражасининг 25 % ёки ундан паст даражасига эришиш;
2. пул сиёсатини амалга ошириш режимида яна ҳам очикликка (эркинликка) эришиш.

Монитар сиёсатни олиб боришда, яъни энг аввало фойз ставкаси даражасини анқлашда инфляцияни мақсадга етишни таъминлаш Англия Банкига ва Ғазначиликка юклатилган (Англия Банки бошқа банклардан фарқи ҳукуматга бўйсунмай ҳаракат қила олмайди). 1946 йилда Англия Банки тўғрисидаги қабул қилинган АКТга мувофиқ Ғазначиликка Англия Банкига кўрсатма чиқариш ваколати берилган, ваҳоланки Ғазначилик ҳеч қачон бу ҳуқуқдан фойдаланмаган. Уларни ўртасида муносабат шундайки фойз ставкаси бўйича финал қарорни Молия Вазирлиги қабул қилади. Эндликда Англия Банки Инфляция бўйича (Inflation Report) чораклик ҳисоботни, яъни фойз ставкаси бўйича Вазир ва Бошқарувчининг протокол учрашуви бўлиб ўтиб, 6 ҳафтадан кейин чоп этилади, унда информациялар чуқур таҳлил этилган мазмунга эга бўлади.

Буюк Британия 1990-йил 8 октябрдан бошлаб Валюта курси механизми (ERM – exchange rate mechanism) аъзоси бўлган, шунинг учун ҳам хорижий валюталарга нисбатан ўз валюта курсини маълум доирада ушлаб туришга мажбур бўлган. 1992 йилнинг 16 сентябрдан ERM дан Англия чиққандан кейин сузиб юривчи валюта курсига ўтилган.

Тарихан мажбурий резервлар тижорат банклар учун доимо омонатчиларга депозитларни қайтариш бўйича ва бошқа банклар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда тўлов мажбуриятларини узлуксиз бажариш учун ривожланган. Бошқа сўз билан айтганда марказий банкда сақланаётган тижорат банкининг касса резервлари, депозитни қоплаш учун кафолат фонди бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги пайтда минимал резервлар иккита мақсадга қаратилган:

1. улар тижорат банкларининг доимий ликвидлигини таъминлаши лозим;

2. улар, пул массасини, тижорат банкларини тўловга ва кредитга қобилиятлигини тартибга солиш учун марказий банкнинг инструменти ҳисобланади.

Буюк Британияда тижорат банклари Англия Банкидаги ҳисобида фунт стерлингга жалб этилган депозитлари учун 0,35 фоиз резерв сақлаши зарур. Баъзи бир давлатларда минимал резервларни ҳисобланиши базаси бўлиб берилган кредитлар миқдори ҳисобланади. Амалиётда пассивлар бўйича мажбурий резервлар нормаси, банкнинг жами пассивларига ёки уларни баъзи бир моддаларига нисбатан қўлланиши мумкин. Марказий банк томонидан бунақанги танланган ёндашувнинг қўлланиши, банкларнинг у ёки бу турдаги депозит операцияларини рағбатлантириш ёки чегараланиш мақсадида амалга оширилади.

Англия Банкининг муҳим функцияларидан бири - давлат қарзини бошқариш ҳисобланади. Англия ҳукумати солиқлар кўринишида оладиган тушумга нисбатан одатта кўра бюджетдан ошқича сарф-ҳаражатларни амалга оширади.

Англия Банкининг Рўйхатдан Утказиш Департаменти "биринчи даражали" қимматли қоғозларни ушлаб турганларнинг реестрини юритади. Бу маълумотларни қайта ишлашнинг бош усули, қимматли қоғозларнинг бир миллионга яқин ҳисобини қайд этади, йили бўйи эса бу ярим миллионга яқин бўлди. Бунга қўшимча равишда Англия Банкида Central Gilts Office мавжуд бўлиб, у орқали "биринчи даражали" облигациялар иштирокчиларининг автоматлашган тўловлари ўтади.

"Англия Банки" - Англияда ва Уэльсда ягона эмиссион институтдир. (Монеталарни Ғазначилик номидан Қироллик зарбхонаси чиқаради ва уларни чиқариш Англия Банки ваколатига кирмайди). Банкнота чиқаришдан олинадиган барча фойда ҳукумат ихтиёридадир.

Банкнотларни дизайни ва уларни чиқариш Эссексда жойлашган Банк чоп қилиш фабрикасининг вазифасига киради. Банк нафақат пул чоп қилади, у ўзининг (5та бўлими: Бристол, Бирмингем, Лидс, Манчестер ва Ньюкаслдаги) бўлимлари орқали, бутун давлат бўйича тижорат банкларини таъминлайди, муомаладан яроқсиз бўлиб қолган купюраларни чиқариб олади. Бирлиги 5 ф.ст. қийматидаги купюрани ўртача муомаладаги муддати 1 йил, 50 ф.ст.нинг муддати 3-4 йил.

Турли давлатларда кредит-молия муассасалари устидан ўрнатилган назорат, бу фаолиятнинг ташқи қилинганлиги шакли ва тизимнинг ички тўзилиши билан ажралиб туради. Назорат функцияси фақатгина марказий банк ваколатига кирадиган давлатлар қаторига Буюк Британия ҳам киради.

Англия Банки назорат функциясини қуйидаги йўллар билан амалга оширади:

- дастлаб молиявий муассасаларнинг банк хизмати бозорига чиқишнинг тартибга солиш йўли билан назоратни амалга оширади.
- банклар учун иқтисодий нормативларни ва фаолият нормаларининг ўрнатилиши ҳамда уларга риоя қилинганлиги устидан ҳужжатли текширувни амалга ошириш йўли билан;
- жойларда инспекцион текширув ўтказиш билан (Англияда бу мажбурият ташқи аудитга юклатилган);
- аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича кредит муассасаларига талабномалар қўйиш ва банклар томонидан уларнинг аниқ бир белгиланган муддатда бажарилишини назорат қилиш;
- зарурият бўлганда кредит муассасаси фаолиятига аралаштиш.

Тижорат банклари. Британия банк тизимининг иккинчи поғонаси тижорат банклари ва молиявий компаниялар ҳисобланади.

Британия тижорат банклари тизими жуда кучли дифференциялашган. Унда махсус банклар тамойили амал қилади. Унда иккита аънаа қузатилади: бир томондан, пул талаби ва тақлифи ўзгаришига банкларни мослаштиришга ҳаракат қилиб, ихтисослаштириш, иккинчи тарафдан, йирик тижорат банклари ва хориждаги жамғарма кассалар операцияларини кенгайтириш аънааси (тенденцияси) амал қилмоқда.

Англия Банки Англияда тижорат банклари учта гуруҳга бўлинади:

1. депозит (чакана (retail banks) банклари ёки “кўчанинг бош банклари (high street banks)”);
2. ҳисоб уйлари;
3. акцепт уйлари, хорижий банклар, бошқа банклар.

Депозит банклари. Англиянинг муҳим депозит банкларига клиринг банклари қиради. Булар энг йирик акциядорлик банклари бўлиб, улар клиринг мажбурияти билан боғланган. 60 йилларнинг охирида жуда йирик кўшилишлардан кейин, барча клиринг банклар “катта тўртлик”: “Барклайз”, “Нэшнл вестминстер бэнк”, “Мидленд бэнк” ва “Ллойдс бэнк”ка бирлашди. Яна 2 та банкни қўшиш мумкин – “Уильямс энд Глайнс” (уни “Стандарт Чартед” назорат қилади) ва “Каутс” (уни “Нэшнл вестминстер бэнк” назорат қилади). Ҳозирги вақтда бу олтита банкнинг Англияда ва Уильсда 12 мингдан ошиқ бўлимлари мавжуд. Англиянинг йирик банкларига Шотландияда ва Шимолий Ирландияда ўз филиалларини очиш тақиқланган, шунинг учун улар кўпинча маҳаллий депозит банкларда иштирок этишади (Шотландия ва Шимолий Ирландияда тижорат банклари сиёсатига таъсир қилиш имкониятига эга бўлиш учун). Бу 6 та банкларга (уларнинг шўъба компаниялари билан биргаликда олганда) барча депозит банкларнинг қарийб 90 % операциялари ва Буюк Битания банк омонатларининг тенг ярмига тўғри келади. Бошқа мамлакатларга солиштирганда, Англиянинг гигант банклари 70-йилларнинг бошларида юқори позицияни эгаллаган бўлса, 80-чи йилларнинг бошларида уларнинг халқаро аҳоли ёмонлашиди ва пасайди.

Клиринг банкларининг асосий операциялари – омонатларни қабул қилиш ва кредитлар беришдир. Клиринг банклари йирик, ўрта ва кичик саноат корхоналари ҳамда аҳоли учун тўловларни амалга оширади. Бу банклар ўртасидаги тўлов обороти, клиринг келишуви донрасида, яъни ўзаро талабларни инobatга олиш ва қолдиқларни ўтказиш усули билан амалга ошади. 70-чи йилларда ҳар йили ушбу банклар ўртасида 1 млрд. фунт стерлинг атрофида чеклар ёрдамида ҳисоб китоблар амалга оширилган. Клиринг банкларга ҳаётни суғурта қилишда ва саёҳатни ташкил қилишда воситачилик қилиш каби янги йўналишлар кириб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси клиринг банкларни худди молиявий конгломератлар сифатида характерлаб, уларда банк операциялари умумий фаолиятининг маълум қисми бўлиб қолаётганлигини кузатиш мумкин.

Банк хизматлари соҳасида юқори рақобатнинг мавжудлиги банкларни бошқа молиявий институтлар билан бирлашишга ундамоқда. Буюк Британияда – Hong Kong and Shanghai Banking Corporation Holdings деган ниҳоятда йирик, жаҳонда 9-чи ўринни эгаллаган банк молия бирлашмаси ташкил топиши бу жараёнга яққол мисол бўла олади. Бу бирлашмага капиталлари оснёдан чиққан халқаро компаниялар ва 2-та Британиянинг банклари (Samuel Montagu ва Midland Bank) кирган.

Бу Осиё, Гонконг, Австралия, Янги Зеландия, АҚШ, Канада ва Буюк Британия каби давлатларнинг манфаатлар соҳаси гуруҳидир. Булар ихтисослашган бирлашмалар ва фондлар бўлиб, хусусан Hong Kong Bank Group таркибида Wardly Group ва Midland Group таркибида Montagu Private Equityлардир.

Гуруҳ кўрсатадиган хизматлар тури амалда чегараланмаган:

- чакана ва корпоратив хизмат кўрсатиш;
- савдога хизмат кўрсатиш бўйича ҳисоб-китоб операциялари;
- индивидуал ва инвестицион банк сервиси;
- капитал бозорида хизматлар;
- истеъмолни ва тижоратни молиялаштириш (тўлов муддати кечиктирилган ҳаридни молиялаштириш);
- нафақа ва инвестицион фондларни бошқариш;
- ишончнома бўйича ҳар қил турдаги мулклар устидан васийлик назоратини олиб бориш;
- суғурталаш;
- хавфсизлик ва кўриқлаш хизматлари.

Депозит банкларга молиявий уй деб аталувчи, ҳаммадан аввал истеъмол кредити берувчи махсус банклар ҳам киради. Уларнинг 2/3 актив операциялари муддати кечиктирилган истеъмол кредитларига тўғри келади, ўз навбатида бу кредитларнинг 60 фоизидан кўпроғи автомобил сотиб олишни молиялаштириш учун сарфланди.

Савдо банкларини клиринг банкларидан тафовути ва бир пайтнинг ўзида уларнинг имтиёзи шундаки, улар молиявий аҳволи ва ўзининг операциялари тўғрисидаги батафсил маълумотни чоп қилиши шарт эмас. Савдо банклари энг аввало 3-та асосий соҳа билан шугулланишади:

1. Айнан банкга тегишли операциялари билан. Бунда аънавий акцепт-кредит операциялари тушунилади. Бу акцептор уйларнинг Қўмитасига ҳам тегишлидир (17 та таниқли савдо банклари “Акцептор уйлар деб номланган Қўмитага” – Accepting Houses Committee бирлашганлар).

2. Савдо банкининг кейинги операция турларидан бири фунт стерлингга бир кундан 6 ой муддатгача заёмлар қабул қилиш ва бериш ҳисобланади. Уларнинг фаолият соҳасига экспортни молиялаштириш операциялари ҳам киради.

3. Тадбиркорларга хизмат кўрсатиш. Бу ишбилармонларга маслаҳатлар беришдир (мисол учун, корхоналарни қўшилишида жуда мақбул молиялаштириш имкониятлари аниқлаб топиш; акцияларни ҳарит қилишни мақсадга мувофиқлиги таниқлаш тўғрисида маслаҳатлар бериш ҳамда қимматли қоғозлар бозорига янги шаклдаги қоғозларни киритиш).

4. Қимматли қоғозларни бошқариш. Бу хизматлар нафақат қимматли қоғозларни сақлаш, балки ҳаммадан аввал тегишли жамиятларни назорат қилишдир, уларга саноат ва савдо акционерлик жамиятлари, инвестицион компаниялар, пенсия фондлари ва бошқа хусусий фондлар киради.

Ихтисодий адабиётларда клиринг банклари уларнинг стандарт банк хизматлари “тайёр қўйлақлар магазинининг эгаси” деб аталса, савдо уйлари – “молиявий операциялар модельери” деб аталади.

Ҳисоб уйлари. Англияда кейинги типдаги банклар ҳисоб уйлари ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Лондонда 8та ҳисоб уйлари амал қилмоқда ва алоҳида кичик ихтисослашган маклер фирмалар (ginning brokers, money brokers) билан биргаликда, бўларни ҳаммаси бир жойда Лондон ҳисоб бозорини ташкил этган. Ҳисоб уйлари – бу

Лондон бозорининг ўзига хос типдаги молиявий институтларидан биридир. Улар талаб бўйича кафолатланган депозит йўллари билан ликвидли фондларни банклар учун (белгиланган кунгача ёки белгиланган кундаги келишилган кредит ставкаси бўйича) манфаатли сотишни таъминлайди. Бу фондлар киска муддатли газначилик облигациялари (T-bills), тижорат векселлари (commercial bills) ва биринчи даражали фонд қоғозлари (gilt-edged securities, gilts) кўшилган ҳолда турли активларни сотиб олиш учун ишлатилади.

Бошқа банклар. Англияда хорижий банклар (Foreign Banks) баланс суммасы бўйича йирик банклар гуруҳига киради. 1978 йилда Лондонда 63 давлатнинг 308 та филиаллари мавжуд бўлган. Бу банк институтлари ичида 24 Япония ва 53 та банк Европа Иттифоқи аъзо давлатларига тўғри келади. Лондонда Нью-Йоркка нисбатан 2 марта кўп хорижий банкларнинг филиаллар тўпланган. Лондондаги хорижий банкларга Москва Халқ Банки (Moscow Narodny Bank) ҳам киради.

Англияда кейинги банк гуруҳи консорциал банклар (Consortia Banks) ҳисобланади. Кейинги банк статистикаси бўйича бу институтларда, камида иккита давлатнинг банклари иштирок этади, улардан биронтаси ҳам назорат пакетига эга бўлмайди, бу институтлар евробозорни кучайиши билан бирга тез ривожланоқда, уларга ҳаммадан аввал трансмиллий ва мультимиллий sanoat концернлари қарашлидир.

Буюк Британияда яна кўп банка ўхшаган махсус кредит-молия институтлари мавжуд. Уларни ичида: “Жамғарма институтлари” ва олдинлари асосан маҳаллий жамғарма кассалари ролини ўйнаган “Ишончли жамғарма банклари” мавжуд. Кейин улар реорганизация қилинган ва 16 та йирик ҳудудийал муассасалар тузилган, лекин уларнинг ҳуқуқий статуси ноаниқлигича қолган. 1986 йилнинг охирида улар ягона акционер Ишончли-жамғарма банкка айланган, фаолият миқёси ва капитали бўйича “катта тўртлик”дан кейин туради ва тижорат банкларининг барча асосий функцияларини бажаради.

Қурилтиш жамиятлари – 200 йилдан ошиб муддатдан бери амал қилиб келмоқда, ҳозирда аҳолини жамғармасини тўплаш билан шуғулланади. Уларнинг йиғма активлари 80-йилларда кўпайган ва 130 млрд. Ф.ст. ошиб кетган. Уларнинг энг йириклари – Галифакс, Эбби Нэшнл, Нэйшнвайд ва бошқалардир. Барча жамғарма институтлар битта нарсани тўплайдиларки, уларнинг ресурсларини асосий манбаъси – аҳолининг кичик омонатларидир.

Сугурта компаниялари ва пенсия фондлари – йиғилган ссуда капитални узоқ муддатли инвестицияга йўналтиради. Уларда молия-кредит фаолияти иккинчи даражали ҳисобланади, уларни профессионал ихтисослашиши-сугурта иши ва хусусий пенсия таъминотидир. Улар тарафдан сафарбар қилинадиган маблағлар 20-25 йил муддатлик операцияларга (асосан акция ва бошқа қимматли қоғозларга) жойлаштирилади.

Инвестицион трестлар – фақат қимматли қоғозлар операциялари билан шуғулланади. Ўзининг шахсий акциялари ва облигацияларини эмиссия қилиш йўли билан, улар капитални жалб қилади ва бошқа компаниялар қимматли қоғозларига қўйишади.

Ишончли пай фондлари – ўзининг ихтисослашиши бўйича инвестицион трестларга ўхшаб кетади, улар пул капитални тўплашади ва уларни қимматли қоғозларга жойлаштиришади.

Молиявий корпорациялар оддий ссуда капитали манбаъсига қўли етмаган хусусий фирмаларни кредитлашга ихтисослашган. Жуда йирик молия

корпорациялари саноат, қишлоқ хўжалиги ва ипотека корпорациялари ва б.к. ҳисобланади.

Венчур молиялаштириш фирмалари ихтисослашган муассасалар бўлиб, нисбатан 80-чи йилларда юзага келган. Улар энг кўп илгор тармоқларни янги ва кенгаётган компанияларни сотиб олишга иштирок этиш ва кредитлаш билан шуғулланишади, бу операциялар албатта, юқори риск билан боғлиқдир.

Буюк Британияда банк депозитлари

Қатор давлатларда умумқабул қилинган тартибга асосан депозитлар талаб қилиб олингунгача ва муддатли омонатларга бўлинади. Буюк Британия банк статистикаси жорий ҳисобларга (current accounts) ва жамғарма ҳисобларга (deposits/savings accounts) бўлинади. Буюк Британияда жорий ҳисоблардан фойдаланишда битга ўзига хос хусусиятга эга, яъни ҳисоб эгалари овердрафт (overdraft) шаклидаги қисқа муддатли кредитлар олганда, ҳисоб қолдигидан ошадиган суммага чек ёзиш йўли билан топшириқнома ёзиш ваколатига эгадирлар.

Депозитларни ва жамғарма ҳисобларни турли шакллари мавжуд.

Чақириб олиш огоҳлантирилиши билан - 7-кунлик жамғарма омонати. Бу нисбатан унда сақланаётган маблағни тезроқ ишлатишга мўлжалланган ва омонатчи учун ликвидликни таъминлаш воситаси сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Мунтазам бадалли билан жамғарма ҳисоб. У ўрта муддатли жамғармаларни жалб қилишга мўлжалланган. У никоҳдан ўтишни мўлжаллаётган ёки яқинда оила қўрган ёшлар учун нихоятда жозибадор. Мебеллар, автомашиналар, туристик саяхатлар ва бошқалар учун мақсадли жамғаришни кўзда тутлади.

Юқори фоизли инвестицион ҳисоб. У пулни узоқ муддат сақлаш учун кўзда тутилган ва нисбатан имконияти юқори бўлган қари кишилар учун мўлжалланган.

Англияда банк депозитларини сўғурталаш тартиби. Буюк Британияда 1979 ва 1987 йилларда Банк аклари қабул қилинган эди. Қабул қилинган актга мувофиқ 1979 йилда банклар Англия иқтисодиётида инқироз вазияти содир бўлса омонатчиларга кафолат беришлари шарт эди. Қонун билан омонатчиларнинг "депозитларини ҳимоя чизмаси" тасдиқланган, қайсики унда банкларнинг ҳаракати учун мажбурликлар кўзда тутилган эди. "Депозитларни ҳимоя қилиш чизмасига" мувофиқ ҳар бир индивидуал омонатчи 10 000 фунт стерлингдан ошмаган омонати бўйича кафолатланган сумманинг қайтарилиши 75 % ҳисоб-китобидан келиб чиқиб сўғурта суммасини олишга мўлжал қилса бўлади.

Англияда ҳозирги вақтда омонатчилар томонидан қўйилган депозит суммасининг ¼ қисми ҳимояланган ҳолос. Максимал компенсация миқдори 20 000 фунт стерлингнинг (30 000 АҚШ долларини) ташкил этади.

Буюк Британияда кредит келишувлари. Англия банклари корхоналарга қисқа муддатли кредит беришнинг асосий шакли сифатида овердрафтни ишлатади. Овердрафт жорий ҳисоб билан чамбарчас боғланган: тегишли келишув бўлган тақдирда банк ҳисоб эгасига, белгиланган лимит доирасида, ҳисобни кредит қолдигидан ошадиган суммага чек ёзиш ваколати берилиши тартиби билан амалга оширилади.

Буюк Британияда овердрафт муддати - бир неча ойдан бир неча йилгача, лекин банк тартибига асосан йилда бир марта кредитни тўлиқ қайтаришни талаб қилади ва ҳар йили миқозини ишлари устидан текшириш ўтказилади. Агар қарздорнинг тўловга қобилиятли эканлигига ишончсизлик пайдо бўлса, шартнома тўхтатилади. Овердрафт бўйича фоиз ҳар кунни копланмаган қолдиқ бўйича ҳисобланади.

Англия банклари томонидан қўлланиладиган, анъанавий бошқа кредитлаш шаклларида бири — ссуда ҳисоби бўйича кредит (credit on loan account) ҳисобланади. Овердрафдан фарқи-мижоз махсус ссуда ҳисоби очади, дебет қисмига кредит суммасини ўтказди. Ссуда ҳисоби бўйича кредитлаш, капитал харажатларни молиялаштириш учун ва турли хил тижорат лойиҳаларини амалга ошириш учун берилади.

Ссуда ҳисоби бўйича кредит муддати турличадир. Улар сотиб олинadиган асбоб-ускунани иқтисодий ҳаёт муддатига ёки лойиҳани ҳисобланган вақтига боғлиқдир. Одатда бу кредитлар ўрта ва узоқ муддатли категорияларга киради. Фоиъ ставкасининг миқдори банкнинг база ставкасига “устама” (қатъий ставкали бўлган ҳолда) ёки бозор ставкаси мунтазам ўзгаришига қараб ўзгарувчанлик йўли билан (мўлжал сифатида, “ЛИБОР” — банклараро кредитлар бўйича ставкалар ишлатилиб) аниқланади.

Ҳусусий шахсларни кредитлашнинг оммабоп шаклларига қуйидагилар киради:

- Персонал ссудалар;
- Бюджет ҳисоби;
- Уйларни сотиб олиш ссудалари.

Буюк Британияда кредит карточкалари.

Буюк Британияда банклар ўз миқозларига кенг доирада хизмат турларини кўрсатади. Банк хизматлари қаторида муҳим ўринни кредит карточкалари ҳам эгаллайди.

Кредит карточкалари банк миқозига на фақат кредит олиш, балки нақд пул олиш ёки харидлар учун тўловларни амалга ошириш имкониятини беради. Буюк Британияда кредит карточкаларини ишлатилишини тартибга солинишининг юридик асоси-1974 йилда қабул қилинган “Истеъмол кредити тўғрисида”ги (Consumer Credit Act) Қонуни ҳисобланади. Унга мувофиқ банклар миқозлар билан махсус шартнома тузадилар, унда кредит карточкани ишлатиш хусусиятлари ўз аксини топади.

Уларнинг мазмуни узоқ вақтлар давомида ишлаб чиқилган конструкцияни, яъни “виждонли банк амалиёти” (Good banking) шиорини ўзида акс эттиради.

“Виждонли банк амалиёти” конструкциясининг пластик карточка ишлатилиши қисмида (Good banking дебет ва кредит карточкалари ўртасида тафовут юритмайди) ҳисобни очилишига тегишли, шартнома шартларини ўзгартиришга муносабат усули, карточкани ҳимоялаш, уларни йўқотиш оқибатлари шартлари ўрнатилган.

Тартибга асосан, ҳар бир банк бир нечта турдаги кредит карточкаларини ишлатиш имкониятини беради.

Access картаси — Буюк Британияда энг оммабоп карталарлардан бири ҳисобланади. Ушбу карта кредит хизматларидан (бу бўйича кредит лимити қатъий асосда ўрнатилади) ташқари, саёхат вақтида бахтсиз ҳодисалардан (50000 фунт стерлинггача суммага), агар билетлар ушбу кредит карточкани ишлатилиши билан сотиб олинса, бепул суғурта қилишни амалга ошириб беради. NatWest ушбу карточка бўйича нақд валюта олишнинг кунлик лимитини 100 фунт стерлинг қилиб белгилайди. Ушбу лимитнинг миқдори турли банкларда турлича бўлиши мумкин.

Худди шундай NatWest банки Visa карточкаси бўйича хизматлар кўрсатади. Иккита карточка бўйича ҳам кредит лимити, банк ва миқоз ўртасида музокара натижасида ва миқознинг кредитга қобиллигини инобатга олиб ўрнатилади. Одатда бу лимит 1000 фунт стерлингдан кам бўлмайди. Муддати ўтган кредитлар бўйича ставкалар. Access карточкаси бўйича қандай бўлса, бу ҳам худди шундайдир.

Mastercard ва Visa Gold картчаси эгаларига анча-мунча кўп имкониятлар берилган. NatWest банки Visa Gold картчасини олиш учун, миқозга талабнома кўяди, яъни унинг йиллик даромади 20000 фунт стерлингдан кам бўлмаслиги керак. Кредит лимити 2500 фунт стерлингдан кам бўлмайди (шартнома тартибида у бундан ҳам кўпайтирилган бўлиши мумкин).

Кредит карточкалари эгалари (хўшимча ҳақ эвазига) “тўловларни химоя қилиш чизмаси”ни ишлатиш имкониятига ҳам эга. У қуйидаги ҳолатларда амал қилади—агар миқоз ўзининг тўловларини амалга оширишга кучи етмаса, яъни касаллиги, бахтсиз ҳодиса туфайли ёки мажбурий ишсиз бўлиб қолганлиги оқибатида ва ҳаказо ҳолларда.

3.4. Япония банк тизимининг шаклланиши ва таркибий тузилиши. Япония банки пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари.

Япония энг ёш банк қонунчилигига эга бўлган давлатлардан бири бўлиб, асосан Америкача қиёфада тузилган. У асосан Иккинчи жаҳон урушидан кейин анча-мунча ривожланди. Ҳозирги замон типидagi биринчи банклар 1872 йилдан кейин, хусусий “миллий банклар” сифатида пайдо бўлган. Тижорат банклар сингари улар бутун давлат бўйлаб ўз филиалларига эга бўлган ва банкнота чиқариш (эмиссия қилиш) ҳуқуқига эга бўлган. Япония нинг марказий банки 1882 йилда 30 йил муддат билан ташкил қилинган, кейинчалик бу муддат яна 30 йилга узайтирилган.

Бугунги кунда Япониянинг банк тизими — нафақат Осиё-Тинч оқсани ҳудудийида, балки бутун Жаҳонда бирдан-бир жуда ҳам бақувват ва ривожланган ҳисобланади. Япон банклари капитали бўйича молия-саноат гуруҳини улкан марказига айланиб Осиё, АҚШ ва Фарбий Европа давлатларида саноат сармоясини амалга оширувчи институтларга айланмоқда.

Японияда биринчи банкларнинг пайдо бўлиши XVII асрга бориб тақалади, у ривожланиб келаётган савдода, саноатда ва қишлоқ хўжалигида банк капитали билан хизмат кўрсатиш зарурияти юзага келиши билан асосланади. 1617 йилда Осака шаҳрида биринчи маротаба қумуш билан таъминланган қозғ пуллар муомалага чиқарилган ва банкноталарнинг таъминланганлигини кафолатловчи банкирлар Уюшмаси ташкил этилган.

Япония банк тизими шаклланишининг тафовутлари. Урушдан кейинги даврда бутун давлат бўйлаб амал қилувчи банкларни тузиш курси юритилган ҳамда маҳаллий банкларни тузишда “битта префектурага — битта банк” тамойили ишлатилган.

Бу икки турдаги банклар бутун давлат ва ҳудудийлар даражасида молиялаштиришни амалга оширишни керак эди. Ишсизликни тугатиш, ўрта ва кичик корхоналарнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун кредит кооперациялари ва ишончли фондлар тузилган.

Япония баъзи бир ривожланган давлатлардан, мисол учун, Франциядан фарқли ўлароқ урушдан кейинги даврда асосий молиявий рицаглар хусусий банклар қўлида қолган. Аммо уларнинг фаолияти устидан давлат назорати жуда юқори даражада бўлган.

Хусусий банклар билан бир қаторда кенг тарқалган ҳукумат институтлари тармоғи яратилган. Ташқи савдони кредитлаш учун 1950 йилда Экспорт банк тузилган, унинг бош функцияси япон кemasozлиги ва машинаsozлиги маҳсулотларининг экспортини кредитлаш ҳисобланган.

Бу банкнинг капитали давлатга тегишли, уни фаолияти устидан назоратни молия вазирлиги амалга оширади. 1951 йили Япония Тараққиёт Банки тузилган, унга 1949 йилдан бошлаб амал қилган Тикланишни молиялаштириш Банки ва Эквивалент фонднинг маблағи (товарларни сотишдан тушган тушум ва АҚШдан келган ёрдам маблағлари) ва функциялари ўтказиб берилган.

Япония Марказий банки. Япония да олтига асосий молия-саноат гуруҳлари: “Мицун”, “Мицубиси”, “Сумитомо”, “Фудзи”, “Дайити Канте”, “Санва” ва улар билан бир қаторда йирик шахар банклари амал қилади.

Япония банк тизими қуйидаги умуммиллий таркибларни ўзичига олади:

- Хусусий банклар;
- Кредит уюшмалари;
- Ҳукуматнинг тўртта молия институти;
- Ҳорижий банкларнинг филиаллари.

Тизим бошида Марказий банк – Япония Банки туради, унинг 55% акцияси давлатга тегишли. Хусусий акционерлар банкни бошқаришда иштирок этишмайди.

Япония банкнинг Устав капитали 100 млн. Иенани ташкил этади. Япония банкнинг асосий функцияси пул эмиссияси (бу унинг монопол ҳуқуқи) билан бир қаторда, иқтисодий пул-кредит механизми билан тартибга солиш, шу жумладан халқаро ҳисоб китобларни амалга ошириш, валюта бозорида операцияларни амалга ошириш ҳамда Ҳазначиликда касса хизматини кўрсатишдан иборат.

Банк 1942 йилдаги қонун асосида амал қилади, қайсики унга асосан банк ҳукуматнинг қаттиқ назорати остида туради ва молия вазирига Япония Банки сиёсатини ўзгартириш ваколати берилган.

1949 йилда Сиёсий Қўмита (сиёсат ишлаб чиқариш бўйича Қўмита) тузилган. У шундай органки давлатни молиявий ва пул-кредит соҳасида олий манфаатларини аниқлайди ҳамда ҳимоя қилади.

Қўмитанинг 7 та аъзосидан 5 таси овоз ҳуқуқига эга: шулардан бири Президент бўлиб, ҳукумат кабинетни томонидан беш йил муддатга тайинланади, биттадан шахар ва худудийал, саноат ва қишлоқ хўжалиги банкларидан вакиллар (уларни барчаси 4 йилга тайинланади).

Овоз ҳуқуқига эга бўлмаган иккита аъзо, булар молия вазирлиги ва Иқтисодий режалаштириш бошқармаси вакилдир. Сиёсий Қўмитани ваколатига қирадиган саволлар “Банк тўғрисида”ги қонунда (13 моддаси 3 бўлимида) белгиланган. Қўмита банк фаолиятининг тамойиллиқ курсини ва Япония Банкни бошқаришни ишлаб чиқади.

Уни ваколати фойз ставкаси даражасини ўзгартириш, Япония Банки томонидан ҳисобга олинadиган векселларни аниқлаш, турларини ўзгартириш ва шартларини ҳамда кредит қафолати турлари, шартлари ва қийматини баҳолашни аниқлашдан иборатдир.

Қўмита очик бозорда операциялар ўтказишда объектларни аниқлаш, турларини, шартини ва қийматини ўзгартириш билан шуғулланади, операциянинг бошлаш ва тугатиш вақтини аниқлайди. Сиёсий Қўмита молия вазирлиги билан келишган ҳолда “Вақтинча фойз ставкасини тартибга солиш тўғрисида”ги қонунга асосан бозорда максимал фойзини ўзгартириш масаласини ҳал қилади, молия вазирлиги рухсати билан “Резерв омонатлари тизими тўғрисида”ги Қонунга биноан резерв коэффициентларини белгилайди. Қўмита Япония Банки бюджети бўйича қарор қабул қилади, лекин буида албатта молия вазирлиги рухсати зарур. Улар билан келишгандан кейин Япония банки парламент олдида ҳисобот беради.

Япония Банкнинг функциялари. Япония Банки банк фаолияти юритишга лицензия беради, банк устав капиталини минимал миқдорини белгилайди, банкни фирма номини ўзгартиришга, банкларни қўшилишига, филиалларни очилишига ва тугатилишига рухсат беради.

Бунақанги коэффицентлардан бири шахсий капитал нормаси ҳисобланади, унга мувофиқ жами умумий капиталда банкни шахсий капитали улуши аниқланади; ликвидли активлар нормаси, бунда маълум даврда капитал ва қарз мажбуриятларининг муносабатини кўрсатади; тижорат мақсадида ишлатиладиган қўчмас мулк нормаси; йирик кредитлар берилишига чегаралар қўйилиши ва бошқалардир.

Япония Банкнинг банклар учун уларнинг фаолияти тўғрисида ҳисобот ҳужжатларини тақдим қилиш мажбуриятларини белгилайди. Япония Банкни молия-кредит сисёати инструментлари ривожланиши даврида анча-мунча ўзгаришларга учраган.

Пул-кредитни тартибга солиш. Пул-кредитни тартибга солиш Япония Банки, Молия вазирлиги ва Иқтисодий ташкилотлар федерацияси («Кейдэрэн») томонидан амалга оширилади.

Тартибга солишнинг асосий усуллари: ссуда фонзи нормасини белгилаш, пул-кредит тизими орқали ҳукумат билан ҳамкорликда ўтказиладиган маъмурий тадбирлар, мажбурий резервлар тизими, очик бозордаги ва хорижий валюталар билан ўтказиладиган операциялардир.

Агар 70-йилларгача бўлган даврда маъмурий тартибга солиш устуворлик қилган бўлса, кейинчалик унинг аҳамияти пасайди, лекин бозор-қиймат усулларининг роли ошиб борди.

1971 йилдан бошлаб Япония Банки вексель бозорида операциялар ўтказишни бошлаб юборди, сўнгра уларга очик обуна тизимига ўта туриб давлат заёмлари облигациялари билан фаол операциялар ўтказишга киришиб кетди. Ҳукумат қимматли коғозлар бозори ташкил қилинди ва қисқа муддатли капитал бозорида бошқа кенг операциялар бошланиб кетди.

Япония Банки "банкларни банки" деб аталади, у хусусий кредит-молия муассасалари, корхоналар ва алоҳида шахслар учун келишувларни тузилиши бўйича ҳамкор ҳисобланади.

У резерв депозитлар тизими деб аталувчи хусусий молиявий муассасалардан омонатларни сақлаш учун қабул қилади (бу тартиб 1957 йилда қабул қилинган).

Бу тизимга қўшилган молиявий муассасалар Япония Банкига ўзларининг жорий ҳисоб рақамига депозит резервларининг маълум қисмини топширишга мажбурдирлар.

Тижорат банклари. Япония банк тизими асосини – умуммиллий банклар ташкил этади. 1992 йилни 1 апрел ҳолатига бу муассасаларнинг сони 151 тани ташкил этиб, уларни 16596 та филиали мавжуд бўлган. Умумий капитал миқдори -795.5 трлн. иенани ташкил этиб, жами мамлакат банк тизими капиталининг умумий миқдорини 79.9 % ташкил этган. Берган ссудаларининг миқдори – 555.6 трлн. иенани ташкил этган (бу жами банк тизими томонидан берилган кредитларнинг 80 фоизига тенгдир).

Умуммиллий банклар таркибига шаҳар банклари, ҳудудий банклар, ҳудудий банкларнинг иккинчи разряди, узоқ муддатли кредитлаш банклари ва траст банклари қиради. Кредит-банк тизимининг ядроси бўлиб шаҳар банклари ҳисобланади.

Ҳудудий банклар, худди шаҳар банклари сингари тижорат банклари ҳисобланади, лекин капитал ва операциялар миқдори бўйича улардан бироз орқада

туради. Улар асосан кичик ва ўрта шаҳарларда жойлашган. Бунаканги банклар сони – 64, филиаллари – 7598 та. Йиғма капитали 160,9 трлн. иенани ва кредитлаш миқдори 119,1 трлн. иенани ташкил этади.

Иккинчи навбатдаги (разряддаги) ҳудудий банклар, тартибга асосан унчалик катта бўлмаган капиталга эгадирлар. Уларда хусусий шахслар ва унчалик катта бўлмаган корхоналар операциялари юқори улушни ташкил этади. Уларнинг сони 66 та, филиаллари сони- 4732 та, капитал миқдори – 59,2 трлн. иена, кредитлаш миқдори – 47,9 трлн. иенани ташкил этади.

Шаҳар ва ҳудудий банкларни асосан траст операцияларни ўтказишга ихтисослашган траст банклар билан ўзаро киришиб кетиши кучаймоқда. Бу банкларнинг фаолияти банклар тўғрисидаги қонун билан бир қаторда узоқ муддатли кредит қонунни билан тартибга солинади.

Бошқа банк институтлари. Банк тизимида муҳим бўғинни – турли типдаги кооператив кредит институтлари эгаллаган. Япония да 440 та кредит уюшмалари, 395та кредит кооперативлари, 47 та меҳнат кредит кооперативлари ҳамда уларнинг 11779 та йиғма филиаллари мавжуд. Кенг тарқалган кредит-молия муассасалари тармоғи кишлок ва ўрмон хўжаликлари учун хизмат кўрсатади. Уларни сони ичида кишлок ва ўрмон хўжалиги учун Марказий кооператив банк, 265 та филиали билан 47 та кишлок хўжалиги кредит федерацияси, 16 мингта филиали билан 3473 та кишлок хўжалиги кооперативлари, 113та филиали билан 35та балиқ тутувчи бирлашган кредит кооперативлари, 3 мингдан ошиқ филиаллари билан 1665та балиқ тутувчи коопертивлар ташкил этади.

Японияда тижорат банклари ва турли типдаги кредит кооперативларига кўшимча равишда почта-йиғма тармоғини ривожланиши ҳам амал қилади.

Японияда аҳоли жамғармалари банк институтлари, почта-жамғарма тизими ва кредит кооперациялари орқали сафарбар этилмоқда. Шуларни ичида жамғарма ишида бош ролини банклар ўйнайди (яъни шахсий жамғармаларни 52 % улар орқали сафарбар этилади), ундан сўнг почта-жамғарма касса муассасалари (30 %) ва кредит кооперациялар (18 %)ни ташкил этади.

Хорижий банклар. 1970 йилда Японияда банк соҳасида хорижий капиталларни либераллаштириш дастурини учинчи раунди кўшилиши қабул қилинган.

Хорижий банклар учун либераллаштириш шартига мувофиқ Японияга кириш учун учта йўл очилган: хорижий капитал билан янги банк тузиш ёки банк муассасасини қўшма капитал билан очиш, амал қилаётган банк бошқарувиغا иштирок этиш ва бўлимини очиш.

Хорижий банкларга 30 фоз заём доирасида депозит сертификатлари чиқаришга ва иенада норезедентларга кредит беришга рухсат этилди.

Японияда Америка сингари ссуда – депозитлари ва инвестицион операцияларга қонун йўли билан чегараланишлар амал қилишга қарамай, хорижий банкларга 50 фоз ҳуқуқ билан инвестицион компанияларни таъсис этишга рухсат этилди.

Япон банкларининг халқаро экспансияси. Япон банкларини халқаро экспансиясининг ривожланиш даври бир нечта асосий босқичлардан иборат бўлган. 80-йилларнинг бошларигача уларни фаоллиги жуда ҳам чегараланган бўлиб, улар асосан эътиборни мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари билан боғлиқ бўлган япон экспортни молиялаштириш ва валюта операцияларига қаратган.

Япон банклари “кредит демпинг” сиёсатини ишлатиб хорижий рақобатчиларни сиқиб қўйишга ва халқаро кредит бозорида ўз ўрнини эгаллашга ҳаракат қилганлар.

АҚШдаги япон банк институтларининг асосий қисми иккита марказда: Нью-Йорк ва Калифорния штатида жойлашган. Уларни Нью-Йоркда тупланиши маълум даражада бу шаҳарни халқаро валюта-молия маркази эканлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Япон банкларининг Европага кириб бориб, плацдармга айлантирган давлатлари Англия ва Германия ҳисобланади. Лондондаги япон банк гуруҳи – Америкадан кейинги энг кўп сонли гуруҳ ҳисобланади.

Япон капитали иштирокида кўпмиллатли банк гуруҳи ташкил этилишининг ўзига хос тафовути – халқаро банк ишида юқори тажрибага эга бўлган йирик банклар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш билан ажралиб туради.

90-йиллар бошида Япония нинг 110та банки актив суммасининг умумий миқдори йириклиги кўрсаткичида Жаҳоннинг 2000 банклари қаторига кирган. Жаҳоннинг 50 та йирик банклари ўртасида 20таси японларга қарашлидир.

“Катта портлаш”. Япон банкларининг барқарорлиги уларни яратилиши ва фаолияти устидан ривожланган кузатув тизими ёрдамида таъминланган. Кузатув Япония Банки ва молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Омонатчилар манфаатини ҳимоя қилиш, кредит тизимини барқарор қўллаб-қувватлаш ва молиявий институтларни мустаҳкам аҳволини таъминлаш мақсадида молия вазирлиги ва Япония Банки ҳар икки йилда бир марта банкларни текширувини амалга оширади.

Текширишининг асосий усули – активлар аҳволини таҳлил қилиш, банк филиалларини кўздан кечириш ва бошқарув кадрлари билан суҳбат кўришдан иборат.

Банк тизими барқарорлигини ушлаб туриш ва банкларни банкротликка учрашсини бартарф этиш учун 1971 йили Японияда банк омонатларини кафолатлаш бўйича Корпорация тузилган эди. Амалда ҳар бир Япония банки ҳар ойда Корпорация фондида ўзининг депозитлари суммасидан 1,012% миқдорда бадаллик суммасини тўлаб боради.

Назорат саволлари:

1. Банк тизими ва унинг элементларини айтинг.
2. Замонавий АҚШ банк тизими тузилишига характеристика беринг.
4. Марказий банк ва унинг функцияларини ёритинг.
5. Молия тизимини барқарорлигида АҚШ ФЗТининг аҳамияти қандай?
6. Европа Марказий банкнинг фаолиятини тушунтиринг.
7. Буюк Британия банк тизимининг ташкилий структурасини тушунтиринг.
8. Буюк Британияда пул-кредит сиёсатининг моҳиятини ёритинг.
9. Япония банкларининг тамойиллари ва функцияларини тушунтиринг.
10. Япония банк тизимидаги банк маҳсулооти ва банк хизматлари ҳақида маълумот беринг.

Тест саволлари:

1. Қайси мамлакат банкларида дунёдаги барча ҳусусий ва институционал фондларнинг 35% депозитлари мавжуд?
 - a) *Швейцария
 - b) Дания
 - c) АҚШ
 - d) Финляндия
2. XX асрнинг 30 йилларида илк мартаба йирик оффшор зона қаерда ташкил этилган?

- a) *Нидерландияда
 - b) Англияда
 - c) Швейцарияда
 - d) АҚШда
3. Одатда ТМБ хорижий ваколатхонасини қасрларда очади?
- a) *пойтахтда ёки хорижий давлатнинг катта молия марказларида
 - b) хорижий давлатнинг молия марказларида
 - c) пойтахтда
 - d) ҳоҳлаган шаҳарларида
4. Дунёнинг қайси мамлакатлари оффшор банк марказлари ҳисобланади?
- a) *Барча жовоблар тоғри
 - b) Кайман ороллари
 - c) Швейцария
 - d) Кипр
5. Банк тизими сушт назорат қилинадган оффшор банк марказларига қайси мамлакатлар киради?
- a) *Кук ороллари, Самос, Вануату
 - b) Швейцария, Сейшел ороллари
 - c) Англия, Германия
 - d) Барча жавоблар тўғри
6. Оффшор банклар қандай камчилик тарафларга эга?
- a) *барча жавоблар тоғри
 - b) баъзи оффшор банклари узоқ масофада жойлашганлиги бироз муаммо туғдиради
 - c) яширин иқтисодиётнинг воситаси
 - d) оддий банкларга нисбатан моддий томондан кам таъминланган ҳисобланади.
7. Оффшор банклари қандай устунлик тарафларга эга?
- a) *барча жавоблар тўғри
 - b) оффшор банклар депозитлар учун толанган фоизлардан ҳеч қандай солиқ олинмайди
 - c) банклар аноним ҳисоб рақамлари, паст кредит фоизлари ва юқори депосит фоизларини таклиф қилади
 - d) оффшор банклар фаолиятига ҳукуматнинг араллашуви деярли йўқлиги.
8. Оффшор банкнинг ташкил қилинишининг қонуний мақсадлари қандай?
- a) *Барча жавоблар тоғри
 - b) Чет элда тижорат банкнинг ташкил этишнинг қулай шарт-шароитлари яратиш
 - c) Капитални бошқариш ва маълум доирадаги мижозларга хизмат кўрсатиш
 - d) Халқаро вакиллик ҳисоб рақамлари тизимига кириши имконияттини яратиш
9. Халқаро банкларда ссуданинг сўндириш тартиби:
- a) бир вақтда кредитни сўндириш
 - b) тўловларни режалаштириш асосида
 - v) кредитни муддатини ўтказиб сўндириш
 - г) Барча жавоблар тўғри.
10. Ссудани сўндириш жараёнида фойдаланадиган манба турлари:
- a) мижозларнинг хусусий капиталлари
 - b) гаровларни қабул қилиш
 - v) бошқа ташкилотларнинг айланма маблағларидан

г) солиқ турларидан.

11. Банк операцияларида мақсадли кредитлар, бу-

- а) ишлаб чиқаришни амалга оширишга қаратилган
- б) қисқа муддатли кредитлар
- в) рамбурсли кредитлар
- г) узоқ муддатли кредитлар.

12. Халқаро банклар фаолиятига таъсир этувчи ички омиллар:

- а) банк хусусий капиталининг ҳажми
- б) банкларга хизмат кўрсатувчи тармоқ ва ҳудудларнинг иқтисодий ҳолати
- в) миқозлар таркиби, уларнинг кредитга эҳтиёжлари
- г) банклар-рақобатчилар нақдликлари.

13. Кредитнинг тақдим этишдаги муолажанинг қолдириб кетилган босқичларини кўрсатинг:

- а) Кредитга аризани қабул қилиш ва расмийлаштириш
- б) Қарздорнинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш
- в) Кредитлаш объектига кредит инспекторининг бориши
- г) Кредитни бажарилиши

14. Мамлакатнинг ссуда фондларини қайтаришликка асосланган ҳолда кўпайтириш кредитнинг функциясидир:

- а) Тақсимлаш
- б) Эмиссион
- в) Назорат
- г) Самарадорлик.

IV боб. ИСЛОМ БАНК ТИЗИМИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Режа

4.1 Ислом банкларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Ислом молия институтларининг анъанавий молия институтларидан фарқли томонлари.

4.2 Ислом молиявий инструментлари: мушорака (Musharakah), мудораба (Mudharaba), муробаха (Murabahah), ижара (Ijara), Қард ул-Хасан (Qard-ul-Khasan).

4.3 Ислом банк махсуслотлари ва уларнинг турлари.

4.4 Ислом банк фаолиятида рискларни бошқариш.

Таянч иборалар

Банк, операция, фаолият, қонун, ёндошув, рағбатлантириш, мукофот, кредит, инвестиция, банк кредит портфели, операциялари, банк воситачилик операциялари, банк рисклари, банк рискларини бошқариш.

4.1 Ислом банкларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Ислом молия институтларининг анъанавий молия институтларидан фарқли томонлари.

Ислом молиясининг бош ўзига хос хусусияти судхўрлик фоизидан воз кечишидир. Барча ғарб молия тизими умум қабул қилинган фоиздан асосланган. Бу албатта тижорат қарзларини умум хайр-соҳоватга берилаётганлигини англатмайди. Капитал эгасини озгина ҳақ олиши олдиндан белгиланган суммани тўлаш шаклини олмаслиги керак, агар у фоиз олса ана шундай ҳолат содир бўлади. Ислом эътиқодларига асосан одиллик ва ҳаққонийлик шундаки, бойликнинг манбаси энг аввало банданинг меҳнати ва эгасининг ишбилармонлик ҳаракати ҳамда қолган мерос ёки тақводорлик бўлиши мумкин. Бундан ташқари фойда қилинган риск учун олинган хайр-инъом ҳисобланади. Бу барча ўзини билган қорхонани ҳаракати кетидан келадиган натижа сингари.

Ислом иқтисодчилари судхўрлик фоизини тақиқлаш учун ҳар хил асосланган рационал далиллар келтиради, яъни фоиз ундириш усули билан ўзга инсонни эксплуатация қилишга имкон берилади ва банк тизмида эса иқтисодий инқирозларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Охир оқибатда судхўрлик фоизидан воз кечиш Ислом динида васият қилинган чақириқдир. Мусулмон кишининг ҳаёт соҳалари, шу жумладан молиявий фаолияти ҳам муқаддас Қурони каримда қайд этилган ҳамда шариатни йиғма ҳуқуқий ва диний оятларида қайд этилган.

Муқаддас Қурони каримнинг асосий тушунчаси шунга тарғиб этадики ҳар қандай мусулмон бандаси ўзининг молиявий амалиётида “риба” ва “гарардан” қочиши керак. Роба (сўзининг бой таржимаси ортикчалик) капитални хоҳлаган шаклда қарзга берибми ёки савдо келишуви биланми тўғри деб бўлмайдиган ва асоссиз кўпайтиришни англатади. Бу ҳам худди гарар сингари жуда оғир гуноҳдир, чунки рискни билатуриб, ҳар хил тасодифлардан қоча олмаслигини ҳис қилиб келишувдан фойдаланишидир. Кўпгина Ислом олимлари “риба” тушунчасини нафақат юқори судхўрликни англатади дейди, балки бошқа хоҳлаган судхўрлик фоизларини ҳам бу тушунчага қўшилади, ўз вақтида “гарар”ни аниқлаганда ҳам барча спекулатив операцияларни уни таркибига олиб боришади.

Мусулмон бандаси ҳеч қачон унутмаслиги керакки барча ер юзидаги неъматлар Оллоҳнинг инъомидир, қайсики фақат угина унинг мулкдоридир. Инсонга ишониб топширилган ишлаб чиқариш ресурслари, бутун жамият ихтиёжини қондириш йўлида ишламоғи лозим. Шариат меъёрларига асосан, қайсидир бир ишга ёки

фаолиятга сарфланмаган пулдан хайр эҳсон солиғи олиниб фақирлар ва қамбағалларга сарфланиши керак. Агар инсонни ўзи топган пулини оборотга қўйишга ноқодир бўлса, уни бошқа қорхона фаолиятига тикки, унинг даромадидан улушини олиши зарур. Бизга маълумки Муҳаммад пайғамбаримиз (Расулуллох саллаллоху алайҳи васаллам) жуда омадли савдогар бўлганлар, унинг савдо операцияларига жуда бой бева Хадича аямиз ўз маблағларини тикканлар, ва охир оқибатда пайғамбаримизнинг марҳамига тушганлар. Бир ярим минг йил аввал, Ислом дини яратилган вақтдаги молиявий операциялар номлари ҳозир ҳам давом этмоқда ва ўша тартиб қондаларга асосланган. Шунинг учун ҳам Манамадаги, Куала-Лумпурдаги ва Лондон ситидаги ҳозирги замон Ислом банклари барча молиявий хизмат турларини азалий тамойилларга амал қилиб хизмат кўрсатиб келмоқда.

4.2 Ислом молиявий инструментлари: мушорака (Musharakah), мудораба (Mudharaba), муробаха (Murabahah), ижара (Ijara), Қард ул-Хасан (Qard-ul-Khasan).

ИТБ ўз фаолиятини юритишда учта тамойилга амал қилади.

Биринчи тамойил (мушарака)-маълум лойиҳани амалга ошириш учун банк партнер билан ҳамкорликка киришишни кўзда тутлади (ҳамкор банк улушини аста-секин сотиб олиш ҳуқуқи билан). Бунда банк улуши ва унинг ҳамқори улуши фойдада умумий коэффицент бўлиб, келишувлар билан қайд этилади, лекин бу томонларни капитал қўйилмаси улушини англатмайди.

ИТБ томонидан ишлатиладиган иккинчи тамойил (мудораба)-бу банк ва саноат капиталининг қўшилишини англатади. Бунда, банк капитал таклиф этади, ҳамкор эса гоё ва лойиҳани тайёрлашни; фойда ва зиён улар ўртасида олдиндан келишилган шартнома асосида бўлинади.

Учинчи тамойил (муробаха)-банк ҳамкор учун товар сотиб олади ва маълум комиссияга асосан уни ҳамкорга сотиш учун.

Ўз фаолияти давомида ислом банклари куйидаги молиявий инструментларидан фойдаланади:

- *Мушарака* – (мунтазам ҳамкорлик) – фаолият шартлари ва муддатларига рози бўлган ҳолда бизнеснинг барча қатнашчилари бизнесга қўйилган бошланғич қўйилма капиталларидаги фойда ва зарарларни пропорционал бўлиб олувчи ҳамкорлар сифатида ҳаракат қиладилар.

- *Мудораба* – (ихтисослашган ҳамкорлик) – бу ишончли молиялаштириш бўлиб, пул маблағларидан фойдаланишдаги энг тўғри ва самарали битим ҳисобланади. Бундай ҳолатда банк омонатчилар маблағлари билан ишлайдиган бўлса траст бошқарувчиси сифатида ёки лойиҳани молиялаштириш бўлса мижоз билан ҳаракат қилади. Сунъий тарзда фоизли пулларни шакллантириш эвазига эмас, балки тузилган битим ҳар томонлама реал ҳолатда бўлгани учун самара тўғри аниқланади. АҚШ ва Европа давлатларида бу тизимга ўхшашлар кенг тарқалган бўлиб, улар қорхоналар ва венчур фондлар билан ўзаро муносабатларда ўз ўрнига эга.

- *Мурабаха* - (савдони молиялаштириш) – банк ва унинг мижози ўртасида товарларни махсус нархлар бўйича сотуви ҳақидаги ўзаро келишувини билдиради. Бу нархда олдиндан келишилган банк фойдасини ташкил этувчи маржа этади. Банк мижозининг талаби бўйича хориждан ёки ички бозордан товар харид қилади, кейин битим шартларига кўра уни ёки бир вақтда сотади, ёки муддатини узайтириши мумкин.

- *Ижара* – (лизинг)- мижоз учун зарур бўлган ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун банк томонидан ижарага берилувчи ускунадан фойдаланинишдатузиладиган шартнома. Лизингга олиш ривожланган давлатларда кредитлашнинг энг самарали шаклларида бири сифатида кенг тарқалган. Бунда ижара муддати тугаши бўйича ускунани кейинчалик сотиб олиш варианты кўрилган.

- *Кард ул-Хасан* - (хайрия кредити)- ташкилот ёки шахсларга тақдим этиладиган фойсиз ссудалар. Агар шахснинг берилган ссуданинг қайтара олмаслиги аввалдан аниқ бўлса, пуллар мажбурият ёки ихтиёрний хайрия шаклида тақдим этилиши мумкин.

Ислоом банклари деярли барча анъанавий банк операцияларини олиб боради: депозит, кредит, аккредитивли, векселларни ҳисобга олиш, барча турдаги ҳисоб ва тўлов операциялари, қишлоқ хўжалиги ва саноатга маблағлар инвестиция қилиш, савдони кредитлаш, хизматлар сфераси, ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш. Улар мусулмон давлатлари иқтисодиётида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллашган. Сўнгги йилларда ислоом банклари халқаро молия бозорларида мижозни жалб этиш ва яхши фойда кўрсаткичлари бўйича анъанавий банклар билан муваффақиятли рақобатлашмоқда.

Маълумки, мамлакат бозор иқтисодиётига ўтиш даврида миллий иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида мамлакат хом-ашё потенциалидан фойдаланиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда биринчи навбатда иқтисодиётнинг реал секторига капиталларни тўғридан-тўғри қўйилма қилиши зарур. Ушбу йўналишда бўйича баъзи ислоом банклари ишлаб чиқариш сферасига маблағларни инвестиция қилиш бўйича ишлар даражада кенг шуғулланадилар, жумладан, маҳаллий саноатга. Албатта бу шарш олдиндан олиб борилган инвестицион лойиҳанинг ҳар томонлама таҳлиллари асосида амалга оширилади. Чунки ўтиш давларида тадбиркорлик потенциалига эга бўлган кредит тўловига лаёқатсиз мижозларнинг кредит маблағларида улushi кўп бўлади. Одатий банклар юқори фойда кутилаётган жуда яхши фикрлар берилган лойиҳаларни кўриб чиқмайди. Ислоом молиялаштириш усуллари ўз тажрибаларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорларга хусусий бизнесни ташкиллаштириш имкониятини беради.

KPMG халқаро консалтинг фирмаси 2010 йилнинг апрель ойида Ислоом банк ва молия тизимига бағишланган ўзининг илмий қидириш якунларини кенг матбуотда чоп этишди. Экспертларнинг маълумоти бўйича бу молия институтларининг дунё иқтисодиётига таъсири йилма-йилдан ошиб бормоқда. Мусулмон банкларининг янада интенсиф ривожланиши АҚШ ва Буюк Британия давлатларида фаол кузатишмоқда, Ғарб фирмаларининг Шарқ инвесторларини жалб қилиш учун Ислоом стандартларини ўзлаштиришга нима мажбур қилмоқда?

Яқин Шарқ кредит муассасаларининг ривожланиш тарихи 30 йилдан озгина ошқин даврга тўғри келади. Мана шу қисқа муддат ичида Ислоом молия институтлари муҳим ютуқларга эришишди. KPMG маълумотига қараганда ҳозирги пайтда улар дунёни 75 давлатида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Уларнинг умумий активи 300 миллиард доллардан ошиб кетди. Дунёнинг турли иқтисодиётига киритилган Ислоом инвестицияси миқдори 400 миллиард доллардан ошиб кетган. Илмий татқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, барча ушбу кўрсаткичлар ўртача йилига 15 фоиздан ўсиб бормоқда. “Яқин йилларда бу бозорнинг ўта сезиларли даражада ўсиши мусулмон давлатларининг катта қисми нефт бойлиги билан таъминланса, яна шариат қонунига мувофиқ бериладиган инвестицияга яширин талаб борлиги оқибатида содир бўлади” деб KPMG илмий татқиқотчилари қайд этмоқда.

Мусулмон молия ташкилотлари, асосан, Яқин Шарқ, Малайзия ва Буюк Британия давлатларида тўпланганига қарамай, уларнинг хизматларига талаб бутун Осиё, Европа ва АҚШ бўйича мавжуддир. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, RBK daily экспертларининг сўралган фикрлари хулосасига кўра, Ислом молиячиларининг бош объект бўлиб АҚШ сарҳисобланади. “Биз Яқин Шарқдан Буюк Британия ва Люксембург орқали АҚШ сари жуда катта капитал оқимини кузатишмоқдамиз” – деб қайд этди. RBK даунинг Европа иқтисодий илмий бўлим бошлиғи Societe Generale Вероник Риш-Флор.

Ҳозирча мусулмон молия ташкилотларининг бош миқозлари-энг аввало, мусулмонлар ҳисобланади, бутун Жаҳон бўйича уларни сони 1.6 миллиард кишини ташкил этади. Аммо Яқин Шарқ инвестициясига қизиқишни Эски ва Янги Жаҳоннинг бошқа дин вакиллари ҳам билдиришмоқда. Ваҳоланки, бу йўлда ҳали анча-мунча тўсиқлар ҳам мавжуд. Хусусан Шарқ хазинасига йўл топишни шариат тизими ва нормалари анча-мунча қийинлаштиради, чунки Ислом банклари пул маблағларини унга мувофиқ беришади.

Кредит бериш тартибининг жуда кенг тарқалган чизмаларидан бири “сукук” деб аталади. Унинг мазмуни шундан иборатки, мусулмон кредит ташкилотининг ғарб кредит муассасасидан фарқи, берилган суммадан фоиз олмайди, балки қарздор компаниянинг даромадидан улуш олади. 2006 йилни 1-чи чорагида шунга ўхшаш кредитнинг ҳажми 18 миллиард долларни ташкил этган, шундан давлат ташкилотларига бор-йўғи 6 миллиард долларни тўғри келган. “Сукук” тизими аналитикларнинг баҳолашига қараганда, синдицированлашган молиялаштиришга альтернатив сифатида бутун жаҳон бўйича кенг тарқалмоқда.

Барча ҳолатларга қарамай Ғарб, Шарқдаги пул маблағларини жалб қилишдан аниқ манфаатдордир. Мисол учун, 2004 йилда Германия ерлардан бири - Саксония – “сукук” шарт билан 120 миллион доллардан ошиқ кредит маблағларини жалб қилганлар. АҚШ да “сукук” асосида, Мексика бўғозидagi ўзининг углеводород захираси кафолати остида қазиб олиш билан шуғулланадиган East Cameron Gas Company - компанияси 165 миллион доллар миқдоридан биринчилардан бўлиб маблағ олган.

RBK даунинг экспертлари ўтказган сўровнома баҳоларига қараганда, шариат тизими бўйича кредит олишни яна ҳам фаол ривожланишига қатор сиёсий омиллар ҳам тўсиқ бўлмоқда. “Яқин Шарқда мавжуд бўлган сиёсий беқарорлик Ислом инвестициясини жалб қилишни кескин ўсишига ҳалақат бермоқда. Буларни ҳаммаси мусулмон молия институтларидан Европа бизнесига кредитларни жалб этишнинг қийинлаштирмоқда”, - деб ҳисоблайди Риш-Флор. Аммо эҳтимолдан ҳоли эмас, яқин вақтларда жаҳон бизнеси, худди яқиншарқ нефтисиз яшаолмаганидек, Ислом инвестициясиз фаолиятини ривожланиши мушкул масалага айланиши табиий ҳолдир. Ўз навбатида жаҳонда содир бўлаётган янги иқтисодий реалликлар Ғарб давлатларини уларни нафақат арзон хом-ашё билан, балки молиявий маблағлар билан таъминлаётган давлатларга ўз муносабатини жуда жиддий қайта кўриб чиқишга мажбур қилмоқдалар.

4.3 Ислом банк маҳсулотлари ва уларнинг турлари.

Ислом банклари фоиз ўрнига омонатчига корхонанинг даромадига иштирок этиш ҳуқуқини таклиф қилиши мумкин, албатта бу ерда битта жуда каттиқ ва муқаррар шарт илгари сурилади, яъни агар омонатчи пул қўйган корхона фойда ўрнига зиён кўрса, ўша кўрилган зиённи ҳам омонатчи бўлиши шарт.

Ислом банклари мижозлар учун учта типдаги ҳисоб рақамларини очишади.

Биринчиси, бу жорий ҳисоб рақами, унинг шарт-шароитлари ғарбий банкларида шунақанги турда очиладиган ҳисоб рақами шарт-шароитларидан умуман фарқ қилмайди.

Иккинчи турдаги ҳисоб – бу жамғарма омонат рақами. Бу ҳисобнинг эгаси фойдага иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас, аммо банк маъмурияти омонатчиларни жалб этиш мақсадида, банкнинг фойдалилик даражасидан келиб чиқиб, уларга ўз ихтиёри билан мукофот бериши мумкин. Йиғилиб бориладиган жамғарма омонати муддатли ҳисобланмайди, аммо уни номинал миқдори кафолатланади. Йиғилиб бориладиган омонатдан тушган маблағларни Ислом банклари кам рискга эга бўлган операциялар учун тикишга ҳаракат қилишади, одатда савдо келишувларини молиялаштиришга ишлатишади.

Ва ниҳоят, учинчи – инвестицион турдаги ҳисоб. Унинг эгаси банк билан уни олган фойда ва зиёнини бўлишиш ҳуқуқига эга бўлади. Омонатчилар ўзининг омонати бўйича даромад олишади, тартибга кўра одатдаги банклар сингари тўланадиган фозизга тенглашади. Аммо бунда даромад кафолатланмайди. Бундан ташқари сарфланган капитални ўзи ҳам кафолатланмайди, чунки банк зиёнини инвестицион омонат маблағи ҳисобидан қоплайди. Агар банк мижозни маблағини моҳирона бошқара олмаган ҳолатида йўқотиш юзага келган бўлса, унда суд орқали қоплашни талаб қилса бўлади.

Шундай қилиб, Ислом таълимоти билан пул ресурсларини сафарбар қилиш, шу жумладан банклар учун ҳам улушбай молиялаштириш ҳисобланади, яъни сармоядорни акционер капиталга иштирок этиши ҳисобидан маблағлар жалб этилади. Капитални ўсиши ёки кўпайиши пул айланиши соҳасида содир бўлиши мумкин эмас, уни асосида товарлар ва хизматларга реал таллуқли бўлган келишувлар ётиши керак. Пул ўз-ўзидан янги пулни туғиши мумкин эмас, шунинг учун ҳам капитал ишлаб чиқариш мақсадида ишлатилиши зарур.

Кўпгина иқтисодчилар шунини қайд этишадики, улушбай молиялаштиришда анча-мунча афзалликлар яшириниб ётибди. Ғарб иқтисодиётида ссуда фонзининг миқдори, ўз навбатида Марказий банкни ҳисоб (қайта молиялаштириш) ставкасини белгиланишига боғлиқ, аммо реал секторни ривожлантириш учун шарт-шароит амрига ҳам бўйсунди. Ислом молия тизимида омонатлар бўйича даромад олиш ёки олмаслик, банк томонидан омонатчини капитални қўйилган компанияни акциясини фойда олиш ёки олмаслигига боғлиқдир. Шундай қилиб, реал секторни ривожланиш динамикаси инвестицион муҳитни ёқимтой бўлишнинг рағбатлантиради ва молиявий ресурсларни иқтисодиётни яна ҳам кўпроқ натижа берайдиган тармоқлари фойдасига самарали қайта тақсимланишини таъминлайди.

90- йилларда Халқаро Валюта Фондининг (ХВФ) ижрочи директори бўлиб ишлаган покистонлик Аббос Мирахорнинг фикрига қараганда, Ислом модели бўйича молиялаштиришни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш реал секторни банк капитални манфаатига боғлиқлик ҳалатини тугатиш имконини беради. “Пул активлари реал секторни инвестицион имкониятларига жавоб сифатида шаклланади, шунини учун факатгина реал сектор молия секторидан даромад ставкасини аниқлайди, лекин уни тескарасини эмас”, - деб ҳисоблайди жаноб Аббос Мирахор. Шундай қилиб, банклар реал иқтисодиётни ривожланиш даражасини белгиламайди, балки ишлаб чиқариш сектори ўзи учун қулай ва маъқул инвестицион муҳитни ярата бошлайди.

Мижозларни қизиқтириш. Ислом тизимида кўпгина истиқболли бор лойиҳалар, қайсики одатдаги банклар томонидан гаров мулки йўқлиги учун четга суриб

қўйилдиган лойиҳалар Ислом банкларидан фойдага шериклик асосида молиялаштиришни олиш мумкин. Аммо реал ҳолатда кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлари араб давлатларида улар ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) асосий қисмини яратишига ва банкларни мижоз базасини жуда катта қисмини ташкил этишига қарамай, кредит олишда маълум қийинчиликларни енгишга тўғри келади. Бу асосан фойдани бўлишда мураккаблик мавжудлиги ва лойиҳани баҳолашда меҳнати кўп механизми ўрнатилганлиги билан боғлиқдир.

Ислом банкири қарз бериш тўғрисида қарорни татбиқ қилиш учун таклиф қилинган лойиҳани келажак истиқболлини ўрганиш ҳамда мижозни ишчанлик сифатида келиб чиқиб ҳал қилади. Жуда кўп ҳолатларда ундан гаров учун мол-мулк талаб этилмайди. Бу мижоз тарафдан ва банк маъмурияти томондан хийла-найранг ишлатиш хавф-ҳатарини келтириб чиқариши мумкин. Фойдага иштирок этиш операцияларида мижоз ҳисоботларни қалбакилаштиришларга уриниши ва лойиҳани реал даромадини банкдан яшириши мумкин. Мурабаҳа (қарзни кечиктирилган суммасини тўлаш ва “хизмат ҳақи учун” устама тўлаш) чизмаси бўйича савдо операцияларини молиялаштиришда мижоз тўловларни вақтида тўламай нафс балосига берилиб кетиб, молу-дунё орттириши мумкин.

Шунга ўхшаш рискларни келиб чиқмаслиги учун ғарб банклари амалиётида қўлланиладиган процедурага ўхшаган махсус усуллар қўлланилади, бунақанги мансабни суъистеъмол қилишлардан Ислом банклари ҳам холи эмас. Фирибгарларга қарши курашишнинг бош усули - мижоз-корхонанинг барча операцияларини астойдил аудит қилиш ҳисобланади. Ислом банки раҳбариятининг бирон-бир азоси банк томонидан молиялаштириётган корхонани ҳисоботида кўрсатган зиёнини танҳо ўзи тан олиш ҳуқуқига эга эмас. Бунинг учун банк бошқарувининг барча аъзолари коллегиял қарор қабул қилишиш керак. Агар лойиҳа мўлжалланган фойда даражасига етмаса махсус эркин қўмита корхона балансини чуқур ўрганади. Агар мабодо даромад яширинганлиги аниқланса, унда мижоз етмайдиган суммани мажбурий равишда тўлайди. Банк яна акционерлик ҳуқуқидан фойдаланиб инсофсиз корхона менеждерини алмаштириши мумкин. Жуда оғир ҳолатлар юзага келса банк ўз маблағини чақириб олиши мумкин ва тартиб бузар корхонани “қора рўйхатга” қўшиб қўяди. Тўловни қайтариш муддати чўзилиб кетса ушбу иш судга берилади, у мижозга зарур суммани ва дастлабки шартномада қайд этилган жаримани тўлаттиради.

Ислом тизимига ўтирилишида ички қарз ҳисобидан давлат қаражатларини молиялаштиришда жуда оғир муаммолар юзага келди, чунки фоззли облигацияларни чиқариш мумкин эмас. Мисол учун, Эронда давлат қарзини молиялаштиришда банк тизими фозсиз фаолият кўрсатишга ўтгандан кейин ҳам кредит ҳисобидан амалга оширилмоқда. Бунда марказий банк миллий тижорат банкларига қайд этилган фозиз ставкаси асосида ресурс бериш ҳисобидан амалга оширилмоқда. Тижорат банклари эса ўз навбатида имтиёзли шартлар билан давлат сектори корхоналарига қарз бермоқда.

Президент Ҳотами девони иқтисодий ислохотларни амалга оширишга киришганидан кейин вазият ўзгарди. 1995 йили эрон давлати махсус Ислом облигациясини сотувга чиқарди, унда собиқ давлат корхоналарини акциялари режалаштирилган приватизация жараёнида облигацияларга алмашилди. Сафарбар этилган заём маблағлари уларни ислох қилишга ва модернизация қилишга йўналтирилди, облигацияларнинг даромадлиги компанияларни фойдасидан келиб чиқиб аниқланди ва фойда давлат заёмини таъминлаш фондига қўшилди. Облигация

чиқаришда Малайзия тажрибасидан фойдаланилди, чунки худди шунга ўхшаш қимматли қоғозлар бундан олдинроқ уларда пайдо бўлган эди.

Жозибадорлик ғояси. Ислом банклари учун лойиҳани молиялаштиришга улус билан иштирок этиш назарияси жуда ҳам мақбул турдаги операция бўлишига қарамай, ҳақиқатда Ислом банкларининг активлар портфелини катта қисми қисқа муддатли савдо келишувларини молиялаштиришга тўғри келади, қайсики банклар хизмат кўрсатиш устамалари (мурабаҳа) ҳисобидан фойда олади. Банк ресурсларини қисқа муддатли активларга тўплаганининг номақбуллиги шундаки, у узок муддатли иктисодий ривожланишга етарли даражада рағбатлантормайди.

Баҳрайн Faisal Islamic Bank Президенти Сайид Юсефинг фикрига қараганда, Ислом банкларидаги бу ҳолатнинг асосий сабаби иккитамчи молия бозорининг етарли даражада ривожланмаганлигини урғу бериб кўрсатади. Унинг сўзларига қараганда кейинги йилларда Ислом акция бозорининг фаол ўсиши, Ислом инвестицион фондларининг шўъбагин ривожланиши ва янги молиявий инструментларни пайдо бўлиши ўзгаришларга замин яратмоқда.

Ҳозир Ислом банклари қисқа муддатли 5-6 фоиз даромад берадиган инструментлар таклиф қилмоқда. “Биз “квант сакраши” каби ўзгаришларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқдамиз, лойиҳа молиялаштирилиши соҳасида ва капитални даромадлилик даражасини ун беш. йнгирма ва ҳаттоки ўттиз фоизга етказиб, ўрта ва узок муддатли кредитлашга ўтмоқдамиз” деб ҳисоблайди таниқли молиячи Маджид ал-Рефай, у First Investment Bank of Bahrain асосчиси, ҳозирда Quantum Financial Advisor халқаро Ислом инвестицион компаниясининг раҳбари.

Кўпгина мутахассисларнинг фикрига қараганда, Ислом банклари тажрибасидан келиб чиқиб, ғарб молия тизими ўзига муҳим дарс ва сабоқ олмоғи даркор: банк жамиятининг манфаатлар нафсонияти реал секторни томоғидан буғувчи қуролга айланмаслиги, лойиҳани молиялаштириш тўғрисидаги қарор чайқовчилик сингари юқори фойда оламан деб завқланиш ҳаёлийлигига бормасдан, лойиҳани ўзини келгусидаги фойдалилигини инobatта олиб жавобгарликни баҳолаш билан қарор қабул қилиниши керак. Ғарб ишбилармон доирасининг обрўйли органи ҳисобланган – Economist журнали Ислом молия операцияларидан бири мушарак (банкни корхонани фойдаси ва зиёнига иштирок этиши) тўғрисида қуйидагиларни ёзган эди: “Ғарбда баъзи бир одамлар бу ғояни эътиборга молик деб қарайдилар. Бунда кимда – ким пул бераётган бўлса, унга жуда кучли рағбат беради, чунки унинг тиккан пули ёрдамида шундай бир сезиларли нарса яратилаётганига амин бўлади. Минг афсуски, ғарб банклари, 70-чи-80-чи йиллар давомида инвестициялар тўғрисида қатор қарорлар қабул қилган бўлсаларда, бунаканги рағбатни натижаларини ҳис қилмаганлар. Албатта мушаракда барча пулдан фойдаланувчилар ўртасида жавобгарчиликни бўлиниши ҳам қайд этилади”.

4.4. Ислом банк фаолиятида рискларни бошқариш

Шариатнинг “Тижорат” меъёрлари илоҳият томонидан ўйлаб топилмаган. Қурони карим нозимга қадар ишбилармонларнинг ахлоқ ва одобга тўғри келадиган фаолият тартиблари шариат меъёрларида кодекслаштирилган. Тўғри, ҳаттоки бугунги кунда ҳам Яқин Шарқнинг ҳамма молиявий таркиби ҳам шариат нормаларига тўлиқ таяниб иш тутмайди. Саудия Арабистони ва Қувайтдаги Қирол оиласи ўзининг капиталини ғарб молия бозорига жойлаштирганлар, ёки йирик араб молия-саноат гуруҳлари ғарбона бизнес юритиш усулларидан фойдаланиб келишмоқда. Ислом давлатларида ғарбона типдаги молиявий муассасалар ўтган асрнинг охириларида,

асосан Европа метрополиясининг йирик банк бўлимлари кўринишида пайдо бўлганлар. Лекин уларнинг фаолияти асосан хорижий компанияларни экспорт-импорт операциялари билан чегараланган ҳолос. Маҳаллий савдо ҳамжамияти миллийлик ва диний тафовутлардан келиб чиқиб ғарб банклари хизматларидан фойдаланишмаган.

Иқтисодиётда модернизация жараёнини амалга оширилиши мусулмон-бизнесменларининг ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун банкларда жорий ҳисоб рақамларини очишга мажбур бўлганлар, аммо уларнинг кўплари ҳанузгача одатдагидек депозит фоизлари ва кредит олишдан воз кечиб келмоқда. Шунинг учун ўтган асрнинг 40-йилларини охиридан бошлаб қатор Ислом иқтисодчилари ссуда фоизидан қочайдиган "Ислом капитализмининг" молиявий моделлари назариясини ишлаб чиқишни бошлаб юборганлар.

Ислом банк иши фаолиятини бошланишини аниқ даври ўтган асрни 60-чи йилларининг бошларига тўғри келади. Биринчи Ислом Жамғарма банки Миср давлатида 1963 йили ташкил топган, лекин унинг фаолияти узоқ чўзилмаган.

1970 йилларга келиб Ислом молиявий институтларини яратиш бўйича амалий ишлар жонланиб кетган. 1974 йилда Ислом давлатлари ташкилоти шариат нормалари асосида иқтисодий ва ижтимоий дастурларни молиялаштириш учун давлатлараро Ислом ривожлантириш банкни тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. 1975 йилда Dubai Islamic Commercial Bankи тузилди. Ислом банкларини шаклланиш босқичида марказий фигуралардан бири бўлган. Саудия Арабистони Қирол оиласидан шахзода Мухаммад Фасал, ҳозирда Finance/DarAl Mal гуруҳининг бошлиғи, шунингдек шайх Салех Камел, ҳозирда Aibagasa гуруҳининг бошлиғи. 1977 йили Миср ва Суданда Faisal номи билан иккита банк гуруҳини очишди. 1979 йили Бахрейнда биринчи маротаба Ислом банки ташкил этилди.

Ислом банкларини юзага келишига психологик асос бўлган, Яқин Шарқ кенг аҳолиси ўртасида анъанавий Исломга ихлосмандларнинг кучайиши оқибатида "Исломнинг туғилиши" жараёни - унинг энг юқори фазаси Эронда имом Хумайни томонидан амалга оширилган революция оқибатида содир бўлди. Ислом банкларини реал ривожланишига асос бўлган яна бир ҳолат. 1973 йилда содир бўлган нефт инқирози ҳисобланади. бунинг оқибатида Яқин Шарқда нефтнинг нархи жуда кескин ошиб кетди ва натижада нефтдолларларининг оқими уфуриб Ислом давлатларига кириб келди.

Мусулмон дини ихлосмандлари сонидан миқоз маблағлари оқимининг кескин кўпайиши Ислом банклари пассивларини ошириб юборди, лекин Ислом капитал бозорини бошланғич даврдаги ривожланиш аҳоли уларни тўлиқ сафарбар қилишнинг иложи йўқ эди. Ислом банкларида 80-чи йилларнинг бош мақсади пассив операцияларда тажриба тўплаш, молиялаштириш ва инвестиция усулларини стандартлаштиришдан иборат эди.

80-чи йилларнинг бошида Жанубий-Шарқий Осиёда Ислом банк иши фаол ривожланди. 1963 йилда Малайзияда хайрия фонди тузилди, улар Маккага ҳаж қилишга жазм этган мусулмонларни жамғармаларини сафарбар этишди. Бунинг натижаси асосида бирдан бир йирик Tabung Haji номли Ислом инвестицион фонди юзага келди. Малайзияда Ислом банк тизимини жўшқин ривожланиши 1983 йилдан кейин кўччилик мусулмон кишиларининг ҳаёт даражасини кўтариш сиёсати доирасида бошланди. Бу сиёсат айнан иқтисодий сиёсатдан ташқари ички сиёсий сабаблари ҳам бор эди. яъни Малайзия аҳолисини 75 фоиз мусулмонлар бўлишига қарамай, хусусий сектор капиталининг катта қисмини этник Хитойликлар назорат

қилишади. Маҳатира Моҳаммад Ҳукумати унчалик муваффақиятли бўлмасда, Яқин Шарқ Ислом капиталини мамлакатга жалб қилиб, Қуала-Лумпур шаҳрини Жанубий-Шарқий Осиёда Ислом молия марказига айлантиришга ҳаракат қилмоқда.

Кейинги ўн йилликда Ислом банклари учун пассив операциялар борасида инновацион ва тез ривожланиш вақти бўлди. Олдингидек мижоз базаси ўсиб бормоқда, лекин ҳозирги омонатчилар нафақат диний нуқтан назардан уларнинг сармоялари тўғри бошқарилишини, балки яна у яхшигина даромад олиб келишини истайдилар. Ислом инвестицион банклари тузилиши ва активларни, кўчмас мулкка қўйилган акциялар пакетини бошқариш билан шуғуланувчи янги типдаги фондларни тузиш масаласи ҳам фаол кетмоқда. Ислом инвестицион банклари лизинг операциялари ва капитал рискини бошқариш бозорида ҳам фаолият кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари Яқин Шарқ банклари йирик ғарб банклари билан рақобат қилиб, мижоз талашини тўғри келмоқда, чунки улар кейинги вақтда ўз банкларининг фаол ишлайдиган Ислом бўлимларини очмоқдалар.

Халқаро молиявий инқироз кредитлаш тизимидан, яна ҳам аниқроғи ипотека кредит усулидан бошланди. Бу жаҳонда анъана бўлиб қолган кредитлаш тизимини бечораҳол эканлигидан дарак бермайдими? Агар кредитлашни моҳиятига эътибор қаратсак, унинг асосий тамойили судхўрлик билан моддий манфаат олишдир.

Бутун Жаҳон иқтисодиёти судхўрликка асосланган, яъни маблағ тикиб фоиш олиш. Бизнинг барча банкларимиз шу тамойилни асос қилиб олганлар. Банклар кредит беришда олдиндан белгиланган фоиш ставкаси билан берадилар. Кредитдан фойдаланиш муддати тугагандан кейин, қарздор фойда олдини ёки йўқми ундан қатъий назар банкка нафақат кредит суммасини, балки ундан фойдаланганлиги учун маълум фоиш тўлашини талаб этадилар.

Агар ўйлаб қаралса, бунақанги тизим қарздорга нисбатан жуда ҳам адолатсизликдир. У бу пулни бизнесга тикдими ёки ўзининг шахсий эҳтиёжига ишлатдими ёки йўқми бундан қатъий назар у фоиш тўлашга мажбур. Балким, бу маблағ унга оддий ҳолатга яъни ўзини амал-тақал қилиб яшаш учун керак бўлгандир. Лекин бизнинг банклар ўз олдига унинг сабабларини аниқлашни кўймайди, у қарздорга фойда олиб келдими ёки зиён олиб келдими улардан қатъий назар уларни асосий мақсади фоишини олиш, яъни тиккан маблағидан фойда олиш.

Худди шундай ҳолат омонатчи учун ҳам, банкка қўйган унинг пули, қасрга инвестиция қилинади, у бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмайди. У омонат шартномасига имзо қўяр экан, у биладикки, олдиндан аниқланган фоишни омонати муддати тугагандан кейин албатта олади. Унинг мақсади – фақат моддий манфаатдорлик, худди банкларники сингари.

Демак, но Ислом банк тизими фаолиятининг бош тамойили – бу шахсан моддий манфаат олиш. Бу бутун банк тизими фақат судхўрлик ҳисобидан яшапти деган гап эмас.

Бизга маълумки, банклар иқтисодиётнинг ажралмас қисмидир. Бу муассасалар жисмоний ва юридик шахсларга ҳаётда яшашда кўмаклашадилар ҳамда хожатини чиқарадилар. Маълум бир тўлов билан пулни зудлик билан Жаҳоннинг хоҳлаган нуқтасига ўтказиш имкониятига эгамиз, қимматбаҳо нарсаларни сақлаш, чеклар ва пул банкноталари билан процедураларни энгиллатиш, акцияларни сотиш ва яна қанча муҳим операцияларни амалга оширишимиз мумкин. Банклар яна қанча мураккабликлардан бизни холи қилади. Бундан ташқари, банк ходимлари ўз ишининг моҳир усталари бўлиб, пулларни фойдали тадбирларга тикишни жуда ҳам яхши билишади.

Ислом банклари ҳам бу функцияларини қўллаб қувватлайди. Жаҳонни барча давлатларидаги каби, Ислом давлатларида ҳам банклар иқтисодиётда муҳим рол ўйнайди. Лекин Ислом банкларининг фаолият тамойили, оддий банк фаолиятдан тубдан фарқ қилади.

Ислом судхўрликни қатъий таъқиқлайди. Кимда ким судхўр бўлса, ёки кимки унинг хизматидан фойдаланса у гуноҳга ботади. Шунинг учун ҳам Ислом банклари фоиғ хисобидан яшамайдилар.

Бугунги кунда Ислом Жаҳонсида 150 дан ошиқ Ислом банклари мавжуд. Бу банкларнинг депозит ҳисоб рақамининг миқдори 80 дан 120 миллиард долларни ташкил этади.

Ислом банклари фаолияти асосида шахсий молиявий манфаат тамойиллари ётмайди. Балки ижтимоий-ахлоқ ва одоб тамойиллари ётади.

Ҳаммамизга маълумки, барча инсонларни ҳаётда етарлилик даражаси ҳар-ҳил, кимдадир пул маблағлари захираси етарли бўлса, кимдадир уни етмаётганлиги бутун ҳаёти давомида хис қилиб яшамокда. Кимдир ўзининг моддий аҳолини яхшилаш учун пулни қарзга олишга мажбур. Бу ҳолатда Ислом банки ёрдамга келади. Бу банкларда барча кредитлар фоиғсиз, худди шундай омонатлар ҳам.

Шахсий эҳтиёғ учун ва бизнесни ривожлантириш учун кредитлар ўртасида жуда катта тафовут мавжуд. Лекин бу икки турдаги кредитлар ҳам фоиғсиздир яъни олинган кредитнинг суммаси қайтарилади, ҳеч қанақа фоиғ бўлмайди ва тўланмайди. Агар бизнесни ривожлантириш бўйича кредитлаш амалга оширилаётган бўлса, банк ва қарздор ўртасида шартнома имзоланади, яъни агар фойда олинадиган бўлса қарздор уни банк билан бўлишади. Агар бизнесда зиён олинадиган бўлса, у ҳам бўлинади. Бу жуда адолатли тамойил, тўғри эмасми ?

Шу ўринда қайд этиш лозимки, омонатчилар ҳам Ислом банкларида ўзининг маблағларини фоиғ олмасдан сақлашади. Омонатчи банк билан шартнома имзолаётганда, ўз маблағини банк томонидан инвестиция қилишга рози ёки норози эканлигини қайд этади. Банк фойда улушини олганда, омонатчиға фойдани ўз қисмини қўшиб тўлайди. Зиён олганда эса зиён ҳам бўлинади.

Кўриниб турибдики, вазиятни хоҳлаган томонга ўзгаришида ҳам, ҳеч сўзсиз шахсий манфаат олиш тамойили қўйилмаган. Бу ерда ўзаро қўллаб қувватлаш ва ёрдам бериш асосланган ҳамкорлик муносабати ётибди.

Ислом қонунни бўйича бадавлат фуқаролар закот тўлашлари зарур. Бу ўзига ҳос бойлик учун солиқ бўлиб, у давлат томонидан белгиланмаган, балки парвардигори олам томонидан белгиланган. Закотдан тўшган маблағлар фақир фуқаролар эҳтиёғига ёки эзгулик тadbирларига йўналтирилиши керак. Шу тартибда Ислом давлатининг хазинаси тўлдирилади. Худодан кўркувчи Ислом давлатларининг фуқаролари парвардигори олам олдида, унинг марҳаматига сазовор бўлиш учун эзгуликка интилади, ҳеч қанақа тазйиқсиз, ўз ихтиёри билан закот тўлашади. Ислом давлатининг иқтисоди шундай тузилган.

Ҳозирг вақтда Ислом банклари бутун Жаҳонда жуда катта қизиқишга сазовор бўлмоқда. Айниқса, Жаҳон инқирози даврида уларни фаолият тамойилларини ўрганиш алоҳида муҳим бўлиб қолмоқда. Ислом банклари нафақат араб давлатларида, балки Европа ва АҚШда ҳам очилмоқда. Ислом банкларининг миғозни бўлиб нафақат мусулмонлар балки бошқа дин вакиллари ҳам ҳисобланмоқда. Кўпдан кўп Европа ва АҚШ корхоналари Ислом банкларини афзал кўрмоқда, чунки улар билан ишлаш нафақат манфаатли, балки ахлоқ одоб меъёрларига ҳам мос тушади.

Москвада жорий йилни март ойида "Ислом банклари: унинг ўзига хос хусусиятлари ва истиқболлари" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Икки кун давомида турли тилларда Россияда Ислом банк ишнни ривожлантириш истиқболлари жўшқин муҳокама этилди. Конференция натижаси бўйича Россияда бир нечта Ислом банклари очилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Энди Россиялик фуқаролар ҳам яқин вақтларда бу муассасаларни хизматларидан фойдаланадиган бўлади. Биринчи навбатда, албатта, уларнинг миждози Россия мусулмонлари бўлади, улар учун ишбилармонлик фаолиятини ривожлантириш ва ҳаёт даражасини яхшилаш учун янги имкониятлар очилмоқда.

Бизнинг давлатимизда ҳам 1-4 май кунлари Осиё Траққиёт Банкнн ижрочи директорларининг 43-чи йиллик ҳисобот йиғилишини ўтказилишида Ислом Тараққиёт Банки (ИТБ)нинг ижрочи директорининг иштирок этиши ва Ҳукумат раҳбарлари билан ўтказган мунозаралари бизнинг давлатимизда ҳам Ислом банклари пайдо бўлиш истиқболларига йўл очиши табиий ҳолдир.

ИТБ халқаро молия муассасаси сифатида ва тараққиёт банки тури кўринишида 1973 йили 18 декабрда иштирокчи давлатлар Ташкилотининг Ислом конференциясида молия вазирларининг биринчи конференциясида ташкил топган. Унинг бош офиси Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган.

1975 йили 20 октябрда ўз фаолиятини бошлаган. Банк капитали иштирокчи-давлатларнинг қўшган бадаллари ҳисобидан ташкил топган. Унинг таъсисчилари бўлиб 10 та давлат, яъни Саудия Арабистони, Судан, Кувайт, Ливия, Туркия, Бирлашган Араб Амирлиги, Эрон, Миср, Индонезия ва Покистон давлатлари ҳисобланади.

ИТБнинг юқори органи бўлиб, бошқарувчилар Кенгаши ва директорлар Кенгаши ҳисобланади, банк президенти 5 йил муддатга сайланади.

ИТБ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Бош ассамблеясида кузатувчи статусига эга.

Ҳозирги вақтда ИТБ банк гуруҳи ташкил топган ва унга қуйидаги ташкилотлар киради:

- Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси;
- Инвестицияларнинг ва экспорт кредитларининг суғуртаси бўйича Ислом корпорацияси;

- Ислом илмий кидириш ва ўқув маркази;
- Халқаро Ислом савдо-молия корпорацияси.

ИТБ гуруҳининг функцияси аъзо давлатларнинг иктисодий ва ижтимоий ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш йўли билан иштирок этишдир. Банк ўз фаолиятини шарият қонуни ва тамойилларига асосланиб амалга оширади. Банкнинг пул бирлиги Ислом динори ҳисобланади, у Халқаро Валюта Фондининг бир СДР га тенгдир. Расмий тил бўлиб араб тили ҳисобланади, аммо ишчи тили сифатида инглиз ва француз тиллари ишлатилади.

Банкнинг шахсий капиталининг миқдори 15 миллиард Ислом динорини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда 56 та давлат банкнинг аъзолари ҳисобланади. Банк аъзолигига киришнинг асосий талаблари Ислом конференцияси ташкилотида иштирок этиш, банк капиталга аъзолик бадаллигини тўлаш ва банк директорлар Кенгаши томонидан қабул қилинган қоида, процедура ва терминларга риоя этишдан иборатдир.

ИТБ кам ривожланган банкни аъзо давлатларга биринчи навбатда инфраструктурани яратиш ва кенгайтиришга кредит беради; қўшма корхоналарнинг капиталида иштирок этади; иштирокчи-давлатларни ташқи савдо операцияларини молиялаштиради; техник ёрдам кўрсатади; лизинг операцияларини амалга оширади.

Назорат саволлари:

1. Ислом банкларининг анъанавий молия институтларидан фарқи нимада?
2. Ислом банкларининг қандай операциялари ва хизмат турлари мавжуд?
3. Ислом банкларининг пайдо бўлиш сабаблари қайсылар?
4. Ислом банкларида рискларни келиб чиқиш сабабларини санаб беринг.
5. Банк операцияларида рискларини пасайтириш йўллари қайсылар?
6. Ислом банкларни ривожланишини бошқариш йўллари.

Тест саволлари:

1. Хитой банк капитали ва ликвидлигини тартибга солишда қандай тавсиялар белгиланган?

- a) *барча жавоблар тўғри
- b) секюритизацияланган позициялар бўйича банк капиталига нисбатан қўшимча талабларни белгилаш
- c) капитал етарлилигини баҳоловчи левереж коэффициентини киритиш
- d) I даражали капиталнинг муҳим ва етакчи шакллари сифатида оддий акциялар ва тақсимланмаган фойдага устуворлик бериш.

2. Ислом банклари активлари бугунги кунда қанчани ташкил этади?

- a) *150 млрд доллар
- b) 140 млрд доллар
- c) 180 млрд доллар
- d) 190 млрд доллар

3. Жаҳонда нечта ислом банклари мавжуд?

- a) *155
- b) 130
- c) 205
- d) 180.

4. Молия институтларини исломлаштириш нечинчи йилда бошлаган

- a) *1950 йил
- b) 1960 йил
- c) 1970 йил
- d) 1980 йил

5. Ислом банклари фаолиятида рискларнинг юзга келиш сабабларини кўрсатинг

- a) *барча саволлар тўғри
- b) кредитланадиган лойиҳа, объект ва миқозлар тўғрисида маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги

c) субъектларнинг онги, савияси маблағлардан фойдаланиш бўйича билим ва мақсадларининг турли хиллиги

- d) ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш соҳасида маълумотларнинг етарли эмаслиги.

6. Ислом банклари қандай молиявий инструментларидан фойдаланади

- a) *барча жавоблар тўғри

- b) Мудораба
 c) муробаха
 d) Мушарака
7. ЕТГБ нинг мақсади қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
 a) *Шаркий Европа давлатларига иқтисодийнинг марказлашган бошқаруви оқибатларидан қутилишга кўмаклашиш
 b) Иқтисодий ислохотларни амалга оширишга кўмаклашиш
 c) Экологияси инкирозга учраш арафасида турган давлатларга молиявий ёрдам кўрсатиш
 d) Жавобларнинг барчаси тўғри
8. Қандай ҳолатда банк қимматли қоғозларни чиқариши мумкин?
 a) *Ўзининг сўнги 3 молия йили давомида зарар кўрмай ишлаган бўлса ва бюджетга қарзи бўлмаслиги;
 b) Охириги 7 йил мобайнида амалдаги қонунчиликни бузганлик учун давлат органи томонидан жазо олмаган бўлиши;
 c) Дебиторлик қарзи бўлмаса;
 d) Кредиторлик қарзи бўлмаса.
9. Эмиссия проспекти ким томонидан тайёрланади?
 a) *Банк Бошқаруви, Банк раиси, Бош бухгалтер;
 b) Банк кредит кўмитаси;
 c) Фонд Биржаси ;
 d) Олий Мажлис.
10. Эмиссия проспектида нималар акс эттирилади?
 a) Қимматли қоғозлар тоғрисида умумий маълумотлар акс эттирилади
 b) Қимматли қоғозларни тарқатиш шартлари ва тартиби
 c) Қимматли қоғозлар бўйича дивидентларни олишга тгишли маълумотлар
 d) *Барча жавоблар тўғри.
11. Эмитент –банк томонидан қачон қимматли қоғозларни сотиши мумкин?
 a) Қимматли қоғозларни чиқаришни рўйхатдан ўтказгандан сўнг ва бу тўғрисида хабарни тарқатгандан сўнг;
 b) Фонд Биржаси умумий маълумотларни тарқатгандан сўнг;
 c) Банк кредит кўмитаси хабарни тарқатгандан сўнг;
 d) *Қиммати қоғозларни чиқариш тўғрисида хабарни тарқатмагандан сўнг.
12. Банкларнинг фонд бозорида иштирок этишдан мақсади нима?
 a) Ликвидлигини ошириш;
 b) янги ижозларни жалб этиш;
 c) *қимматли қоғозлар билан операциялардан даромад олиш ва фойда кўриш;
 d) Харажатини камайтириш.
13. Банклар қимматли қоғозлар бозорида ким бўлиб иштирок этади?
 a) *эмитентлар ,сармоядорлар;
 b) Воситачи;
 c) Кредитор;
 d) Суғуртачи.

В 606. ХАЛҚАРО МОЛИЯ-КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ

Режа

5.1 Халқаро молия-кредит ташкилотларининг ташкил этилиши ва ривожланиши. Халқаро молия-кредит ташкилотларининг туркумланиши.

5.2 Халқаро валюта фонди, унинг мақсад ва вазифалари. Жаҳон банки гуруҳи ва унинг таркиби.

5.3 Минтакавий тараққиёт банклари. Европа тикланиш ва тараққиёт банки. Осие тараққиёт банки.

5.4 Ўзбекистоннинг халқаро молия-кредит ташкилотлари билан муносабатларининг ривожланиши.

Таянч иборалар

Халқаро молия-кредит институти, операциялари, пул маблағлари, кредит, банк, ислохотлар. Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Минтакавий тараққиёт банклари, вазифалари, манбалари.

5.1. Халқаро молия-кредит ташкилотларининг ташкил этилиши ва ривожланиши. Халқаро молия-кредит ташкилотларининг туркумланиши.

Халқаро валюта-кредит ва молия муносабатларининг институционал тузилиши ўз ичига кўплаб халқаро ташкилотларни олади. Уларнинг баъзи бирлари катта ваколатлар ва ресурсларга эга бўлган ҳолда халқаро валюта-кредит ва молия муносабатларини бир маромга солиб туради. Бошқалари ўзида ҳукуматлараро муҳокама этиш учун форум сифатида, валюта ва кредит-молия сиёсати бўйича тавсиялар ва консенсус ишлаб чиқади. Яна бошқалари эса, ахборот йиғиши, муҳим валюта-кредит ва молия муаммолари ва умуман, иқтисодда статистик ва илмий-тадқиқот наشرлари билан таъминлайди. Буларнинг айримлари ҳамма айтиб ўтилган функцияларни бажаради.

Халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотларини шартли равишда халқаро молия институтлари деб аташ мумкин. Бу ташкилотларни битта мақсад — мураккабликларга ва қарама-қаршиликларга тўла жаҳон хўжалигининг барқарорлиги ҳамда бутунлигини таъминлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш бирлаштиради. Бутунжаҳон аҳамиятига эга ташкилотларга, аввало, БМТ-ХВФ ихтисослаштирилган институтлари ва Халқаро тикланиш ва ривожланиш банки гуруҳи ҳамда Жаҳон савдо ташкилоти кирди. БМТнинг халқаро валюта-кредит ва молия муносабатларидаги бевосита роли чеклангандир. Лекин, БМТ нинг савдо ва ривожланиш Конференциясида (1964 йилдан йилга 3-4 марта) ривожланаётган мамлакатлар муаммоларини ҳал қилишда жаҳон савдо муаммолари ва бу мамлакатларнинг ривожланиши билан бирга валюта-кредит масалалари ҳам кўриб чиқилади. Конференциянинг сессиялари орасидаги даврда бу функцияни йилга икки мартадан савдо ва ривожланиш Кенгаши бажаради. Жаҳон валюта тизимининг муаммолари жаҳон савдоси ва "ривожланишга расмий ёрдан" билан боғлиқ "қўринмас" моддалари ва молиялаштириш бўйича кўмитасида кўриб чиқилади. У шунингдек, ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон капитал бозорига етишиш муаммолари, экспорт кредитлари бўйича кафолатларини, 70-йилларнинг ўрталаридан эса ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи қарз муаммолари билан шуғулланади.

БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси — Иқтисодий кенгаш — Европа, Африка, Осие ва Лотин Америкаси учун 4 минтакавий комиссия тузган. Осие ва

Лотин Америкаси комиссиялари Осиё ривожланиш банкини ва Америкааро ривожланиш банкини ташкил этилишига воситачилик қилган. Махсус жамғармалар бу ташкилотларни тўлдириб туради.

"Маршалл режа" сининг амалга оширилиши муносабати билан 1948 йилда тузилган Европа иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти кейинчалик Европа тўлов иттифоқининг ташкил этилишига йўналтирилган (1950-1958 йиллар), 1961 йилда эса иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига (ОЭСР, Париж) алмаштирилган. Хозирда бу ташкилот ўз ичига 24 мамлакатни олади, бу мамлакатларнинг хиссасига дунё аҳолисининг 16% ва /арб дунёси ишлаб чиқаришнинг 3 дан 2 қисми тўғри келади. ИХРТ рамкасида 30 қўмита фаолият кўрсатади, шу жумладан, экспорт кредитлари шартларини келиштириш (консенсус), тўлов баланси муаммолари. ИХРТ мақсади - эркин савдога, ёш давлатларнинг ривожланишига, аъзо мамлакатларини иқтисодий ривожлантиришга ва молиявий барқарорлаштиришга кўмаклашади. ИХРТ - ўзига хос клубдир. Саноати ривожланган мамлакатлар учун фикрлар алмаштириш ва иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш, валюта-кредит ва молия сиёсатини қўшган ҳолда, илмий-тадқиқот ишларини олиб боради, жахон иқтисодиётининг эконометрик андозалари асосида халқаро қиёслаш ва тахминларнинг маркази ҳисобланади (йилга 2 мартадан).

Бошқача айтганда, халқаро ташкилотлар революцион ва эволюцион кўринишда ривожланган.

Революцион ривожланиш икки кўринишда:

Биринчи кўриниш - назарий модель амалиётга ўтказилди. Халқаро валюта фонди (ХВФ) урушдан сўнгги ҳаракатдаги валюталар тузилмавий лойиҳасига биноан шакллантирилган бўлиб, Уайт Г.Д.(АҚШ) ва Кейнс Дж.М.(Б.Британия) томонидан қайта ишланган. Институтларнинг эволюцион ривожланишдан фарқи шунки, революцион ўзгаришда исталган жараёни жамиятга татбиқ этишдир.

Иккинчи кўриниши - халқаро молиявий ташкилотлар мавжуд ташкилотлар бир-бирига асосланиб бириктириб шакллантирилади (бўлимлари). Улар таркибини халқаро ташкилотларга кирувчи давлатлараро молия-кредит ва валюта муносабатларига хизмат қилувчи турли молиявий институтлар ташкил этади. Улардан таниқли бўлган - Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), минтақавий ривожланиш банкларидан - Африка тикланиш ва тараққиёт банки (АФТБ), Америка халқаро ривожланиш банки (АХРБ) ва Осиё ривожланиш банки (ОРБ) ни айтиш мумкин. Европа Иттифоқининг минтақавий валюта-кредит ва молия ташкилотларидан масалан, Европа инвестицион банки, Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Европа Марказий банки. Бу муассасалар ўзларининг мақсад, вазифаларидан турли масалаларни ҳал этадилар, улар фаолияти эса глобал характерга эга.

Халқаро ташкилотлар бугунги кунда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий йўналишларда турли таркибда шаклланган ҳолда фаолият юритиб, уларнинг эволюцион ривожланиши босқичма-босқич, даврма-давр йиллар мобайнида аста ривожланиб келиши билан изоҳланади.

Ташкилотларнинг революцион ривожланишида сиёсий эркинликнинг мавжудлиги эволюцион ривожланишдан фарқини кўрсатади, яъни давлат бошчилиги ролига ўтади.

Халқаро ташкилотлар - давлатлараро келишувлар асосига шаклланган, ҳамда давлатлараро валюта-кредит ва молиявий муносабатларда ўз Низомидаги мақсад-вазифаларини мустақкам кўрсатган бир неча давлат институтларини бирлаштирувчисидир.

Ҳар қайси ҳукуматлараро ташкилот ўзига хос сифатларга эга бўлиши керак. яъни ташкилот халқаро ҳуқуқларга мос келган ҳолда шакллантирилади. Ҳар қандай халқаро ташкилот халқаро шартномалар асосига шаклланади (конвенциялар, келишувлар, протоколлар ва бошқалар). Бундай шартнома томонлари суверен давлатлар бўлиб, кейинги вақтларда ҳукуматлараро ташкилотлар ҳам халқаро ташкилот қатнашчилари сифатида майдонга чиқмоқдалар. Масалан, Европа Иттифоқига (ЕИ) кирувчи давлатлар кўпгина халқаро ташкилотларга аъзо. Ҳар бир халқаро ташкилотни тузишдан мақсад – давлатларнинг бирлашиши асосида уларнинг ҳар бир йўналишидаги: сиёсий (ОБСЕ), ҳарбий (НАТО), иқтисодий (ЕС), молиявий-валюта (МВФ) ва бошқалардаги кучини оширишдан иборатдир.

Қуйида халқаро етакчи молиявий ташкилотларнинг шаклланган структураси келтирилган. 1-расм.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ)- давлатлараро кредитларни увофиқлаштирувчи ташкилот.

Халқаро валюта фонди (ХВФ)-аъзо давлатларнинг валюта-кредит муносабатларини мувофиқлаштириш ташкилоти.

Тарифлар ва савдо бўйича Бош келишуви (ГАТТ)- савдонини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда тарифларнинг пасайишини ва уларга бўлган чекловларни олдини олиш ташкилоти.

Европа иқтисодий ҳамкорлик тараққиёт ташкилоти - эркин савдо аъзо давлатларининг иқтисодий тараққиёти ва молиявий барқарорлигига кўмаклашади.

Париж клуби - муддати ўтган тўловлар ва давлатлар қарздорлиги муаммоларини тартибга солади.

Лондон клуби - қарздор-давлатларнинг хусусий ташқи қарзларини тартибга солади.

ЮНКТАД - халқаро савдо ва жаҳон ссуда капиталлари бозори муаммоларини муҳокама этади.

Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) - аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка ҳамда тинчликни таъминлашга ва халқаро ҳавфсизликка кўмаклашади.

1-расм. Жаҳон ҳўжалигида институционал структурани шакллантирган етакчи халқаро ташкилотлар¹⁰

Юқорида номлари келтирилган молиявий ташкилотлар валютавий-кредит ва молиявий муносабатларнинг бозор шароитидаги тизимини шаклланишига таъсир этади.

Жаҳон молиявий институтлари кредит шартларини бошқариш йўли билан қарздор давлатлар иқтисодий сиёсатига таъсир этиш қобилиятига эга етакчи ташкилотлардир. Бу ташкилотлар ўз кўринишини секин ўзгартиради, лекин доимий ташқи ҳолатларнинг ҳаракатланишига таъсир кўрсатади.

Бу давлатлараро институтлар мамлакатларга кредитлар беради, жаҳон валюта тизимининг амал қилиш тамойилларини ишлаб чиқади, халқаро валюта-кредит ва

¹⁰ Хорижий мамлакатларда банк иши Э.Т.Қодиров., Ж.К.Мажинов. Ўқув қўлланма/ Т. 2016. 184 бет.

молия муносабатларини давлатлараро тартибга солиш билан шуғулланади. Халқаро молия институтларининг вужудга келиши қуйидаги сабаблар билан боғлиқдир.

1. Хўжалик ҳаёти байналмилаллашувининг кучайиши, миллий чегаралардан ташқарига чиқувчи ТНК ва ТНБларнинг ташкил топиши.

2. Жаҳон хўжалиги алоқаларини, шу жумладан, валюта-кредит ва молия муносабатларини давлатлараро тартибга солишининг ривожланганлиги.

3. Жаҳон валюта тизими, валюта, кредитлар, қимматбаҳо қозғалар, олтин жаҳон бозорларидан иборат бўлган жаҳон иқтисодиётининг беҳарорлик муаммоларини ҳамкорликда ҳал қилишнинг зарурлиги.

Ривожланаётган мамлакатлар минтақавий ривожланиш банкларининг вужудга келишининг ўзига хос сабаблари бўлиб: бу мамлакатларнинг сиёсий мустақилликка эришганлиги; жаҳон ривожда улар ролининг ошиб бориши; миллий иқтисодиёт муаммоларини ҳал этиш мақсадида минтақавий ҳамкорлик ва иқтисодий интеграцияга интилишлари хизмат қилади.

Халқаро молия институтлари қуйидаги мақсадларни кўзлаб иш тутади:

➤ Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро молия муносабатларини барқарорлаштириш мақсадида жаҳон ҳамжамиятининг ҳаракатларини бирлаштириш;

➤ валюта ва кредит-молия муносабатларини давлатлараро тартибга солишни амалга ошириш;

➤ жаҳон валюта ва кредит-молия сиёсати тактикаси ва стратегиясини ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш.

Халқаро молия институтларида қатнашиш даражаси ва алоҳида мамлакатларнинг таъсири уларнинг капиталдаги бўнагининг катталиги билан аниқланади. Чунки одатда "тортилган овоз" тизими қўлланилади. Жаҳон хўжалигидаги кучлар нисбатининг ўзгариши, хусусан урушдан кейинги америкацентризмга қарши 60-йилларда 3 марказнинг вужудга келиши (АҚШ, /арбий Европа, Япония) халқаро молия институтларининг фаолиятида ўз аксини топмоқда.

5.2 Халқаро валюта фонди, унинг мақсад ва вазифалари. Жаҳон банки гуруҳи ва унинг таркиби.

ХВФ – аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит муносабатларини тартибга солиб туриш ва уларга тўлов балансининг камомади билан боғлиқ валютавий қийинчиликлар пайтида чет эл валютасида қисқа ва ўрта муддатли кредитлар бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳукуматлараро ташкилот.

Фонд – БМТнинг ихтисослаштирилган муассаси бўлиб – амалий жиҳатдан жаҳон валюта тизимининг институционал асоси бўлиб хизмат қилади. ХВФ БМТнинг Бреттон-Вудсдаги (АҚШ, Нью-Гэмпшир, 1944 йил, 22 июль) халқаро валюта-кредит конференциясида ташкил қилинган. Конференция 1945 йил 27 декабрдан кучга кирган ташкилот низоми родини бажарувчи Келишув Моддасини қабул қилди ва ХВФ ўз амалий фаолиятини 1947 йил 1 мартдан бошлади.

Жаҳон валюта тизимининг эволюцияси натижасида ХВФ низоми 3 марта қайта кўриб чиқилган: 1) 1969 йилда СДР тизими киритилиши муносабати билан; 2) 1976 йилда Ямайка валюта тизими вужудга келиши билан; 3) 1992 йил ноябрь ойида Фондга ўз қарзларини тўлай олмаган мамлакатларга нисбатан – овоз бериш ҳуқуқини тўхтатиш санкциясининг киритилиши билан.

Бошқарув структураси. ХВФ олий раҳбар органи – аъзо мамлакатдан беш йил муддатга сайланадиган вакил-бошқарувчи ва унинг ўринбосарларидан иборат бошқарувчилар Кенгашидир. Одатда булар молия вазирлари ёки марказий

банкларнинг раҳбарларидир. Кенгаш Битимлар Моддасига ўзгартиришлар киритиш, аъзо мамлакатларни қабул қилиш ва чиқариш, уларни капиталдаги улушлари катталигини аниқлаш ва қайта кўриб чиқиш, ижрочи директорларнинг сайлови каби масалаларни ечади. Бошқарувчилар йилда 1 марта сессияга йиғиладилар.

ХВФ акционерлик корхонаси сифатида қурилган. Шунинг учун ҳар бир қатнашчининг овоз бериш ёрдамида унинг фаолиятига таъсир қилиш имконияти капиталдаги хиссасига қараб аниқланади. "Тортилган" овозлар миқдори таъйинлиги мувофиқ, ҳар бир давлат капиталдаги бўнак катталигидан каттиқ назар 250 "базис" овозга ва ўз квотасининг ҳар 100 минг СДР бирлигига қўшимча 1 тадан овозга эгадир. Бошқарувчилар Кенгашида қарорлар, одатда, оддий кўпчилик (ярмидан кам бўлмаган), ўта муҳим масалалар бўйича эса аъзо мамлакатларнинг овози – тезкор – 70%, иқтисодий ва сиёсий – 85%, яъни "махсус кўпчилик" овоз билан қабул қилинади. Ҳозирги Низомда Ғарбнинг етакчи мамлакатлари манфаатлари йўлида бундай масалалардан 53 таси белгиланган (ХВФ тузилганда 9 тагина эди). ХВФда кўпчилик овоз миқдорига эга мамлакатлар: АҚШ-17,7%; Германия-5,5; Япония-5,5; Буюк Британия-4,9; Франция-4,9; Саудия Арабистони-3,4; Италия-3,1; Россия –2,9%. Европа иттифоқи (ЕС) мамлакатларининг улуши – 26,2%. 70-80 йилларда АҚШ ва ЕС мамлакатлари овозининг солиштирма оғирлиги бирмунча қисқарганига қарамасдан, улар ҳозирда ҳам қабул қилиниши кўпчиликни талаб қиладиган Фонднинг долзарб қарорларига вето қўйишлари мумкин.

Халқаро Валюта Фондининг мақсади:

1. Халқаро ҳамкорлиқни ривожлантиришда доимий ташкилот сифатида молиявий-валютавий сферадаги халқаро молиявий-валютавий муаммолар бўйича маслаҳатлар бериш ва бу муаммоларни ишларни ҳамкорликда ҳал қилиш механизмини таъминлаш.

2. Халқаро савдонинг ўсиш мувозанатини ушлаб туриш ва уни кенгайтириш жараёنлари ҳисобига юқори даражадаги бандлик ва реал даромадлиққа эришиш, шунингдек, барча аъзо давлатларнинг иқтисодий сиёсатда биринчи навбатдаги масалалари сифатида ишлаб чиқариш ресурсларини ривожлантириш.

3. Аъзо давлатлар ўртасида валюта режимини таъминлаган ҳолда валюта барқарорлигини ушлаб туриш ва валюта девальвациясидан фойдаланишдаги рақобатда устунлиқни қўлга киритиш мақсадидан қочиш.

4. Аъзо давлатлар орасидаги жорий операциялар бўйича ҳисоб-китобларнинг кўп йўналишли тизимини шакллантиришда ёрдам кўрсатиш.

5. Юқорида келтирилганларга мувофиқ, аъзо давлатларнинг ташқи тўлов баланси мувозанатини ушлаб туриши бўйича белгиланган тартибларнинг бузилишини камайтириш.

Жаҳон банки – бир неча ташкилотлардан ташкил топган бўлиб, улар бугунги кунда Жаҳон банкининг гуруҳи сифатида танилган молиявий институтлардир:

- Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки (ХРТБ);
- Халқаро ривожланиш Ассоциацияси (ХРА);
- Халқаро молия корпорацияси (ХМК);
- Инвестиционни кафолатлаш кўптомонлама агентлиги (ИККА);
- Инвестицион бахсларни бошқариш халқаро маркази (ИБЕХМ).

Бу кўрсатилган молиявий институтлар инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда тўғридан-тўғри ёки эгри кўринишда қатнашади. Саноат соҳасидаги лойиҳаларга кредит ресурсларининг 1/5 қисмини ажратади.

Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки (ХРТБ) Жаҳон банки сингари кенг танилган бўлиб, Гуруҳ асосий кредит муассасаларидан ҳисобланади. У аҳолиси жон бошига ўрта даражада даромад кўрувчи ривожланаётган давлатларни ривожлантириш лойиҳаларида энг йирик кредитор ҳисобланади. Сўнгги йилларда унинг аъзолари 182 мамлакат банклари бўлиб, бу Банк аъзоси бўлиш учун аввал Халқаро валюта фондига аъзо бўлишлари керак. Банк асосан, маблағларни ҳамкорлик йўли билан халқаро капиталлар бозоридан олади. Банкнинг барча қарзларини аъзо давлатларнинг ҳукуматлари кафолатлаши керак. Банк ривожланаётган мамлакатларга ҳар олти ойда ўзгариб турадиган фоиз ставка асосида (6 % атрофида) қарз ажратади ва тартибга мувофиқ, 15-20 йилга қарзларни тақдим этади.

Халқаро ривожланиш Ассоциацияси (ХРА) 1960 йилда ташкил этилган бўлиб, Халқаро банклар реконструкцияси ва ривожланиши банкидан қарз олиш имкониятлари бўлмаган энг кашшоқ давлатларга ёрдам кўрсатади. Ассоциация сўндириш муддати 30 – 40 йил бўлган фоизсиз қарзларни тақдим этади. Бу Ассоциацияга 160 мамлакат аъзо. Аҳоли жон бошига 835 АҚШ долларидан ошмаган йиллик даромадга эга мамлакатлар Ассоциациядан қарз олиш ҳуқуқига эгадирлар. Кредитлар бадавлат мамлакатларнинг бадаллари ва ХРТБ нинг фойдалари ҳисобига, шунингдек, Ассоциациянинг олдин берилган ва сўндирилаётган кредит суммалари ҳисобига таъминланади. ХРТБ томонидан бериладиган қарзларга ўхшаб, Ассоциация кредитлари бегараз кредитлар асосида ажратилмайди. Уларни муддатида қайтаришлик мажбурияти олинади. ХРТБдан ўзининг ҳуқуқий мустақиллигига эга бўлишига қарамасдан, Ассоциация худди ХРТБ га ўхшаб персоналлар, иншоотлар ва техник маблағлардан фойдаланади.

Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК) 1956 йилда бўлиб, ривожланаётган давлатларнинг хусусий секторлар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган. Бу ташкилот хусусий секторларнинг лойиҳаларини молиялаштириш ишлари, шунингдек, бу ривожланаётган давлатлар компанияларига халқаро молия бозорларидан молияларини қўлайтиришда ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш ва шунга ўхшаш хизматлар учун мавжуддир. Фоиз ставкаси мамлакат ҳолати ва лойиҳага қараб белгиланади, қарзларни сўндириш эса 3-15 йил ичига белгиланади. ХМК деярли 80 % молиявий маблағларини халқаро молия бозоридан таъминлайди, 20 % маблағларини эса ХРТБ билан ўзаро шерикчиликдан таъминлайди. Бу ташкилотга аъзо давлатлар (эгалари) сони бугунги кунда 174 тага етди.

Инвестицияни кафолатлаш кўптомонлама Агентлиги (ИККА) 1988 йилда ривожланаётган давлатларга жалб этилган инвестициялар эгалари бўлган чет эл инвесторига унинг инвестицияси учун сиёсий рисклардан кафолат тақдим этиш орқали ёрдамни кўрсатиш мақсадида ташкил этилган. Бу рискларга ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролик тартибсизликлари, шартнома шартларининг ва валюта ўтказмаларидаги бузилишлар киради. ИККА нинг сўгурта полиси инвестицияларини 15 йил муддатгача кафолатлайди, ҳатто, агар кафолатланган бир лойиҳанинг бугунги ташки суммаси 50 млн. АҚШ долларини ташкил этса бу кафолат 20 йил муддатга ҳам узийтирилиши мумкин. ИККА, шунингдек, ривожланаётган давлатларга чет эл инвестицияларини жалб этиш йўллари билан боғлиқ масалаларга маслаҳат беради. Бугунги кунда ИККА га аъзо давлатлар сони 151 га етди. ИККА ўз фаолиятида бир қанча вазифаларни текинга бажаради. Масалан, Россиянинг инвестицион ва хусусийлаштириш имкониятлари ҳақидаги маълумотлардан таркиб толган интерактив тизимни текинга қайта ишлади.

Инвестицион баҳсларни бошқариш халқаро маркази (ИББХМ) 1966 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳукумат ва чет эл инвесторлари орасидаги келишилган арбитражли шартнома шартларини таъминлаш мақсадида инвестиция оқимини рағбатлантириб туради. У шунингдек, мамлакат қонунчилигига чет эл инвестицияларининг мос ҳаракати бўйича тавсиялар беради ва матбуотларда чоп этади. Бугунги кунда ИББХМ га аъзо давлатлар сони 131 га етди.¹¹

Бу ташкилотлар, яъни Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ва бошқалар давлатлар келишуви натижасида фаолият кўрсатади, бошқалари эса, яъни нодавлат молиявий структуралар юқорида келтирилган халқаро ташкилотлар мавжудлиги натижасида шаклланиб бирлашади. Ташкилотларнинг бир-бирига ўхшаб кетадиган фаолият концепциялари яхши ишлаб чиқилган. Ташқаридан бир қарашда ХВФ билан Жаҳон банкининг умумий бир хиллиги кўпдек, ЕТТБ нининг фаолияти ҳам худди Жаҳон банки фаолиятига кўчирма қилингандек. Лекин таҳлил бўйича улар фаолияти кўрилса бу ташкилотларнинг ўзига хос ажратиб турадиган сифатлари мавжуд.

5.3. Минтақавий тараққиёт банклари. Европа тикланиш ва тараққиёт банки. Осиё тараққиёт банки.

Европа тикланиш ва ривожланиш банки (ЕТРБ) 1990 йил 29 майда Битим асосида тузилган халқаро ташкилотдир. ЕТРБнинг таъсисчилари бўлиб 40 мамлакат – Албаниядан ташқари ҳамма Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада, Мексика, Марокко, Миср, Исроил, Япония, Янги Зеландия, Австралия, Жанубий Корея, шунингдек, ЕИК ва Европа Инвестиция Банки ҳисобланади. СССР, Чехословакия ва Югославия парчаланигандан кейин пайдо бўлган янги давлатлар унинг аъзолари бўлишди. Унинг аъзолари сифатида ХВФ аъзоси бўлган хар қандай мамлакат бўлиши мумкин. 1994 йил 1 январ ҳолатига ЕТРБ акционерлари бўлиб 57 мамлакат ҳисобланади. Банк штаб-квартираси Лондонда жойлашган. ЕТРБ мақоми, имтиёзлари ва иммунитети, ЕТРБ билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия ҳукуматлари ўртасида штаб-квартира тўғрисидаги банк операциялари бошлангандан кейин, 1991 йилда 15 апрелда имзоланган Битимда белгилаб берилган.

ЕТРБнинг асосий вазифаси – Европанинг илгари социалистик тузумда бўлган мамлакатларини очик бозорга йўналтирилган иқтисодийга ўтишига кўмак бериш, ва шунингдек, хусусий ва тadbиркорлик ташаббусларини ривожлантиришдан иборат. ЕТРБ кредитларининг асосий объектлари бўлиб, хусусий фирмалар ёки хусусийлаштирилаётган давлат корхоналари ва шунингдек, хорижий инвестицияли қўшма корхоналар киритилган янгидан тузилаётган компаниялар ҳисобланади. Банкнинг асосий мақсади минтақада инвестицияларни рағбатлантиришдир. ЕТРБ кредитлар ва кафолатлар беришда, акционерлик капиталига маблагларни сармоялашда бошқа инвесторлар ва кредиторлар билан ҳамкорлик қилади. Бу фаолият инфраструктурани ёки хусусий сектор ташаббусларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат секторидаги лойиҳаларни кредитлаш билан тўлдирилиши керак.

Тузилши мақсадлари ва сабаблари.

60-йилларда Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги йирик минтақавий банкларнинг вужудга келиши бир қатор омиллар билан боғлиқдир. Ички омилларга қуйидагилар киради: 1) мустамлакачилик тизимининг тугатилиши, жаҳон

¹¹ С.Р.Моисеев. Международные валютно-кредитные отношения. Учебное пособие. Москва. «Дело и Сервис» 2003. 562 стр.

ривожланишида ривожланаётган мамлакатлар ролининг ошиб бориши, янги иқтисодий тартиблар учун уларнинг кураши; 2) жаҳон банки турухи томонидан ҳар доим ҳам ҳисобга олинмайдиган минтақаларнинг ўзига хос масалаларини ҳал этиш зарурияти; 3) чет эл рақобатига қарши туриш ва миллий иқтисодиёт муаммоларини биргаликда ҳал этиш мақсадида ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий интеграциясини ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш. Ташқи омилар куйидагилар ҳисобланади: 1) чет эл хусусий инвестициялари асосий оқимнинг ривожланган мамлакатларга кўчиб ўтиши. Бунда ривожланаётган мамлакатларда уларнинг ўрнига давлат чет эл инвестициялари эгаллайди, ва давлат чет эл инвестициялари ўрнини эса халқаро инвестициялар эгаллайди; 2) sanoati ривожланган мамлакатларда "минтақачилик" сиёсати, улар таъсир доирасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг бирлашишига кўмаклашишга интилиш.

Умумий ўхшашлари ва фарқлари.

Биринчидан, бу банклар ривожланаётган мамлакатлар эҳтиёжларидан келиб чиқадиган бир хил мақсадни кўзлаб фаолият кўрсатади. Улар фаолияти минтақа ривожланишининг лойиҳаларини узоқ муддатли кредитлашни амалга оширишга, минтақавий бирлашмаларнинг минтақавий ҳамкорлигига ва кредитлашга алоҳида эътибор беришга, минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ривожланишнинг стратегиясини ишлаб чиқишга қаратилгандир.

Иккинчидан, ривожланиш банкларининг учдан бир қисми – sanoati ривожланган мамлакатлар. Ривожланиш банкининг ҳар қандай қарори биргаликда 1/3 овозга эга бўлган АҚШ томонидан, Осиё ривожланиш банки – Япония ва АҚШ томонидан тўсикка учраши мумкин. Дастлаб низоом бўйича Африка ривожланиш банкининг аъзолари фақат Африка қитъасининг мамлакатлари бўлиши мумкин эди. Ресурслар етишмаслиги туфайли АфРБ 23 номинтақавий донор-мамлакатлар иштирокида (АРФ, 1972 йил) Африка ривожланиш фонди деган ўзига хос филиал ташкил этишга мажбур бўлди. 1982 йилдан бошлаб эса банк аъзолигига sanoati ривожланган мамлакатлар ҳам қабул қилиняпти.

1-жадвал

Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ва Европа тикланиш ва тараққиёт банклари хусусиятларига кўра таққослама ҳарактеристикаси¹²

Жаҳон банки	Халқаро валюта фонди	Европа тикланиш ва тараққиёт банки
Умумий маълумотлар		
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муассасига ихтисослаштирилган. Давлатлараро етакчи инвестицион ривожланиш банки. Давлатлараро кредитларни бошқарувчи ташкилот. 1944 йил июлда тузилган. Ўз фаолиятини 1946 йил июлда бошлаган. Аъзолар сони 30.06.02 й. ҳолатига 183та. ¹³	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муассасига ихтисослаштирилган. Жаҳон молиявий тизимнинг институтчионал асоси. Халқаро валюталар бошқаруви ташкилоти. 1944 йил июлда тузилган. Ўз фаолиятини 1946 йил майда бошлаган. Аъзолари сони 30.04.02 й. ҳолатига 183та. ¹⁴	Марказий ва Шарқий Европа малакатларда бозор иқтисодиётини шакллантириш учун ҳамкорликда тузилган давлатлараро банк. 1990 йил май ойида тузилган. Ўз фаолиятини 1991 йил апрел ойида бошлаган. Аъзолари сони 01.01.2003 й. ҳолатига кўра- 62 та. ¹⁵

¹² Н.В. Самодурова. Всемирный банк: кредитование экономики. Москва. «Финансы и статистика». 2003г. 24 стр.

¹³ The World Bank Annual Report 2002. – Washington, 2002. –P. 47.

¹⁴ The IMF Annual Report 2002. – Washington, 2002. –P. 84.

Расмий мақсадлари

<p>- Иқтисодий ва ижтимоий прогрессга инфраструктурали объектларни капиталлар билан кредитлаш орқали таъсир кўрсатиш; - жаҳон ҳамжамиятининг халқаро молия ва жаҳон иқтисодиётини барқарорлигини ушлаш мақсадида халқаро ҳамкорлик кучларини бирлаштириш; - вочорликка қарши кураш.</p>	<p>- Валюта-кредит ва молиявий муносабатларида халқаро ҳамкорлик қобилиятларини сақлаб қолишга интилиш; - Халқаро савдони мувозанатли ҳажмини ушлаб туриш ва уни кенгайтишга таъсир кўрсатиш; - Давлатлараро валюта ва кредит-молиявий муносабатлари бошқарувининг барқарорлигини сақлаш.</p>	<p>- Европа постсоциалистик давлатларининг демократияга ҳамда иқтисодиётнинг очиқ, мақсадли бозорга ўтишига қўмаклашиш ва тадбиркорлик ташаббусларини ривожлантириш.</p>
---	---	--

Ресурслар манбалари

<p>-Устав капитали-30.06.02 й. ҳолатига кўра - 190.8 млрд долл.; -Жаҳон ссуда капитали бозоридан биргаликда(ҳамкорлик)ги маблағлар.</p>	<p>-Устав капитали- 05.04.02 й. ҳолатига кўра -212 млрд.СДР (265 млрд долл.); -Қарзлар ҳақидаги Генерал келишув ва қарзлар ҳақидаги Янги келишувлар мувофиқ қолдаги қарз маблағлари.</p>	<p>- Устав капитали- 01.01.03й. ҳолатига- 19,85 млрд евро; - қарз маблағлари: берилган ва сўндирилаётган қарзлар бўйича.</p>
---	--	--

Филиал ва бўлимлари

<p>Жаҳон банки гуруҳига: ХТБЕ, ХРА, ХМК, ИККА, ИББХМ. 40 атрофида бўлимларга эга.</p>	<p>Ёрданчи ташкилотлари ва филиаллари йўқ. 4 та бўлимга эга.</p>	<p>Филиаллари йўқ. 13 та бўлимга эга.</p>
---	--	---

Бошқарув структураси

<p>Бошқарувчи орган- молия министрлари таркибида бошқарувчи Совет ва Марказий банк бошлиқлари. Бажарувчи орган-банк сиёсати ҳақидаги қарорларни қабул қилувчи директорлар Совети (аъзолари24та).Президент 5 йилга сайланади.</p>	<p>Бошқарувчи орган- бошқарув Совети. Бажарувчи орган-1992 йилдан бери 24аъзога эга бўлган директорлар Совети.Директор 5 йилга сайланади. Унинг мажбурияти-кредитларни тақдим этиш бўйича ХВФ ишига қарувчи ишларни назорат этиш.</p>	<p>Бошқарувчи орган- бошқарув Совети. Бажарувчи орган- 23 аъзодан иборат директорлар Совети. Президент 4 йилга сайланади ва у ЕТТБ ининг жорий фаолиятини бошқаради.</p>
--	---	--

Функциялари

<p>-Инвестицион лойиҳаларни ўрта ва узок муддатлига кредитлаш(муддати 12 дан 20 йилгача, фоиз ставкаси бозордан юқори); -инвестицион лойиҳаларни техник ва молиявий-иқтисодий тайёрлаш; -кайта қуриш</p>	<p>-Тўлов баланси тақчиллигини қоплаш ёки макроиқтисодий барқарорликни рағбатлантириш, ҳамда иқтисодиётни қайта қуриш учун аъзо-давлатларни қисқа ва ўрта муддатли кредитлаш (муддати 3-</p>	<p>-Йирик чет эл банкларидан ёки йирик инвесторлардан маблағ олиши қийин бўлган тижорий корхоналарни (хусусийлаштирилган ва хусусий) ўрта муддатли кредитлаш (муддати 10 й.гача).</p>
--	--	---

<p>структурасидаги дастурларни, ҳамда иқтисодиётни молиявий ва қайта қуришни тиклашдаги кредитлаштириш. ХРА-ночор давлатларни имтиёзли кредитлаш. ХМК-ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида хусусий инвестицияни рағбатлантириш ва хусусий секторни барқарорлаштириш. ИККА-инвестицияни нотижорий рискдан суғурталаш. ИББХМ-инвестицион баҳсларни ҳал этиш ва халқаро механизмларни бошқаришни таъминлаш йўли билан чет эл нвестицияларини рағбатлантириш.</p>	<p>5й.гача). -аъзо-давлатларда олиб борилаётган пул-кредит ва валюта сиёсатини. ҳамда ХВФ Низомини бажарилиши бўйича назорат. -ночор аъзо-давлатлар тўлов балансини мувозанатлаш, ҳамда иқтисодий ўсишни имтиёзли молиялаш.</p>	<p>- инфраструктураларни ёки ишлаб чиқаришни ривожлантиришга узоқ муددатли кредитлаш (муددати 15 й.гача). -акционерлик капиталига инвестициялаш; -кафолат тақдим этиш; -техник ҳамкорлик ва маслаҳатлар хизматини таъминлаш.</p>
---	---	--

Ҳар қандай молиявий тизим учта элементдан таркиб топади:

- бевосита кредитлаш жараёни, ликвидли маблағларни айирбошлаш ва бошқалар амалга оширадиган сармоялар бозорлари;
- қарз мажбуриятлари ва таваккалчиликларни трансформация қилиш йўли билан билвосита кредитлашни таъминлайдиган банк сектори;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг энг кам харажатлар ва таваккалчилик билан ҳисоб-китобларни амалга оширишга ёрдам берадиган тўлов механизми.

Шуни қайд қилиш керакки, молиявий ташкилотлар банк-тўлов тизимларини ташкил этишда ва фаолият кўрсатиш жараёнида ўзлари бевосита иштирок этишади ва назоратчи функцияни ҳам бажаради, бу билан давлатларнинг бозор иқтисодиёти талабларидаги эҳтиёжларини таъминлайдилар.

ОТБ нинг асосий мақсади Осиё ва тинч океани (узоқ шарқ) минтақасига қирувчи мамлакатларга иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишида кўмаклашиш, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон ресурсларини ривожлантириш, экологик муаммолар, жумладан иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ёрдам беришдан иборатдир.

1966 йилда ташкил этилган Осиё тараққиёт банки бугунги кунда катта молиявий ва техник имкониятларга эга. Осиё тараққиёт банкининг аъзолари бўлиб 67 давлат, жумладан, Осиё-Тинч океани минтақасининг 48, Европанинг саноати ривожланган қатор мамлакатлари, шунингдек, Канада ва АҚШ ҳисобланади. Банк томонидан амалга оширилган йирик лойиҳалари мисолга қўйиладиганларни киритиш мумкин:

1. Транс авғон нефт қузури;
2. Индонезияда рўй берган цунами ва zilzila талофатларини тез бартараф этиш лойиҳаси;
3. Меконг дарёсидан фойдаланиш ҳудудий дастурлари;

4. Филлипинда қашшоқликка қарши курашиш мақсадида ҳусусий бизнес билан стратегик ҳамкорлик лойиҳаларидир.

Кредитлар асосан давлат органларига ёки давлат кафолати асосида берилади.

Йирик қарз олувчилар жумласига қуйидаги давлатларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин:

1. ХХР- 1160 млн. доллар;
2. Хиндистон-1254 млн доллар;
3. Покистон- 709 млн доллар.

2006 йилда банк Осиё ягона валютасини ОВБ(АКЮ) киритиш бўйича қарор қабул қилган. Бу минтақадаги 13 мамлакатлар миллий пул бирликлари акцияларини котировкасини ўзида акс эттириш ва келажакда еврога мос ва хос бўлган валютага айлантириш кўзда тутилган.

ОТБ ривожланиш ва минтакавий ҳамкорликка оид лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда ушбу соҳаларда техник кўмак бериш билан бирга аҳолининг миллий салоҳияти ва турмуш сифатини оширишга йўналтирилган, пухта ўйланган иктимой- иқтисодий сиёсатни амалга ошираётган мамлакатларга ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратади.

ОТБ юқори бошқару органи бўлиб бошқарувчилар кенгаши ҳисобланади. Бошқарувчилар кенгаши ҳар бир аъзо малакатдан ваколатчи шахс аъзо бўлиб қиради. Бошқару кенгаши бир йилда бир мартаба учрашиб банк Президентини сайлайди. Банк Президенти ваколати 5 йил. Унинг ваколатига 12 кишидан иборат бўлган доимий равишда фаолият юритиб турадиган директорлар кенгашини назорат қилиш ва бошқариб туриш қиради. Директорлар кенгашининг ваколати 2 йил. Банк устави талабларига кўра Президент ва 12 та директорлар кенгаши аъзосидан камида 8 таси Осиё ва тинч океани минтақа давлатлардан бўлиши керак.

5.4. Ўзбекистоннинг халқаро молия-кредит ташкилотлари билан муносабатларининг ривожланиши.

1990 йилларнинг бошида Собиқ Совет Иттифоқи тугагандан кейин Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) тузилиб, унинг аъзо давлатларининг қатор хўжалик фаолиятларида демонополизация жараёнлари ва иқтисодий тизимда сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди ҳамда тамойилал жиҳатдан янги бозор институтлари яратилди. МДҲ мамлакатлари иқтисодини либераллашув даражаси турлича бўлишига қарамай, амалга оширилган трансформация у ёки бу даражада молия соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Хусусан, банк соҳасидаги бозор ислохотлари банк тизимида икки погонали банк секторини пайдо бўлишига ўз таъсирини ўтказди. Бу ўзгаришлар марказий банк ва тижорат кредит муассасалари тўғрисидаги қонунлар билан мустақамланди. Давлат банклари, акционерлик банкларга, баъзи бир давлатларда улар тўлиқ хусусийлаштирилди. Бозорга асосланган хўжалик яратиш билан бир қаторда, ташқи ракобат учун иқтисодиётни очишга ҳаракат ҳам қилиб кўрилди. Хусусий тижорат банклари ҳамда хорижий капитал иштироки билан кредит муассасалари таъсис этилиши учун барча шарт-шароитлар яратилди.

МДҲ даврида банк тизимида ҳар бир давлат ўз манфаати йўналишида мустақил ислохотлар ўтказилди ва ҳамма аъзо давлатлар ўз-ўзича ривожлана бошлади. Ваҳоланки, кўпгина МДҲ давлатлари Россия тажрибасидан нусха олишди, улар бир-бирлари билан ўзаро интеграллашиш ўрнига, нисбатан халқаро бозор билан интеграллашишга ҳаракат қилишди. Ҳамдўстлик давлатлари банк тизимининг миллий хусусиятларини инобатга олиб ва макроиқтисодий реалликдан келиб чиқиб

трансформация бўлиши улар ўртасидаги тафовутни миқдори ва тузилиш таркиби бўйича ўта фарқланишга олиб келди.

Кейинги ўн йилликда хорижий капитал билан тузилган банкларни МДХ давлатларида ривожланишини фаоллаштираётганини кузатиш мумкин. Лекин Ҳамдўстлик давлатларида хорижий капитал билан тузилган банкларнинг тугган ўрни турличадир. Агар баъзи бир давлатларда (Грузия, Қирғизистон, Молдова) норезидент иштирокидаги банклар миллий банк хизматлари бозорида юқори ўринни эгалласа, нисбатан йирик банк тизимига эга бўлган давлатларда кейинги йилларда халқаро капитал маҳаллий кредит ташкилотларини ютиб юбориш ҳисобидан ўз иштирокини фаоллаштиришни бошлаб юборди.

МДХ давлатларидаги банкларнинг кўпчилиги давлатларга киритилаётган инвестицияларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланса, кейинги пайтда ҳамкорликда (ЕРТБ) кишлоқ хўжалигини кичик кредитлаш, кичик ва ўрта корхоналарни кредит йўли билан қўллаб қувватлаш билан ҳам шуғулланмоқда.

Шу ўринда Халқаро молия бозорининг иктисодий моҳияти, таркибий тузилиши, функциялари, миқдори ва уларнинг ҳар бир бўғинининг бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқлигини батафсил тушуниб етсак, халқаро молия бозори тўғрисида янада яққолроқ тасаввур ва тушунча пайдо бўлади.

Халқаро валюта оқими халқаро молия тизимининг асоси бўлиб ҳисобланади, у Жаҳон товар айирбошлаш хўжалигини амал қилиш жараёнида содир бўлади ва миллий хўжалик фаолияти натижаларининг ўзаро алмашинувиغا хизмат қилади. Шу нуқтан назардан, халқаро молия тизими, халқаро молиявий бозор иштирокчилари ўртасида хорижий валюта оқими тизимини англатади.

Демак, халқаро молия тизими моддий ишлаб чиқариш соҳасига ва Жаҳон ялпи ижтимоий маҳсулотини тақсимлаш, қайта тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол қилиш соҳаларига хизмат кўрсатади. Халқаро молия, хорижий валюта оқими ҳаракати сифатида, халқаро миқёсда барча субъектларнинг эҳтиёжини ва манфаатларининг қондирилишини таъминлайди ҳамда унга кенг миқёсда турли-туман молиявий инструментлар орқали хизмат кўрсатади.

Халқаро хорижий валюталар оқимининг ҳаракати тўртта босқичга бўлинади: валюталарнинг пайдо бўлиши, тақсимланиши, қайта тақсимланиши ва сўнги ишлатилиши. Хорижий валюта оқимининг пайдо бўлиши компаниялар Жаҳон бозорида ўзлари ишлаб чиқарган товарларни ва хизматларни сотишдан ҳамда ишларни бажаришдан тушган валюта тушуми сифатида пайдо бўлади. Хорижий валютада тушган тушум ишлаб чиқаришга таъсир қилувчи ҳаражатларга мувофиқ тақсимланади. Охириги ҳисобда компаниялар хорижий валютада фойда олади ва у фойда мулкдорлар манфаатидан келиб чиқиб тақсимланади. Дастлабки тақсимланишдан кейин, хорижий валюта оқимининг қайта тақсимланиш жараёни бошланади: унда турли хил халқаро ташкилотларга, фондларга миллий давлат бюджетидан ҳамда юридик ва jisмоний шахсларни хорижий валютадаги даромадидан бадаллар тўлаш усули билан давом этади. Хорижий валюта оқими охириги босқичда тўлиқ ишлатилиши билан ўз ҳаракатини батамом тугаллайди.

Демак, халқаро валюта оқими халқаро молия бозорида содир бўлади ва унинг таркибига қуйидагилар киради:

1. *Халқаро кредит бозори.*
2. *Халқаро фонд бозори, яъни қимматли қозғалар бозори.*
3. *Халқаро инвестиция бозори.*
4. *Халқаро валюта бозори.*

5. Халқаро сугурта бозори.

Юқорида қайд этилган халқаро молия бозорининг ҳар бир таркибий қисми бири-бири билан чамбарчас боғланган ва бир-бирига яқиндан хизмат кўрсатади. Уларни таркибида бирон-бир салбий ёки ижобий ҳолат содир бўлса, бошқаларининг фаолиятига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Маълумки бугунги даврда жаҳон молия бозорлари қуйидаги тузилмадан ташкил топади:

- миллий ва чет эл валюталарини ўз ичига олган валюталар бозори;
- миллий ва чет эл қимматли қоғозларини ўз ичига олган фонд бозорлари;
- миллий ва халқаро миқёсдаги муносабатлардан ташкил топган кредитлар бозори;

- товарлар бозори кўринишидаги молиявий муносабатларни ташкил этувчи қимматли металллар бозори.

Бу молиявий бозорларни бир-бири билан боғлаб турувчи давлатлараро молиявий-иқтисодий муносабатларга гўхталиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Назорат саволлари:

1. Халқаро молия-кредит институтлари тушунчаси
2. Халқаро молия-кредит институтларини пайдо бўлишини келтириб чиқарувчи омиллар қайсилар?
3. Халқаро молия-кредит институтларини бошқариш босқичларига нималар қиради?
4. Ўзбекистонни халқаро молия институтлари билан интеграциялашуви нималарга боғлиқлик.
5. Ўзбекистон ва халқаро молия-кредит институтларини фаолиятини ривожлантириш йўллари.

Тест саволлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Халқаро валюта фондига аъзолик тўғрисида"ги 9-сон қонун қачон қабул қилди
 - a) * 1992 йил 2 июлда
 - b) 1991 йил 12 июлда
 - c) 1993 йил 2 июлда
 - d) 1995 йил 7 мартда
2. Халқаро валюта фонди тизимида захира активи бўлган СДР қайси валюталар асосида ҳисобланади?
 - a) *Евро, Япон Енаси, Англия Поунд Стерлинги, АҚШ Долл
 - b) Евро, Япон Енаси, Англия Поунд Стерлинги, Хитой Вони
 - c) Евро, Япон Енаси, АҚШ Долл, Хитой Вони, Немис Маркаси
 - d) Евро, Англия Поунд Стерлинги, АҚШ Долл, Ўзбек Сўми.
3. Халқаро ҳисоб-китоблар банки қандай капитал билан акционерлик жамияти кўринишида ташкил этилган?
 - a) * 1,5 млрд
 - b) 2,5 млрд
 - c) 3,5 млрд
 - d) 4,5 млрд
4. ХВФ берган кредитларнинг фоиз ставкалари ҳар неча йилда белгиланади?
 - a) * ҳар йили
 - b) ҳар 2 йилда
 - c) ҳар 3 йилда

- d) ҳар 4 йилда.
5. ХВФ устав фондида энг кўп улўшга эга булган 5 та давлатни топинг?
- *АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия
 - АҚШ, Германия, Франция, Саудия Арабистони, Италия
 - АҚШ, Япония, Франция, Саудия Арабистони, Франция
 - АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Канада.
6. Уставга мувофиқ Халқаро ҳисоб-китоблар банки операциялари қандай ҳужжатга мувофиқ бўлиши лозим?
- *азо давлатлар марказий банклари пул сиёсати
 - Халқаро келишув
 - банк устави
 - халқаро бозордаги вазият
7. Халқаро ҳисоб-китоблар банки нима деб номланади?
- *Базел банк
 - ЖТТБ
 - Сити банк
 - ЕТТБ.
8. Халқаро валюта фонди қачон ташкил этилган?
- *1944 йил
 - 1943 йил
 - 1945 йил
 - 1946 йил
9. Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг бош қароргоҳи қайси давлатда жойлашган?
- *Швейцария
 - Германия
 - Буюк Британия
 - АҚШ.
10. Компенсацион молиялаш фонди чегарасида ХВФ қандай муддатга кредитлар ажратади?
- *8-10 йилга
 - 5-7 йилга
 - 1-3 йилга
 - 3-5 йилга.
11. Инвестицияни қафолатлаш кўптомоялама Агентлиги қайси ҳолларда сугурта хизматларини тақдим этмайди?
- *Тамаки махсулотлари, спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш ва азарт ўйинларини ташкил этишни
 - Тамаки махсулотлари, спиртли ичимликлар ва истемол махсулотларни етиштиришни
 - Халқаро лагистика ташкилотлари ва йўл қурилиш ишларини
 - Лизинг операцияларини.
12. Жаҳон банки гуруҳига бугунги кунда нечта ўзаро алоқадорликда фаолият юритувчи ташкилотлар киреди?
- *5та
 - 10 та
 - 7 та
 - 3та
13. Жаҳон банки ўз фаолиятини нечанчи йилдан бошлаган?
- *1945 йил июн
 - 1946 йил май
 - 1947 йил июл
 - 1946 йил июн.

14. ЖТТБ нинг имтиёзли кредит бериш муддати неча йил?

*3-5й

5-10й

3-8й

10-15й.

15. ЖТТБ таркибидаги инвестицияларни кафолатлаш бўйича агентлик мақсади?

a) *худудлар ўртасида инвестицияларни амалга оширишни кафолатлайди

b) худудлар ўртасидаги инвестиция можороларни ҳал қилади

c) инвестиция лойиҳаларини ишлаб беради

d) Мамлакатлардаги инвестицион муҳитни ўрганади.

16. Жаҳон банки молиялаштириш ҳажми бўйича дунёдаги умумий капитал оқимининг неча %ини ташкил қилади?

a) *7%

b) 10%

c) 12%

d) 8%.

VI боб. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ СИФАТИДА

Режа

6.1 Банклараро корреспондент муносабатлар халқаро банк бизнесининг амалга ошириш шакли сифатида.

6.2 Халқаро ҳисоб-китоблар мазмуни ва амалга ошириш тартиби.

6.3 Халқаро ҳисоб-китоб шакллари ва унинг туркумланиши.

6.4 СВИФТ тизими орқали халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш.

Таянч иборалар

Актив, пассив, банк операциялари, банк капитали, халқаро ҳисоб-китоблар, ҳисоб-китоблар туркумланиши, ҳужжатли аккредитив, ҳужжатли инкассо, банк ўтказмаси, халқаро тўлов, СВИФТ тизими.

6.1 Банклараро корреспондент муносабатлар халқаро банк бизнесининг амалга ошириш шакли сифатида.

Резидентлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли банкларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда чет эл валютасида ҳисобварақлар очишлари мумкин.

Резидент юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги маблағлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли банклардаги валюта ҳисобварақларида сақланади ва улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда фойдаланилади.

Резидент юридик шахслар томонидан олинadиган чет эл валютаси, шу жумладан, товарлар (ишлар, хизматлар) экспортдан олинган валюта тушуми, агар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқача қоида белгиланган бўлмаса, уларнинг ваколатли банклардаги ҳисобварақларига ўтказилиши шарт.

Резидент юридик шахслар Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги банкларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда миллий валютада ва чет эл валютасида ҳисобварақлар очишга ҳамда улардан фойдаланишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг резидент жисмоний шахслари, дипломатия ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг чет элдаги, ҳўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ҳамда бу ҳисобварақлардан фойдаланишга уларнинг фақат хорижда бўлиши ва фаолият кўрсатиши даврида йўл қўйилади. Уларнинг чет элда бўлиши ёки фаолият кўрсатиши тугагач, ҳисобварақлар ёпилиши лозим, ҳисобварақлардаги маблағларнинг қолдиқлари эса Ўзбекистон Республикасига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида вақтинча турган норезидент жисмоний шахслар, нимунитет ҳамда дипломатик имтиёزلардан фойдаланadиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдек хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида ҳўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли банкларда миллий валютада ва чет эл валютасида ҳисобварақлар очишга ҳамда улардан фойдаланишга ҳақлидир.

Ваколатли банкларнинг вакиллари бўлган чет эл банклари ваколатли банкларда миллий валютада ва чет эл валютасида вакиллик ҳисобварақлари ҳамда бошқа ҳисобварақлар очиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар миллий валютада амалга оширилади, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китоблар ва тўловларни чет эл валютасида амалга оширишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

➤ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредитларни олиш ва қайтаришда;

➤ ваколатли банклардаги омонатларга пул маблағлари қўйишда, омонатлар бўйича фоизлар тўлашда;

➤ банкнинг чет эл валютасидаги операциялар бўйича воситачилик ҳақини ундиришда;

➤ чет эл валютасида ифодаланган банк қафолатларини бериш ва улар юзасидан тўловларни амалга оширишда;

➤ ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва айирбошлаш шохобчалари орқали чет эл валютасини сотиб олиш ва сотишда;

➤ юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда валюта бойликларини киритишда;

➤ ҳайрия мақсадларида амалга ошириладиган операцияларда;

➤ мерос ҳуқуқи бўйича валюта бойликларини олишда;

➤ божсиз савдо дўконларидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек халқаро йўналишларда ташишда транспорт воситаларининг катнов йўлларида йўловчиларга товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишдаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операцияларда;

➤ норезидентлар билан товарларни бошқага ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, ахборотни, интеллектуал фаолият натижаларини, шу жумладан, уларга бўлган мутлақ ҳуқуқларни бошқага ўтказиш тўғрисида шартномалар тузиш ва уларни бажариш билан боғлиқ хизматлар комиссиянерлар (агентлар) томонидан кўрсатилаётганда комиссиянерлар (агентлар) ва комитентлар (принципаллар) ўртасида амалга ошириладиган операцияларда;

Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган ёки Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган юкнинг транзити, уни ташиш билан боғлиқ хизматлар экспедитор, ташувчи ва фрахтчи томонидан кўрсатилаётганда транспорт экспедицияси, ташиш ҳамда чартер (фрахтлаш) шартномалари бўйича операцияларда;

➤ қимматли қоғозларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда сотиб олиш ва сотишда;

➤ резидентлар томонидан резидентлар ҳамда норезидентлардан пластик тўлов ва кредит карточкалари бўйича тўловларни қабул қилишда;

➤ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сугурта ва қайта сугурта шартномалари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда;

➤ қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

Банклар Ўзбекистон Республикасида ўз филиалларини, чет эл банклари эса ўз ваколатхоналарини Марказий банкнинг руҳсати билан очишлари мумкин.

Банк филиали - уни ташкил этган банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи алоҳида бўлинмадир.

Чет эл банки ваколатхонаси - банк фаолиятини амалга оширмаган ҳолда банкнинг манфаатларини кўзлаб иш юритувчи алоҳида бўлимадир.

Филиалларнинг раҳбарларини уларни ташкил этган банкнинг раҳбари Марказий банк билан келишиб тайинлайди.

Банклар ва уларнинг миқозлари ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилади.

Миқозлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзлари танлаган битта ёки бир нечта банкда миллий валютада ва чет эл валютасида талаб қилиб олгунча сақланадиган депозит ҳисобварақлар очишга ҳақли. Миқозлар ўзлари танлаган фақат битта банкда миллий ва чет эл валютасида талаб қилиб олгунча сақланадиган депозит ҳисобварақлар очишга ҳақли. Бунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан тузилган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўз танлови бўйича битта ёки бир нечта банкда сўмлар ва чет эл валютасида талаб қилиб олгунча сақланадиган депозит ҳисобварақларига эга бўлишга ҳақли. Банклар миқозларга ҳисобварақлар очишнинг Марказий банк белгиланган тартибига риоя қилишлари шарт.

Банкнинг барча хизматлари банк акциядорлари ва бошқа миқозларга тенг шартлар асосида кўрсатилади.

Банклар шартнома асосида маблағларни депозитлар, кредитлар шаклида бир-бирларидан жалб этиши ва бир-бирига жойлаштириши, ташкил этиладиган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириши ҳамда лицензияда назарда тутилган бошқа ўзаро операцияларни бажариши мумкин.

Банклар ва уларнинг миқозлари ҳисоб-китобларни Марказий банк белгиладиган тартибда амалга оширадilar. Кўрсатилган тартибни бузганлик учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда жавобгар бўладilar.

6.2. Халқаро ҳисоб-китоблар мазмуни ва амалга ошириш тартиби

Халқаро ҳисоб-китоблар – турли мамлакатлар фуқаролари ва юридик шахслари орасида иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар туфайли вужудга келадиган пул талаблари ва мажбуриятлар бўйича тўловларни мувофиқлаштиришдир.¹⁶ Халқаро ҳисоб-китоблар бир томондан, амалиётда шаклланган ва халқаро ҳужжатлар ҳамда удулар билан мустаҳкамланган тўловларни амалга ошириш шартлари ва тартибини, иккинчи томондан, ушбу ҳисоб-китобларни амалга ошириш юзасидан кунлик амалий фаолиятни ўз ичига олади. Ҳисоб-китобларнинг энг катта ҳажми банк ҳисобварақларида ёзувларни амалга ошириш орқали нақдсиз пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Бунда, жаҳоннинг энг йирик банклари халқаро ҳисоб-китобларда стакчилик ролини ўйнайди. Мазкур банкларнинг халқаро ҳисоб-китобларга бўлган таъсир даражаси улар жойлашган мамлакат ташқи иқтисодий алоқалари, миллий валютасининг ишлатилиш масштаблари, ихтисослашганлиги, молиявий аҳволи, ишбилармонлик мавқеи, вакил-банклар тизмига бевосита боғлиқдир.

Халқаро ҳисоб-китобларни тарихига эътибор қаратадиган бўлсак улар қуйидагича шаклланган:¹⁷

1. Импортёрлар ва экспортёрлар ва уларнинг банклари ташқи савдо муносабатларидан шартнома муносабатларини расмийлаштиришга, жўнатишга, товарни ва уни ҳужжатларини қайта ишлашга ҳамда тўловни амалга ошириш

¹⁶ Красавина Л.Н. "Международные валютно-кредитные и финансовые отношения" Москва "ФИС" 2001г.

¹⁷ Международные валютно-кредитные и финансовые отношения Учебник / под ред. Л.Н. Красавиной - М.: Финансы и статистика, 2006 г. – С. 140

ишларига маълум даражада киришиборишган. Ҳисоб-китобларни аниқ шаклига қараб улар ўртасида мажбурият ва жавобгарлик тақсимланган.

2. Халқаро ҳисоб-китоблар миллий норматив қонуний актлар ҳамда халқаро банк тартиб ва одатлари билан тартибга солинади.

3. Халқаро ҳисоб-китобларнинг объекти – хўжалик алоқаларини интермиллийлашуви ва банк операцияларини универсаллашуви билан унификациялашган. 1930 ва 1931 йилларда Женева конференциясида халқаро Вексел ва Чек конвенцияси қабул қилинган, унга асосан халқаро ҳисоб-китобларда вексел ва чекларни ишлатишни мураккаблиги бартараф этилган, бир сўз билан айтганда вексел ва чекларни ишлатиш борасида унификацияланган халқаро қонуни қабул қилинган. XX асрнинг бошларида Парижда тузилган Халқаро савдо палатаси ҳужжатли аккредитивлар документар инкассо бўйича Унификацияланган тартиб ва қондаларни ишлаб чиқади ва чоп этади.¹⁸ Жаҳоннинг кўпчилик банклари аккредитив ва инкассо бўйича Унификацияланган тартибга қўшилишни эълон қилганлар.

4. Халқаро ҳисоб-китоблар белгиланган тартибга асосан ҳужжатларга асосланади, яъни молиявий ва тижорат ҳужжатларига нисбатан амалга оширилади. Молиявий ҳужжатларга оддий ва ўтказиладиган векселлар, чеклар ва тўлов тилхатлари киради. Тижорат ҳужжатларига ҳисоб-фактураси; товарни жўнатганлиги ёки ортинга қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (коносамантлар, темир йўл, автомобил ва авиация юк хатлари, почта қвитанциялари ёки аралаш транспорт накладнойлари); сўғурта ҳужжатлари; товарни келиб чиқишини, сифатини ва таркибини тасдиқловчи сертификатлар ва бошқалар киради. Банк ҳужжатларини таркибини ва тўлиқлигини текширади. Шунинг билан бир қаторда Халқаро Савдо Палатаси ва СВИФТ тапшиқлоти билан электро “қоғозсиз” савдо концепцияси - электрон шартномалар, электрон молиявий инструментлар ва ҳисоб-китоблар тушунчаси қўшилган ҳолда ишлаб чиқилган.

5. Халқаро тўловлар турли хил валюталарда амалга оширилади. Шунинг учун улар валюта операциялари билан яқиндан боғланган, уларни самарали амалга оширилиши валюта курслари динамикасига таъсир ўтказилади.


Шуни қайд этиш зарурки бир пайтлар илгор давлатларнинг миллий кредит пуллари халқаро ҳисоб-китобларда бемалол ишлатилган, хусусан биринчи жаҳон уришига қадар халқаро ҳисоб-китобларда Аглиянинг фунт стерлинги 80 фойзни ташкил этган. Кейинчалик унинг улуши 40 фойзгача тушиб қолган, АҚШ нинг доллари эса 60 фойзгача кўтарилган. Ўтган асрни 70-чи йилларидан бошлаб халқаро ҳисоб-китобларда ҳисоб валюта бирлиги СДР ва нисбатан давлатлараро ҳисоб-китобларда айниқса. ЭКЮ ишлатилган, кейинчалик 1999 йилдан бошлаб аста секин у расмий ва хусусий секторда еврога алмаштирилди. валюта баҳоси ва валюта тўлови сифатида.¹⁹ Халқаро савдонинг Ҳозирги ташқи савдо операцияларининг амалиётида асосан АҚШ доллари, евро, Япония йенаси, швейцария франки ишлатилади. Европа иқтисодий ва валюта иттифоқи тузилиши билан мана 10 йилдан ошқ муддатда евро Жаҳоннинг иккинчи илгор валюталари қаторидан жой олди. Шунга қарамай Жаҳон бозорида хом-ашё ва ёқилги-энергия товарларини ҳисоб-китоби анъанавий равишда, АҚШ долларида амалга оширилади.²⁰

¹⁸ Моисеев С. Р. Международные валютно-кредитные отношения. Учебное пособие – М.: изд. «Дело и Сервис». 2003 г. – С. 74

¹⁹ Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник / под ред. Л.Н. Красавиной - М.: Финансы и статистика, 2006 г. – С. 141

²⁰ по материалам сайта www.bis.org

Халқаро банк ҳисоб-китоблари²¹



Халқаро тўловлар валюталар ўзаро алмашуви ҳамда ташқи савдо иштирокчилари томонидан бир-бирига кредитлар тақдим этиш жараёнлари билан чамбарчас боғланиб кетади. Халқаро валюта-кредит ва ҳисоб-китоб операцияларининг ўзаро боғлиқлиги кўйида ўз инфодасини топади. Сотилаётган товарнинг турига (масалан, машиналар ва жиҳозлар) ҳамда сотувчилар бозорида рақобатнинг кучайиши ва янги маҳсулот истеъмол бозорларини кенгайтириш мақсадида уларнинг кредитдан фойдаланишга қаратилган интилишларига қараб ташқи савдо операциялари бўйича ҳисоб-китоблар тижорат кредитидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Тижорат кредити товар сотувчиси томонидан сотиб олувчига бир неча ойдан, 5-8 йилгача, алоҳида ҳолатларда эса бундан ҳам катта муддатларга тақдим этилади. Ташқи савдо операцияларида импортёр тижорат кредити эвазига уни сўндиришга қаратилган, оддий вексель шаклидаги қарз

²¹ Муаллиф ишланмаси.

мажбуриятини ёзиб беради ёки экспортёр томонидан берилган ўтказиладиган векселлар-тратталарда тўловни амалга оширишга ёзма тарздаги розилик (акцепт) беради.

Товар қийматининг маълум бир қисмига тижорат ҳужжатлари тақдим этилганидан сўнг, қолган қисмига эса – шартномада белгиланган даврдан сўнг ҳақ тўланганда, тижорат кредити шаклидаги товарлар учун ҳисоб-китоблар нақдли тўловлар билан биргаликда амалга оширилиши мумкин. Ташқи савдо шартномаси ижросининг маълум бир босқичида шартномадаги тарафлар, тижорат кредитидан ташқари, бир-бирларини мажбуран кредитлашлари мумкин.

6.3 Халқаро ҳисоб-китоб шакллари ва унинг турқумланиши.

Банк ишини халқаро амалиётида ишлатиладиган ҳисоб-китоблар шакллари ва уларни механизмини кўриб чиқамиз.

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли – ушбу келишув шартига биноан банк миқозни илтимосига биноан учинчи шахсга (аккредитив очилган бенефициарга) тўловни амалга ошириб беради ёки бенефициар томонидан тақдим қилинган траттани тўлашга розилик ёки ҳужжатларни сотиб олишга розиликни амалга оширади.²² Аккредитив бўйича банкнинг мажбурияти мустақил ҳисобланди ва томонларнинг тижорат шартномаси бўйича ҳуқуқий муносабатларига боғлиқ бўлмайди.

Аванс тўловидан кейин экспортёрлар учун аккредитив шаклидаги ҳисоб китоблар энг мақбул ва манфаатли ҳисобланади, чунки бунда банклар маълум шарт-шароитлар бажарилгандан кейин тўловни амалга ошириш мажбуриятини оладилар. Бундан ташқари ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли инкассо шаклидаги ҳисоб-китобга нисбатан қуйидаги афзаликларга эга:

- ҳисоб-китоб ўта ишончли ва товарлар учун ўз вақтида тўланиши кафолатланган, чунки бу операцияларни банклар бажаради;

- тўлов суммасини олиниши жуда тез, товарларни ортиб жўнатгандан кейин жўнатилган товар ҳужжатлари тақдим қилиниши биланоқ банклар тезда тўловни амалга оширса;

- экспортёр давлатига хорижий валютада аккредитив очилганда импортёрни валютани ўтказишга розичилиги олинганда.

Ҳисоб-китобларни инкассо шакли – бу банк операцияси бўлиб, бунда ёрдамида банк миқозни топширигига асосан импортёрдан уни номига ортиб жўнатилган товар ёки кўрсатилган хизмат учун пул маблағини олади ва бу маблағларни экспортёрни банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

Инкассо шаклидаги ҳисоб-китобларда қуйидагилар жараён иштирокчилари ҳисобланади:

- Ўзини банкка инкассо операциясини бажаришга топшириқ бераётган ишончли юридик ёки жисмоний шахс;

- Инкассо операциясини бевосита амалга оширувчи ремитент-банк;

- Валюта маблағини олувчи инкассо банк;


- Импортёр-тўловчига ҳужжатларни тақдим этувчи банк;

- тўловчи.

2-чи чизмада ҳужжатли инкассо бўйича ҳисоб-китоблар механизмини кўриб чиқамиз:

²² Унифицированные правила и обычаи для документарных аккредитивов (публикация МТП 2007 года UCP №600)

Хужжатли инкассо бўйича ҳисоб-китоблар чизмаси ²³



1. Экспортёр импортёр билан товарни сотиш бўйича шартномани хужжатли инкассо шarti ҳисоб-китобни амалга ошириш тартиби билан, унга товарни жўнатади.
2. Экспортёр ўзини банкка инкассо топшириқномаси билан тижорат хужжатларини жўнатади.
3. Экспортёр банки инкассо топшириғи ва тижорат хужжатларини тақдим этувчи банкка (ёки импортёр банкка) жўнатади.
4. Тақдим этувчи банк бу хужжатларни импортёрга тақдим этади.
5. Импортёр инкассо банкни хужжатларини тўлаб беради.
6. Инкассо банк ремитент-банкка (ёки экспортёр-банкка) тўловни ўтказди.
7. Ремитент-банк ўтказиладиган суммани экспортёр ҳисобига ўтказди.

Оддий ва хужжатли инкассо фарқланади. Оддий (соф) инкассо тижорат хужжатлари тақдим этилмасдан, молиявий хужжатлар бўйича тўловни ундириб олишни англатади. Хужжатли (тижорат) инкассода тижорат хужжатлари билан биргаликда молиявий хужжатларга нисбатан тўлов амалга оширилади. Бунда банкларда ҳеч қанақа хужжатларни тўлаш бўйича мажбурият бўлмайди.

Инкассо шаклидаги ҳисоб-китоблар импорт операцияларини амалга ошириш нисбатан мақсадга мувофиқдир, чунки бунда ташқи савдо бирлашмаларини ресурсларини жалб қилмайди, бундан ташқари уларга нафақат товарларни хужжатларини текширишга балки уни қийматини тўлагунча товарни ўзини ҳам текшириш имконини беради.

Банк пул ўтказиши ўзида битта банкни иккинчи банкка ўтказиладиган маълум пул маблағни олувчига тўлашни англатади.²⁴ Халқаро ҳисоб-китобларда банклар ўзининг мижозларини пул ўтказиш бўйича топшириқномаларини бажариб келади.

Бу операцияларда: пул ўтказиб берувчи қарздор; топшириқномани қабул қилувчи ўтказиб берувчи банк; ўтказиб бериладиган суммани амалда мижоз ҳисобига ўтказувчи банк; ўтказиладиган суммани қабул қилувчи шахс.

Банк пул ўтказиши шаклида инкассо, ўзил-кесил ҳисоб-китоб шакли, аванс тўлови каби тўловлар амалга оширилади. Бундан ташқари банк ўтказиши ёрдамида

²³ Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник / под ред. Л.Н. Красвиной - М.: Финансы и статистика, 2006 г. - С. 143


²⁴ Мовсесян А.Г., Огнiewicz С.Б. Международные валютно-кредитные отношения. Учебник - М.: Инфра, 2005 г. - С. 135

бошқа операцияларни қайта ҳисоб-китоблар ҳам амалга оширилади. Айниқса экспортёрлар банк пул ўтказишларини банк кафолати билан уйғунлашиб кетишини эстайдилар, қачонки импортёр томонидан товар тўланмаган тақдирда кафолат ҳисобидан тўловни амалга оширилишини истайдилар.

Банк пул ўтказиши ёрдамда ҳисоб-китобларни нисбатан жуда оддий механизми мавжуд ва у кейинги 9-чизмада кўрсатилади.

3- чизма

Банк пул ўтказишлари чизмаси²⁵



Импортёр банкка тўлов топшириқномаси тақдим этади, ушбу маълумотларга нисбатан импортёр банки тўлов топшириқномасини экспортёр банкига йўналтиради. Экспортёр банки топшириқномани олиб уни ҳақиқийлигини текширади ва экспортёр ҳисоб рақамига маблағни ўтказиш операциясини амалга оширади.

Банк пул ўтказишининг иқтисодий мазмуни товар ёки хизмат етказиб берилганга қадар аванс тўлови амалга оширилиши ёки уларни импортёр томонидан олингандан кейин амалга оширилишига қараб ўзгаради.

Экспортёр учун, аванс шаклидаги ҳисоб-китобларни энг манфаатлиси импортёр томонидан тўловни товар ҳали ортиб жўнатилмагунга қадар амалга оширилиши қизиқарлидир. Аванс тўлови ҳақиқатда импортёр учун манфаатсиз бўлиб, экспортёрни яширин кредитлашни англатади.²⁶ Бундан ташқари аванс пул ўтказилиши импортёр учун экспортёр томонидан шартнома шarti бажарилмаса ва товар етказиб берилмаса пул йўқотиш risks келиб чиқади. Импортёрни бу ҳисоб-китоб шартига розичилиги товарни қандай бўлмасин экспортёрни етказиб беришдан манфаатдор эканлига боғлиқ.

Очиқ ҳисоблар бўйича ҳисоб-китоблар импортёрни экспортёрга товарни олгандан кейин мунтазам тўловини ўзида акс эттиради. Халқаро ҳисоб-китобларни ушбу шакли очик ҳисобларни кредитлашбилан боғланган. Очик ҳисоблар бўйича қарздорликни қоплаш ҳисоб-китоби тартиби Ҳамкорлар ўртасида маълум келишувга асосан кўзда тутилади. Одатда тўловлар белгиланган муддатлардан кейин амалга оширилади (товарлар ортиб жўнатиладан кейин, ойни ўртаси ёки охирида). Ушбу ҳисоб-китоблар шаклини ўзига хослиги, товарларни ҳаракати пул ҳаракатини узиб кетишидадир.

Очиқ ҳисоблар бўйича ҳисоб-китоблар импортёр учун ўта манфаатлидир, чунки у олинган товарларни баҳосини кейинчалик тўлаб беради, берилган товар кредитлар учун алоҳида фоиз тўланмайди: етказиб берилмаган ёки қабул қилинмаган товарларга тўлов risks умуман бўлмайди. Экспортёрлар учун ҳисоб-китобларни бу шакли унчалик манфаатли эмас, чунки тўловни ўз вақтида амалга оширилишига

²⁵ Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник / под ред. Л.Н. Красавиной - М.: Финансы и статистика, 2006 г. - С. 144

²⁶ Моисеев С. Р. Международные валютно-кредитные отношения. Учебное пособие - М.: изд. «Дело и Сервис», 2003 г. - С. 74

ишончли кафолат йўқ, уни капиталини айланиши секинлашади, гоҳида банк кредити олишга ҳам тўғри келиб қолиши мумкин.

Жаҳон амалиётида векселлар, чеклар ва банк карталари ишлатилиши билан ҳисоб-китоблар ҳам қўлланилади. Ўтказиш векселлари одатда экспортёр томонидан импортёрларга нисбатан қўлланилади. Шакллари, реквизитлари, тақдим қилиш шартлари ва траттани тўланиши 1930 йилда Женевада вексел бўйича қабул қилинган конвенция қонунчилигига асосланади.

Халқаро ҳисоб-китобларда шунингдек чеклар ҳам ишлатилади. Агар тўлов чек ёрдамида амалга ошириладиган бўлса, ё қарздор (ҳаридор) мустақил равишда чек (мижоз чеки) тақдим қилади ёки унга банк чеки ёзиш топширигини беради. Чекини шакли ва реквизитлари миллий ва халқаро (1931 йилдаги Чек конвенцияси) қонунчилик билан тартибга солинади.

Халқаро ҳисоб-китоблар тизимида пластик карточкалар махсус ўринни эгаллаб келмоқда. Пластик карточкалардан American Express, Diner Club, Visa и бошқа типдагилари иқтисоди ривожланган давлатлар тўлов айланмасида, айниқса, савдо ва хизмат соҳасида кенг ишлатилади.

Халқаро молиявий ва иқтисодий инқироз шароитида экспорт ва импорт шартномаларининг асосий шакли ҳисобланган аккредитив туридаги халқаро ҳисоб-китобларни роли ошиб бормоқда.

4-чизма

Импорт шартномаси бўйича 100 % аванс тўлови ҳисоб-китоблари қуйидаги қўринишда амалга оширилади²⁷



Технологик асбоб-ускуналарни импорт қилишда бизнинг корхоналаримиз қуйидаги ҳисоб-китоб механизмини ишлатиши мумкин:

- Экспортёр банки шартнома юридик қучга киргандан бошлаб 5 банк куни ичида сотувчи томонидан товар жўнатилмаган тақдирда шартнома суммасидан 30 фоиз миқдорда SWIFT йўли билан тўланган аванс тўловини қайтариш тўғрисида банк кафолатини беради;
- Бизнинг импортёр банк кафолатини олгандан кейин 5 банк куни ичида сотувчини ҳисоб рақамига шартнома суммасини 30 % миқдордаги маблағни аванс тўлови сифатида бевосита банк перевода сифатида тўлаб беради;
- 5 банк куни ичида импортёр шартнома суммасини қолган 60 % ҳужжатли аккредитив сифатида қўйиб беради (аккредитив муддати томонлар ўртасида келишилган бўлиши зарур). Аккредитив бўйича тўлов таъминотчиси томонидан импорт шартномасида кўзда тутилган ҳужжатлар тақдим қилинганда амалга оширилади;


²⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

• Шартнома умумий суммасини қолган 10 фоизи асбоб-ускуна ҳақиқатда етказиб берилгандан кейин бевосита банк переводи билан тўлаб берилади.

Ўзбекистон Республикаси корхоналари амалиётида импорт шартномалари бўйича комбинацияланган механизм чизмаси қуйидаги тартибда амалга оширилади.

5 - чизма

Импорт шартномаси бўйича комбинацияланган ҳисоб-китобларни ишлатилиш механизми²⁸



Импорт шартномаси бўйича комбинацияланган ҳисоб-китоб қатор афзалликларга эга:

- Хоҳлаган индивидуал импорт келишувлари учун тўғри келади, икки контрагент манфаатларини инобатга олинади;
- Халқаро савдода юзага келадиган рискларни камайтиради;
- Ҳисоб-китоблар ишончли ва товарларни ўз вақтида тўланиши кафолатланган.

Ўзбекистон Республикасида тайёр маҳсулотни экспорт шартномаси бўйича ҳисоб-китоблар механизми Россия Федерациясидаг тартибдан бир оз фарқланади.

Экспорт шартномасини тижорат банкида руйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Марказий банкнинг Йўриқномаси 2000 йил 19 августда қабул қилинган.

Ушбу тартибга асосан банк муассасалари экспорт шартномаларини ҳисоб-китоб олаётганда қуйидагиларни теқшириши лозим:

- Хорижий валютада аниқланган баҳосини;

²⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

- Хорижий валютада тузилган шартномани умумий суммасини;
- Товарни етказиб беришни шартлари ва муддатларини;
- Ҳисоб-китоб шакли, шarti ва товар учун тўлов муддатини;
- Ўз мажбуриятини бажармаганда томонларнинг жавобгарлиги.

Экспорт контракти тижорат банкда рўйхатга олинганда унга идентификацион рақам берилади ва божхона идорасида ташқи савдо операцияларининг ягона электрон тизимига киритилади.

Экспорт шартномаси ҳам импорт шартномаси сингари қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ ҳисоб-китобни хоҳлаган шаклида:

- Аванс тўлови ёки очиқ ҳисоб шаклида;
- Ҳужжатли аккредитив;
- Ҳужжатли инкассо шаклида бўлиши мумкин.

Агар экспорт шартномасида 100 % аванс тўлови кўзда тутилган бўлса, экспортёр корхона товарни жўнатмаслик рискинни ёпиш учун тўловни қайтаришни таъминлашга банк кафолатини тақдим этиши зарур, бу ҳолатда хорижий ҳамкор билан ҳисоб-китоб чизмаси қуйидагича бўлади:

6-чизма

Экспорт шартномаси бўйича 100 % аванс тўлови кўринишидаги ҳисоб-китоблар¹⁹



100 % банк кафолати билан аванс тўлови шаклидаги ҳисоб-китоблар механизмини ишлатилиши харидорга рискни камайтиради, ваҳоланки бизнинг миллий корхонага кафолат берилишида қўшимча ҳаражат келиб чиқади.

Кейинги пайтда экспорт операцияларида ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли кенг тарқалиб кетди. Экспорт шартномаларида аккредитив ҳисоб-китоб шаклини қўланиши экспортёр-корхона учун қўшимча равишда қўйидаги рискларни камайтиради:

- Ишлаб чиқариш ва шартномани бажариш;
- Харидорни тўловга қобилиятсизлик рискинни;
- Сиёсий рискни (харидор давлатидаги сиёсий вазият шартнома шартини бажарилишига йўл қўймаслиги):


¹⁹ Муаллиф томонидан тузилган.

• Ҳаридор давлатида қонунчиликни ўзгариши оқибатида маълум валюта ёки маълум давлатга тўловни амалга ошириб бўлмаслик.

Ҳисоб-китобларни аккредитив шаклини ишлатиш механизми оддий банк переводига нисбатан одатда жуда мураккаб ҳисобланади. Бизнинг маҳаллий экспорт корхоналар учун ушбу ҳисоб-китобларни ишлатилиш механизми қуйидагича амалга оширилади.

7-қизма

Экспорт шартномалари бўйича ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклини ишлатилиши³⁰



Сўзсиз равишда шунга қайд этиш лозимки ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли халқаро ҳисоб-китобларнинг ичида энг ишончлиси ҳисобланади. импортёрни ва экспортёрни рискларини энг паст минимумга камайтириб беради.

6.4 СВИФТ тизими орқали халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш.

Халқаро лойиҳани яратиш ташаббуси 1968 йилда жорий қилинган, унинг мақсади лойиҳа ишчиликчиларига юқори даражали назорат ва санкцияланмаган фойдаланишдан ҳимояланиш орқали банк ахборотларидан юқори даражада айирбошлаш имкониятини таъминладан иборат. 1972 йилда бу ташаббус MSP (Message Switching Project – хабарлар улаб бериш лойиҳаси) деб номланган лойиҳага расмийлаштирилган. Айнан шу йили Logis фирмаси томонидан тақдим этилган ҳисоботда қуйидаги талаблар билан қондирилувчи банк ахборотларини айирбошлашнинг рентабелли тизимини яратиш бўйича ҳисоб-китоб ва тавсиялар мавжуд бўлган:

1. Тизим қуйидагиларга асосланиши лозим:

Халқаро тармоқ ва тармоқли хизмат сервисини яратишга;

³⁰ Муаллиф томонидан тузилган

Жараёнларни стандартлаштиришга, шунингдек хабарларни стандартлаштиришга;

Банкларни тармоққа уланиш усуллари ва жиҳозларини стандартлаштириш.

2. Бир хабарни узатиш қиймати 0,15 АҚШ долларига тенг бўлганда рентабелликни таъминлаш учун тизим тахминан 70 банк иштирокида кунига 100 мингдан кам бўлмаган хабарни қайта ишлаши лозим.

3. Тизим икки мустақил ва бир бири билан боғлиқ тақсимлаш марказлари ва тизимни ҳар қайси ишчтирокчи-мамлакатида алоқа концентраторларини ўз ичига олади.

Ушбу тавсияларга асосланган ҳолда. Европа ва Шимолий Американинг 15 мамлакатидан 239 банк 1973 йилнинг майида бельгия қонунчилигига мувофиқ S.W.I.F.T. (Society for Worldwide Interbank Financial Telecommunication – Бутунжаҳон банклараро молиявий телекоммуникациялар жамияти) компаниясини ташкил этдилар.

• телекоммуникация тармоқлари бўйича банкнинг исталган турдаги хабарларини тез ва хавфсиз узатиш учун зарур бўлган ягона тизим ва воситаларни яратиш, фойдаланиш, қўллаб-қувватлаш ва юритиш компаниянинг мақсадига айланди.

Ҳозирги вақтда 190 мамлакатнинг 7000 дан ортиқ йирик банклари ва молиявий ташкилотлари SWIFT дан фойдаланмоқдалар.

SWIFT тармо-и орқали узатилаётган хабарларнинг қундалик ҳажми умумий қиймати 5 триллион АҚШ долларидан кўп бўлган 4,9 млн. хабардан ортади.

SWIFTга иштирокчи сифатида киришга даъвогарлик қилаётган ҳар бир компания учун махсус мезонлар белгиланган, унга мувофиқ ҳолда у текширувдан ўтади. Ҳар қайси компания билан алоҳида шартнома тузилади, у SWIFTнинг қандай хизматлари мазкур шартномага тарғиб этилишини белгилайди. Шартнома тузилгандан кейин S.W.I.F.T. хабарларни аниқ, тўлиқ ва вақтида етказиб бериш масъулиятини зиммасига олади.

Стандарт хабарлар. Банк хабарлари стандартини ишлаб чиқиш ва яратиш тизимнинг асосий хусусияти шу билан бирга ҳамжамиятнинг ютуғи ҳисобланади. Стандартлар Халқаро стандартлар қўмитаси (ISO), шунингдек Халқаро савдо палатасининг (ICС) талабларини ҳисобга ҳолда яратилган. Натижада хабар жўнатувчи ва олувчининг ўзаро таъсирини маълум даражада соддалаштирувчи банкларнинг молиявий ва тижорат операциялари тўғрисидаги намунавий хабарларга стандартлар ишлаб чиқилган.

Барча турдаги хабарлар умумий тамойил бўйича тузилган. Улар хабарнинг бошланиш белгиси (Start of Message), сарлавҳалар (Header) ва матнни бошлаш белгиси (Start of Text), хабарнинг матни (Text of Message) ва матннинг якунланиш белгиси (End of Text), ўлчамлари (Trailer) ва хабарнинг якунланиш белгиси (End of Message)дан ташкил топган бошланғич қисмдан иборат.

Бошланғич ва якунланиш қисми, тармоқда хабарлар ҳаракатини бошқариш учун муҳим бўлган маълумотни ўз ичига олган ва хабарлар жўнатиладиган «коверт» ҳосил қилади.

Сарлавҳа хабар олувчининг ўн бир хонали код-идентификатори, жўнатувчи терминалининг коди, назорат ва ҳимоя вазифасини бажарувчи жорий беш хоналик рақам, устунликнинг уч хоналик коди билан уч хоналик хабар кодини ўз ичига олади. Ўлчамларда аутентификация ва бошқа хабарлар кўрсатилади, масалан, банк-

олувчини хабар узатишдаги ушланиб қолишлар тўғрисида огоҳлантириш, икки томонлама тўлов имконияти тўғрисида огоҳлантириш ва ҳ.к.

Хабарнинг етказиб берилишини таъминлаш мақсадида S.W.I.F.T. нинг барча фойдаланувчилари тармоқда манзил ҳисобланувчи идентификатор-кодлар (Bank Identifier Codes, BIC) билан таъминланади.

Идентификатор-кодлари қуйидаги таркибга эга:

- молиявий ташкилотнинг бутунжаҳон тўрт харфли коди; ISO стандартларига мувофиқ холтда мамлакатнинг икки харфли коди;

- молиявий ташкилот жойлашган жойининг икки харфли коди (мамлакат ичди географик бўлиниш эҳтимоли бор, яъни шаҳар, вилоят ёки муқобил ҳудуд);

- уч харфли ёрдамчи код (S.W.I.F.T. фойдаланувчиси ҳисобланмайдиган молиявий ташкилотлар учун BICнинг харфли коди келтирилади);

- S.W.I.F.T. фойдаланувчилари учун уч харфли код унинг мамлакатдаги муайян жойлашган жойини идентификация қилиш учун фойдаланиши мумкин.

Хабарнинг матни қатъий тартибаштирилган ва икки хонали рақамли код билан белгиланган майдонлардан бирдан ташкил топган. Ахборот майдонга қатъий давомийликда киритилади, бунда майдонлар тўлдириш учун мажбуриятли ва мажбуриятсиз бўлади. Хабар матнининг асосий қисмини расмийлаштирилган (рақамли код бўйича) тўлов топшириқлари, тўловни тасдиқлаш ва бошқа молиявий ҳужжатлардан ташкил топган.

S.W.I.F.T. тармоқлари стандартларида, ҳар қандай банк операцияларини бир хилда «қодлаштирадиган» узатилган хабарлар тоифаси, гуруҳи ва тури қатъий белгиланган.

Одатда, хабарлар бир банкдан бошқасига узатилади, бироқ алоҳида гуруҳга ажратилган S.W.I.F.T. тизимли хабарларининг тоифаси мавжуд. Тизимли хабарлар юқори устуңликка эга, чунки тизимнинг амал қилишига тааллуқли.

Стандартлар ва S.W.I.F.T. технологияси хабарларни автоматик тарзда қайта ишлаш учун амалий дастурларни яратиш имкониятини намоён этади. Шунга қўра, унумдорлик ортади ва хабарларни қўлда қайта ишлаш харажатлари камаяди.

Хабарлар реал вақт тартибда етказилади, чунки уларнинг ҳақиқийлиги текширилиши ва тасдиқланиши тўлиқ автоматик тарзда амалга оширилади.

Тармоқнинг аркиби, S.W.I.F.T. тамоғи операцион марказлар, фаол тизимлар, минтақавий процессорлар (хабарларнинг концентраторлари) ва алоқа манбаларидан ташкил топган маълумотларни узатиш тизимини намоён этади. Операцион марказлар тизим ва унинг мониторингини бошқариш, ташқис маълумотларини тўплаш ва узилишдан сўнг тармоқ элементларининг қайта тикланиши амалга оширадилар.

S.W.I.F.T. тармоғи тўрт босқичли архитектура асосида тузилади ва тизимли бошқарилувчи процессор билан бошқарилади.

Биринчи босқич – тармоққа тайёрлаш учун фойдаланилган фойдаланувчининг терминали.

Иккинчи босқич – фойдаланувчилардан хабарларни олиш ва уларнинг гуруҳли процессорда бирламчи қайта ишлашга тайёрлаш мақсадида уларнинг дастлабки текшируви учун минтақавий процессорлар. Минтақавий процессор гуруҳли процессорнинг йўриқномасини қайта ишлайди, хабарларни жўнатади ва фойдаланувчилар билан локал алоқани назорат қилади. Бу барча вазифаларни 100%ли нусхалаштирувчи тўлиқ автоматлаштирилган тизимлардир. Жиҳозларнинг тавсифлари қайта ишланадиган абарларнинг ҳажми в уланган етрминаллар сонига бол-лик.

Учинчи босқич — гуруҳли процессор. Агар S.W.I.F.T. тизими бир неча амалиймустанкил модуллар гуруҳидан ташкил топган тузилма негизда қурилган бўлса, гуруҳли процессор хабарларнинг сақланиши, сўров бўйича излашлар, ахборотларни манзилларнинг минтакавий процессорлари бўйича рақсимланиши, тизимли ҳисоботларни узоқ муддатли архивлаштириш ва генерациялашни таъминлайди.

Тўртинчи босқич — фақат назорат вазифасини бажариш ва бутун тизимни бошқарувчи тизимли бошқарувчи процессор. Тизимнинг юқори даражасида ххxabарлар қайта ишланмайди.

Маълумотлар ҳимоясини таъминлаш. S.W.L.F.T. тизимида хавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади, бу халқаро банк тармоғи тақдим этган хизматларнинг сифатини белгилайди. S.W.L.F.T. жамиятда, маълумотларни ҳимоялаш, хавфсизлик чораларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришдаги заиф томонларни излаш билан шуғулланувчи Бош инспектор бошқаруви мавжуд. Хавфсизлик бўйича табиий ва мантиқий чораларнинг уйғунлашуви, шунингдек турли шифрлаштириш турларини татбиқ этиш хабарни S.W.L.F.T. тармоғи бўйича узатиш жараёнида хабарларнинг ўзгариши эҳтимолини оғоҳлантиради. Хабарни жўнатувчи ва олувчидан ташқари ҳеч ким унинг мазмунини ўқий олмайди.

Терминал билан уланиш процедурасига айниқса қатъий чоралар кўрсатилади. Тизим, Ҳар бир фойдаланувчи учун алоҳида сирли кодга (ҳар гал янги калитлар тўплами танланади) эга назорат тизимли хабарни таҳлил қилиш асосида ҳар қайси уланган терминални аниқлаши лозим. Бу калитларни алмаштириш процедураси деб аталади. Фақат аниқлаш тасдиқланганидан сўнг тармоқда терминаллар рўйхатга олинади. ҳамма код ва калитлар микропроцессорли карталар (МК) ёрдамида S.W.L.F.T. терминалга киритилади. Ҳимояланиш чораларидан бири қатор ҳолатларда тизимнинг терминалларни автоматик тарзда ўчириши ҳисобланади: тизимга кириш процедурасидаги ҳатолар, код ёки хабар ўлчами нотўғрилиги, узатишдаги кўп марталик ҳатоларда тўсиқлар аниқланганида ёки каналдаги узилишларда ва ҳ.к. Барча терминални ўчириш ҳолатлари махсус файлда тизим томонидан автоматик тарзда рўйхатга олинади.

Ундан ташқари, юқори хавфсизлик даражаси қуйидаги процедураларни таъминлайди:

- тизимдаги ҳар бир хабар S.W.I.F.T. воситаларида кузатиладиган ўзининг кириш ва чиқиш рақамларини олади;
- хабар матни махсус қурилмалар ёрдамида шифрланади;
- фойдаланувчига хабарлар алмашиш тўғрисида ҳисоботни автоматик яратиш ва йўналтириш тизими;
- ҳар бир хабар махсус аутентификация калити билан тасдиқланади;
- процедуралардан бирортасида хатога йўл қўйилса, терминалнинг автоматик тарзда ўчирилиши юз беради.

S.W.I.F.T. тармоғининг талабларига кўра, барча тизимдан фойдаланувчилар куйидаги тонфаларга бўлинади (бажариладиган вазифаларга мувофиқ ҳолда):

- иловалардан фойдаланувчилар;
- хабарларни жўнатишга масъул фойдаланувчилар ва маълумотлар базаси иловалари билан ишловчилар;

▪ «қун якуни» операцияларини бажарувчи ва ҳисобот ва архивларни тайёрлаш билан шуғулланувчи S.W.I.F.T. тармоғи билан сеансларни очиш ва ёпилишини бошқарувчи операторлар;

■ тизим маъмурлари.

Ҳар бир тоифадан фойдаланувчилар фақат унга рухсат этилган электрон интерфейслар гуруҳидан фойдаланишлари мумкин.

Тоифалар ичида фойдаланувчиларнинг афзалликларини чеклаш воситалари ахборотларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар бўлиб хизмат қилади. Ундан ташқари, тизимда тизимли узилишлардан ҳимоя қилиш учун ахборотларни захирали нусхалаштириш кўзда тутилган. Айнан шу мақсад учун дисklarнинг нусхалаштирилиши, шунингдек асосий мажмуанинг барча транзакцияларини нусхалаштириш учун захирали терминал мажмуалар ҳам қўланилади.

S.W.I.F.T. тақдим этган барча имконият ва устунликлардан самарали фойдаланиш учун ихтисослаштирилган аппарат-дастурий интерфэйслар зарур. Ҳозирги кунда халқаро молиявий операциялари тизимга хизмат кўрсатувчи тармоқ учун терминал мажмуаларни тақлиф этувчи 100 дан ортқ фирма ҳисобга олинган. S.W.I.F.T. жамияти мазкур армоқда ишлаш учун сертификатлаштирилган терминалли мажмуаларни мунтазам нашр этади. Ҳақиқтда S.W.I.F.T. терминали – бу тармоқ билан алоқа учун маълум алмашиш баённомасидан фойдаланувчи почта бекатларидир.

Банклараро ҳисоб-китоблар технологияси. Банклараро ҳисоб-китоблар тизими банк операцияларининг қуйндаги тоифалари бажарилишини таъминлайди:

- миқоз ўтказмалари;
- банк ўтказмалари;
- валюта операциялари;
- ҳужжатли операциялар.

Операцияларнинг ушбу тоифалари доирасида ISO таснифи бўйича мувофиқ хабарлар тоифаси тайёрланади ва қайта ишланади.

Ҳозирги кунда 70 дан ортқ турдаги хабарларнинг 7 та тоифаси аниқланган. Халқаро ҳисоб-китоблар ва тўловлар бўлимида банклар занқири аниқланади. улар орқали тўлов амалга оширилади. электрон шаклдаги хабарлар тўлдирилади ва узатилади, қайта ишланган хабарлар архивацияланади ва аниқланмаган хабарлар қайта ишланади.

Миқозлик тўлов топшириқлари {Customer Transfer} тижорат банки миқозларидан, унинг шуббалари миқозларидан ёки валюта корреспондентлик ҳисобларига (счета ЛОРО) эга бошқа банкларнинг миқозларидан, шунингдек банк бухгалтериясидан келиб тушиши мумкин. Мувофиқ тарзда дастлабки ҳужжатлар қоғоз бланкаларда, корреспондент банқдан почта орқали, электрон шаклда ёки телекс кўринишида шубба ва корреспондент –банқдан, шунингдек банк бухгалтерияси буйруғи кўринишида келиб тушиши мумкин. Тўлов топшириқномаси миқозлик операциялари бўлими операцияларни бажарувчилар томонидан қабул қилинади.

Ҳар бир операция бажарувчи ўзининг миқозлари гуруҳига хизмат кўрсатади. У миқоз бўлимидаги намуналар билан имзо ва муҳрларни солиштиради, агар улар тўғри бўлса, миқоз ҳисоби сальдосини текширади. Агар топшириқномалар рўйхатга олинса, қуйндаги майдон тўлдириладиган унинг электрон шакли яратилади: тўлов топшириқномасининг рақами ва санаси, хабар тури, тўлов валютаси ва қиймати, миқоз - ўтказмани бажарувчи. Валюта коди ва миқознинг номи (миқознинг ҳисоб рақами бўйича) маълумотнома файлларига киритилади ёки қўлда тўлдирилади, бунда маълумотномага киритилган коднинг мавжудлиги текширилади. Хабар «рўйхатга олинди» белгиси билан маълумотлар базасига киритилади, бир вақтнинг ўзид

бухгалтерия ўтказмалари маълумотлари ёзуви мемориал ордер автоматик тарзда шакллантирилади. Операция бажарувчи шакллантирилган ўтказмаларнинг тўғрилигини назорат қилиш, тузатишлар киритиш ва қўшимча ўтказмаларни қўшиш имкониятига эга. Дебетланаётган қийматлар миқдорнинг ҳисобида блока олинади.

Рўйхатга олингандан сўнг тўлов топшириқномаси корреспондентлик ҳисоблари бўлимига жўнатилади. Операцияни бажарувчи тўлов топшириқини ихтиёрий матли шарҳ билан бирга олиб бориш имконига эга. Кейинроқ миқдорлик тўлов топшириқномаси корреспондентлик ҳисоблари орқали ўтади. НОСТРО ҳисобида маблағлар мавжудлигини башоратлаш асосида қоғоз ва электрон ҳужжатга киритиладиган тўлов учун валюталаштириш санаси елғиланади, шундан сўнг тўлов топшириқномаси халқаро тўлов бўлимига юборилади.

Халқаро ҳисоб-китоблар ва тўловлар бўлимида оператор томонидан банк маълумотлари бўйича банк занжири аниқланади, у орқали, агар хабар олувчи корреспондентга мос келмаган ҳолатда тўлов бажарилади.

Назоратчи ҳужжатни операторга тузатиш учун қайтариш имкониятига эга. Бунда назоратчи шарҳлаш майдонига мувофиқ матнни киритган ҳолда қайтариш сабабини тушунтиради.

Агар хабарда хато мавжуд бўлмаса, у S.W.I.F.T.га бериш учун йўналтирилади. Хабар жанатилгани тўғрисидаги хабар келганидан сўнг S.W.I.F.T. тармоғида хабарга «архив» нуфузи берилади. Tasдиқ тўлов топшириқномаси асосида шакллантирилган бухгалтерия ўтказмаларини бажариш учун асос ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Халқаро ҳисоб-китоблар тушунчасига изоҳ беринг.
2. Халқаро ҳисоб-китоблар шакллари нима?
3. Тижорат банкларида халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун қандай лицензиялар берилади?
4. Ҳисоб-китоблар турлари тузулмасини айтиб беринг.
5. Ўзбекистондаги тижорат банклари ҳисоб-китобларини санаб ва тушунтириб беринг.
6. S.W.I.F.T. тузулмасини айтиб беринг.

Тест саволлари:

1. СВИФТ бу-

- a) халқаро шартнома бўйича ҳисоб-китоблар.
- b) Дастурий таъминот.
- c) Жаҳон банкларо молиявий телекоммуникациялаш тизими.
- d) Жаҳон банкларо ассоциацияси.

2. СВИФТ-

- a) 1973 йил таъсис этилган акционерлик жамияти – Белгияда рўйхатга олинган.
- b) 1973 йил таъсис этилган давлат-акционерлик жамияти Францияда атга олинган.
- c) 1977 йил таъсис этилган хусусий ташкилот–Италияда ташкил этилган.
- d) Тўғри жавоб йўқ.

3. Фед Вире –

- a) АҚШ федерал захира тизимига тегишли тизим.
- b) Нью-йорк халқаро ҳисоб-китоб тўлов тизими.
- c) Лондон автоматлашган ҳисоб -китоб тўлов тизими палатаси.

d) Япония халқаро нақд пулсиз ўтказмалар банклараро тизими.

4. ЧИПС –

a) АҚШ федерал захира тизимига тегишли тизим.

b) Нью-Йорк халқаро ҳисоб-китоб тўлов тизими.

c) Лондон автоматлашган ҳисоб-китоб тўлов тизими палатаси.

d) Япония халқаро нақд пулсиз ўтказмалар банклараро тизими.

5. ЧАПС –

a) АҚШ федерал захира тизимига тегишли тизим.

b) Нью-Йорк халқаро ҳисоб -китоб тўлов тизими.

c) Лондон автоматлашган ҳисоб -китоб тўлов тизими палатаси.

d) Япония халқаро нақд пулсиз ўтказмалар банклараро тизими.

6. «ЗЕНЧЕКИО» –

a) АҚШ федерал захира тизимига тегишли тизим.

b) Нью-Йорк халқаро ҳисоб-китоб тўлов тизими.

c) Лондон автоматлашган ҳисоб -китоб тўлов тизими палатаси.

d) Япония халқаро нақд пулсиз ўтказмалар банклараро тизими.

7. Махсуслаштирилган телекоммуникация тармоғи деганда:

a) банклараро электрон ахборотлар ва тўловлар, шунингдек, пластик карточкаларга асосланган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими тушинилади.

b) пластик карточкаларга асосланган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими тушинилади.

c) банклараро электрон ахборотларга асосланган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими тушинилади.

d) тўловларга асосланган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими тушинилади.

8. СВИФТни –

a) 1973 йил май ойида Бельгия қонунчилиги асосида 15 та давлатнинг банклари таъсис этдилар.

b) 1989 йил май ойида Россия қонунчилиги асосида 15 та давлатнинг банклари таъсис этдилар.

c) 1973 йил май ойида МДҲ давлатлари қонунчилиги асосида 15 та давлатнинг банклари таъсис этдилар.

d) 2001 йил 1 сентябрь АҚШ қонунчилиги асосида 200 та давлатнинг банклари таъсис этдилар.

9. СВИФТ ташкил этилгач, кейинги 4 йил давомида

a) янги бино қуришга киришилди

b) лойиҳа ишлаб чиқиш ишлари бажарилди

c) ташкилий ва техникавий масалаларни ҳал этишга қаратилди.

d) Тўғри жавоб кўрсатилмаган.

10. СВИФТнинг очилиши, яъни тармоқнинг ишга туширилиши нечанчи йилда амалга оширилди?

a) 1987 йил;

b) 1997 йил;

c) 1977 йил;

d) 2004 йил.

11. СВИФТ орқали банк ва молия ташкилотлари жойлашган ҳудудлардан қатъий назар қандай давр мобайнида алоқа қилиш мумкин?

a) Байрам ва дам олиш кунларидан қатъий назар 1 ой давомида кеча-кундуз бир-бири билан алоқа ўрнатиши мумкин.

- b) 365 давомида кеча-кундуз бир-бири билан алоқа ўрнатиши мумкин.
- c) 365 кун давомида фақат кундуз куни бир-бири билан алоқа ўрнатиши мумкин.

d) Белгиланган режим асосида.

12. СВИФТ –

- a) аъзолари банклар бўлган акционерлик жамият ҳисобланади.
- b) аъзолари нобанк ташкилотлари бўлган акционерлик жамияти ҳисобланади.
- c) оддий акционерлик жамият ҳисобланади.
- d) эгалари жисмоний шахслар бўлган акционерлик жамият ҳисобланади.

13. СВИФТга қимлар аъзо бўлиши мумкин?

- a) Истаган корхона ва ташкилот.
- b) Миллий қонучилигида халқаро банк муомалаларини амалга оширишга рухсати бор ҳар бир давлатнинг банки аъзо бўлиши мумкин.

c) Ривожланаётган давлатлар.

d) Ривожланган давлатлар.

14. СВИФТнинг катта камчилиги –

- a) бу тизимга кириш ўта арзон.
- b) бу тизимда ишлаш ноқулай.
- c) фойдаланувчилар учун ноқулай.
- d) бу тизимга кириш ўта қimmat.

15. СВИФТда ЛОГ-ИН/ОУТ –

- a) тизимга кириш/чиқишга мўлжалланган тизимли хабар.
- b) бу тизимда ишлаш ноқулай дегани.
- c) фойдаланувчиларнинг исми.
- d) бюджет ташкилотининг номи.

ҲҲ боб. ХАЛҚАРО БАНК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Режа

7.1 Халқаро банк фаолиятини тартибга солишнинг ахамияти ва зарурияти. Банк назорати бўйича Базель кўмитаси ва унинг функциялари.

7.2 Базель кўмитасининг банк фаолиятини тартибга солиш бўйича асосий талаблари ва уларнинг ривожланиши.

7.3 Базель-III талабларини жорий этиш босқичлари.

7.4 Молиявий барқарорликни тартибга солувчи халқаро ташкилотлар.

Таянч иборалар

Корхона, оборот маблағи, операциялар, кредит, мулк, банк, ислохотлар, самарадорлик кўрсаткичлари, траст, воситачилик, вазифалари, манбалари, кредитор, дебиторлар ва барқарор пассивлар.

7.1 Халқаро банк фаолиятини тартибга солишнинг ахамияти ва зарурияти. Банк назорати бўйича Базель кўмитаси ва унинг функциялари..

Маълумки, молиявий бозорларнинг глобаллашуви назорат органларининг ўзаро муносабати ва халқаро даражада ахборот алмашинуви бўйича янги вазифаларни юзага келтиради. Шу муносабат билан, банк назорати соҳасида бошқа молиявий бозорларда бўлгани каби қатор халқаро стандартлар ишлаб чиқилиши ва жорий қилиниши лозим.

Халқаро банк назоратининг қуйидаги иккита асосий мақсади мавжуд:

1. Кредит институтлари хусусий капитали микдори ва сифатига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

2. Банк таваккалчиликларини бошқариш ва назорат қилиш бўйича талаблар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Банкларни тартибга солиш ва назорат қилиш жараёнига актив таъсир қилувчи – халқаро стандартларни жорий қилувчи муҳим ташкилот банк назорати бўйича Базель кўмитасидир (БНБК).

Кўмита 1974 йилда G10 давлатлари марказий банклари томонидан(Бельгия, Канада, Франция, Германия, Италия, Япония, Люксембург, Нидерландия, Испания, Швеция, Швейцария, Буюк Британия ва АҚШ) Швейцариянинг Базель шаҳрида Халқаро ҳисоб-китоблар банки (Bank for International Settlements) қошида ташкил этилиб, дастлабки ҳужжатни (Concordat on cross-border supervision) 1975 йилда чоп қилди. Базель кўмитаси ўзи ишлаб чиқадиган стандартларни бошқа халқаро меъёрларни ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг талабларига мувофиқлаштириш мақсадида жаҳоннинг кўплаб ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

Банк назорати бўйича Базель кўмитаси (БНБК) асосан қуйидаги ҳужжатлари билан машғур:

Назорат бўйича халқаро келишув (Concordat on cross-border supervision 1975)

• Базель I (1988)

• Бозор таваккалчилиги бўйича тузатиш (Market risk amendment 1996)

• Базель II (2004)

• Базель 2.5 (2009)

• Базель III (2010)

• Самарали банк назоратининг асосий тамойиллари (Core Principles for Effective Banking Supervision (revised 2010))

1988 йилда банк капиталининг етарлигини баҳолаш тизими бўлган “Капитални ҳисоблаш ва капитал стандартлари бўйича халқаро конвергенция” (Базел I) ҳужжатини ишлаб чиқиш БНБК фаолиятида муҳим кадам бўлди. Тижорат банклари устидан назорат қилиш стандартлари Қўмитанинг “Банк фаолияти устидан самарали назоратнинг асосий тамойиллари” (Базель тамойиллари) номли тавсиявий тусга эга бўлган ҳужжатда ўз аксини толган.

БНБК Базель I стандартининг асосий тамойилларини ишлаб чиқишда қуйидагиларга асосланди:

1. назоратнинг асосий мақсади молиявий тизимнинг барқарорлигини таъминлаш ва унга ишончни ошириш, пировардида омонатчилар ва кредиторларнинг йўқотиш таваккалчилигини энг паст даражага тушириш;

2. назорат органлари томонидан юқори малакали корпоратив бошқарувни рағбатлантириш ҳамда очиқ бозорни ва назоратни ривожлантириш орқали бозор интизомининг таъминланишига имкон яратилиши зарур;

3. назорат органи ўз вазифасини муваффақиятли бажариши учун оператив мустақилликка эга бўлиши, кузатиш, шунингдек жойида текшириш ўтказиш йўли билан тегишли маълумотларни йиғиш имкониятига эга бўлиши, шу билан бирга ўз қарорларига мажбурий тус бериш ваколатига эга бўлиши лозим;

4. назорат органлари банк фаолиятининг моҳияти тўғрисида яхши тасаввурга эга бўлиши ва имкони борича назоратидаги банклар ўзлари қабул қилаётган таваккалчиликларни бошқаришига эришиши лозим;

5. самарали назорат қуйидагиларни, яъни алоҳида банклар томонидан қабул қилинаётган таваккалчиликлар миқдори ва характери баҳоланишини ва бу баҳоларга назоратнинг хусусияти мос келишини талаб қилади;

6. назорат органлари қуйидагиларга ишонч хосил қилиши лозим: банк ўзи қабул қилган таваккалчиликларга мос равишда ресурсларга эга бўлиши, хусусан капитал етарлиги, юқори малакали бошқарув ҳамда назорат ва ҳисоб тизимини шакллантириш;

7. назорат органлари ўзаро узвий ҳамкорликда ишлаши зарур.

Базель I ҳужжати регуляторлар (аксарият давлатларда Марказий банк) томонидан банклар устидан назоратнинг унификациялашган умумжаҳон тизимини яратишда асос вазифасини бажарди.

Мамлакатимизда 1998 йилда Базель қўмитасининг мазкур тавсиялари ҳамда халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, тижорат банклари фаолиятини тартибга соловчи меъёрий ҳужжатлар мажмуи ишлаб чиқилди.

Тижорат банкларини рўйхатга олиш ва лицензия бериш қоидаларини, банк капиталининг етарлиги ва ликвидлигига қўйилган талабларни, активлар сифатини таснифлаш ва улар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар яратиш талабларини, банклар ва уларга дахлдор шахслар билан ўтказиладиган операцияларга қўйилган талаблар ҳамда бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражасини белгилувчи меъёрий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

7.2 Базель қўмитасининг банк фаолиятини тартибга солиш бўйича асосий талаблари ва уларнинг ривожланиши.

Банк капиталининг етарлигини баҳолашнинг янги ёндашувларини ривожланиши натижаси ўлароқ, 2004 йил 26 июнда банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янгиланган ҳужжати –БазельII қабул қилинди.

Базель II стандартлари банк таваккалчиликларини бошқариш тизимини ва банк назорати тизимини ривожлантиришга қаратилган ва самарали банк назоратининг энг муҳим тамойилларини амалга оширишнинг аҳамиятли элементларини ўз ичига олади. Базель II ҳужжати учта асосий компонентга (Pillar 1, 2, 3) бўлинган. Уларнинг биринчиси (Pillar 1) капитал етарлилигига қўйилган энг кам талабларни ўрнатади; иккинчиси (Pillar 2) банкнинг капитал етарлилигини назорат қилишни ташкил этишга қаратилган; учинчиси (Pillar 3) эса бозор интизомига риоя этиш, транспарентлик тамойилини йўлга қўйиш ва банклар томонидан қабул қилинадиган таваккалчиликларни очиб бериш бўйича масалаларга бағишланган. Шунингдек, Базель II ҳужжати кредит таваккалчилигига алоҳида (стандартлашган, ички рейтингга асосланган) ёндашувларни таклиф этади.


Жаҳон ҳамжамиятида Базель II стандартлари 2006 йил декабр ойида расмий қучга кирди.

Банк назорати бўйича Базель кўмитаси 2007-2008 йиллардаги жаҳон молиявий инкирозидан олинган сабоқлар натижасида дастлаб 2009 йил декабрь ойида “Банк секторини барқарорлигини ошириш” маслаҳат ҳужжатини (Consultative document), кейинчалик, январда 2010 йил декабрда Базель III: Ликвидлик таваккалчилигини ҳисоблаш, мезонлар ва мониторинг бўйича халқаро стандартларни (Basel III: International framework for liquidity risk measurement, standards and monitoring) ва Базель III: Янада барқарор банклар ва банк тизимини тартибга солишнинг глобал стандартларини (Basel III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems) чоп этди.

БНБҚга кўра, Базель III стандартларининг иккита асосий мақсади мавжуд:

➤ янада барқарор банк тизимини шакллантириш мақсадида банк капитали ва ликвидлигини бошқариш бўйича халқаро меъёрларни такомиллаштириш;

➤ банк секторининг молиявий ва иқтисодий инкирозлар оқибатларини бартараф этиш қобилиятини яхшилаш, пировардида бундай муаммоларни иқтисодиётнинг молиявий секторидан реал секторига ўтиш таваккалчилигини камайтириш.



1-расм.³¹ Базель III стандартларини жорий қилиниш босқичлари.

³¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

Бу мақсадларга эришиш учун Базель III стандартлари қуйидаги асосий йўналишлар бўйича бўлинади:

1. капитални ислоҳ қилиш (шу жумладан, капиталнинг сифат ва миқдори, барча таваккалчиликларни инобатга олиш, қарз юки коэффициентини, консервация ва контрциклик буфер капитали тушунчаларини жорий этиш);

2. ликвидликни ислоҳ қилиш (қиска (LCR) ва узоқ (NSFR) муддатли);

3. молиявий тизимни барқарорлигини такомиллаштиришга қаратилган бошқа элементлар.

Мамлакатимизда банк тизимини тартибга солиш ва назорат қилишни халқаро тан олинган андозаларга мос равишда такомиллаштириш мақсадида доимий ишлар олиб борилаётган. Ўзбекистон банк тизимини капиталнинг етарлилик даражаси таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган активларнинг 23,7 фоизини ташкил этмоқда. Бу банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан белгиланган стандарт кўрсаткичидан қарийб 3 барабар кўпдир.

2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сон Қарори қабул қилиниб, унда молия-банк фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, шунингдек, Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлар талабларига мувофиқ тижорат банкларини янада капиталлаштириш ва ликвидлигини ошириш, республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча тижорат банклари “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” баҳоларига эга. Таъкидлаш жоизки, республикамизнинг етакчи банклари – Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Асака банк”, “Ипотека-Банк”, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Агробанк” ва “Ипак йўли” банки бир йўла иккита етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” рейтинг баҳоларини олган.

Юртимизда банк назорати самарали йўлга қўйилганлигининг халқаро ҳамжамият томонидан ҳам тан олинishi мамлакат банк тизимига бўлган ишончни оширишнинг асосий омилларидан биридир.

Бинобарин, 2015 йилнинг апрель ва май ойларида юртимизда бўлган Халқаро валюта жамғармаси миссияси “Ўзбекистон иқтисодиёти Европа ва Россиядаги иқтисодий фаолликнинг сустиги, шунингдек, нефть нархининг пастлиги билан изоҳланадиган қийин ташқи шароитда ҳам ўз барқарорлигини намоён этмоқда. Пул-кредит сиёсати ҳам мосланувчанлик даражасида сақланиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йилнинг январь ойидан асосий ставкани, қайта молиялаштириш ставкасини 12 фоиздан 9 фоизга туширди. Иқтисодиётда кредитлар ҳажми юқорилдигича қолмоқда.

Банк сектори барқарорлик, изчил капиталлашув ва юқори ликвидлик даражасини сақлаб қолмоқда. 2014 йилда гаров таъминотини рўйхатга олишнинг марказлаштирилган тизими жорий этилгани молиявий ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш имконини берди”, деб баёнот бериши фикримизнинг яққол далилидир.

7.3. Базель-III талабларини жорий этиш босқичлари.

Мамлакат банк тизимининг барқарор ва самарали фаолият юритишини таъминлаш масаласи бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмади.

Юртбошимизнинг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2344-сон Қарорининг қабул қилиниши билан юртимиз банк тизимини ривожлантиришнинг келажакдаги режалари белгилаб берилди.

Хусусан, мазкур Қарор билан Марказий банкка банк назорати бўйича Базель қўмитасининг Базель-III стандартларини 2015-2019 йилларда босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш юклатилди.

Жумладан, қуйидагиларни ўз ичига олувчи банкларнинг ликвидлигини ва капитал монандлигини, шунингдек уларни бошқариш усуллари ва механизмларини белгиловчи меъёрий талабларни Базель-III стандартлари асосида янада такомиллаштириш вазифаси берилди:

➤ юқори ликвидли активларнинг кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқимга нисбати сифатида аниқланувчи ликвидликни қоплаш меъёри коэффициентини (ЛҚМК – LCR) жорий қилиш ва унга минимал талабни 100% миқдорда белгилаш;

➤ барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасини барқарор молиялаштириш меъёри коэффициентини (СБММК – NSFR) жорий қилиш ва унга энг кам талабни 100% миқдорда белгилаш;

➤ капитал таркибининг ўзгартиришни жорий қилиш ва регулятив капитал монандлик коэффициентининг энг кам миқдорини 10%дан 14,5%га босқичма-босқич ошириш;

➤ таваккалчиликка тортилган жами активларнинг 3%дан кам бўлмаган миқдорда консервация буфери ташкил қилинишини ҳисобга олган ҳолда биринчи даражали капитал монандлик коэффициентининг энг кам миқдорини 5%дан 11%га босқичма-босқич ошириш;

➤ капитал монандлигини аниқлаш мақсадида операцион ва бозор таваккалчиликларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш.

Шунингдек, Қарорда БНБҚ тавсия қилган “Самарали корпоратив бошқарув тамойиллари”ни банк фаолиятига жорий қилиш ҳамда йиллик ва оралиқ молиявий ҳисоботларни банкларнинг веб-сайтларида жойлаштириш ва банк сирини тўғрисидаги қонунчилик доирасида бошқа йўллар билан банк фаолияти тўғрисидаги маълумотларни очиклигини (ошкоралигини) янада ошириш белгиланган.

Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Марказий банк томонидан Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасининг халқаро экспертлари билан биргаликда республика банк назоратига онд меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартлар, шу жумладан банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсиялари асосида такомиллаштирилмоқда.

Президентнинг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сон Қарори доирасида Марказий банкнинг айрим низомларига ўзгартиришлар киритилди, айримлари эса тўбдан қайта қўриб чиқилиб, янги тахрири қабул қилинди. Жумладан қуйидаги меъёрий ҳужжатлар қайта қўриб чиқилиб, Базель қўмитаси талаблари асосида қайта қабул қилинди:

Марказий банк томонидан “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

Хусусан, банкнинг I даражали капитали (Т1 –Tier 1) икки қисмга, яъни I даражали асосий капитал (СЕТ1 –Common Equity Tier 1) ва I даражали қўшимча капиталга (АТ1 –Additional Tier 1) бўлинди. I даражали асосий

капитал (СЕТ1) регулятив капиталнинг (ТС – Total capital) 60 фоизидан кам бўлмаслиги ҳамда I даражали капитал (Т1) регулятив капиталнинг (Тс) 75 фоизини ёки ундан кўпини ташкил этиши кераклиги белгиланган.

Банк I даражали асосий капитали таркибига тўлиқ тўланган ва муомалага киритилган оддий акциялар, тақсимланмаган фойда ва девальвация захираси киритилган. Шунингдек, барқарор капитал базасини шакллантириш мақсадида, регулятив капиталдан қилинган чегирмалар I даражали капиталдан чегирилади.

Банк капиталини ошириш мақсадида ҳамда Базель III тавсияларига мувофиқ, ҳар бир банкда молиявий-иқтисодий инқирозлар юзага келганда, эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун жами активларнинг 3%дан кам бўлмаган миқдорда консервация буфери ташкил қилинишини ҳисобга олган ҳолда банкнинг регулятив капиталини, I даражали капиталини ва I даражали асосий капиталини йилма-йил ошириб бориши кўзда тутилган.

Жумладан, 2016 йил 1 январдан бошлаб регулятив капиталнинг монандлик коэффициенти (К1)нинг энг кичик даражаси 0,115 (11,5 %) миқдорда белгиланган бўлиб, банклар таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3% миқдордаги капитални консервация қилиш буферини ҳисобга олган ҳолда ушбу кўрсаткич 2017 йил январдан 0,125 (12,5 %), 2018 йил 1 январдан 0,135 (13,5 %) ва 2019 йил 1 январдан бошлаб К1 нинг энг кичик даражасини 0,145 (14,5 %) миқдорда таъминлашлари лозим.

I-жадвал.

Ўзбекистонда тижорат банклари ликвидлигига ҳамда капитал старрлигига кўйилган талабларнинг кучга кириш санаси³².

Кўрсаткичлар	Кучга кириш санаси				
	01.09.2015	2016	2017	2018	2019
Регулятив капитал, (К1)*	10%	11,5%	12,5%	13,5%	14,5%
I даражали капитал, (К2)*	7,5%	8,5%	9,5%	10,5%	11%
I даражали асосий капитал	6%	7%	7,5%	8,5%	9,5%
Левераж коэффициенти, (К3)	6%	6%	6%	6%	6%
Жорий ликвидлик коэффициенти, (ЖЛК)	30%	30%	30%	30%	30%
Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти, (ЛҚМК)		80%	90%	100%	100%
Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти, (СБММК)				100%	100%

* капитални консервация қилиш буферини ҳисобга олган ҳолда.

Капиталнинг монандлик даражаси талаблари билан бир қаторда банклар I даражали капитални номоддий активларни чегириб ташланган ҳолда баланстан

³² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

ташқари воситалар ва ҳосилавий (дериватив) воситалар қўшилган умумий активлар суммасига нисбати сифатида аниқланадиган левераж коэффицентига (Leverage ratio) рия этишлари керак.

Яъни:

$K3 = 1$ даражали капитал / (Умумий активлар+Балансдан ташқари воситалар + Ҳосилавий (дериватив) воситалар — Номоддий активлар). Левераж коэффицентининг энг кичик даражаси 0,06 (6 %)га тенг.

“Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги Низом Марказий банк Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сон қарорига асосан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

Низомдаги асосий ўзгариш сифатида жорий ликвидлик коэффицентидан (ЖЛК) ташқари 2016 йил 1 январдан бошлаб ликвидликни коплаш меъёри коэффиценти (ЛҚМК – LCR (Liquidity Coverage Ratio)) ҳамда 2018 йил 1 январдан бошлаб соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффицентининг (СБММК -NSFR (Net Stable Funding Ratio)) жорий этилишини қайд этиш лозим. Ушбу кўрсаткичлар қуйидагича ҳисобланади:

а) ЖЛК = Жорий активлар / Жорий мажбуриятлар * 100% ≥ 30%

Бунда,

жорий активлар - тўлов муддати 30 кунгача бўлган банкнинг ликвидли активлари ва қўйилмалари, бундан муддати узайтирилган ёки қайтариш муддати ўтган кредитлар мустасно;

жорий мажбуриятлар - талаб қилиб олингунча ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар.

б) ЛҚМК = Юқори ликвидли активлар / Кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқим * 100% ≥ 80%

ЛҚМК 2017 йил 1 январдан бошлаб 90%дан. 2018 йил 1 январдан бошлаб 100%дан кам бўлмаслиги лозим.

в) СБММК = Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси / Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси * 100% > 100%

Бунда,

Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси:

-банк регулятив капитали;

-амалдаги қайтариш муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган банк мажбуриятлари;

-қайтариш муддати белгиланмаган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30%и;

-қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30%и;

Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси:

- қайтарилишга 1 йил ва ундан ортиқ муддат қолган банк активлари, шу жумладан муаммоли кредитлар ва номолиявий активлар (ер участкалари, бинолар, мебель, компьютерлар ва автоуловлар);

-суд жараёнида бўлган ёки белгиланган тартибда ундирилмаган активлар;

-қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа активлар суммасининг 30%и.

қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган ёки муддатсиз ликвидли активлар бундан мустасно;

-балансдан ташқари моддалардаги мажбуриятларнинг 15 %и.

3. “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом Марказий банк Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сон қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

Мазкур низомда активларни таснифлаш тоифаларининг номлари жумладан, “яхши” кредитлар – “стандарт” кредитларга, “стандарт” кредитлар – “субстандарт” кредитларга, “субстандарт” кредитлар – “қониқарсиз” кредитларга ўзгартирилган.

Банклар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг қолган фойда ҳисобидан ушбу низом кучга кирган санадан эътиборан ажратилиб, ҳисобот санасига “стандарт” сифатида таснифланган кредитлар (активлар) қолдиғига 1 % миқдориди захиралар ташкил қилиниши жорий қилинди.

Мазкур захира банк капитали таркибиди яратилади ва бу банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Низомда тижорат банклари томонидан корхоналарнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларини таснифлашнинг аниқ омиллари кўрсатилган. Жумладан,

- охириги бир йил давомида тижорат банкига даромад келтирмаган инвестиция – “қониқарсиз” сифатида;

- охириги икки йил давомида тижорат банкига даромад келтирмаган инвестиция – “шубҳали” сифатида;

- охириги уч йил давомида даромад олинмаган инвестиция – “умидсиз” сифатида таснифланади.

Юқориди келтирилган қоидаларнинг жорий қилиниши тижорат банклари томонидан муддати ўтган, суд жараёнидаги кредитларни ундирish ва банк балансига олинган мол-мулкларни сотиш бўйича чораларни янада кучайтиради ва банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш имкониятини яратади. пировардида тижорат банкларининг омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини янада ҳимоя қилиниши таъминланади.

Шу билан бирга ПҚ-2344-сон Қарор доирасида Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг корпоратив бошқаруви тўғрисида”ги Низомига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қайд этиш лозимки, Базель кўмитаси тижорат банкларини назорат қилишнинг самарали йўналишларини белгиловчи бошқа мсёрларни ҳам ишлаб чиқувчи халқаро ташкилот ҳисобланади.

Хусусан, банк аудитини такомиллаштириш ва уни банк менежменти ҳамда назоратдаги ролини ошириш мақсадида халқаро амалиётни ўрганган ҳолда банклар учун тавсия аҳамиятига эга бўлган ҳужжатларни чоп этади.

Жумладан, Базель кўмитаси томонидан 1998 йилдан буён банк ички аудити бўйича янги стандартлар жорий қилиниб, уларни замон талабларига мос равишда янгилаб келинмоқда.

Хусусан, Базель кўмитасининг Аудит кичик гуруҳи томонидан 1998 йил сентябрь ойида “Ички назорат тизимининг стандартлари”, 2001 йил август ойида “Банкларда ички аудит ва банк назорати органининг аудит билан алоқалари”, 2011 йил декабрь ойида “Банкларда ички аудит хизмати” Консултатив ҳужжати чоп қилинган.

Аудит кичик гуруҳи томонидан 2011 йил декабрь ойида “Банкларда ички аудит хизмати” Консултатив ҳужжати ҳамда унга Базель кўмитасига аъзо давлатлар Марказий банклари ва йирик банклари томонидан билдирилган таклиф ва

мулоҳазалар асосида 2012 йил июнь ойида “Банкларда ички аудит хизмати” деб номланган яқуний ҳужжатни чоп этди.

Маъмур ҳужжат қуйидаги уч қисмга бўлинган 20 та принципдан ташкил топган. Биринчи қисм “Ички аудит хизматиغا тааллуқли назорат аломатлари”, иккинчи қисм “Банк назорат органи ва ички аудит хизмати ўртасидаги муносабатлар” ҳамда учинчи қисм “Ички аудитни банк назорат органи томонидан баҳолалиши”. Бундай талқин банк муассасаларида кучли ички аудит хизматини ташкил этишга хизмат қилади. Шунингдек, ҳужжат банк ички аудиторларини миллий ва халқаро профессионал стандартларга риоя қилиш ва уларни ривожига ўз ҳиссасини қўйишни рағбатлантириб, пировардида чуқур ўйланган ички аудит стандартларини ва тартибларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан юқорида келтирилган мезърий ҳужжатларни қабул қилиниши билан республикамиз банк тизимида капитал монандлиги ва ликвидлик кўрсаткичлари ҳисоб-китоби ва уларга қўйилган энг кам талаблар банк назорати бўйича Базель қўмитаси талабларига мувофиқлаштирилди.

7.4 Молиявий барқарорликни тартибга солувчи халқаро ташкилотлар.

Ривожланган мамлакатлар банк тизимлари бир-бирига ўхшаш бўлиб туюлсада уларнинг ҳар бири асрлар мобайнида ташкил топган узига хос банк иши миллий муносабатлари ва уларнинг таркибий қисмларига эга. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва уларни барқарорлигини таъминлаш борасида ҳар қандай давлат ҳам ўзига хос тажрибаларга эга. “Ҳозирги иқтисодий инқироз шароитида банк тизимининг ликвидлик rischi ҳақидаги саволлар донмо вужудга келади”, - деб таъкидлайди иқтисодчи олима Ангела Рома банк ликвидлиги ҳақида.³³

Жаҳон банклари амалиётида ички ва ташқи назоратни ташкил этишга турлича ёндашувлар мавжуд. Институтсионал нуқтан назардан бу тизимининг ташкилий тузилиш усуллари. Марказий банкнинг ушбу тизимдаги ўрни ва роли билан фарқ қилувчи уч гуруҳ мамлакатларини ажратиш мумкин:

↓ назорат фаолияти фақатгина Марказий банк томонидан амалга ошириладиган мамлакатлар: Австралія, Буюк Британия, Исландия, Испания, Ирландия, Италия, Янги Зеландия, Португалия.

↓ назорат фаолияти Марказий банк томонидан бошқа органлар билан бирга амалга ошириладиган мамлакатлар:

АҚШ - Федерал Резерв Тизими (ФЗТ), Молия вазирлиги ва муцакил агентлик - Депозитларни Сўғурталаш Федерал Корпорацияси (ДСФК) билан биргаликда;

Швейцария - Марказий банк, Федерал Банк Комиссияси билан биргаликда;

Франция - Франция Банки, Банк Комиссияси билан биргаликда;

Германия - Бундесбанк, Кредит Назорати Федерал Хизмати билан биргаликда.

Назорат фаолияти Марказий банк томонидан эмас, балки бошқа органлар томонидан амалга ошириладиган мамлакатлар: Канада, Дания, Люксембург, Швеция, Австрия, Финландия, Норвегия.

Шундай қилиб, банк назорати объектив зарурат экан, ушбу фаолиятни амалга оширувчи махсус органлар ҳам зарурдир. Ушбу органлар мақоми бўйича турлича бўлиши мумкин, аммо улар ичида ҳаммаша давлат органлари мавжуд булади. Шу билан биргаликда айрим мамлакатларда банк фаолиятини тартибга солиқ тизимининг

³³ “The Impact of Bank-specific Factors on the Commercial Banks Liquidity: Empirical Evidence from CEE Countries” by Angela Roma “Procedia Economics and Finance” 2015

ташқил топишининг амалиёти тарихий жихатдан қаралганда шунинг кўрсатмоқдаки, ушбу жараёнлар турли мамлакатларда турличалигидан кўра кўпроқ умумий хусусиятларга эга АКШда пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун маъсул орган бўлиб - Федерал Резерв Тизими (Марказий банк) ҳисобланади.

АКШ да банклар фаолиятини назорат этиш ва бошқариш биздан фарқ қилади. Бугунги кунда АКШ банкларини бошқариш ва уларни фаолиятини назорат этиш қўйидаги идоралар томонидан олиб борилади:

1. Федерал резерв системаси.
2. Пул муомаласи назоратчиси барча миллий банкларни назорат қилади.
3. Депозитларни суғурталовчи Федерал корпорацияси банк ва миқозлар депозитларини суғурталайди, банкротликка учраган банкларга ўз ваколати доирасида ёрдам беради.
4. Адлия вазирлиги.
5. қимматли қозғалар ва биржалар бўйича комиссия.
6. Штатлардаги банк фаолияти бўйича комиссия ёки банк советлари янги банклар очилиши учун чартерлар беради ва ўз навбатида штатда чартер олган барча банкларни доимий текширади ҳамда уларни доимий равишда назорат этади.

Ҳозирги кунда АКШда тижорат банклари фаолиятини тартибга солиқ қўйидаги макроиқтисодий мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган:

Мамлакат молия-кредит тизимининг барқарорлигини қўллаб-қувватлаш.

Банк миқозларининг манфаатларини ҳимоя қилиш.

Муайян иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб туриш.

Иқтисодий меъёрлар тизимини аниқлаш ва унинг бажарилиши устидан назоратни Федерал Резерв Тизими амалга оширади. АКШда ҳозирги кунда иқтисодий меъёрлар тизимини ишлаб чиқишда Базелу битимининг таклифлари асос қилиб олинган. 1988 йилгача АКШда етарли капитал миқдори барча активларнинг 5% даражасида белгиланган эди. 1988 йилдан бошлаб капиталнинг етарлилик талаблари хатарни ҳисоблаб чамаланган активларнинг 8% даражасида белгиланди. 1993 йилнинг 1-январидан бошлаб барча америка банклари Базелу битими талабларига бўйсинишга мажбурлиги қонун йўли билан белгилаб қўйилди. Худди шу тизимга ўхшаган ҳолат Англия банк тизими фаолиятига ҳам тегишли.

Англия Банк тизимининг ўзига хос ҳаракатлантирувчи асосий қисми ва Лондон пул бозорининг асосий қатнашчилари йирик тижорат банкларидан иборат чекланган гуруҳ ҳисобланади. Улар жумласига аввало мамлакатнинг йирик «катта тўртлик» банклари: «Ллойдс», «Мидланд», «Барклай» ва «Нешл Велмингер» қиради.

Тижорат банклари ва кредит-молия институтларининг фаолиятини тартибга солиш Англия Банки томонидан амалга оширилади. Ушбу фаолиятни атрофлича таҳлил қилиш учун бу соҳада қабул қилинган муҳим қонун ва қарорларни қўриб чиқиш лозим.

Буюк Британия банк тизими тарихан қуп ҳам назоратга олинмаган, 1973-74 йилларда бир қатор банкларнинг нисбатан қисқа муддатга маблағларни жалб қилиб узоқ муддатга кредит бериши оқибатида банк тизими инкирозга учради ва бу ҳол 1979 йил банк қонунининг қабул қилинишига асос бўлди. Ушбу қонунга мувофиқ депозит қабул қилувчи институтлар икки тоифага, банклар ва лисензияланган депозит қабул қилувчиларга ажратилди. Банк сифатида лисензия олиш учун муассасалар етарлича маблағларга эга бўлиши ва ўз миқозларига турли-туман банк хизматлари кўрсатиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Лисензияланган депозит қабул қилувчилар эса банк мақомига эга бўлиш учун қўйилган шартларга тўлиқ жавоб бера

олмайдиган, ammo айрим турдаги банк операциялари билан шуғулланувчи молия муассасалари эдилар. Ушбу қонунда шунингдек "банк" сўзини фақатгина старлича банк капиталига эга бўлган ҳамда банкларга хос кўп турдаги операцияларни амалга оширувчи молия муассасаларига ишлатиши белгилаб қўйилди.

1979 йилги банк қонуни майда банк депозиторлари ва жамғармачиларини банк инкирозларидан ҳимоя қилиш мақсадида банк депозиторларини ҳимоялаш тизимини ишлаб чиқди. Ушбу АКШдаги Депозитларни Сугўрталаш Федерал Корпорацияси (ДСФК) сингари фаолият кўрсатади. Ушбу тизим аъзо банкларнинг вакилларидан ташкил топган Депозитларни ҳимоялаш Бошқармаси томонидан бошқарилади ва унинг бошлиғи Англия Банкининг раиси ҳисобланади. Бу бошқарма Депозитларни ҳимоялаш Фондини бошқаради ҳамда барча банклар ва депозит қабул қилувчи муассасалар ўз депозит базаларига нисбатан 0,3%, ammo 300,000 фунт церлингдан ошмаган миқдорда бадал тўлашлари шарт.

1981 йилда қабул қилинган «Монетар Назорат тўғрисидаги низом»га биноан банк муассасалари ва депозит қабул қилувчиларнинг ликвидлигини таъминлаш мақсадида бу муассасалар ўз мажбуриятларининг 0,5% ини Англия Банкидаги операцияларда қатнашмайдиган ҳисоб рақамида сақлашлари шарт қилиб қўйилди. Шунингдек ушбу низомга мувофиқ Англия Банки томонидан учёт ставкалари эълон қилинмайдиган бўлди, ammo бу инструментни зарур пайтда қўллаш қуқуқи сақлаб қолинди. Лекин шундай бўлсада купгина тижорат банклари ва депозит қабул қилувчи муассасалар бераётган кредитлари учун фоииз ставкасини белгилаш жараёнида Англия Банки тижорат банкларига бераётган кредитлар учун белгилайдиган фоииз ставкаларини асос қилиб оломқдалар.

Германия банк тизимида кредит тизимининг турли звенолари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг асоси сифатида универсаллаштириш тамойили қўлланилади. Унга биноан турли кредит муассасалари молиявий операцияларни амалга оширишда бир хил ҳуқуққа эгадирлар.

Германияда тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш вазифаси Бундесбанк ва Кредит Назорати Федерал Хизмати зиммасига юкланган.

Бундесбанк фақат биргина реал таъсир воситасига эга, яъни у ҳам бўлса мажбурий резервлашнинг энг кам миқдорини урнатиш ва тижорат банклари устидан назорат қилишнинг фақатгина икки инструментига эга - булар маблағларни резервлаш ва ҳисоботлар қабул қилиш. Бошқа назорат функциялари Молия вазирлигига бўйиснувчи Кредит Назорати Федерал Хизмати зиммасига юкланган.

Германияда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари Бундесбанкка банк баланси ликвидлигининг аҳоли ҳақида ҳар ойнинг охирида талаб этилган шакллар бўйича ҳисобот топширадилар.

Франция банк тизими ҳам дунёдаги энг қадимги ва ҳозирги кунда тараққий этган тизимлардан бири саналади, шу сабабли ҳам бизнингча унинг тажрибасини ўрганиш фойдадан холи эмас.

Назорат саволлари:

1. Халқаро банк фаолиятини тартибга солиш қандай маънони англатади?
2. Халқаро Базель қўмитаси ва банк рискларининг қандай боғлиқлиги мавжуд?
3. Банк активлари ликвидлигини бошқариш стратегиялари нима?
4. Тижорат банки барқарорлигига таъсир этувчи омилларни санаб беринг.
5. Тижорат банклари ликвидлик рискни бошқариш йўллари қайсилар?

Тест саволлари:

1. Биринчи даражали капиталлар таркибига кирувчини кўрсатинг
 - a) *устав капитали
 - b) тақсимланмаган фойда
 - c) аудиторлик ташкилоти тасдиқламаган судалар бўйича захиралар
 - d) аудиторлик тасдиғидан ўтмаганлиги ҳақидаги маълумотлар
2. Регулятив капитал нималардан иборат?
 - a) *I даражали капитал,
 - b) II даражали капитал
 - c) II даражали капитал, левераж
 - d) левераж, гудвил, захира капитали I даражали капитал
3. Базель кўмитасининг тамойилларини ишлаб чиқилишининг бошланғич мақсади қандай банклар фаолиятини назорат қилиш бўлган?
 - a) *Халқаро бозорда фаолият кўрсатувчи тижорат банклари учун
 - b) Учинчи дунё мамлакатлари тижорат банклари учун
 - c) ички бозорда фаолият кўрсатувчи тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш учун
 - d) Ҳамма жавоблар тўғри.
4. Республикамизда банк капиталининг етарлиги коэффиенти?
 - a) *10%
 - b) 8%
 - c) 6%
 - d) 15
5. Базел кўмитасининг тамойилларига мувофиқ банк назоратининг қайси методлар мавжудлигида назоратни самарали дейиш мумкин?
 - a) *Дистанцион назорат, Жойларга чиқиб текшириш
 - b) Операцион назорат
 - c) Банк раҳбарияти билан суҳбат асосида
 - d) Капитал етарлиги
6. Базел-1 нечинчи йилда қабул қилинган?
 - a) *1988йил
 - b) 1985йил
 - c) 1990йил
 - d) 1991йил
7. Жорий ликвидлилик коэффиенти Республикамиз банклари учун қандай ўрнатилган?
 - a) *30%
 - b) 25%
 - c) 35%
 - d) 38%
8. Марказий банк томонидан тижорат банклари учун ўрнатилган "Бир қарздор ёки ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси?
 - a) *Банк I-даражали капиталининг 25 фоизи
 - b) Банк регулятив капиталининг 15 фоизи
 - c) Банк I даражали капиталининг 10 фоизи
 - d) Банк регулятив капиталининг 5 фоизи
9. Базел II келишуви нечанчи йилда қабул қилинган?

- a) *2004
- b) 2003
- c) 2002
- d) 2005

10. Базель Қўмитасининг асосий ҳужжатларини айтинг

a) *барча жавоб тўғри

b) Капитал етарлилиги бўйича янги келишув

c) Банк секторининг глобал ислоҳоти

d) Самарали назоратнинг асосий тамойиллари

11. “Базел III” га бағишланган янги ҳужжат қандай мақсадни кўзлайди

a) *барча жавблар тўғри

b) риск-менежмент ва бошқарув сифатини ошириш

c) банкларнинг шаффофлигини кучайтириш

d) банк секторининг молиявий-иқтисодий тангликдан келиб чиқадиган

инқирозларга қарши тура олиш имкониятини юксалтириш

12. Европа марказий банкининг бош қароргоҳи қасрда жойлашган?

a) *Германия, Франкфурт

b) Буюк Британия. Лондан

c) Франция, Париж

d) Швецария

VII боб. ХАЛҚАРО БАНК ФАОЛИЯТИДА РИСКЛАР ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ

Режа

- 8.1 Халқаро банк фаолиятидаги риск турлари ва уларнинг туркумланиши.
- 8.2 Кредит, бозор ва операцион рискларнинг капитал старлигини ҳисоблашдаги ўрни ва аҳамияти.
- 8.3 Ликвидлик riskини бошқариш усуллари.
- 8.4 Валюта riskи ва валюта позициясини бошқариш. Молиявий деривативлар ва рискларни бошқариш.
- 8.5 Халқаро ҳисоб-китоблардаги рискларни бошқариш.

Таянч иборалар

Валюта, халқаро муносабатлар, халқаро кредитлар, халқаро тўловлар, валюта операциялари, муддатли операциялар, халқаро ҳисоб-китоблар, валюта чекловлари, валюта курслари, дисконт, мукофот, тўлов баланси.

8.1 Халқаро банк фаолиятидаги риск турлари ва уларнинг туркумланиши..

Ҳозирги кунда валюта рискларини аниқлаш таҳлил қилиш ҳамда прогнозлаш усуларининг такомиллашуви уларни бошқариш имкониятларини вужудга келтирди ва улар янада такомиллашиб банк рискларини бошқариш усулларини ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти эркинликни ёқтиради, давлатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан қўзланган асосий мақсад ҳам иқтисодиётнинг барча тармоқлари ҳамда соҳаларини босқичма-босқич эркинлаштиришдан иборатдир, жумладан банк хизмати айниқса тижорат банклари фаолияти босқичма-босқич такомиллаштириб бориш бугунги кун вазифаларидан биридир. Уларнинг фаолиятининг республикамиз мавжуд ҳўжалик фаолиятига тобора мослашиб бориши келажакда банклар фаолиятининг ўзгача тус олишидан далолат беради.

Валюта riskи банк операцияларининг байналминаллашуви трансмиллий корхоналар қўшма корхоналар ва банк иншоотлар-нинг ўзаро бирлашуви натижасида вужудга келади ва курс йўқотишлари riskи деб ҳам аталади. Ундан ташқари валюта riskи валюта тебранишлари натижасида йўқотиладиган маблағларнинг йўқолиш хавфини ўзида акс еттиради.

Валюта riskи ўз навбатида иккига бўлинади:

1. Тижорий - қарздор ўз мажбуриятлари бўйича тўловни амалга ошира олмаслиги билан боғлиқ рисклар.

2. Конверсион - Аниқ операциялар бўйича олинadиган валюта зарарлари riskи. Бу riskни олдини олиш бўйича кулланиладиган энг кўп тарқалган усул бу "хеджерлаш" ва "своп" операцияларидир.

Хеджерлаш - ҳар қандай валюта riskига эга бўлган шартномаларни компенсация қилувчи валюта позицияси яратилгача қаратилган.

Валюта свопини паралел кредитлашга ухшатиш мумкин, бунда икки мамлакат ҳудудида жойлашган икки банк ўз мамлакатлари валютасида тенг ҳисобларда кредит беради.

Халқаро операцияларни амалга ошираётган банклар валюта riskини бошқариш бўйича уларни диверсификациялашдан фойдаланадилар ва бу мақсадда форвард-фючерс, валюта опционлари каби операциялардан фойдаланадилар.

Валюта рискинн бошқаришга 1970-йиллардан бошлаб, уриниб кўрилган ва ўша даврда курслар сузиб юривчи кўринишга эга эди.

Ўз навбатида валюта риски таркиби куйидагича тавсифланади:

а) тижорат, бунда қарздорнинг мажбуриятларини бажариш истаги бўлмаслиги ёки бажара билмаслиги имконияти йўқлиги;

б) конверсион (накд) бунда аниқ операцияларда йўқотиладиган валюта назарда тутилади. Бундай рисклар аниқ бир иш амалга ошириладиганда ҳисобга олинади. Конверсион рискларни камайтиришнинг энг мос усуллари куйидагилардан иборат:

-хежерлаш, ҳар бир рискли операцияда йўқотиладиган валюта назарда тутилади имтиёзли валюта позициясини вужудга келтириш. Бошқача айтганда, бир турдаги валюта курсини даромад ёки харажатларда бошқа рисклар билан мос келиши тушунилади.

Валюта свопи, у икки турга бўлинади ҳамда икки хил кўринишга эга бўлади. Биринчиси параллел кредитларни расмийлаштиришни ўзида акс эттиради, уларни ундириш тўлаш усуллари ва муддатлари бир хил бўлиб икки хил валютада берилиши мумкин.

Иккинчиси-иккита банк ўртасида валютани «спот» ставкалари бўйича амалга оширишни ўз ичига олади. Паралел кредитлардан свопларнинг фарқи улар тўлов фойзаларини ўзида қамраб олмайди.

Актив ва пассивлар бўйича вужудга келадиган рисклар «метчинг» дейилади. Бунда валюта тушуми ва уларнинг миқдори билан банк раҳбарияти валюта ҳажмини кўпайтириш ёки қисқартиришга таъмир кўрсатади. шу орқали бошқаради.

Бошқа трансмиллий банклар ёки қўшма банклар «неттинг» усулидан фойдаланади, бунда валюта операциялари миқдори қисқартирилади ва ҳажми кўпайтирилади, яъни битимлар тузиладиганда ёки валюта операциялари ўтказиладиганда кўп миқдорда валюта маблағлари иштирок етдиган операциялар амалга оширилади, кичик ёки кам миқдорда валюта операциялари амалга оширилмайди. Бу мақсадларни амалга ошириш учун банкнинг барча бўлинмаларининг фаолияти юқори даражада бўлиши керак.

Валюта рисклари шартнома тузилган кун билан тўловнинг амалга оширилиш кунигача бўлган давр мобайнида миллий валюта курсининг шарнома валютаси курсига нисбати орқали аниқланади. Валюта курслари қанчалик беқарор бўлса, валюта хавф-хатари шунчалик юқори бўлади.

Шу пайтгача биз валюта риски тушунчасини алоҳида олинган иқтисодий операциялар мисолида кўриб чиқдик. Агар халқаро иқтисодий муносабатлар иштирокчилари хорижий валютада ифодаланган мажбуриятларга эга бўлган ҳолда, худди шундай хорижий валютада талаблари ҳам бўлса, улар амалга оширадиган операцияларининг умумий ҳажми бўйича эмас, балки фақатгина очик валюта позицияси бўйича рискка дуч келдилар.

Ташки иқтисодий шартнома иштирокчилари учун валюта таваккалчилиги пайдо бўлишининг қуйидаги шартларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

-очик валюта позициясининг мавжудлиги;

-шартнома валютаси сифатида хорижий валютадан фойдаланиш;

-шартноманинг тузилиши ва у бўйича ҳисоб-китоб орасида вақт узилиш даврининг мавжудлиги.

Валюта курслари мувоzanатсизлиги қанчалик юқори бўлса, валюта таваккалчилиги шунчалик юқори бўлади. Ҳозиргача биз валюта таваккалчилиги тушунчасини фақат бир операцияга нисбатан кўриб чиққан эдик. Агар ташки

иктисодий алоқалар иштирокчилари бўлмиш тарафлар хорижий валютада ифодаланган мажбурий ва талабларга эга бўлиб, кўп турдаги операцияларни амалга оширса, унда улар барча операциялар бўйича эмас, балки фақат очиқ валюта позицияси бўйича валюта хатарига учрайдилар.

Халқаро иктисодий шартномалар иштирокчилари учун юзага келадиган валюта рискларининг асосий сабаблари сифатида қуйидаги омилларни кўрсатишимиз мумкин:

- очиқ валюта позициясининг мавжудлиги;
- шартномада валюта сифатида хорижий валютадан фойдаланиш;
- шартнома тузилган вақт билан унинг амалга оширилиш вақти орасида маълум муддатнинг мавжудлиги.

Халқаро савдо валюта бозорида ўзаро маълум нисбатларда бир-бирига алмашинувчи турли хил миллий валюталардан фойдаланилади. Номинал алмаштирув курси-икки мамлакат валютасининг нисбий нархи, ёки бир мамлакат нархининг бошқа валюта бирлигида ифодаланиши. «Валюта алмаштириш курси» атамасидан, одатда, номинал валюта курсини ифодалаш учун фойдаланилади.

Харид қобилияти концепциясига мувофиқ, халқаро рақобат борган сари халқаро савдода қатнашувчи товар ва хизматларга ички ва хорижий нархларни тенглаштиришга қараб боради. Агар берилган мамлакатдаги инфляция хорижнинг инфляция суръатидан юқори бўлса, у ҳолда мавжуд тенг шароитларда миллий валютани арзонлаштириб бориш тенденциясига эга бўлади.

Берилган концепциясига мувофиқ, валюта курси доим турли мамлакатлардаги нарх даражалари динамикасидаги фарқни компенсациялаш учун қанча зарур бўлса, шунча тенг миқдорда ўзгаради. Чунки,

$$Pd = r \times Pf \quad (5)$$

Бу ерда: р-миллий валюта бирлигидаги хорижий валюта нархи.

Пд-«ички» нархлар даражаси;

Пф - хориждаги нархлар даражаси;

Номинал алмаштириш курси динамикасини прогнозлаштириш учун фойдаланиладиган харид қобилияти паритети концепцияси нархларнинг баҳосидан ўсиши мавжуд бўлмаган узоқ муддатли даврда (10 йилдан бошлаб) реал натижалар беради.

Мувозанат реал алмаштириш курси пастга унга этилган соф экспорт графиги ва инвестиция ҳамда жамғармалар ўртасидаги фарқларни ифодаловчи вертикал инфляциялар кесиб этувчи нуқтага мос келувчи даражада ўрнатилади. Бу нуқтада хорижга бериладиган кредитлар сифатидаги миллий валюта таклифи берилган мамлакатдан соф экспортни харид қилувчи хорижликлар томонидан кўрсатилаётган миллий валюта бўлган талаб билан тенглашади.

Бу шунини билдирадики, реал валюта курси жорий операциялар учун кўрсатиладиган капитал ва унга талаб операциялари бўйича миллий валюта таклифини тенглаштиради. Берилган мамлакатдаги рағбатлантирувчи фискал сиёсат мувозанатли реал алмаштирув курсининг ошишига шароит яратади.

Давлат харажатлари кўпайганда ёки солиқ камайганида миллий жамғармалар камаяди ва (СН) егри чагга силжийди. Бу силжиш хорижий инвестициялар учун миллий валюта таклифи пасайишини билдиради. Валютанинг янада паст таклифи унинг реал алмашув курсини оширади. Натижада маҳаллий товарлар хорижникига нисбатан қимматлашади, бу эса экспортнинг қисқариши ва импорт ошишига олиб келади. Пировард жорий операциялар бўйича дефицит пайдо бўлади.

Агар солиқлар камайиши инвестициянинг ўсишини келтириб чиқарган ҳолда миллий валюта ҳажми камаймаса, (С-И) егри чизниг яна чагга силжийди. Инвестицияли солиқ кредити хорижликлар учун берилган мамлакатда инвестицияларни қизиқарлироқ ва манфаатлироқ қилади.

Бу эса ўз навбатида мувозанатли реал валюта курсини оширади ва жорий операциялар буйича тўлов баланси дефицитини келтириб чиқаради.

Хорижий мамлакатлардаги рағбатлантирувчи бюджет солиқ сиёсати мавжуд тенг шароитларда хорижийда жамғармалар даражасини қисқаришига олиб келади. Бу жаҳон фозиз ставкасини оширади ва кичик очик иқтисодийдаги инвестиция даражасини пасайтиради. Бу ҳолатда хориждаги инвестициялар учун миллий валюта таклифи кўпаяди. (С-И) егриси унга силжийди. Реал алмаштириш курси мувозанатли аҳамияти пасаяди, маҳаллий товарлар нисбатан арзонлашади ва соф экспорт кўпаяди.

Ўзгарувчан ва ўзгармас валюта курсларининг самараси. Урнатилган валюта курсини қўллаб-қувватлаш учун даврий пайдо бўлаётган тўлов баланси камомати қоплаш учун тегишли резервлар етарли бўлмаса, мамлакат протекционистик савдо чораларини қўллаши ёки валюта назоратини киритиши керак.

Алмашинув курси ва инфляция. Халқаро молиялаштириш соҳасидаги жуда кўл харажатлар валюта алмаштириш курсларининг келгусидаги ноаниқликлари оқибатида келиб чиқадиган валюта хавф-хатарлари билан боғлиқ бўлади.

Валюталар алмаштириш кўрсаткичлари. Алмаштириш курсларининг энг содда қондаси валюталар миқдорини алмаштириш вақтидаги нисбатидир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатда сўмнинг инфляция жараёни миллий валютанинг мос равишдаги девальвациясиз экспортнинг доллардаги қийматининг пасайиши, савдо баланснинг ортиб кетишига олиб келади. Бунга қарши туриш учун доимо миллий валютанинг тегишли қадрсизланишини амалга ошириб бориш керак.

8.2 Кредит, бозор ва операциял рискларнинг капитал етарлилигини ҳисоблашдаги ўрни ва аҳамияти.


Банклар фаолияти давомида амалга оширадиган операцияларининг рисклилигининг миқдорини аниқлаш муҳим жарағн ҳисобланади. Бу нафақат банкларга, балки бошқа молиявий ташкилотларга ҳам тегишли. Асосийси, олдиндан мавжуд рискларни баҳолаш билан чекланиб қолмаслик керак, янги бозорларда олиб борилаётган банк операцияларининг рисклилигини аниқлаш ва баҳолаш зарур. Ушбу вазифа маркетинг тадқиқотлари билан узвий боғлиқ. Рискни баҳолаш тизими рискларнинг 3 та таркибий қисмини баҳолаши лозим, булар: риск ҳажми, амалда бўлиш муддати ва содир бўлиш эҳтимоли.

Тижорат банки томонидан берилан кредит тўғрисидаги мисолга қайтамыз: рискларни аниқлаш учун дастлаб кредит рейтингларини белгилаш лозим. Кредитнинг конкрет турлари буйича рисклилиқ даражаларини баҳолагандан кейин кредитга фозиз белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, банк ўз бўйинига олган риск учун компенсация миқдорини белгилайди. Бу рискларни аниқлашга *индивидуал ёндашув* дейилади. Кредит портфели доирасида рискларни баҳолаш усулини ҳар бир соҳага ўзига хос рейтинг тизимини шакллантириш орқали такомиллаштириш мумкин.

Рискларни баҳолаш тизимининг мураккаблиги даражаси банк фаолият юритаётган соҳанинг рисклилиқ даражаси билан мос бўлиши лозим. Агар банк харажатларини тежаш мақсадида рискларни баҳолаш тизимини ташкил қилмаган

бўлса, унинг рисклардан кўрадиган зарарлари тежалган пуллардан бир неча баравар кўпайиши мумкин.

Юқори рисклилик даражасига эга бўлган соҳаларда самарали фаолият юритиш учун тижорат банки қарор қабул қилишнинг алоҳида механизмини ишлаб чиқиши лозим. Ушбу механизм қайси соҳада банк ўз бўйнига канчалик рискни олиш қобилиятига эга эканлигини кўрсатиб бериши ва кутиладиган даромадлар рискларни қоплай оладими, шу каби масалаларни ҳал қила олиши лозим. Ушбу механизм асосида рискни камайтириш чора тадбирлари ишлаб чиқилади. Демак, юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун тижорат банклари томонидан шундай рискларни бошқариш тизими яратилиши керакки, ушбу тизим орқали банк рискларни аниқлаш, баҳолаш, бошқариш ва камайтириш имкониятига эга бўлсин.



1-расм. Тижорат банкларида рискларни бошқариш тизими³⁴.

Рискларни бошқариш тизими конкрет чора тадбирлар орқали амалга оширилади. Масалан, қуйидаги жадвалда кредит бўлими даражасида рискларни бошқариш элементлари келтирилган.

1-жадвал

Кредит рискларини бошқариш элементлари³⁵

Рискларнинг даражалари	Рискнинг аниқланиши	Риск назорати	Мониторинг
1-Даража Кредит сиёсати	Кредит таҳлили	Юридик экспертиза	Кредит портфели назорати
2-Даража Кредитнинг режалаштирилиши	Кредит шартномасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш (авторизация)	Кредитнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш.	Ҳисоботлар назорати
3-Даража Кредит нарҳини	Ички кредит рейтинг	Кредитларни кузатиб бориш ва	Ички (кредит) аудитини ўтказиш

³⁴ Муаллиф томонидан чизилган.

³⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

шакллантириш		уларга шакллантириш	резерв	
--------------	--	------------------------	--------	--

Риск мавжуд экан, келажакдаги воқеаларнинг ривож тўғрисида бир неча муқобил сценарийлар мавжуд бўлади. Ушбу сценарийлар тахлили рискларни баҳолаш ва бошқаришда муҳим инструмент бўлиб ҳисобланади.

Сценарийлар тахлили риск мавжуд бўладиган вақт интервалини тахлилига, даромад ва харажатларга рискнинг таъсири тахлилин, ижобий ва салбий сценарийларнинг амалга ошиш эҳтимолининг тахлилин ўз ичига олади.

Рискларни назорат қилиш функцияси банкнинг мутахассислари, бошқарувчилари, бўлим бошлиқлари ва таъсисчилари бўйича юклатилади. Умуман олганда рискларни бошқариш функциясини амалга ошириш банк бўлимларининг ҳар кунлик натижаларида акс этади. Банкларнинг ушбу рискларга тортилганлик даражаси ишларнинг тўғри ташкил қилиниши даражасига, кадрларни танлаш усулига, банк бўлимларининг оперативлидигига боғлиқ бўлади.

Рисклар мониторингинг деганда рискларни доимий равишда мустақил баҳолаш ва бошқариш тизими тушунилади. Мониторинг ҳисоботлар юритиш, ички ва ташқи аудит қилиш ва кредитларни тахлил қилиш орқали олиб борилади. Мониторинг талаблари доирасида тузиладиган ҳисоботлар менежерларга керакли конкрет маълумотлардан иборат бўлади. Ушбу маълумотлар банкнинг жорий фаолиятини тахлил қилиш имконини беради ва уларнинг асосида банкнинг бир бўлимига ёки бутун банкка тегишли бўлган қарорлар қабул қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, рискларни бошқариш амалиёти ҳали тўлиғича шаклланиб бўлмади, бу ҳали давом қилаётган жарағн ҳисобланади. Ҳамма банклар томонидан қўлланилиши мумкин бўлган метод ҳали яратилмаган ва иктисодчилар фикрига кўра, яратилиши мумкин эмас. Бунинг асосий сабаби, ҳар бир банк ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги ва ўзи жойлашган минтақа бозорларига, мутахассисларнинг билимлари ва тажрибаларига, шакллантирган репутациясига ва олиб борадиган операцияларига асосланган ҳолда фаолият юритади.

Ишончли фаолият юритаётган конкрет бир банк томонидан ишлаб чиқилган рискларни бошқариш моделини бутунича олиб уни бошқа банк амалиётига тадбиқ этиш банкка салбий таъсир этиши мумкин. Чунки, бир банк учун бошқарилади, деб баҳоланган рисклар иккинчи банк томонидан бошқарила олмаслиги мумкин.

Базель II талаблари капитални банклар фаолиятида юзага келадиган риск турларининг кенгайтирилган шкаласи бўйича ҳисоб-китоб қилишни тақлиф этади, яъни Базель кўмитаси тақлиф қилинган риск турларини учта йирик тоифага ажратди: кредит rischi, бозор rischi ва операцион рискга. Бундан ташқари назорат функциялари рискларни тижорат банклари томонидан ички услуб асосида назорат қилиш, маълумотларнинг шаффофлиги ва бозор интизоми нуқтан назаридан ўзгартирилди.

Базель кўмитаси тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган кредит рискларини қарздор ёки контрагент томонидан ўз мажбуриятларини келишилган шартларга мувофиқ бажара олмаслик эҳтимоли деб баҳолайди. Мажбуриятларни бажара олиш қобилияти қарздорнинг молиявий ҳолатига боғлиқ. Миқознинг кредит қобилиятини ва келажакда кредит бўйича фоиғ тўловларини амалга ошириш қобилиятини баҳолаш учун банк миқознинг аҳволи, хусусан ойлик пул оқимлари (даромад ва харажатлари) тўғрисида ахборотларини олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Кредит рискининг миқдорий жиҳатдан аниқлаш мақсадида кредитлар таснифланади ва уларнинг ҳар бири бўйича захира ташкил қилиш меъёрлари белгиланади. Халқаро Базель қўмитасининг кредитларни таснифлаш бўйича белгиланган меъёрлари асосида фаолият юритувчи еврозона мамлакатларининг тижорат банклари кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларини ташкил қилиш учун кредитларни уч гуруҳ бўйича таснифлайди. Кредит рискининг даражасини аниқлаш мақсадида кредитларнинг ўзи ҳам рискка тортилади. Халқаро Базель андозалари бўйича тижорат банклари томонидан миқозларга берилган кредитларнинг риск даражаси 100 фоизга тенг.

Базель қўмитаси операцион рискин ички жараёнлар ва тизимларнинг номувофиқлиги, ходимларнинг масъулиятсизлиги ёки бошқа ташқи омиллар ҳисобига юзага келадиган ҳавф-хатар деб баҳолайди. Мазкур тушунча банк ва унинг ходимлари томонидан қонунчиликка, ахлоқий меъёрларга, шартнома мажбуриятларига риоя этмаслик ҳамда суд жараёнининг кўзгатилиши туфайли юзага келадиган ҳуқуқий рискин ҳам кўзда тутати. Операцион риск турлари куйидагилардан иборат:

➤ Ички бўҳтон ва фирибгарлик, яъни дилдерлар томонидан банк ҳолати бўйича нотўғри маълумотларнинг берилиши, ходимлар томонидан амалга оширилган ўғирликлар, ходимларга берилган пора эвазига кредит ҳужжатларини сохталаштириш ва бошқалар;

➤ Ташқи бўҳтон ва фирибгарлик, яъни ҳужжатларни ўғирлаш ва сохталаштириш, компьютер алоқаларига рухсатсиз кириш, кредит олиш учун нотўғри маълумотлар тақдим этиш;

➤ Миқозлар, хизматлар ва бизнес юритиш стандартларига оид маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва ҳисобварақлардан фойдаланган ҳолда фирибгарлик;

➤ Моддий активларга зарар етказиш, яъни қўпоровчилик, терроризм, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар;

➤ Ишдаги, ахборот ва алоқа тизимидаги хатолик ва узилишлар, яъни техниканинг ишламай қолиши, телекоммуникация муаммолари ва дастурдаги узилишлар;

➤ Ҳужжатларни расмийлаштириш, операциялар ўтказиш ва жараёнларни бошқариш, яъни маълумотларни киритишдаги хатоликлар, ҳуқуқий ҳужжатларнинг етишмаслиги, кредит таъминотига тегишли хатоликлар ва бошқалар.

Операцион риск билан ишлаш усуллари ва даражаси турли банкларда риск даражаси ва тури, банк операцияларининг ҳажми ва турига боғлиқ равишда турлича бўлади. Аммо Базель-II талабларида капиталга нисбатан талабни аниқлашда операцион рискларни ўлчашнинг 3 та усули: база кўрсаткичлари асосида ёндашув, стандартлашган ёндашув, ривожлантирилган ёндашувни келтиради.

Ҳозирги кунда Базель Қўмитаси валюта рискларига алоқаси бўлган талабларнинг мажмусини ишлаб чиқмоқда ва ушбу мажмуа турли давлатларда рискларни бошқаришга бўлган ёндашувни яқинлаштирилишига имкон беради. Ушбу ҳужжатнинг варианти «Капитал тўғрисидаги Келишувнинг муддатли валюта операциялари бўйича қўптомнама неттинг да қўлланилиши» номи билан нашр этилди.

8.3. Ликвидлилик riskини бошқариш усуллари.

Тижорат банкининг фаолияти ва унинг самарадорлиги энг аввало унинг ликвидлигига боғлиқ. Ликвидлиги бўлмаган банк тўловга лаёқатли бўла олмайди. Амалда айнан ноликвидлик банкларнинг тўловга лаёқатсизлигининг асосий сабаби бўлиб, уларни банкротликка ва банк тизимининг беқарорлигига олиб келади.

Бақарор талабга эга бўлган пул воситалари, банк депозитлари, қимматли қоғозлар, моддий айланма воситалар ва пулга тез айлантириладиган активлар ликвид восита (маблағ)лари деб юритилади.

Агар банкининг нақд пуллари ва ликвид активларнинг йиғиндиси унинг қарзи ва молия мажбуриятларини қоплаш учун етарли бўлса, банк фаолияти ликвид деб саналиши мумкин.

“Базель-3” га мувофиқ, тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш бўйича 2 та коэффициентни (liquidity coverage ratio, net stable funding ratio) жорий этиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида жорий ликвидлилик коэффициенти (Liquidity Coverage Ratio (LCR)) 2019 йил 1 январдан бошлаб жорий қилинади.

Базель II талабларига кўра, биринчидан, банк ликвидлилик бўлими бошқаруви баланسدан ташқари мажбуриятларга балансдаги мажбуриятлар каби катта эътибор бериши лозим, яъни мажбуриятлар комплекс равишда ўрганилиш лозим;

Иккинчидан, ликвидликни бошқариш стратегияси аниқ ва тушунарли ҳолда бўлиши ва банк кенгаши томонидан тасдиқланиши, назорат қилиниши, мониторинг ўтказишни қучайтириши лозим;

Учинчидан, ликвидлик стратегиясида вужудга келадиган riskнинг даражаси ҳақида бошқарув аъзоларининг воқиф бўлиши зарур;

Тўртинчидан, бошқа операция riskларининг (кредит, бозор ва оператив riskлар) ликвидлик даражасига таъсир этиши ва доимий муқобил вариантларнинг тайёр бўлиши;

Бешинчидан, ҳар бир хорижий валюта тури бўйича таҳлил олиб бориш, чегирмалар белгилаш ва уларни ўзгартириб туриш.

Тижорат банклари фаолиятини Марказий банк томонидан назорат қилишда ҳам муддати ўтган ва муддати ўтмаган брутто кредитлар бўйича жорий назоратни амалга ошириш зарур. Халқаро банк амалиётида қабул қилинган меъёрий кўрсаткич бўлиб, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 5 фонздан ошиб кетмаслиги лозим. Тижорат банклари фаолияти банк назорати натижалари бўйича баҳоланганда ана шу кўрсаткичга амал қилиш ҳисобга олинishi зарур. Бу эса тижорат банкларини муддати ўтган кредитлар ҳажмини меъёрий даражада сақлаб туришга ундайди.

Ликвид маблағлар бўйича чораларни таъминлаш қўйидаги босқичлардан иборат:

1. Ликвидлик даврида олдиндан белгиланган режа бўйича кредит ва депозит маблағларининг ҳажми башорат қилиниши керак;

2. Шу давр учун олдиндан белгиланган режа бўйича кредит ва депозит маблағлари қўтилидаган динамикаси ҳисобланиши керак;

3. Ликвидликни бошқариш бўйича бошқарувчи режадаги давр учун нетто-ликвид позициясининг қийматини аниқлаши зарур.

Тижорат банклари актив операцияларини бошқариш ўз олдига баланс ликвидлигига риоя қилган ҳолда, банк фойдалигини таъминлаш сингари икки ягона мақсадни қўяди.

Банк баланси ликвидлигига унинг активлари таркиби таъсир қилади.

Яъни жами активлар ичида биринчи даражали ликвид активларнинг хиссаси кўп бўлиши банкнинг юқори ликвидлигидан далолат беради. Шу сабабли, банк активларини уларнинг ликвидлик даражасига қараб 4 гуруҳга бўлиш мумкин:

* Доимий тайёргарликда турувчи ликвид активлар (кассадаги нақд пул, Марказий банкдаги вақиллик ҳисобварағидаги маблағлар, Давлат қисқа муддатли облигациялари ва ҳоказо);

* Пул маблағига тез айланувчи банк ихтиёридаги активлар (яқин 30 кун ичида олиниши мумкин бўлган кредитлар ва бошқа туловлар);

* Ноликвид активлар - муддати утган кредитлар ва умидсиз қарзлар, банк бино ва иншоотлари.

* Ўзок муддатли кредитлар ва кучмас мулкка қўйилган қўйилмаларни қийин ликвидли активлар тоифасига киритиш мумкин.

Ликвид активлар қуйидаги 3 та ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши лозим:

1) банк активлари тез пулга айланиши учун улар ўз бозорларига эга бўлиши керак;

2) етарли даражада барқарор нархга эга бўлиши керак, яъни бозор барча сотилаётган активлар нархларини сезиларсиз даражада пасайтирган ҳолда қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши керак;

3) активлар қайтадан бўлини керак, яъни сотувчи дастлабки инвестицияларни йукотишларсиз ёки минимал риск билан коплай олиш имкониятига эга бўлиши керак.

Банк ликвидлиги актив операцияларнинг рисклилиқ даражасига боғлиқ бўлади. Яъни банк балансида юқори рискли активлар хиссаси канча кўп бўлса, талаб қилинадиган ликвидлилик шунча паст бўлади.

Банкнинг ликвидли маблағларга бўлган эҳтиёжини бозордаги талаб ва таклиф нуқтани назаридан қуриб чиқиш мумкин. Банкда ликвидли маблағларга бўлган талаб иккита сабаб бўйича вужудга келади:

1. Мижозларнинг ўз ҳисобварақларидан маблағларини олишлари натижасида;

2. Мижозлар томонидан кредит олиш учун буюртманомалар келиб тушиши сабабли вужудга келади.

Ликвид маблағларга бўлган талабнинг вужудга келишига яна бир сабаб, банкнинг бошқа кредиторлардан (бошқа банклар ёки ҳукумат ва Марказий банк) олган қарзларини қайтариш билан боғлиқдир. Солиқларни тўлаш ва акциядорларга дивиденд тўлаш ҳам юқори ликвидли активларга бўлган талаб усишига олиб келади.

Банк ликвид маблағларга бўлган талабни қондириш учун барча салоҳиятли таклиф манбаларини жалб қилади, яъни асосий эътиборни аҳоли ва жисмоний шахсларнинг маблағларини депозитларга жалб қилишга қаратади.

Ликвид маблағларга бўлган умумий талаб унинг умумий таклифидан ошиб кетса, банк ликвид маблағлар тақчиллигига тайёр туриши ва канча миқдорда, канча муддатга қушимча ликвид маблағлар олиш масаласини ҳал қилиши зарур, ўз навбатида жами таклиф жами талабдан ошиб кетса банк раҳбарияти ликвид маблағларнинг ортқичалигига тайёр бўлиши ва ушбу маблағларга бўлган талабни коплаш учун зарур булгунга қадар каерга, канча муддатга маблағ йуналтириш масаласини ҳал қилиши керак бўлади.

Банк ликвидлиги муомаладан чиқарилган депозитлар ҳажмини, активларни қайтариш ва мажбуриятларни бажариш муддатидаги фарқларни, пул бозоридаги тебранишларни, режаланштирилмаган ҳаражатларни коплаши керак.

Банк ликвидлигини бошқариш концепцияси асосида актив ва пассивларни уларнинг муддати, миқдори ва рисклари бўйича бошқариш тамойили ётади. Бу билан банкнинг ўртача ликвидлиги ва фойдалилиги таъминланган ҳолда, унинг кредиторлари олдидagi ўз мажбуриятларини бажариш учун тулик имкон яратилади.

Маълумотлар базасига асосан банк томонидан ҳар кунлик ликвидлик ва туловга лаёқатлик ҳақида маълумотлар олиниши мумкин ва банк операцияларини келажакдаги истиқболларини таҳлил қилиш керак. Бу эса банк маблағларини жойлаштириш, ресурсларни жалб қилиш, ўз маблағларини ошириш, банкнинг бошқа муассасаларга улуш қўйишни қўлайтириш, янги даромад топиш йўлларини ишлаб чиқиш ва янги операцияларни ривожлантириш масалаларини боғлаб битта ечим топишга ёрдам беради.

Тижорат банкларининг ресурсларини оптимал даражада ушлаб туришга қаратилган сиёсатни амалга ошириш учун тижорат банклари ўзларининг ликвидлик ва тўловга лаёқатлик кўрсаткичларига риоя қилган ҳолда, ушбу норматив кўрсаткичларни таъминлаб туриши учун хизмат қиладиган маблағлардан ҳам унумли фойдаланишни талаб этади.

Шунинг учун ҳам, тижорат банки учун ликвидликнинг умумий асоси бўлиб, фаолиятнинг фойдалилигини таъминлаш ҳисобланади. Шундай қилиб, агар асосий норматив коэффициентнинг ҳақиқий қиймати ўрнатилган минимал нормадан юқори бўлса, фойда олиш учун ишлатилмаган имконият нуқтан назаридан банк фаолияти салбий баҳоланади. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, баланс ликвидлигининг таҳлил даромадлилик билан амалга ошириш керак. Тижорат банклар тажрибаси, банклар ликвидлигининг минимал нормасида ишлаши максимал даромад олиши мумкинлиги назариясини яна бир бор исботлади.

8.4 Валюта rischi ва валюта позициясини бошқариш. Молиявий деривативлар ва рискларни бошқариш.

Валюта хавф-хатарларини ифодалашда қуйидагилардан фойдаланилади:

-валюта шарҳлари ва изоҳлари;

-форвард операциялари.

Валюта изоҳлари ўзида шартнома матия таркибига кирувчи қўшимча шартларни акс эттиради. Валюта изоҳлари валюта бозорларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тўланадиган тўлов ҳажминини белгилайди. Бу валюта хавф-хатарларидан суғурталанишнинг энг кўп тарқалган усулидир.

Валюта рисклари суғурталанишнинг яна бир тури форвард операцияларидир. Форвард операциялари суғурталашда форвард қопланиши, яъни баҳо хавф-хатарига қарши суғурталашни билдиради. Форвард қоплаш операциялари валюта курсининг ўзгариши натижасида юзага келадиган хавф-хатарларни суғурталаш мақсадида ўтказилади. Форвард валюта операциялари икки иш кунидан кам бўлмаган вақтда амалга оширилади. Валюта бозорларида форвард битимларини амалга оширишнинг қуйидаги стандарт муддатлари мавжуд:

- 1 ҳафта;

- 1 ой;

- 3 ой;

- 9 ой;

- 12 ой;

Юқорида айтиб ўтганимиздек, валюта хавф-хатарларини суғурталашда форвард валюта шартномаларидан фойдаланилади.

Бозор иқтисодиёти корхона, жамоа ташкилотлари, кооперативлар, банклар ва фуқароларга ташқи иқтисодий фаолиятни ва валюта хўжалигини мустақил тарзда амалга ошириш имкониятини юзага келтирди. Сир эмаски, бозор иқтисодиёти риск билан боғлиқ. У билан банкирлар ҳам, тадбиркорлар ҳам, аҳоли ҳам тўқнашади. Бирок, кўпгина ҳолларда рискни камайтириш, олдани олиш ва ҳаттоки ундан қочиш мумкин.

Молиявий рискларни камайтиришда банклар муҳим ўрин тутати. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг қайта қўрилиши, халқаро алоқаларнинг кенгайиши бевосита ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқ равишда ўзгартиришларини тақозо этади. Уларнинг хўжалик фаолиятларига валюта курсларининг тебраниши сезиларли таъсир кўрсатади.

Валюта рискларининг мавжудлиги - валюта бозорларида валюта операцияларининг амалга оширилиши, трансмиллий корхоналарни барпо этиш орқали, банк операциялари бозори байналмилаллашуви, шу жумладан, улар фаолиятини диверсификациялаш билан боғлиқ. Шу сабабдан, рискка бир қатор омиллар сезиларли таъсир кўрсатади. Буларга мисол қилиб, географик, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, демографик ва бошқа омилларни кўрсатиш мумкин.

Халқаро амалиётда юзага келадиган ҳар қандай риск экспорт қилувчи (сотувчи)нинг зиммасига тушади.

Миллий молия бозорларида рискларни маълум бир сезиларли миқдорда тахмин қилиш мумкин. Ҳудудий ва халқаро молия бозорларида эса, бундан фарқли ўлароқ, риск даражаларини тахминлаштириш сезиларли даражада мушкул ҳисобланади.

Валюта рискларини уч турга бўлиш мумкин:

1. Пул ўтказишда юзага келадиган риск – хорижий валютада ифодаланган (мисол учун, хориждаги филиалнинг ҳисоботлари) фирма ёки банкнинг молиявий ҳисоботлари натижаларини миллий валютага ўтказиш (мисол учун, фирманинг молиявий ҳисоботларини жамлаш вақтида).

2. Транзакция (битимлар) rischi – тўловни келажакдаги бир санада амалга оширишда, миллий валюта қиймати ёки битим даромадлигининг ноаниқлигини акс эттиради. Бунга мисол қилиб, импорт қилувчига кредит тақдим этилган ҳолда, импорт қилувчи валютасида товарларни экспорт қилиши учун хизмат қилади.

3. Иқтисодий риск – келажакда валюта айирбошлаш курсларининг ўзгариши натижасида хорижий валютада ифодаланган фирма актив ва мажбуриятларининг миллий қиймати ўзгариши. Бунга мисол қилиб, фирманинг хорижий бўлими ва филиалларининг активи ва мажбуриятларини кўрсатиш мумкин.

Валюта рискларини бошқариш масалаларига қуйидагилар кирати:

-валюта хавф-хатарлари даражасини аниқлаш ва ўлчаш;

-рискларни бошқариш стратегияларини танлаш;

-валюта рискларини камайтириш;

-валюта рискларини камайтириш;

-валюта рискларини суғурталаш ва ҳоказо масалалар.

Валюта рисклари даражасини икки усулда тушуниш мумкин:

-шартнома валютасини тўғри танлаш;

-валюта позициясини бошқариш.

Ташқи иқтисодий шартномаларда шартнома валютасини тўғри тиклаш усули томонлар келишувига асосан қўлланилади. Бунда валюта курсининг ўзгариши қайсидир бир томон учун қудай бўлган ҳолда шартнома шу валютада ўрнатилади.

Экспортчи учун бундай валюта «кучли», яъни муддат ўтиши билан курси ошиб борадиган валюта қулай ҳисобланади.

Алмаштириш курслари билан боғлиқ рискнинг энг кенг тарқалган тури иқтисодий валюта rischi ҳисобланади. Иқтисодий валюта rischi валюта алмаштириш курсларининг ўзгаришига боғлиқ бўлган компания қийматининг ўзгариши билан боғлиқ. Акцияларнинг бозор нархининг муомалага чиқарилган шу акциялар сонига кўпайтмаси компания қиймати ҳисобланади. Акциянинг бозор қиймати талаб ва таклифнинг бир-бирига тенг бўлгандаги қийматидир.

Ташқи савдо ёки хорижий давлатлар билан ҳеч қандай битим билан шуғullanмайдиган компаниялар ҳам алмаштириш курсларидаги қутилмаган тебранишлар оқибатида иқтисодий валюта riskига дуч келиши мумкин.

Операцион валюта rischi валюта riskининг жуда чекланган ва ўзига хос шакли ҳисобланади. Бироқ операцион валюта rischi харақати белгиланган миқдордаги автомобилни сотиб олиш шартномаси мажбурият-ларида чекланган, иқтисодий валюта rischi эса, келгуси режалаштирилмаган импортда ҳам кенг тарқалган. Айрим ҳолларда шахсий маблағ ёки соф даромаднинг бухгалтерия қийматида ўзгаришлари компаниянинг бозор қиймати билан ўзаро боғлиқ бўлади. Бироқ ҳар доим ҳам бундай бўлавермайди. Бухгалтерия қиймати бошланғич қийматга асосланади, бозор қиймати эса, пул маблағлари тушумининг келгусидаги тахминига кўра мўлжал қилинади.

Бухгалтерия ва бозор қиймати кўп ҳолларда бир-бирдан фарқ қилади. Активларнинг бозор қиймати уларнинг тезда эскириши оқибатида тезда пасайиши, ўзгармай қолиши мумкин. Бозор шароити айрим актив турларининг (масалан, кўчмас мулк) бозор қийматини кўтариши мумкин. Компания қийматини бир валютадан бошқасига қайта ҳисоблайди ёки бухгалтерия ва бозор қиймати ўртасидаги фарқни оширади ёки камайтиради. Бу алмаштириш курслари ўзгариши билан боғлиқ иқтисодий омилларга боғлиқ бўлади.

Иқтисодий валюта rischi табиати операцион ва валюта қайта ҳисоблаш riskига нисбатан бирмунча мураккаброкдир. Алмаштириш курсига компаниянинг муносабати жуда кўп омилларга боғлиқ. Иқтисодий валюта riskининг аниқ сонли кўрсаткичларини олиш анча кўпин бўлганлиги сабабли таҳлилчлар ҳиссий маълумотлар билан чегараланадилар.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини еркинлаштириш, модернизациялаш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шаронтида валюта курсларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўз навбатида валюта rischi таркиби қуйидагича тавсифланади:

а) тижорат, бунда қарздорнинг мажбуриятларини бажариш истаги бўлмаслиги ёки бажара билмаслиги имконияти йўқлиги;

б) конверсион (накд) бунда аниқ операцияларда йўқотиладиган валюта назарда тутилади. Бундай рисклар аниқ бир иш амалга оширилаётганда ҳисобга олинади. Конверсион рискларни камайтиришнинг энг мос усуллари қуйидагилардан иборат:

Бугунги кунда тижорат банкларининг валюта рискларини таҳлил этишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

хўжалик операциялари жуда тез тугатилиши ва молиявий беқарорликни ҳамда ишлаб чиқариш даражаси тушиб бораётган бир вақтдаги иқтисодий ўтиш даврининг инқирозли ҳолати;

БЕРИ индекси даражаси;

банк тизимининг шаклланиб такомиллашиб бораётганлиги.

амалдаги ҳолатларга тўғри келмайдиган қонунчилик манбалари ўртасидаги бир-бирига номувофиклик баъзи бир қонун ҳужжатларининг этишмаслиги ёки талабларга жавоб бермаслиги;

инфляция ва гиперинфляция ҳолатларини содир бўлиш даражаси.

Муддатли битимлар деб, белгиланган муддатда, аммо икки иш қунидан ошқан бўлган муддатда амалга ошириладиган операцияларга айтилади. Амалиётда муддатли битимларнинг қуйидаги кенг тарқалган турлари мавжуддир. Уларга:

1. Форвард валюта битимлари;
2. Фючерс битимлари;
3. Валюта опциони;
4. Свop операцияларини кўрсатиш мумкин.

Валюта хавф-хатарлари ташқи иқтисодий шартномалар самарадорлигини кўрсатувчи аҳамиятли, аммо ягона омил эмаслигини кўрсатади.

Валюта таваккалчилигининг алоҳида ҳолати сифатида валюта маблағларини жойлаштириш пайтида вужудга келадиган валюта авуэрларининг кадрсизланиш таваккалчилигини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бундай таваккалчилик тури бўйича валюта зарарларини банклар сингари, миқозлар ва давлат ҳам кўриши мумкин.

Бу ҳолда вужудга келадиган валюта хавф-хатарлари мазмун жиҳатидан ҳар қандай савдо-кредит операциясидаги валюта таваккалчилиги сингари бўлади, чунки валюта маблағларини жойлаштириш билан боғлиқ операциялар кредит характериға эға. Бу ҳолда валюта таваккалчилигини ҳисобға олиш хусусиятлари ва уни суғурталаш услублари (валюта маблағларини жойлаштиришда) таваккалчиликни валюта таваккалчилигининг алоҳида туриға ажратишға асос бўлади.

Экспортчи (кредитор), агар шартноманинг тузилиши ва у бўйича тўловнинг амалға оширилиши даври ичида баҳо валютасининг курси унинг миллий валютасиға нисбатан пасайса, зарар кўради. Импортчи (дебитор) учун эса зарарлар, курснинг юқоридагиға нисбатан қарама-қарши ҳаракати натижасида пайдо бўлади.

Хорижий валюталарда ифодаланган авуэрларни ушлаб турган шахслар, маблағларнинг ҳаракат даври мобайнида авуэрлар ҳажмини салбий тарафға қайта баҳолашға мажбур. Бу эса, иқтисодий нуқтан назардан, амалға оширилмаган зарарларға киради.

Валюта таваккалчилиги, шартнома иштирокчисиға келиб тушган тушумнинг режаланган ҳажмиға нисбатан ўзгарган ҳажми ёки унинг амалға ошираётган тўловларини режаланган ҳажмиға нисбатан ўзгарган ҳажми сифатида амалға ошади.

Валюта таваккалчилиги халқаро савдо ва кредит муносабатларини кийинлаштириб юборади, натижада мазкур муносабатлар иштирокчилари валюта хавф-хатарларини ўрганиш орқали уларни баргараф этиш йўлларини кидира бошлайдилар.

Шундай қилиб, валюта чекловлари бир қатор ҳолларда кредит ва савдо мувофиқлаштирилиши билан чамбарчас боғланиб кетмоқда.

8.5 Халқаро ҳисоб-китоблардаги рискларни бошқариш.

Пул ўтказишда юзаға келадиган риск – ҳисоб-китоб амалиётида юзаға келиб, хорижий валютада ифодаланган фирма ёки банкнинг актив ва мажбуриятларини миллий валютаға ўтказишда, айирбошлаш курсининг даврий равишда ўзгариб туриши. Агар миллий валютада ифодаланган хорижий валюта қимматлашса, у ҳолда фирма ёки банкнинг хорижий валютадаги активлари, мажбуриятлари ва мол-мулки

ҳам, миллий валютага нисбатан қиймат жиҳатидан ошсади. Хорижий валюта айирбошлаш курсининг қадрсизланиши юқоридаги ҳолатнинг акси бўлиб чиқади.

Транзакция (битимлар) рисқи тўлашга йўналтирилган ёки тўловга қабул қилинган хорижий валютада ифодаланган ҳисоб билан боғлиқ молиявий рисқидир. Айирбошлаш курси транзакцион кўринишга тегишли равишда ҳежерлаш (сугурталаш) орқали барҳам берилмагунга қадар, фирманинг даромадига, миллий валютага тўловларни қабул қилиш ва тўлаш ўзгаришига тўғридан-тўғри таъсир қилади.

2-жадвал

Рисқларнинг асосий турлари – ташқи савдода уларни қисқартириш чора-тадбирлари³⁶

рисқ	1. кредит рисқи	2. валюта рисқи	3. ҳудудий рисқ
таърифи	сотиб олувчини тўловга ноқобилиғи ёки уни амалга оширишни хоҳламаслиғи	экспорт қилувчи ёки импорт қилувчи ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган, валюта курсининг ўзгариши	импорт қилувчи мамлакатда содир бўлган сиёсий ва иқтисодий воқеалар таъсирида, соғувчига тўловни вақтинча амалга оширмаслик
рисқни қисқартириш чоралари	а) аккредитив-лардан фойдаланиш	а) форвард валюта ҳежерлашдан фойдаланиш	а) тасдиқланган аккредитивлардан фойдаланиш
	б) нақд депозитларни олиш	б) опцион бозорида фьючерслардан фойдаланиш	б) экспорт кредитларини сугурталаш
	в) экспорт кредитларини сугурталаш	в) ўз валютасида чек ёзиш	
		г) шартномавий таъминот	

Тижорат банклари барқарор сиёсатни амалга ошириш мақсадида доимий равишда ўз миқозларидан айирбошлаш курсининг қутилмаган ўзгаришларидан юзага келадиган зараларнинг олдини олиши учун уларни ҳежерлашни тавсия қилади.

Банклар ўз миқозлари ҳаттори рисқларни минималлаштириш манфаатини кўзлайди. Фонз рисқлари ҳолатида халқаро банклар ва фирмалар, одатда, айирбошлаш курсини таҳминлаштиришга жуда кўп вақт ва ҳаракат сарфлайди. Айирбошлаш курсларини таҳминлаштириш миллий (ички) фоиз ставкаларини баҳолашда анча мураккаб ҳодиса эканлигини исботлаб берди. Бунга асосий сабаб ҳар қандай давлатда ички фоиз ставкаларига нисбатан айирбошлаш курсларининг жуда кўп миқдордаги мураккаб ўзгарувчанлик хусусиятига эга эканлигидир.

Айирбошлаш курслари ва ставкаларини таҳминлаштиришга қизиқиш ва ўз навбатида хорижий валюталар позициясини «очик» қолдириш (хежерламаслик) корпоратив хазиначиликда юқори бўлиб турибди, бу эса баъзида салбий натижаларга олиб келади.

Тижорат банқларидаги валютани айирбошлаш бўлиммалари ҳам, одатда, очик позицияларни ушлаб туришга ҳаракат қилади: «узун» позицияни (хорижий валюта захираларини кўпайтириш) ёки «қисқа» позицияни (хорижий валюта захираларини

³⁶ Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

камайтириш) қолдиради. Бу ҳолат, одатда, банк иқтисодчиси ёки бош валюта дилери томонидан тайёрланган ва юқори раҳбарият томонидан маъқулланган «боғлиқ» валютани тахминлаштиришга асосланган мақсадли рискларни қабул қилишдир.

Бу эса, ўз навбатида, банк учун катта хатар келтиради. Шундай қилиб, валюта савдосида банк менежменти учун энг самарали сиёсат қуйидагилар ҳисобланади:

а) миқозлар ташаббуси билан амалга ошириладиган (савдо битимлари асосидаги) тижорат транзакциялари учун валюта битимларини чеклаш;

б) корпоратив миқозлар томонидан доимий равишда талаб қилинадиган валюта кассалари учун овернайт амалиётида қатъий чекловлар ўрнатиш, ҳамда асосий конвертирланадиган валюталар учун лимитларни белгилаш;

в) банкнинг валюта савдосида фаол бўлган барча корпоратив ва бошқа миқозлар учун банкнинг иш вақти ва овернайт вақтида валютани айирбошлашга лимитлар, шунингдек уларнинг фаолияти устидан мониторинг ўрнатиш.

Валюта чекланишлари валюта сиёсатининг шаклларида бири сифатида мунтазам равишда ишлатилади. Валюта чекланишлари - резидент ва норезидентларнинг валюта ва бошқа валюта қимматликлари билан операцияларини қонунчилик ёки маъмурий жиҳатдан таъқиқлаш, лимитлаш ва чеклашдир³⁷. Валюта чекланишлари, резидент ва норезидентлар валюта операцияларини текшириш орқали валюта қонунчилигига риоя этилишини таъминлайдиган валюта назоратининг таркибий қисmidир.

Валюта чекланишлари мавжудлигида валюта назорати жараёнида лицензия ва рухсатномаларнинг бор-йўқлиги, резидентлар томонидан миллий валюта бозорига хорижий валюталарнинг сотилиши билан боғлиқ талабларнинг бажарилиши, хорижий валютадаги тўловларнинг асосланганлиги, валюта операциялари бўйича ҳисобни юритиш ва ҳисоботнинг сифати текширилади. Валюта чекланишлари мавжудлигида валюта назорати функциялари, одатда, Марказий банкка юклатилади, айрим давлатларда эса бунинг учун махсус органлар ташкил этилади (масалан, Францияда иккинчи жаҳон урушидан сўнг).

Валюта сиёсатининг турли-туманлиги сифатидаги валюта чекланишлари қуйидаги мақсадларни кўзлайди: 1) тўлов балансини бирхиллаштириш; 2) валюта курсини қўллаб-қувватлаш; 3) жорий стратегия вазифаларни бажариш учун давлат қўлида валюта қимматликларининг тўпланиши.

Валюта блокадасининг моҳияти хорижий банкларда сақланаётган ушбу давлат валюта қимматликларини музлатиб қуйиш ва камситувчи валюта чекловларини қўллашдан иборатдир. Иккинчи жаҳон уруши даврида ва урушдан сўнг Буюк Британия стерлинг худуди давлатларининг хорижий валюта (асосан фунт стерлинг) сақланаётган банк ҳисоб варақларини музлатган. Ушбу ҳисоб варақлардаги маблағлар фақат зикр этилган валюта гуруҳи аъзоси бўлмиш давлатлар орасидаги ҳисоб-китобларда ишлатилиши мумкин эди.

Тўлови келгусида амалга ошиши кўзда тутилган, шартнома тузилиш пайтида маълум бир суммада қайд этилган ҳар қандай кредит операцияси, шартнома валютаси иштирокчи учун хорижий бўлган тарафнинг валюта хавфига чалинади. Кредитор, хорижлик контрагентларига кредитни берган ҳолда, қийматни эквивалент миқдорда ололмаслик хавфига учрайди. Қарз олувчи ҳам, агар тўлов пайтида қарз валютасининг курси шартнома тузилган санага нисбатан кўтарилса, зарар қўриши мумкин.

³⁷ Красавина Л. Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. - М.: ФИС, 2001.

Экспортчи ва импортчилар, валюта таваккалчилиги билан ташқи савдо операцияларини амалга оширишда тўқнашади. Экспортчи, агар у товарларни тўлови кечиктирилган ҳолда сотган бўлса ва баҳо валютаси сифатида импортчи валютаси ёки учинчи давлат валютаси олинган бўлса, валюта рискига дучор бўлади. Агар баҳо валютасининг курси экспортчи миллий валютасига нисбатан пасайса, унда экспортчи зарар кўриши мумкин.

Импортчи учун валюта таваккалчиликлари қуйидаги ҳолатларда вужудга келади: агар товарлар, баҳоси хорижий валютада қатъий белгиланиб, сотиб олинаётган бўлса. Бунда, агар хорижий валютанинг курси импортчи валютасига нисбатан кўтарилса, унда импортчи томонидан сотиб олинган товарлар учун ҳақ тўлашда, миллий валютада кўпроқ харажат қилинишига тўғри келади.

Халқаро иқтисодий шартномалар иштирокчилари учун юзага келадиган валюта рискларининг асосий сабаблари сифатида қуйидаги омилларни кўрсатишимиз мумкин:

-очиқ валюта позициясининг мавжудлиги;

-шартномада валюта сифатида хорижий валютадан фойдаланиш;

-шартнома тузилган вақт билан унинг амалга оширилиш вақти орасида маълум муддатнинг мавжудлиги.

Валюта рисклари шартнома тузилган кун билан тўловнинг амалга оширилиш кунигача бўлган давр мобайнида миллий валюта курсининг шарнома валютаси курсига нисбати орқали аниқланади. Валюта курслари канчалик беқарор бўлса, валюта хавф-хатари шунчалик юқори бўлади.

Юқорида санаб ўтилган валюта хавф-хатарлари намоён бўлиши шарт-шароитлари, энг аввало, ташқи савдо ва кредит шартномалари билан боглиқ бўлган конкрет валюта операциялари учун тегишли. Улар учун характерли нарса шундаки, валюта хавф-хатари ташқи иқтисодий шартномалар иштирокчилари учу реал валюта йўқотишлари олиб келиши мумкин. Бундай валюта рискларини биринчи турдаги валюта рисклари турига, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, нақд валюта йўқотилиши хавф-хатарига киритиш мумкин.

Валюта рискларининг иккинчи тури ташқи савдо шарномалари билан бевосита богланмаган валюта рискларидир. Бу валюта хавф-хатари банк балансининг хорижий валютада ифодаланган актив ва пасив моделларини қайта баҳолаган вақтда, шу жумладан, хориждаги филиалларининг миллий валютадаги фойдаларини қайта баҳолаганда юзага келади.

Валюта рискларининг бу икки тури ҳисобларда турлича акс еттирилади. Валюта рискларининг биринчи турида режалаштирилган ташқи иқтисодий операцияларнинг натижалари амалга оширилган операциялар натижаларидан фарқ қилади. Бухгалтерия ҳисоби нуқтан назаридан қараганда бундай ҳолат амал қилмайди ва молиявий ҳисоботларда ҳам акс еттирилмайди. Масалан, «тузилган шартномалар, лекин амалга оширилмаган» деган модда ҳеч ерда учрамайди. Валюта рискларининг биринчи тури фақатгина таҳлилий ҳисоблар тизимидагина ҳисобланиши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Валюта rischi тушунчасига таъриф беринг.
2. Валюта операциялари нима?
3. Валюта позицияси нима?
4. Тижорат банқларида валюта операцияларини амалга ошириш учун қандай лицензиялар берилади?

5. Валюта чекловларининг турлари?
6. Банклар томонидан бериладиган кафиллик қандай аҳамият касб этади?
7. Банклар ликвидли активларининг турлари қандай?
8. Кредит сиёсати ва кредит портфелининг фарқини айтинг.

Тест саволлари:

1. Банк сиёсати таркибини қўрсатинг

- а) Депозит, кредит, инвестиция сиёсати.
- в) Кредит, фоиз, инвестиция сиёсати.
- с) Депозит, инвестиция, кредит сиёсати.
- *д) Депозит, кредит, инвестиция, фоиз, валюта сиёсати.

2. Хўжалик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи рискларни қўрсатинг

- а) Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий рисклар
- в) Ижтимоий-иқтисодий рисклар
- с) Фискал-монетар сиёсат
- *д) А ва В.

3. Таъсир даражаси бўйича банк рисклар

- *а) Паст, ўрта, тўлиқ.
- в) Паст ва юқори.
- с) Паст ва тўлиқ.
- д) Минимал ва максимал.

4. Вужудга келиш шакли бўйича банк рисклар

- а) Ташқи ва ички рисклар
- *в) Тизимли, тизимсиз рисклар
- с) Кредит, валюта, депозит рисклар
- д) тўғри жавоб йўў .

5. Вужудга келиш сабаби бўйича банк рисклар

- а) Ташқи, ички рисклар
- в) Юқори, тўлиқ, паст рисклар
- *с) Соф, сунъий рисклар
- д) тўғри жавоб йўў .

6. Таъсир вақти бўйича банк рисклар

- а) Жорий, ўтган, келажакдаги рисклар
- *в) Ретроспектив, жорий, истиқболли рисклар
- с) тўғри жавоб йўк
- д) Соф, сунъий рисклар

7. Бошқариш усулига кўра банк рисклар

- а) Соф, сунъий рисклар
- *в) Очиқ ва ёпиқ рисклар
- с) Тизимли, тизимсиз рисклар
- д) Жорий, ўтган, келажакдаги рисклар

8. Хисоб-китоб усулига кўра банк рисклари

- а) Жорий истиқболли рисклар
- в) Соф ва сунъий рисклар
- *с) Хусусий ва умумий рисклар
- д) Хисобланадиган, хисобланмайдиган рисклар

9. Банк фаолиятига таъсир қилувчи ташқи рискларга нималар қиради?

*а) Сиёсий, иқтисодий ва табиий

в) Ижтимоий ва сиёсий

с) Иқтисодий –иҷтимоий

д) Б ва В

10 Қамраб олган ҳудуди бўйича рисклар

а) регионал ва ташқи

*в) туман, минтақавий, мамлакат, жаҳон

с) маҳаллий ва жаҳон

д) тўғри жавоб йўқ.

IX боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ТИЗИМИНИНГ ХАЛҚАРО БАНК ТИЗИМИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Режа

- 9.1 Ўзбекистонда замонавий банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши.
- 9.2 Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг халқаро молия тизимиغا интеграциялашуви шарт-шароитлари.
- 9.3 Халқаро ташкилотлар ва банкларнинг кредит линиялари.
- 9.4 Республикамиз банкларининг халқаро рейтинг кўрсаткичлари ва уларни ошириш чоралари.

Таянч иборалар

Марказий банк, тижорат банки, лицензия, ваколат, халқаро муносабатлар, банклараро кредитлар, мажбурий тўловлар, валюта операциялари, банк операциялари, монетар сиёсат, валюта чекловлари, валюта курслари, дисконт, мукофот, банк баланси.

9.1. Ўзбекистонда замонавий банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши..

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлгандан сўнг мамлакат иқтисодиётининг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун қатъий пул-кредит сиёсатини юритувчи мустақил ўз банк тизimini яратиши лозим эди.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида амалга оширилган туб ўзгаришларга тўхталиб, шунга қайд этиш лозимки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб иқтисодиётнинг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланган банк тизimini ислоҳ қилишда жаҳон андозаларига мос келувчи замонавий банк тизimini босқичма – босқич яратишга асосий эътибор қаратилди.

Биринчи босқич (1991-1994 йиллар). Миллий валютани киритиш учун асос яратилган ва икки поҳонали банк тизимиغا ўтиш пойдевори қурилди.

Иккинчи босқич (1994-1996 йиллар). Бу даврда банк тизимининг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланиб, Марказий банк вазифалари белгиланди. Бу даврда тижорат банклари сони ортди ва улар турлари кўпайди. Бу босқичда икки поҳонали банк тизimini мустаҳкамлаш мақсадида, иқтисодий ўзгаришларга жавоб бера оладиган ва бошқарадиган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги (1995 йил 21 декабр) ва “Банқлар ва банк фаолияти тўғрисида”ги (1996 йил 25 апрел) Қонунларнинг қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этди, чунки мазкур қонунлар кейинчалик Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки экспертлари томонидан ижобий баҳоланди.

Учинчи босқич (1997-2000 йиллар). Бу даврда тижорат банклари корпоратив бошқарув кўринишини ола бошлади, акциядорлик кўринишига киритилган тижорат банкларини назорат қилиш орқали корпоратив бошқарув сифатини ошириш ва кучайтиришга йўналтирилган ислохотлар билан боғлиқ давр бўлди. Бу босқичнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, мазкур тизимга хусусий капиталларнинг кириб келиши билан изоҳланади. Бу жараён Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тижорат банклари ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши билан янада фаоллашди.

Тўртинчи босқич (2001 ва ундан юқори йиллар). Бунда банклар фаолиятини янада эркинлаштириш мақсадида аҳолини банк тизимида бўлган ишончини

фаоллаштиришга қаратилади, яъни аҳолининг бўш маблағларини банк жамғармаларига ва депозитларга жалб этиш бўйича турли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни татбиқ этиш орқали банк тизимининг реал ишлаб чиқариш секторини кредитлаш имкониятларини янада кенгайтирди. Натижада тижорат банклари корхоналарнинг чинакам ҳамкорларига айланмоқда ва ўз ресурсларини фойдали лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириб, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда банк амалиётида унинг фаолияти корхоналар билан ўзвий боғлиқ ҳолдадир. Пул оқимининг ишлаб чиқаришдан банк тизимига тушиши корхонанинг банк билан боғлиқлигини вужудга келтиради.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш стратегиясини амалга оширишда мамлакат иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлган банк тизими реал секторга йирик инвестицияларни жалб қилиш, галла ва ёнилги мустақиллигини таъминлаш, саноатнинг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, экспорт ва импорт таркибини оптималлаштириш, шу асосда ташқи савдо балансини барқарорлаштириш каби масалаларни ҳал этишда муҳим рол ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ республикамикредит тизими юқорида айтганимиздек ривожланган давлатларга хос икки поғонада тузилган бўлиб, биринчи поғонада ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширувчи Марказий банк ва унинг бўлимлари фаолият кўрсатса, иккинчи поғонада банк тизими (тижорат банклари ва унинг бўлим ҳамда филиаллари, чет эл банклари ва уларнинг филиаллари, ваколатхоналар, нобанк тизим) тижорий фойда олишга қаратилган молиявий фаолиятини олиб борадилар.

9.2 Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг халқаро молия тизимига интеграциялашуви шарт-шароитлари.

Бугунги кунда халқаро молиявий институтларнинг амалий алоқаларига қисқача тўхталадиган бўлсак, улардан Халқаро Валюта Фонди (ХВФ), Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ), Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) каби йирик молиявий ташкилотлар билан жуда изчил ва фаол ишлар олиб борилмоқда. Мазкур ташкилотлар биз танлаган йўл ва амалга оширилаётган ислохотларнинг тўғри эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилганликлари учун ҳам яқин ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқдалар.

ХМИлар билан муваффақиятли ҳамкорлик омиллари

ХМИлар билан ҳамкорликни таъминлаш Ўзбекистон давлат-ижтимоий тизими, унинг турли соҳалардаги салоҳияти билан қўллаб-қувватланмоқда.

ХМИлар билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий таъминоти мунтазам такомиллаштирилиб, кенгайтирилиб ва чуқурлаштириб борилмоқда, тобора халқаро ҳуқуқ меъёрларига яқинлаштирилмоқда.

ХМИлар билан ҳамкорликнинг инфратузилмавий омилли Ўзбекистондаги деярли барча минтақаларда замонавий рақамли электрон станциялар, симсиз тезкор коммуникация учун йўлдош ва уяли телефон алоқаси, республика пойтахти ва бир қатор вилоят марказларида пейжинг тизимини ташкил этилиши билан тавсифланади, бунда ХМИлар фаол катнашмоқда.

Шу ўринда ХМИлар билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришда фан ва техника тараққиёти катта аҳамият касб этади: инсталган ишлаб чиқаришда, иқтисодиётнинг инсталган соҳасида, фойдали қазилмаларни излашдан тортиб то қишлоқ хўжалик экинларини йиғиштириш ва барча қайта ишлаш жараёни

технологиялари, чиқитсиз технологияга ўтиш, улар пайдо бўлишини тўлиқ бартараф этишгача янги технологияларни тадқиқ этиш, ишлаб чиқариш ва жорий этиш замон талабидир.

Ўзбекистоннинг ХМИ билан кенг кўламда ҳамкорлик истиқболлари давлатларни ва айрим давлатни қамраб олган ҳолда кўп самара бериши шубҳасиз. Агар Ўзбекистоннинг кўпгина мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий ва гуманитар мақсаддаги алоқаларини, ҳамкорликдаги ўзаро манфаатдорлиқни, бой минерал ва хомашё ресурсларини, яхши табиий-иклим шароитларини, юқори таълим ва илмий-техникавий салоҳияти, унинг инфратузилмаси ва ахборот имкониятлари жадал ривожланишини ҳисобга олсак бунга амин бўламиз.

Ўзбекистон ХМИлар умуман республика мустақиллиги эълон қилинган биринчи йилданок ҳамкорлик қиладилар. Агар ҳамкорлик ва шериклик, шунингдек стратегик шериклик моҳияти очиб берилса, унда мамлакатимиз қайси йўналишдан бораётганлиги аён бўлади.

1992 йил сентябр ойдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Жаҳон банкнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг "Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро тараққиёт ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентликда Ўзбекистон Республикасининг аъзолиги тўғрисида"ги қонуни кучга кирди. Ҳозир Тошкентда Жаҳон банкнинг ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

1993 йил 23 майда Ўзбекистон Республикаси томонидан ОТБга аъзо бўлиб кириш учун расмий ариза берилади, унга кўра 1993 йил 6 августда ОТБ бошқарув кенгаши ЎЗРни банкка аъзоликка қабул қилиш ҳақида резолюция (266) қабул қилди.

1995 йил 29 июнда ЎзР Президентининг «Ўзбекистоннинг Осиё Тараққиёт Банки»га аъзо бўлиб кириши тўғрисида»ги Фармони (ПФ №1199) чиқди.

Республикаимиз жаҳонда йирик молиявий ташкилотларидан бири бўлган Осиё тараққиёт банкига 1995 йилда минтақада ўн бешинчи, аъзо мамлакатлар ичида йигирма иккинчи йирик акциядор сифатида аъзо бўлиб кирди. ОТБ акциядор капиталига аъзолик бадалларини тўлаш жадвалига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси учун 23834 акция ажратилган. Шулардан 1431 акция тўловли (битта акциянинг қиймати — 12063,5 АҚШ долларига тенг) бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон ОТБнинг 23 834 та акциясига (0,67%) ва 37 066 та овозга (0,84%) эга. 1997 йилдан бундан Тошкентда ОТБ ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ОТБнинг минтақавий аъзолари орасида 15— йирик акционер ва 14 — йирик кредитор ҳисобланади.


Ўзбекистоннинг ИТБ билан ҳамкорлиги. Ўзбекистон Ислоҳ Тараққиёт банкига 2003 йил 3 сентябрда аъзо бўлиб кирган. Ушбу банк томонидан мамлакатимизда қатор лойиҳаларни молиялаштириш амалга оширилди, жумладан, минтақавий тез тиббий ёрдам марказларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш, электр энергияси узатиш тармоқларини қуриш, кичик ва хусусий бизнес учун молиялаштириш линиялари, колледжлар ва умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш, давлат молиясини бошқариш ислоҳотларини ўтказишга кўмаклашиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси билан Ислоҳ тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари 1992 йилда, Банк Ўзбекистон мусулмонлари идорасига умумий ҳисобда 1,4 миллион АҚШ долларига тенг бир қатор лойиҳалар (Ал-Бухорий олий даргоҳи учун ётоқхона ва Тошкент шаҳрида госпитал қуриш, Бухородаги Мир Араб мадрасасини

қайта таъмирлаш, араб тили ўрганишни қўллаб қувватлаш) ни молиялаштириш бўйича грантлар ажратишга розилигини билдириши билан бошланган.

9.3 Халқаро ташкилотлар ва банкларнинг кредит линиялари.

Бугунги кунга қадар Жаҳон банки Ўзбекистон билан 28 проектни молиялаштириш мажбуриятини олган. Мазкур лойиҳалар ХТГБ ва ХТА томонидан амалга оширилади ва 30 грант техник ёрдам дастури асосида амалга оширилади. Шундан 16 та лойиҳа ва 28 та грант лойиҳалар тугатилган. 2014 йил март ойи ҳолатига банкнинг мажбурияти глобал экология фонди грант лойиҳаси билан бирга 1,040 млрд. АҚШ долларини ташкил этади (1-расмга қarang).



1- расм. 2008-2013 йилларда Жаҳон банки йиллик мажбуриятлар портфели, млн. АҚШ доллари³⁸

Жаҳон банки мамлакатимизда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, ижобий ўзгаришларга эришиш учун ўз лойиҳаларини ҳукумат билан ҳамкорликда амалга оширмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар 4-жадвалда келтирилган.

Жаҳон банки мамлакатимизда соғлиқни сақлашнинг самарали тизимини шакллантириш ва тиббий маҳсулотларнинг мақбул нархларда етказиб бериш бўйича бир қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, жаҳон банки Ўзбекистоннинг барча туманлари бўйича биринчи тиббий-санитар ёрдам сифатини яхшилашга кўмак бермоқда. Шунингдек, банк тиббиёт соҳасидаги мутахассисларнинг ўқитишни молиялаштириш, соғлиқни сақлашни молиялаштириш бўйича ўз маслаҳатларини бериб, соҳа ривожланишига яқиндан ёрдам бермоқда.

Жаҳон банки қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳасининг 2 фазаси доирасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни амалга оширишни қўллаб қувватламоқда. Банкнинг кредит линиялари янги ташкил этилган фермаларга тақдим этилмоқда. 95500 гектар ернинг ирригация ва дренаж тизимларини яхшилаш имконини берди. 415 та фермер хўжаликлари, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича паррандачилик, балиқчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини

³⁸ Жаҳон банки гуруҳи ҳисоботлари асосида тузилган.

ривожлантириш мақсадида зарур техника ва асбоб-ускуналарни олиш учун банкнинг 35 млн. АҚШ доллари ҳажмида кредитларга эга бўлишди.

1-жадвал

2013 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳалар³⁹

№	Лойиҳалар / молиялаштириш манбаси	Жаҳон банки мажбуриятлари млн. АҚШ доллари
1.	Қишлоқ хўжалик қорхоналарини қўлаб-қувватлаш, 2-фаза (Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА))	108,0
2.	Мактаб таълимини ривожлантириш, 2-фаза (ХРА)	28,0
3.	Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш (ХРА)	65,5
4.	Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида чиқинди сувлари оқизиладиган қувурлар тизимини ва тозалаш иншоотларини реконструкциялаш (ХРА)	55,0
5.	Саноат қорхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш (ХРА)	125,0
6.	Сирдарё вилоятида сув таъминотини яхшилаш (ХРА)	88,0
7.	Толимаржон ИЭСда 500 кВ очиқ тақсимловчи қурилма билан Толимаржон ИЭС – Сўғдиёна кичик станцияси (нимстанцияси) (узунлиги 218 км) 500 кВ кучланишли магистрал электр тармоқларни қуриш (ХТТБ)	110,0
8.	Соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш (Саломатлик-3) (ХРА)	186,0
9.	Электр энергияси истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлашган тизимини жорий қилиш (ХТТБ)	180,0
10.	Олот ва Қорақўл туманларида сув таъминотини яхшилаш (ХРА)	82,0
Грант маблағлари орқали молиялаштирилган лойиҳалар		
11.	Иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш (ГЭФ (Жаҳон банкнинг Глобал экология фонди лойиҳаси))	12,7
Жами мажбуриятлар		1040,2

Ўзбекистоннинг ғарбий қисмида қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи 2 млн.га яқин, Бухора ва Самарқанддаги 650 минг аҳоли ишочли ва хавфсиз сув таъминотига эга бўлишди. Бу эса, Орол бўйи минтақасидаги аҳоли ўртасида касалликларни тарқалиш даражасини камайтириш имконини берди. Шунингдек, Самарқанд, Бухоро ва Урганчда сув таъминотини яхшилаш лойиҳалари доирасида санитар-эпидемиологик станциялар ва вилоятлардаги саломатлилик марказлари, сув қувурлари салоҳияти янада кучайди.

Бюджет ҳисоботининг тўлиқлиги ва давомийлигини банк тавсияларига кўра такомиллаштирилиши давлат ресурсларидан фойдаланишда ички шаффофликни ошириш имконини берди. Шунингдек, 2011 йилда Ўзбекистон вазначилик тизимида молияни бошқаришнинг давлат ахборот тизими (МБДАТ)-2001 га асосланган бюджет таснифи қабул қилинди.

Жаҳон банки гуруҳи ва Ўзбекистон ўртасидаги 2012-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегияси 2011 йил декабрда тасдиқланган бўлиб, унда Жаҳон банки гуруҳининг Ўзбекистонга кўмаклашиш дастурларини ўзида

³⁹ Жаҳон банки гуруҳи ҳисоботлари асосида тузилган.

муҳассамлаштирган. Янги ҳамкорлик стратегияси 2050 йилгача мамлакатда ўрта даромадли аҳоли қатлами даражасини оширишга мўлжалланган концептуал ривожланиш йўналишларини камраб олади.

Мамлакат иқтисодиётини диверсификациялаш ҳукумат билан ҳамкорликда амалга ошириладиган лойиҳаларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Давлатнинг ўрта муддатли ривожланиш стратегиясининг асосий элементларидан бўлган ижтимоий интеграция, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, диверсификацияси, инфратузилма самарадорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни банк билан ҳамкорлик мамлакатимизнинг стратегияси қўллаб-қувватлайди.

Мамлакат билан жаҳон банкининг янги ҳамкорлик стратегияси бўйича молиялаштириладиган лойиҳалар 1,35 млрд. АҚШ долларлик қийматга эга бўлиб, қарийб 15 та янги лойиҳани ўз ичига олади.

Техник ёрдам (ТЁ) ўз ичига маслаҳатлар, халқаро тажриба ва экспертизани олади. Таҳлилий ва маслаҳат фаолияти Ўзбекистон ҳукумати ва соҳага қизиқувчи кўплаб томонлар билан ҳамкорликда амалга оширилади

Ўзбекистонда ОТБ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар 4 та муҳим соҳаларга йўналтирилган. Булар:

- кишлоқ хўжалиги;
- хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
- транспорт ва божхона транзити соҳаларида минтақавий ҳамкорлик;
- болаликни ҳимоя қилиш ва бошланғич таълимни егаллашга қаратилган ижтимоий хизматларни такомиллаштириш.

ОТБ раҳбарияти билан келишилган ҳолда 2009-2011 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қабул қилинган. Дастурда умумий ҳисобда 990 млн АҚШ доллари миқдоридagi 14 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Шундан 470 млн АҚШ доллари узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ҳисобланади.

2009 йилнинг 2-5 май кунлари Бали (Индонезия) шаҳрида ўтказилган ОТБ Бошқарувчилари Кенгашининг 42-йиғилишида, Кенгашнинг 43-йиғилишини 2010 йил 1-4 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилинди. Бу ОТБнинг Марказий Осиё ва Кавказ минтақасидаги дастлабки Йиллик йиғилиши бўлди.

ОТБ ва Ўзбекистон ўртасида истиқболда айни вақтда 2 та стратегик иқтисодий бизнес ҳамкорлик дастури қабул қилинган.

1. 2012-2014 йилларда амалга ошириладиган бизнес лойиҳаларнинг дастури (2012 йил ноябрь)

2. 2012-2016 йилларга мўлжалланган ОТБ ва Ўзбекистоннинг ҳамкорлик стратегияси (2012 йил август)

Мазкур истиқболли ҳамкорлик стратегияларида миллий иқтисодиёт ва инфратузилманинг барқарор ўсишини таъминлаш, мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини ошириш, хорижий давлатлар билан транспорт ва савдо алоқаларини кучайтириш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш ҳисобига кўмирдан фойдаланишни камайтириш ва экологик муҳитни яхшилаш, мамлакатда қуёш энергиясидан фойдаланишни кенгайтириш, жинсий тенгликни таъминлаган ҳолда хусусий молиявий секторни ривожлантириш ҳисобланади.

ОТБ 1995 йилдан 2013 йилга қадар Ўзбекистонга 53 талойиҳа учун умумий суммаси 4,06 млрд бўлган лойиҳалар тасдиқлаиб, 1,5 млрд. доллардан ортиқ кредитлар ажратди.

1995-2013 йилларда ОТБнинг Ўзбекистон лойиҳалари учун ажратаётган кредитларининг тармоқ таркиби⁴⁰

Тармоқлар таркиби	Лойиҳалар сони	Кредитлар ҳажми, м.лн. долл.	Жамига нисбатан фонда
Қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар	10	565,4	13,9
Таълим	8	290,5	7,2
Энергетика	7	780	19,2
Молия	3	120	3,0
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя	1	40	1,0
Савоат ва савдо	2	175	4,3
Давлат секторини бошқариш	1	20,7	0,5
Транспорт ва алоқа	10	1 170,30	28,8
Сув таъминоти, бошқа коммунал хизматлар ва маҳаллий инфратузилма	9	498	12,3
Кўп секторли қарзлар	2	400	9,9
Жами	53	4059,9	100,0
Жами ўзлаштирилган маблағлар	1 550,8 млн. АҚШ доллари		

Шунингдек, ушбу даврда ОТБ Ўзбекистонга 54,9 млн. доллар миқдорига техник ёрдам кўрсатди. ОТБ томонидан берилаётган молиявий ёрдамларнинг сезиларли қисми ижтимоий соҳаларни ислоҳ этишни молиялаштиришга йўналтирилмоқда (2-жадвалга қarang).

2003-2012 йилларда ИТБнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик натижалари⁴¹

Ҳамкорлик йўналишлари	Ҳамкорлик лойиҳалари сони	Ислом дивори	АҚШ доллари
Лойиҳаларни молиялаштириш	29	574,6	883,3
Техник ёрдам	5	0,8	1,1
Савдони молиялаштириш	2	4,0	6,1
Махсус ёрдам операциялари	7	1,4	1,9
Жами грантлар	43	580,8	892,4

Ўзбекистоннинг Ислом Тараққиёт банки томонидан 2003 - 2012 йиллар мобайнида умумий қиймати 883,3 млн. долларга тенг 29 та лойиҳани молиялаштирган, 1,1 млн. АҚШ долларига тенг 5 та техник ёрдам кўрсатган, 6,1 млн АҚШ долларига тенг 2 та савдони молиялаштириш лойиҳасига қатнашган, 1,9 млн. АҚШ доллари миқдорига 7 махсус ёрдам операцияларини амалга оширган. Умуман олганда, банк томонидан умумий қиймати 892,4 млн АҚШ долларигача 43 та молиявий хизматлар кўрсатилган (3-жадвалга қarang).

2006 йилда Ислом тараққиёт банки миссиясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида ИТБ ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида 2007-2009 йиллардаги уч йиллик ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида Меморандум

⁴⁰ <http://www.adb.org/publications/uzbekistan-fact-sheet/ref-countries/uzbekistan/publications>

⁴¹ Ислом тараққиёт банки ҳисоботлари ва маълумотлари асосида ҳисобланган.

имзоланди. Шу билан биргаликда ИТБ бошқарувчилар кенгашининг 29 йиллик йнгилиши доирасида Ўзбекистон Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорациясига аъзо бўлиб кирди. Ушбу корпорация хусусий секторни молиялаштиришда фаол иштирок этмоқда, шунингдек, корхоналарни қайта куриш ва хусусийлаштириш дастурларини амалга оширишда давлат ва хусусий секторга маслаҳат хизматларини кўрсатиб келмоқда.

1998 йил Ислон тараққиёт банки Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиш академиясига асбоб ускуна ва консултив хизматлар хариди учун 293 АҚШ доллари миқдоридан грант ажратишни маъқуллади.

2000 йилда Ислон тараққиёт банки Имом Ал-Бухорий мемориал комплексига қаршли Дар Ал-Ҳадис мадрасаси курилишини яқунлашга 255 минг АҚШ доллари миқдоридан грант ажратишни маъқуллади.

Ўзбекистон Республикаси делегацияси Алмати шаҳрида бўлиб ўтаётган ва ҳар йил ўтказиладиган Ислон тараққиёт банки Гуруҳининг 28 йнгилишида қатнашди. Йнгилиш асносида Ислон тараққиёт банки раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикасини Ислон тараққиёт банкнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида қабул қилишга қарор қилинди.

Ҳамкорликнинг дастлабки босқичида мазкур дастурга тез ёрдам минтақавий марказларини ускуналар билан таъминлаш, электр энергия узатиш ҳамда кичик ва хусусий бизнесни молиялаштириш тармоқларини куриш, касб ҳунар коллежлари ва ўртамаҳсус мактабларни куриш ва таъминлаш, давлат молиявий бошқаруви ислохотларини олиб боришда кўмаклашиш каби соҳалардаги лойиҳалар киритилди.

Ислон тараққиёт банки билан ҳамкорлик аҳамиятини англаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан 2004 йил 10 февралда 65 сонли “Ислон тараққиёт банки билан ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарор қабул қилинди. Мазкур Қарорга 2004-2007 йилларда Ислон тараққиёт банки билан Ҳамкорлик дастури киритилди.

Шунингдек, Ислон тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг ҳар йили ўтказиладиган 29–йнгилиши доирасида Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорациясига Ўзбекистон қабул қилинди. Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорацияси хусусий секторни молиялаштиришда фаол қатнашади, давлат ва хусусий секторга уюшмаларни хусусийлаштириш ва қайта тузиш бўйича маслаҳат кўмагини кўрсатади.

Ҳозирда Ислон тараққиёт банки Ўзбекистоннинг шериклари –халқаро молиявий институтлар орасида йетакчи ўринлардан бирини сгаллаб, мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Ислон тараққиёт банкига қисқа вақт оралиғидаги аъзолиги мобайнида, Банк билан молиявий ва техник ҳамкорлик барқарор ривожланиб, ижобий истиқболларга ега бўлди.

Ўзбекистонга банк томонидан солиқни саклаш, таълим, ирригация ва мелнорация, энергетика, сув таъминоти, коммунал хўжалик, йўл инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнесни кўллаб қувватлаш каби соҳаларда 15 та лойиҳани амалга ошириш учун 463,8 миллион АҚШ доллари ажратилган.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, шунингдек, маъмуриятимиз мумкинки, Ислон тараққиёт банки мамлакатимизда нафақат давлат молиясини бошқариш соҳасида балки бутун иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ўзининг маблағларини ажратиш билан фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, мамлакатимиздаги бир қатор

инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда ҳам мазкур ташкилотнинг ўрни муҳимдир.

9.4 Республикамиз банкларининг халқаро рейтинг кўрсаткичлари ва уларни ошириш чоралари.

Президентнинг 5.02.2019 йилдаги «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори имзоланди.

2019 йил 1 мартдан бошлаб бизнес юритиш шарт-шароитлари либераллаштирилишини назарда tutувчи янги тартиб жорий этилади. Барча чора-тадбирлар 7 та соҳа бўйича гуруҳланган. «Doing Business» ҳисоботини тузиш чоғида бошқар қатори улар ҳам индикаторлар сифатида баҳоланади.

Давлат тузилмалари билан ҳамкорликда мамлакатдаги бизнес-жараёнларни анча соддалаштиришга доир 15 та кадам назарда тутилган (4-жадвал).

4-жадвал

Давлат тузилмалари билан ҳамкорликда мамлакатдаги бизнес-жараёнларни анча соддалаштириш чора-тадбирлари⁴²

Соҳа	2019 йил 1 мартдан бошлаб жорий этиладиган чора-тадбирлар
Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш	Банklar Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (ФАТФ) талабларидан келиб чиқиб, ариза берувчиларни масофадан туриб идентификация қилиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар мавжуд бўлганда таъсисчилари Ўзбекистон резидентлари ҳисобланган юридик шахсларга ва яққа тартибдаги тадбиркорларга уларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида банк ҳисобрақамларини масофадан туриб очипи мумкин
Қурилиш учун рухсатномалар олиш	Бир участкасида қурилиши тақиқланган ёки рухсат этилган объектлар турларининг тўлиқ рўйхатини мажбурий тарзда кўрсатиб, «E-LRO AUKSION» электрон савдо майдончасига аукцион орқали қўйилганда, ер участкаларидан мақсадли фойдаланиш тартиби бекор қилинади
	Қурилиш органларига архитектура-шахарсозлик кенгашларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш функциялари ушбу кенгашларда фақат тарихий ҳудудлар, шу жумладан, маданий мерос ёдгорликларини қўриқлаш ҳудудлари, шунингдек, давлат объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш функцияларини сақлаб қолган ҳолда ўтказилади
Электр таъминоти тизимига уланиш	«E-LRO AUKSION» электрон савдо майдончасида аукцион орқали реализация қилинган ер участкаларидаги қурилиш объекти фойдаланишга топширилганидан сўнг амалга ошириладиган топографик ва махсус суратта олишларни (зарур ҳолларда) янгилаш ишларининг қиймати ер участкаларини реализация қилишдан тушган маблағлар доирасида ер участкалари ва кўчмас мулк эгалари фаолиятига аралашмаган ёки тўсқинлик қилмаган ҳолда тўланади
	Қурилиши тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш далелатномаси кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома кўчирмаси билан бир вақтда берилади
Электр таъминоти тизимига уланиш	Истеъмолчиларни электр таъминотидан рухсатсиз узганлик учун иқтисодий санкциялар қўлланилади

⁴² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5.02.2019 йилдаги «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

<p>Мулкни рўйхатдан ўтказиш</p>	<p>Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва кадастр ҳисобини юритиш учун ариза экстерриториаллик принципи асосида берилиши мумкин</p> <p>Жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулк объектлари бўйича битим ва кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини олиш билан боғлиқ бўлган гувоҳномаларни нотариал тасдиқлаш учун мурожаат қилганда, нотариал идоралар мажбурий тартибда кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризани ва тегишли ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга ахборот-коммуникация тизимлари орқали бепул асосда юборadi</p> <p>Кўчмас мулк объектнинг кадастр йиғмажилди ва кадастр ҳужжатларини тайёрлаш учун электрон шаклда мурожаат қилиш ва тайёрлаш механизмини жорий этиш орқали қоғоз шаклида мурожаат қилиш ва кадастр йиғмажилдини бериш тўғрисидаги талаб бекор қилинади</p>
<p>Миноритар акциядорларни ҳимоя қилиш</p>	<p>Акциядорларга йирик битим ва аффилиланган шахслар билан қиймати жамият соф активлари миқдорининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил қилувчи битим тузиш натижасида жамиятга етказилган зарар учун кузатув кенгашининг манфаатдор аъзосини суд тартибида жавобгарликка тортиш ҳуқуқи берилadi</p> <p>Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият фаолияти юзасидан қайсибир масалада ҳелишувга эришилмаганлиги сабабли қарор қабул қилиш учун етарли овоз бўлмаганда, вужудга келган зиддиятли вазият суд тартибида ҳал қилинади</p> <p>Акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ёки инвестиция воситачилари орқали тўлаш механизми жорий этилади</p>
<p>Халқаро савдо</p>	<p>Товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни бериш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан бир қаторда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисининг ариза-декларацияси асосида, ариза топширилган вақтдан бошлаб бир иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда Савдо-саноат палатаси томонидан ҳам амалга оширилади</p>
<p>Контрактлар ижросини таъминлаш</p>	<p>Иқтисодий судда низоларни ҳал қилиш усули сифатида судгача мажлис ўтказиш имконини берувчи тартиб жорий этилади</p> <p>Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судларда, маъмурий ва иқтисодий судларда фуқаролар томонидан амалга оширилаётган барча тўловларни, шунингдек, давлат божини ҳисобга олиш ва тўлашнинг ягона электрон тизими жорий этилади</p>

Бундан ташқари, 1 мартдан бошлаб қуйидагилар бекор қилинади:

- давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр босилиши ёки ҳужжатларнинг муҳр билан тасдиқланишини талаб қилиш;

- қурилиш-монтаж ишларининг бошланиши ҳақида хабардор қилиш механизмини жорий этиш орқали уларни амалга ошириш учун рухсатнома олиш;

- оммавий офертани жорий этиш орқали қурилиш соҳасини назорат қилувчи ҳудудий инспекциялар томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва тўлиқлиги устидан назорат функцияларини бажариш юзасидан шартномалар тузиш.

2020 йил 1 январдан бошлаб эса Тошкентда эксперимент ўтказила бошлайди, унинг доирасида:

• шаҳарсозлик фаолияти объектини қуришни лойиҳалаштириш учун меъморий-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш ер участкасини «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида аукцион орқали реализация қилиш учун материаллар тайёрланаётганда амалга оширилади ва аукцион ғолибига бепул асосда берилади;

меъморий-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш бўйича ишларнинг қиймати маҳаллий бюджет маблағларидан, кейинчалик харажатларни ер участкасини «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида аукцион орқали реализация қилишдан келиб тушган маблағлардан қоплаш орқали тўланади.

Назорат саволлари:

1. Марказий банкнинг вазифаларига таъриф беринг.
2. Банк тизими нима?
3. Қандай банклар ваколатли банклар дейилади?
4. Ўзбекистон тижорат банкларида халқаро кредит линияларини амалга ошириш учун қандай лицензиялар берилади?
5. Валюта-кредит муносабатларининг аҳамияти?
6. Халқаро рейтинг кўрсаткичларининг турлари?
7. Кредит сиёсати ва кредит портфелининг фарқини айтинг.

Тест саволлари:

1. АҚШда кредитга лаёқатлилиқни аниқлашда «С» Лар усули нечта меъзонга асосланади?

- а) 7
- в) 6
- с) 4
- *д) 5

2. Ортиқча ликвидлик рисқи бу

- а) Ликвид маблағларнинг кўпайиши рисқи
- *в) Ликвид маблағларнинг ортиқча аккумуляция қилиниши натижасида даромаднинг бир қисмидан кечиш рисқи

с) Активларга нисбатан пассивларнинг ортиши рисқи

д) Барча жавоблар тўғри

3. Марказий банк томонидан тижорат банклари учун ўрнатилган “Бир қарздор ёки ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси?

- а) Банк регулятив капиталининг 15 фоизи;
- *в) Банк 1-даражали капиталининг 25 фоизи;
- с) Банк 1 даражали капиталининг 10 фоизи
- д) Банк регулятив капиталининг 5 фоизи

4. Банклар томонидан миждарга берилган кредитлар рисқи даражаси қанча?

- а) 0 фоиз
- в) 50 фоиз
- *с) 100 фоиз
- д) 20 фоиз

5. Йирик кредитлар деб қандай қандай кредитга айтылади?

- *а) Регулятив капиталнинг 10% ортиқ
- в) Регулятив капиталнинг 50% ортиқ
- с) Регулятив капиталнинг 25% ортиқ
- д) Ҳамма жавоблар нотўғри

6. Йирик кредитларга қўйилган чекловлар

- а) Регулятив капиталнинг 6 баробари
- *в) Регулятив капиталнинг 8 баробари
- с) Регулятив капиталнинг 10 баробари
- д) Ҳамма жавоблар нотўғри

7. Левераж коэффициентини нима?

- а) Банк капиталининг рискли активларга нисбати
- *в) Активларнинг капитал билан таъминланганлиги банк капиталининг активларга нисбати

с) Активларнинг мажбуриятларга нисбати

д) Ҳамма жавоблар нотўғри

8. Жорий ликвидлилик коэффициенти Республикаимиз банклари учун қандай ўрнатилган?

- а) 25%
- *в) 30 %
- с) 35%

д) Ҳамма жавоблар нотўғри

9. Тижорат банкларида кредитга ласқатлиликни аниқлаш кўрсаткичлари нечта?

- а) 4
- *в) 3
- с) 2
- д) 5

10. Республика ҳукумати қарорларида белгиланган аниқ мақсадлар учун бериладиган қайта молиялаш кредитлари қандай муддатларга берилиши лозим?

а) Марказий банк томонидан бир йилдан уч йилгача бўлган муддатга берилади.

*в) ҳукуматнинг қарорларида белгиланган муддатларга, қарорларда белгиланмаган тақдирда 3 ойгача бўлган муддатга берилади.

с) кредит қайси банк томонидан берилишидан қатъий назар 1 йилгача бўлган муддатга берилади.

д) Марказий банк ва молиялаштирувчи банк ўртасида имзоланган келишувга асосан 5 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Инфляция	Инфляция	Inflation	бу товар муомаласига нисбатан қوغуз пул массасининг ортқиқалигидир.
Монетар сисёт	Монетарная политика	Monetary policy	бу-Махроиктисодий шароитларга таъсир кўрсатиш учун давлат томонидан ишлатиладиган инструмент.
Депозит –	Депозит	Deposit	лотинча сўздан олинган бўлиб, лугавий маъноси-сақлаш учун топширилган бутом маъносини билдиради. Иқтисодиётда эса миъознинг ўз маблагини вақтинча фойдаланиш учун банкга топшириш натиъасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатни тушунилади.
Банкнинг актив операциялари	Активные операции банка	The active operations of the bank	банкларнинг келажакда даромад олиш мақсадида жамланган кредит маблагларини кредитларга ва инвестицияларга жойлаштирилиши ва бошқа мақсадли операцияларидир.
Тижорат банкларининг кредит сисёти	Кредитная политика коммерческого банка	The credit policy of the commercial bank	бу банкларнинг кредит рискларини камайтириш ва кредит операцияларининг даромадлилигини кўпайтириш мақсадида амалга оширадиган комплекс тадбирлари маъмуасидир.
Банк ликвидлиги	Ликвидность банка	Bank Liquidity	банклар маъбуриятларини ўз вақтида қайтара олиш қобилияти ёки пассивлардаги маъбуриятларни қайтариш учун активларни пулга айланиш қобилиятидир.
Маъбурий захиралар сисёти	Политика обязательных резервов	The policy of mandatory reserves	тижорат банклари жалб қилган маблагларидан маълум бир қисмини Марказий банкнинг захира фондига ўтказилишидир. 2009 йилда банк тизимини ислох қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли Қарорига асосан пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ва тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб табақалаштирилган маъбурий захиралар нормаси жорий этилди.

Банк кредити	Банковский кредит	Bank loan	банклар пулини унинг соҳибларига фойз тўлаш шарти билан ўз қўлида жамлайдилар ва ўз номидан қарзга бериб, фойз олишдир.
Валюта бозорлари	Валютный рынок	Currency market	бу талаб ва таклиф асосида турли хил валюталар олди-сотди қилинадиган расмий марказлардир. Валюта бозори-хорижий валюталар ёки хорижий валютадаги тўлов ҳужжатлари бўйича операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг алоҳида соҳасидир.
Валюта операциялари	Валютные операции	Currency operations	чет эл валюталари ва валютавий қимматликларга мулк ҳуқуқини алмашиниши билан боғлиқ операциялари.
Кредит экпанцияси	Кредитная экпанция	Credit expansion	мамлакатнинг ссуда капиталлари бозорида фойз ставкаларининг пасайиши натижасида кредит олувчиларнинг қўшайиши ва бунинг оқибатида, кредит қўйилмалари ҳажмининг кескин кўпайишидир.
Тўлов баланси	Платежный баланс	Payment balance	мамлакатнинг хорижий давлатлар билан бўладиган алоқалари натижасида юзага келадиган валюта тушумлари ва тўловларининг ҳақиқатдаги суммаси акс эттирилади. Актив тўлов баланси - тўлов балансида тушумлар суммаси тўловлар суммасидан ортқ бўлади.
Фойз ставкаси	Процентная ставка	Interest rate	қарздор кишининг олган қарзи учун пул эгасига тўлайдиган тўловидир.
Банк активлари	Банковские активы	Bank assets	банк балансининг актив қисмида жойлашган моддаларининг сифат нуқтаи назаридан унинг умумий миқдоридаги улushi тушунилади.
Умумий заҳиралар	Общие резервы	General reserves	бундай заҳиралар кредит портфели учун ташкил этилади. Умумий заҳиралар кредит портфелига хос бўлган яширин таваккачликдан химоя қилиш мақсадида ташкил этилади. Улар одатда ссуда бўйича қарздорлик суммасига нисбатан фойзда белгиланади.
Траст операциялари	Трастовые операции	Trust business	банк миқоз топшириги билан маълум мулкни, пул, қимматли қозғозлар кўринишида сақлаш, ўтказиш ва бўшқаришни ўз зиммасига олади.
Банклараро кредит	Межбанковский кредит	The interbank loan	бошқа тижорат банкларидан олинган кредит.

Бозор рисқи	Рыночные рисқи	Market risks	қимматли қозғалар нархини ўзгариши натижасида юзага келадиган риск мажмуи.
Умумий усуллар	Общие методы	Obschye methods	банк рискларинг миқдорини уни даромадларига боғлиқ равишда баҳолаш ва башорат қилиш ҳамда банк ликвидлигига нисбатан белгиланган яқтисодий нормативларни бажариш киради.
Хусусий усуллар	Частные методы	Private methods	ҳар бир банк операцияси бўйича риск аниқлаш ва баҳолаш усуллари киради.
Тўловга лаёқатлилиқ	Платежеспособность	Solvency	банк зарур муддатларда кредит-омонатчилар, банклар давлат олдидаги мажбуриятларини тўла суммада бажара олиш лаёқатини билдиради.
Ликвидлилиқ	Ликвидность	Liquidity	активларни пул маблағларига айлантиришнинг асосан амалга оширилишини, яъни банкнинг Марказий банк ёки вакил банклардаги нақд пул маблағларидан фойдаланиш ликвид активларни сотиш имконияти ва ҳоказоларни англатади.
Жорий ликвидлилиқ	Текущая ликвидность	Current liquidity	ликвид шаклдаги баланс активлари банкнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган ва муддати 30 кунгача бўлган ҳисобварақлар бўйича мажбуриятлари суммаси ўртасидаги нисбатни тавсифлайди.
Риск	Риск	Risk	бу режалаштирилган вариантга нисбатан даромад ола олмаслик ёки зарар кўриш эҳтимоли.
Ноаниқлик	Неопределенность	Uncertainty	мўлжалланган лойиҳаларни, фаолиятни амалга ошириш шартлари ҳақида ҳамда улар билан боғлиқ бўлган харажатлар ва олинган натижадаги мавҳумийликдир.
Иқтисодий риск	Экономический риск	Economic risk	умуман йирик тизим ва унинг таркиби ривожланишида ишлаб чиқариш шаклларининг оқилона уйғунлашувини тандашда юзага келадиган рисклар мажмуи.
Ижтимоий-сиёсий риск	Общественно-политический риск	Socio-political risk	умуман йирик тизим ва унинг таркиби ривожланишида, шу жумладан, давлатнинг нархни шакллантириш сиёсатиға, шунингдек мулк ва интеллектуал бойлик жамғармаларининг манбаларини аҳолининг барча гуруҳини умумий тавсифдаги рисклардан ижтимоий ҳимояни таъминлашга; даромадларнинг адолатли тақсимланишига; ишсизликни кискартиришга; таклиф ёки талабининг

			жисмоний ҳажмларини нарх ва бошқалар орқали тартибга солишга сафарбар этиш ва жамлаш бўйича масалаларни ечишга аралашувида юзага келадиган рисклар мажмуи тушунилади.
Фискал-монетар риск	Фискал-монетар риск	The spy-risk moneyer	давлат ўтказиб берилган молиявий ва бюджет сиёсати ёрдамида, нархлар даражасини барқарорлаштириш ва оптимал солиқ меъёрларини, пул массасининг таъминоти ва конъюнктурасини тартибга солиш бўйича Марказий банкнинг самарали аралашуви ва бошқалар орқали йирик, мураккаб тизимлар барқарорлиги ва иқтисодий ўсишини таъминлаш бўйича масалаларни ечишда юзага келадиган рисклар мажмуасидан иборат.
БЕРИ индекси	Индекс БЕРИ	Index BERI	мамлакат иқтисодий рисклари ҳажмини белгиловчи кўрсаткич.
Макро даражадаги иқтисодий риск	Макроэкономический риск	Macroeconomic risk	ташқи ва ички, олдиндан айтиб бўладиган ва айтиб бўлмайдиган мамлакат миқёсида юзага келувчи рисклар мажмуи ҳисобланади.
Мезо даражадаги иқтисодий риск	Риск на мезо уровне	Risk at the meso level	саноат, аграр ва хизмат кўрсатиш соҳаси юзага келиши мумкин бўлган рисклар мажмуи.
Микро даражадаги иқтисодий риск	Риск на микроэкономическом уровне	The risk at the macro level	саноат, фирманинг хўжалик фаолияти — тадбиркорлик ва инвестициялаш жараёнида юзага келувчи рисклар.
Банк rischi	Банковские rischi	Banking risks	Марказий банк ва тижорат банклари фаолиятида молия бозоридаги иқтисодий конъюктуранинг ўзгариши натижасида юзага келадиган зарар кўриш ҳавфи тушунилади.
Кредит rischi	Кредитный риск	Credit risk	кредитларни қайтмаслиги натижасида зарар кўриш ҳавфидир.
Фоиз rischi	Процентный риск	Interest rate risk	фоиз ставкаларини тебраниши натижасида зарар кўриш эҳтимолини билдиради.
Ликвидлик rischi	Риск ликвидности	Liquidity risk	Тижорат банкларининг ликвидлигини пасайиши билан боғлиқ рисклардир.
Трансформация rischi	Трансформационный риск	Transformational risk	банклар томонидан берилган кредитлар билан уларнинг манбаларининг муддати ўртасидаги номунофиқликнинг юзага келиши тушунилади.
Валюта rischi	Валютный риск	Currency risk	валюта курсларининг тебраниши натижасида банкларнинг зарар кўриш ҳавфи тушунилади.

Ҳисоб-китоб риски	Расчетный риск	Settlement risk	ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида валюта курсларининг ўзгариши фойз ставкаларининг ўзгариши билан боғлиқ.
Кредит сиёсати	Кредитная политика	Credit policy	кредит операцияларини амалга оширишда банкларнинг тутадиган стратегия ва тактикасидир.
Ретроспектив риск	Ретроспектив ый риск	Retrospective risk	банк фаолиятининг ўтган даврдаги турли рискларга боғлиқлигини ва жорий ва истиқболдаги рискларни баҳолаш имконини берувчи рисклар мажмуи.
Кредитлаш стратегияси	Стратегия кредитования	lending Strategy	кредит сиёсати борасида ёрон ёр банкнинг молия бозоридаги мазмуни, мақсади ва аниқ тамониларга кредит муносабатлари ҳисобланади.
Кредит пакети	Пакет кредитования	Loan Package	кредитлаш жараёни учун зарур бўлган хужжатлар мажмуаси тушунилади.
Кредитга лаёқатлилиқ	Кредитоспособ ность	Creditworthiness	мижознинг банк ва банк кредиторлар олдида турган мажбуриятлари ни ўз вақтида қайтиришига тайёрлиги ва қодирлигидир.
Риск коэффициенти	Коэффициент риска	Risk factor	мумкин бўлган йўқотишларнинг максимал суммасини ўз маблағлари нисбатини ифодалайди.
Рисксиз зона	Безрисковая зона	Risk-free zone	йўқотишлар даражаси "0" га тенг бўлган зонасидир.
Кредитни таъминлаш билан боғлиқ риск	Риски связанные с обеспечением кредита	The risks associated with the loan provision	бу рискни алоҳида алоҳида кўриб бўлмайди. Бу кредитни қайтармасли орқали пайдо бўлган риск билан биргаликда ўрганилади. Бу риск турини кредит учун қўйилган гаровни сотишдан тушган маблағ ажратилган кредитни қоплаш учун етарли эмаслиги билан боғлиқдир, натижада банк ўз талабини тўлиқ қондира олмайди.
Фойдалилик- риск	Риск полезности	Utility risk	банк ходими ўзини ортиқча рисклардан сақлаган ҳолда фойда меъёрини чеклашидир.
Таъминланма ган кредитлар	Необеспечен ые кредиты	Unsecured loans	бирор бир таъминотсиз берилган кредитлар.
Сугурталаш	Страхование	Insurance	банкнинг амалга ошираётган операцияларида юзага келиши мумкин бўлган рискларни маълум бир сугурта бадали асосида сугурта компаниялари томонидан қўрилган зарарни қоплаб бериш шартномасини тузиш.
Гаров	Залог	Collateral	кўчмас ва кўчар мулкларни кредит таъминоти сифатида қўйилиши.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2018
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Т. Адолат 1998
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. // Халқ сўзи, - 1999 йил 12 январь.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвесторларга кафолатлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни. // Хўжалик ва ҳуқуқ, Июнь, 1996 йил.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. // Хўжалик ва ҳуқуқ, - 1998 йил.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни Т.: “Ўзбекистон”2003.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. / Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: “Адолат”, 2017. -108 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5296-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3620-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 29 декабрь 2018 йил.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 23 декабрь 2017 йил.
15. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.//Халқ сўзи. 14.01.2017 й.
16. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамуз” нутқи. Халқ сўзи. 2016 йил 15 декабрь, №248 .
17. Gali, Jordi. Monetary Policy, Inflation, and the Business Cycle: An Introduction to the New Keynesian. Framework. Princeton, NJ: Princeton University Press, 2008.
18. Kenneth Spong. Banking regulation. Its Purposes, Implementation and Effects. Fifth Edition. Federal Reserve Bank of Kansas City. 2000. -281 p.
19. Shelagh Heffernan. Modern banking.– London, John Wiley & Sons, Ltd. 2005.- 716 p.
20. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. - Т.:Иқтисод-молия, 2017.
21. Булатов А. Мировая экономика.-М.:Юрист, 1999.-с.208

22. Е. Жуков. Банки и банковские операции. - М.: ЮНИТИ, 1997. - с. 410
23. Красавина Л.Н. "Международные валютно-кредитные и финансовые отношения" Москва "ФИС" 2001г. с 564.
24. Лаврушин О.И., Банковский менеджмент. Учебник. – М.: КНОРУС, 2010. – 560 стр.
25. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник / под ред. Л.Н. Красавиной - М.: Финансы и статистика, 2006 г. – С. 540
26. Мовсесян А.Г., Огнивцев С.Б. Международные валютно-кредитные отношения. Учебник – М.: Инфра, 2005 г. – С. 135
27. Н.В. Самодурова. Всемирный банк: кредитование экономики. Москва. «Финансы и статистика». 2003г. 24 стр.
28. С.Р. Монсеев. Международные валютно-кредитные отношения. Учебное пособие. Москва. «Дело и Сервис». 2003. 562 стр.
29. Хорижий мамлакатларда банк иши. Э.Т. Қодиров., Ж.К. Мажидов. Ўқув қўлланма/ Т. 2016. 184 бет.
30. European Central Bank Report 2007. –Fr/M., 2008.
31. Bankers Almanac: World Ranking / RBI. 2004.
32. The World Bank Annual Report 2002. – Washington, 2002. –P. 47.
33. The IMF Annual Report 2002. – Washington, 2002. –P. 84.
34. "The Impact of Bank-specific Factors on the Commercial Banks Liquidity: Empirical Evidence from CEE Countries" by Angela Roma "Procedia Economics and Finance" 2015
35. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
36. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
37. www.economist.com
38. www.bank.ru
39. www.cbu.uz
40. www.lex.uz
41. www.ziynet.uz
42. www.finance.uz
43. www.ereport.ru - Обзорная информация по мировой экономике

И. Тоймухамедов

ХАЛҚАРО БАНК ИШИ

Ўқув қўлланма

“IQTISODIYOT” – 2019.

Муҳаррир:
Мирҳидоятова Д.М.

Мусахҳиҳ:
Матхўжаев А.О.

Лицензия: №10-4286 14.02.2019 й. Босишга рухсат этилди 01.10.2019. Қогоз бичими
60x84 1/16. Times гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 11,0.
Адади 20 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ZARAFSHON FOTO” ХКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.
100066. Тошкент шаҳри Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй.